



ЭЛ ДЕСА НАВОЙНИ

Ҳазрат Мир Алишер Навойй
ҳақида ривоятлар)

ХАЛҚ РИВОЯТЛАРИ



Тошкент «ЧУЛПОН» 1991



Рассом Л. ИБРОҲИМОВ

*Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи
филология фанлари номзоди МАМАТҚУЛ ЖУРАЕВ*

Муҳаррир ЧОРИ АВАЗ

Қадрли болалар!

Унбу мажмууга жаҳон шеърятини султони, туркий тилимизда ғилаб улуғ ва умри бокий асарлар ёзган бобомиз ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақида халқ яратган ривоятларни жамладик. Бу китоб аллома бобомиз ғаваллудининг 550 йиллигига тўёна-сифатида тайёрланди.

82.3Уз

Э45

Эл деса Навоийни...: (Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақида ривоятлар) // Тўпл. ва нашр. тайёрловчи М. Жўраев//; Рассом Л. Ибрагимов.—Т.: Чўлпон, 1991:—160 б.

Навои устами народа (предания, сказы и были про Алишера Навои).

ББК 82. 3Уз+83. 3Уз

T 4803620900—13 20—19
T 360(61)—91

ISBN 5-8250 0242-1

© Маматқул Жўрасев, 1991

Алишер билан бурабул



Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақидағы ўзбек халқ ривоятлари

АЛИШЕР БИЛАН БУЛБУЛ

Илгари замонда Ғиёсиддин киңкіна деган кишининг Алишер исмли ўғли бўлган экан. У ёшлигидан уддабурро, зийрак бўлиб ўсибди. Тўққиз ёшга тўлганда эса шеърлар ёза бошлабди. Одамлар у ёзган шеърларни қулоқ бериб тинглайдиган бўлишибди. Лекин бола ўзига ҳали тахаллус танламаган экан.

Алишер бир куни янги шеърини ёзибди-да, уни боққа чиқиб баланд овоз билан ўқий бошлабди. Шу пайт боддаги теракка чирмашган қирқ оғайнининг шохида ўтирган булбул Алишернинг ёқимли овозини эшишиб қолибди. Ёш шоирнинг гоҳ қўнғироқдай жарангдор, гоҳ тоғ шамолидай майин овози булбулни ўзига мафтун этибди. Кушча дарҳол унинг елкасига қўниб: —Эй, хушовоз шоир, сен ўқиган шеърлар булбулларнинг эрта тоғдаги навосидан ҳам ёқимли экан. Номингни, билсан бўладими?— дебди.

— Алишер!— жавоб берибди бола.

— Билдим, билдим, янги чиққан шоир экансан-да. Энди ўзингга чиройли бир тахаллус танлаб, шеърларнингни охирига ўшани қўшиб кетгин.

Алишерга булбулнинг бояги «наво» деган сўзи ёқиб қолибди. Шундан кейин ёзган ғазалларининг тагига «Навоий» деб ёзиб қўядиган бўлибди.

БОШ ВА ҚИЛИЧ

Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро ёшлигидан жуда қалин дўст бўлганлар, мактабда ҳам бирга ўқиганлар. Уларнинг домласи foят ўткир зеҳнили киши экан.

У кини бир куни шогирдларининг зеҳнини, нимага қизиқишиларини билмоқчи бўлибди. Ҳар иккаласига бош ва қилич расмини чизиб берибди-да, шарҳ ёзиб келишини топширибди.

Алишер бош ва ажлни, доноликни таърифлаб ғазал

битиб келибди. Ҳусайн бўлса қиличга ҳамду санолар айтиб, жангу жадал ҳақида мадҳия ёзибди.

Домла шарҳларни ўқибди-да, осмонга қараб чарак-лаган қўёшни Алишерга, қора булутни эса Ҳусайн Мирзога кўрсатиб, Алишерга: «Офарин!»— дебди.

Ҳусайн Мирзога эса индамабди. Бундан ажабланган Ҳусайн Мирзо домла мени тақдирлашини унуди чоғи деб ўйлаб устозидан ўз «мукофотини» сўрабди. Домла шаҳзодага қараб: «Сизга водариғ» мукофоти ёзилган экан»,— дебди.

Алишер ўз мукофотининг мазмунига тушуниб боши кўкка етибди. Ҳусайн Мирзо бўлса «мукофот» сирини тушуна олмабди.

Бош ва қилич расмида: Бош ақл рамзи бўлиб, иносонларга хизмат қиласди. Қилич эса ақлга қарши туриб, бошга «водариғ» кулфатини солади дейилган экан.

БИР МАТЛАЪ ТАРИХИ

Алишер Самарқандда таҳсил кўраётган йиллари бир матлаъининг асири, мафтуни бўлди:

Кўкрагимдир субҳанинг пироҳанидин чокроқ.

Кипригим шабнам тўкилган сабзадин намнокроқ.

Алишерни ўзига асиру мафтун этган бу байтнинг соҳиби бир гадо эди. Гадо Самарқанд бозорида эртадан кечгача балавд, ширали овози билан шу байтни тақрорлар, уни қайта-қайта эшишиб, завқланувчи, садақа инъом этгувчи аҳли дард, аҳли фазл оз эмас эди. Навоий гадонинг ёқимли ижросида матлаъни қайта-қайта тинглар, йўл-йўлакай зам-зама қилиб, ҳужрага қайтганда ҳам қулогида жаранглаб, ҳатто кечалари унга уйқу бермас эди.

«Харидор бўлиб шу байтингизни менга сотинг десам, сотармикин?.. Балки сотар, балки сотмас!.. Қани, энди, сотса эди». Бу истак Навоийни тинч қўймади, гадо орқасидан эргашиб, харобасига боришга, қўлидан тутиб илтимос қилишга унлади:

— Отахон! Шу байтингизни менга сотинг! Ақчам кифоя қилмаса, тўнимни ҳам пуллаб берай, йўқ деманг!

Илтимосни эшиштан кекса гадо қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди, кейин бопини чайқаб, рад қилди:

— Қўрнишишингиздан қашшоқ муллабаччага ўхшайсиз! Шундоқми?

— Шундоқ.

— Ёдимга тушди! Ҳали ҳам ўша даъводан қайтмадингизми?

— Йўқ, ота! Ҳамон ўша ғазалинг асири, мафтуниман, ҳамон шайдойи харидориман!

Чол кулибди:

— Сотаман! Бироқ, олишга қурбингиз етса кошки эди.

— Балким етиб қолар...

— Жуда кексайиб қолдим, энди уни баланд овозда ўқишидан ожизман. Ҳақ сўзни айтганда, гадолик ҳам меъдамга тегди! Қурбингиз етса, яхши ҳовли-жойга, унинг яқинидан бир тегирмон ва бир эшакка эга қилингү байт сизники бўлсии, мен ўлгунимча ҳаққингизга дуо қилиб, қолган умримни тегирмончилик билан кечирай.

Алишер Навоий мамнуният билан: «Хўп!»— деди. Чолиниг айтгани бўлди, унга данғиллама ҳовли-жой, тегирмони ва бир эшак сотиб олиб берилди. Соҳиби но маълум бўлган шоҳ байт Навоийнинг зар харид мулки бўлиб қолди. Шундан кейин шоир унга дадил даст уриб мукаммал ғазал ҳолига келтирди:

*Қўқрагимдир субҳанинг пироҳанидин чокроқ,
Кипригим шабнам тўқилган сабзадин намнокроқ.*

*Бу кўнгил гамнокиндин то шодмон кўрдим сени,
Истарам ҳар дамки ўлғай хотирим гамнокроқ.*

*Лайли андин қўйди Мажнун кўнглида роҳат ғамин.
Ким, ийқ эрди манзил ул водийда андин бокроқ.*

*Ўала, мижгон ҳанжарига ёпишибдур дард аниг —
Ким, магар андин тиним ийқдир vale бебокроқ.*

*Одамийлик тупрогин берса фано елига чарх,
Оҳқим, ийқтутр киши аҳли фанодин хокроқ.*

*Неча ўқлонса Навоий кўнгли замин нок бўлур,
Кўрмадик, заҳмини тиккан сори бўлғай чокроқ.*

ТУРТ ДОНИШМАНД

Хусайн Бойқаро бир куни тарихни варақлаб ўтиrsa, у ерда шундай гап ёзилган экан: «Дунёга бир кунда иккى қиз ва иккى ўғил келади. Буларнииг бири—Султон Хусайн, бири хизматкориниг ўғли—Алишер, бири шаҳарлик

— Шундоқ бўлса, байтни сотиб олиш ишитидан кечинг, текинга олинг-да, ёдлаб, ўқиб юра беринг! Бунинг учун менинг томонимдан қандай монелик бўлиши мумкин?

— Шунинг учун сотиб олишим керакки, у чоғда сиз бу матлаъни куйлаб, тиланишдан маҳрум бўлурсиз.

Алишер Навоийдан бу даъвони эшитган гадо мийнгидага кулиб, тамагирона бош чайқади:

— Балки кучининг етмас, балки шуни шоҳликка ҳам алишмасан. Зероки, бу байт менга отамдан мерос, уни қирқ йилдан бери такрорлайман, шу йўл билан қорнимни тўйғазаман, бола-чақа боқаман!..

— Отангиз шонрмидилар?

— Шонр эмас, бөгбон эдилар, бу байтни баланд овозда куйлаб бояни парвариш қиласар эдилар.

— Фақат бир байтнинг ўзимиди ёки тўла, мукаммал газал эли-ю, сиз шу байтнигина ёдда қолдиргаимисиз?

— Йўқ! Отам ҳам шу бир байтни такрорлар эдилар.

— Қайси зотнинг асарлари эканини ҳам билмассиз?

— Афсус, ному тахаллусларидан хабарсизмэн. Отам ҳам билмаган бўлсалар керак!.. Алишер Навоий ғамгин сукутга чўмди, гадо сўзини давом эттирди:

— Сиз ёд олиб, ўқиб юришингиз учун менинг ризолигим кифоя қилмайдими?

— Сизнинг ризолигингизсиз ҳам ёд олиб, замзама қилиб юрибман, лекин мен учун бу кифоя эмас.—Шундай қилиб умиди узилган шонр бўшашиб ҳужрага қайтди.

Орадан бир неча йил ўтди. Ҳусайн Бойқаронинг таклифи билан Алишер Навоий Ҳиротга жўнаб кетди. Салтанатда бош вазирлик мартабасини эгаллади. Султон Ҳусайн Бойқаро давлат, салтанат султони мақомида бўлса, Алишер Навоий Шарққа «ғазал мулкининг султони» бўлиб танилди. Орадан ўн йилдан кўпроқ вақт ўтгандаи кейин Навоий давлат иши билан Самарқандга йўли тушиб, қадрдонларига меҳмон бўлди, бир сухбатда Алишер Навоий ўзини асиру мафтун қилган ўша байт билан унинг соҳиби —гадони эслади. Ҳамсухбатлар шонрга ўша гадонинг ниҳояти кексайиб қолганлиги, энди бозорма-бозор, растама-раста кезиб юролмай, бир ерда буқчайиб ўтирганча байтни пицирлаб айтиб тиланаётганидан дарак бердилар. Алишер Навоий эртаси кун гадони капиш бўсағасидан топиб, зиёрат қилиб, сўнг ўзини ташитди:

— Ёлигизда борми? Байтга харидор бўлган эдим, сиз рад қилган эдингиз.

тўплаб жанг-суронлар қилиб мақсадига эришибди. Юртга подшо бўлибди. Шаҳарнинг қоқ ўртасига боғ бино қилиб, унга борадиган кўчанинг номини «Боғ кўча» деб атабди. Уидан подшо ва аъёлларидан бошқа ҳеч кимнинг юринига ҳаққи йўқ экан. Кимда-ким бу кўчадан ўтиб қолса, посбонлар дарров тутиб, подшога олиб келарканлар.

Султон Ҳусайн «Мен юрган кўчадан юрибсан», деб уни гуноҳкор қилиб зинданга ташларкан. Бу орада ойдан-ой ўтиб, йилдан-йил ўтибди. Алишер ўқишини тугатиб, шонрларнинг шоирни бўлиб, Ҳиротга қайтибди. Ҳамма шоду хуррамлик билан уни қарши олибди. Аммо негадир дўсти Ҳусайн Бойқаро келмабди. «Келганимни әшиитмагандир, балки подшолик юмушлари кўпайиб кетгандир. Яхшиси, ўзим бориб кўриб кела қолай», — дебли-да, ёнига севган қизи Гулини олиб йўлга чиқибди. Икковлон гаплашиб кетаётуб, билмасдан «Боғ кўча»га кириб қолишибди. Бир пайт қоровул подшо кўчасида бемалол ҳеч нарсадан хабарсиз роҳат қилиб гаплашиб келаётган Алишер билан Гулини кўриб қолибди-ю, икковининг йўлини тўсибди. «Боғ кўчадан» нега юрдиларинг?»— деб дўқ-пўписа қила кетибди. Бундан ҳайрон бўлган Алишер Навоий:

— Ўз ихтиёрим билан юрдим. Нима, бу кўчадан юрин гуноҳми?— дебди.

— Бу ожиза-чи?— деб Гулини кўрсатибди қоровул,— Ү ҳам ўз ихтиёри билан юрдими «Боғ кўча»дан?

— Ҳа,— дебди шоир,— бу менинг севган маъшуқам, у ҳам ўз ихтиёри билан юрди.

— Бўлмаса зинданга ҳам ўз ихтиёргиз билан тушасанлар. Кейин бир умр у ерда чириб кетишларинг ҳам ўз ихтиёрларинг билан бўлади.

— Нега?— деб ҳайрои бўлибди Алишер Навоий,— ихтиёrimiz ўзимизда эмасми? Яъни, мен, масалан, қайси кўчадан юраман десам, ўшандан юра олмайманми? Бу адолатдан эмас, иним.

— Йўқ,— дебди посбон.— Сен ҳали анча ғўр экансан. Кўчанинг ихтиёри подшоҳи аълам, султону бокарам, шаҳаншоҳ Мирзо Ҳусайн Бойқарода. Билмасаңг билиб қўй. Бу кўчадан ҳеч кимнинг юришига, ҳатто қушнинг ҳам учиб ўтишига йўл қўйилмайди. Шундай экан, шу дақиқадан бошлаб сенинг ихтиёргиз ўзингда бўлмай зинданбанддадир.

— Оббо,— дебди Алишер Навоий ўзига ўзи,— нима қилиб қўйдим. Ёнимда Гулим бўлмаганда ҳам бошқа

қиз, бири қишлоқлик қиз. Тўртви ҳам дошишманд бўйладур».

Ҳусайн Бойқаро дарҳол хизматкорнинг ўғли Алишерини подшоликка келтириб, уни ўзига вазир қилиб олибди. Кейин Алишерга қараб:

— Энди иккевимиз шаҳарни томоша қилиб, бир кишини топамиз,—дебди.

Алишер билан Ҳусайн Бойқаро ҳар бир қизни кўрса, бири иккинчисини ура берибди. Бир вақт олдиларидан икки қиз чиққан экан, Алишер Ҳусайнни урибди. Шунда қизлар сўрабди:

— Бу одами нега урасиз?

— Бу одам ҳамиша қил деган ишни қиласди, шунинг учун ураман,— дебди.

— Э, қил деган ишни қилган кишини урадиларми?— дебди бири, ёнидагиси эса:

— Тўғри-да, қачонгacha айтиш керак, ақлли киши ҳар ишни ўзи билиб қиласвермайдими? — дебди. Подшо билан вазир дарҳол қизнинг кимлигини сўрабди:

— Менинг исмим Гули,— деб жавоб берибди қиз.

Ҳусайн Бойқаро Гулини саройга келтириб, унинг ҳурмати учун янги бир боғ яратиб берибди.

Энди иккинчи қизни сўроқлаб қишлоқма-қишлоқ кезибдилар. Кунлардан бирида бир чекка қишлоққа бориб қолибдилар. Шунда бир қиз учрабди. Алишер Навоий қизга қараб бир ғазал айтмоқчи бўлган экан, подшо нон билан қатиқ сўраб қолибди. Қиз қатиқни олиб келиб, нон олиб келмай тураверибди. Шунда Алишер:

— Қудо-қонунни билмас, сен нечук мезбонсан?— дебди. Шунда қиз:

— Борни билмай, йўқни билмай, сен нечук меҳмонсан? — деб жавоб қайтарибди.

Подшо сафаридан шод қайтиб, эртаси куни бу қизни ҳам саройга келтириб, Гулини Алишер Навоийга, қишлоқдан келган қизни ўзига атаб қўйибди.

«НАВОИЙ ҮТДИ ҚУЧАНГДАН»

Хирот юртининг султони Ҳусайн Бойқаронинг Мир Алишер Навоий деган ёшликтан бирга ўсган дўсти бўлиб, ораларидаи ҳатто қил ҳам ўтмас экан. Ҳусайн Бойқаро подшо бўлмоқ учун суворий тўплагани тоғу тошга чиқиб кетибди. Алишер шоирликни танлаб узоқ мамлакатга ўқишига кетибди. Султон Ҳусайн беҳисоб аскар

таг эди. Эди пособон билан ади-бали айтиб ўтиришнинг нақти эмас. Яхшиси подиоҳинг, Ҳусайн Бойқаронинг олдига олиб бор, дейман. Дўстим Ҳусайн кўриб таниб, зора гуноҳимиздан ўтса. Кейин овозини чиқариб:

— Ҳўп, ихтиёrimiz зинданбандда бўла қолсин! Аммо олдин бирров подиоҳинг олдига олиб бор,— дебди.

Пособон ноилож кўниб, Алишер Навоий билан Гулини Ҳусайн Мирзонинг олдига бошлабди. Султон қараса қаршисида ёшлигидан бирга ўсган қадрдан дўсти турган эмиш. Нима қилишини билмай ўйланиб қолибди. Алишер Навоий ичидা «Қани, дўстим нима дер экан?»— деб индамай тураверибди. Гули ҳам «подшо нима дер экану Алишер қандай жавоб қиларкин. Иккови гап талашиб қолмаса бўлгани»,— деб тилини тишлабди. Султон Ҳусайн: «Буни танимай, ёшликда бирга ўсган дўстим», деб қўйиб юборсан, амалдорларим олдида бебурд бўлиб қоламан. Танимайман, деб зинданбанд қилдирсан, ҳечам бўлмас. Алишер ранжиб қолса, бир умрга дўстлигимиз бузилади. Яхшиси, бунга бир савол берай. Тўғри жавоб қилиб, ҳаммани қойил қолдирса, танишлигимизни англатиб, бўшатиб юборай. Жавоб беролмаса ўзидан кўрсин,— дебди.

— Ҳой, мусофиirlар,— дебди Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоий билан Гулига қараб. «Боғ кўча»дан юриб, гуноҳкор бўлибсизлар. Мен сизларни зинданбанд қилишим керак. Лекин бир саволимга тўғри жавоб берсанглар, тупоҳларингдан ўтаман. Саволим шу: бир сўз дегилки, унда ўзинг билан аёлингни исми, нима сабабдан «Боғ кўча»га кирганинг англашилсан. Жавобинг менга ҳамда аъёнларимга маъқул бўлсин.

Шоир бир дақиқа ўйланиб турибди-да, оғзига келгаш ушбу байтни айтибди:

*Навоий ўтди кўчангдан пиёда ёри билан,
Киши балога қолурми ўз ихтиёри билан.
Боғбонни дўст дебон келдим «Қўча боғи» билан,
Афв этсалар кетгумдир Гули ёрим билан.*

Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийнинг топиб айтган сўзларидан хурсанд бўлибди. Ён-атрофига қараб аъёнларининг юз-кўзидан улар ҳам мамнун эканлигини англабди-ла. «Кечиринг, дўстим!»— деб ўзини унинг қучоғига отибли.

ДОНО «САВДОГАР»

Алишер Навоийнинг ёшлигига отаси ўлиб кетган экан. Отаси ўлгандан еўнг ўз шаҳрида туролмай, Самарқандга бориб, мадрасада ўқибди. Кўп қийинчиликлар билан ўқинини тамомлаб, яна ўз шаҳрига қайтибди. От-уловсиз, ииёда юриб, бир неча кун деганда бир тоққа келибди. Бу жойда бир мўйсафид чўпон билан учрашибди.

Алишер Навоий ўзини кўтариб катта қилган, отасининг чўпонини дарров танибди. Чол ҳам уни таниб:

— Тушимми, ўғимми?— деб кўришибди. Дарров белбогини ёзиб иону сут билан меҳмон қилибди.

— Бу қўйлар кимники?— деб сўрабди, Алишер Навоий.

— Болам, бу қўйларниң ҳаммаси сизники, у ёқдаглигинизда отангиздан қолган моллар ҳар кимниң қўйлида қолиб эди. Отангиз ҳаёт вактида икки юз қўйни сизга атаб менга топширган эди. Бу қўйлар ҳозир болалаб етти юздан ошди. Отангизнинг васиятини ўз ўрнига қўйганим учун хурсандман, бу қўйларни энди сизга топширдим,— дебди.

Алишер Навоий бир неча кун чўпоннинг уйида меҳмон бўлибди. Қўйларида икки юзини ажратиб чолга берибди:

— Ота, сиз ҳам бола-чақали одамсиз, мана бу қўйларни хизмат ҳақнингиз учун олинг!

Чўпон жуда хурсанд бўлибди. Шундан сўнг, Алишер Навоий қолган беш юз қўйини бозорга ҳайдабди. Бу қўйлар жуда семиз бўлгани учун атрофини харидорлар ўраб олибдилар.

— Қўйнингиз неча пул?— деб сўрабди одамлар.

— Мен қўйимни насияга сотаман. Шу шарт биланки, пулини подшо ўлган куни берасизлар. Шартимга кўнган киши биттадан етаклаб кетаверсин!— дебди.

Бозордаги одамлар дарров талашиб, қўйларни биттадан етаклаб олиб кетибдилар. Шу куни айгоқчилари подшога бу хабарни етказибдилар.

— Эй подшоҳи олам, бугун бозорга бир қаландарсифат йигит келиб беш юз қўйини халққа насияга тарқатиб юборди. Пулини подшо ўлган куни берасизлар, деб сизга ўлим тилади,— дебдилар. Шунда подшо ғазаблашиб:

— Боринглар, ўша қаландарни менинг ҳузуримга ҳозир қилинглар,— деб буюрибди. Дарров унинг қўлини

ордаси а боғлаб, подшонинг қошига келтирибдишар. Ноно қараса, ёшлигидан бирга ўқиган дўстин Алишер Навоий экан.

— Нима учун шунча қўйни халққа бериб юбордингиз. Менинг ўлимим сизга нега керак бўлиб қолди? — дебди подшо.

— Эй дўстим, мен чакки иш қилганим йўқ. Сизнинг подшо бўлганингизни эшишиб, қўйларни талатиб юбордим. Шундай ҳам бериб юбориним мумкин эди. Бироқ баъзи бир одамлар текин молдан ҳазар қилишади. Шунинг учун қўйнинг пулини подшо ўлган куни берасизлар, деб айтдим. Энди қўйларни олиб кетган одамлар «Ишқилиб, подиоҳимиз ўлмасин. Подшо ўлса, савдогар пулини қистайди, деб сизга умр тилаб юришади,— дебди.

Алишер Навоийнинг бу донолигига подшонинг завқи келиб, уни ўзига вазир қилиб тайинлабди.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА УНИНГ СЕВГАН ҚИЗИ

Алишер Навоий бир қизни яхши кўрар экан. Хат ва шеърлар ёзиб, у билан бояганиб турар экан. Бир куни Ҳусайн Бойқаро бу сирдан хабар топибди.

У Алишер Навоий сирдан мени ҳам огоҳ этар, шу тўғрида ўзим билан маслаҳатлашар, деб ўйлаб юрар экан. Аммо бу ҳақда Ҳусайн Бойқарога ҳеч нарса демабди.

Бир куни Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоий ўзига ялнитирмоқ мақсадида одам юбориб, қизни ўз қошига чақирибди. Подшонинг мақсади қизни олиш эмас, балки шу муносабат билан шоирни ўзига ялнитириш экан. Ҳусайн Бойқаро қизни кўрса, жуда гўзал, одобли, ақдли экан. Шундан сўнг подшо ўзининг аввалги ниятидан қайтиб, қизга уйланмоқчи бўлибди. Қиз унамабди. Подшо шарнат пешволарини чақириб, уни ўзига никоҳлаб олибди. Қиз подшо билан яқинлашмабди. Шунда подшо қизга қараб:

— Биламан, сен Алишер Навоийни яхши кўрасан. Уни ҳурмат қилаётиссан. Ўрталарингдан бўлган сирларини менга айт! — деб дўқ урибди.

Қиз подшонинг қаҳридан кўрқиб, муҳаббатини яширибди. Қиз: «Ўз муҳаббатим тўғрисида сўзласам, подшо Алишер Навоийни ўлдиради», деб унга ҳеч нарсани айтмабди, йиглабди. Ҳусайн Бойқаро чиқиб кетгач, қиз хаёлга чўмибди, «меннинг Ҳусайн Бойқаро даргоҳидан

қутулишим қийин. Шу ғам-ғусса билан Алишер фироғида ўлсам, у кейин албатта унутар ва яна бир қизга кўнглини берар», деб унга шеър ёзиб юборибди:

*Ҳажр доғи фироги хаста кўнглим қўйдирур,
Чарх оғриқ бирлан гул ниҳолим сўлдирур.*

*Юз алам бирлан бало гирдобида ранжидурмен,
Воқиф ўл, ёрим, мени бу ғуссаю ғам ўлдирур.*

*Ҳасратим шулким, сенга айтсам фигоним боиси,
Мен ўларман, чархи меҳринг энди кимни кўйдирур.*

Бу сатрларни ўқигач, Алишер Навоий дарров қўлига қотоз ва қалам олиб, тубандаги мисраларни ёзибди:

*Кўнглим ўртансин агар ғайрига парво айласа,
Ҳар кўнгил ҳам ким сенинг шавқингни пайдо
айласа.*

*Ўзгалар ҳуснин томоша айласа чиқсин кўзим,
Ўзга бир кўз ҳам сени ҳуснинг томоша айласа.*

*Ҳар киши васлин таманно айласам новмид ўлай,
Ҳар киши ҳамки сенинг васлинг таманно айласа.*

Бироқ қиз ғамлар, ички дардлар натижасида оғир касал бўлиб қолибди. Ҳусайн Бойқаро саройдаги табибларга қандай бўлмасин қизни бу оғир хасталикдан қутқариш чорасини топишни буюрибди, аммо қизга ҳеч қандай дори-дармон кор қилмабди. У оғир касалликдан сўнг вафот этибди.

ТУЛПОР НАСЛИ

Ҳусайн Мирзонинг бир тулпори бор экан. Уни подшо ервон кўкка ишонмас, фақат овга чиққанида, узоқ сафарларга отланганидагина минар экан.

Кунлардан бир куни ширкордан қайтган подшо аргумонидан кўнгли тўлиб Алишер Навоийга мақтанибди:

— Оламда бизнинг аргумоқдай учқур от бўлмаса кепрак! Шу тулпор қай наслдан экан-а?

— Сигир наслидан, тақсир,— деб жавоб берибди Алишер Навоий.

— Нима бало, эсингизни еганмисиз, шундай тулпор

Кунлардан бир куни сарой аҳли зиёфатга йиғилишибди. Султон Ҳусайн ошга биринчи бўлиб қўл узатибди. Таом еб бўлингач, чой устида подшо ўтирганинг зеҳини синааб кўрмоқчи бўлиб:

— Дунёдаги иштималар ичидаги энг кучлиси нима?— леб савол ташлабди. Ҳеч кимдан сазо чиқмабди. Султон Ҳусайнининг Алишер Навоий ишмлик бир вазири бор экан, у ўрнидан туриб:

— Тақсир, ижозатлари билан жавоб берсан, энг кучли неъмат шаксиз тухумлир,— дебди.

Подшо буни эшишиб, бош иргаб қўйибди-ла, лекин лом-мим демабди. То зиёфат тугагуича, ҳеч ким бу мавзуда гап қўзғамабди.

Орадан анча вақт ўтибди. Бир куни Султон Ҳусайн билан Алишер Навоий овга чиқмоқчи бўлишибди. Подшонинг икки асов оти бор экан, бир-бирига жуда ғаш экан. У саёнинни чақириб, ўша учқур отларни эгарлашни буюрибди. Отларнинг бирини подшо, иккничисини вазир минибдилар. Улар йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир тепаликнинг устига чиқибдилар. Подшо отидан тушиши билан вазир дарров унинг оти жиловидан ушлабди. Шу пайт икки оти бир-бири билан олиша кетибди. Алишер Навоий отларни ажратиш учун ўзи билан ўзи овора бўлиб турган бир пайтда подшо:

— Нима билан?— деб сўраб қолибди.

— Тақсир, туз билан,— деб жавоб берибди Алишер Навоий.

Подшо билан вазир овдан қайтиб келибдилар. Сарой аҳли баҳснинг нима билан тугашини қизиқсиниб кутиб юришган экан. Шикордан қайтган подшо билан вазирнинг олдига овқат олиб кирибдилар. Шунда Ҳусайн Мирзо Алишер Навоийга қараб:

— Марҳамат қилинг, дўстим — дебди.

Алишер Навоий овқатга қўл узатибди, подшонинг донолик баҳснда енгилганлиги ҳаммага аён бўлибди.

ЭРКСИЗ ШОХДАН ЭРКИН ГАДО АФЗАЛ

Кунлардан бир куни саройда ўтиравериб дикқана-фас бўлиб кетган Султон Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоий саёҳатга чиқишибди. Улар бир қишлоқдан ўтаётуб, чолдевор уй олдидаги бир аёлга дуч келиб қолишибди. У аёл кийған кўйлакнинг қирқ ямоги бор экан, ўзиям озиб кетганидан эти бориб суягига ёпиш-

сигирга ўхшайдими? Ҳеч замонда сигир наслидан от туғиладими, эй вазири подон?— дебди жаҳли чиққан подшио.

Алишер Навоий эсл шинагини бузмай:

— Тақсир, бердисини айтгунча сабр қилсинглар, ҳали масала охиригача ечилгани йўқ. Сигир наслидан тулпор туғиладими, йўқми, буни билиш учун шу отни боқиб катта қилган сайсишингизни чақиртирангиз,—дебди.

Ҳусайн Мирзо дарров амр этибди, ҳаш-паш дегунча, сайис етиб келиб, қўл қовушириб турибди. Мирзо тулпорининг асл наслини билмоқчи бўлганини айтиб, сўрабди:

— Бу тулпориниг насли аслми?

— Олампаноҳ, бир қошиқ қонимдан кечсангиз. Мен бир камбагал одамман, ғазаб қилиб, бола-чақамининг уволига қолманг! Худо хайрингизни берсин, мурувват кўрсатинг, сизга бор гапни айтиб берай,— деб ялинибди отбоқар.

— Ҳўп, кечдим, айтавер,— дебди Ҳусайн Мирзо.

— Тулпорингизнинг асли сигирнинг наслидан, тақсир,— деб гап бошлабди отбоқар,— Бияларингиздан бири шу қулуини түғди-ю, умри қисқа экан, ўлиб қолди, нима қилишимни билмадим. Ӯша куни оғилхонада бир гоммиш сигирингиз ҳам туққан эди. Боёқиш қулўнга раҳмим келиб, ўша сигирни эмиздим. Бу тулпорининг онаси асли ўша сигир, тақсир!

Подшо ҳайратдан ҳанг манг бўлиб, ёқа ушлаб қолиди. Сайис чиқиб кетгач:

— Дўстим Алишер! Сиз буни қаёқдан билувдингиз?— деб сўрабди.

— Тақсир, сиз билан кеча овга борганимизда, фалон жойдаги сувдан ўтгаётганимизда разм солиб турсам, отингиз кечувдан ўтгач, худди сигирлардек оёғини орқага қаратиб силкитди.

Ҳусайн Мирзо Алишер Навоийнинг зийраклигига яна бир бор қойил қолган экан.

ЭНГ ҚУЧЛИ НЕЬМАТ

Бурунги ўтган замонда Султон Ҳусайн Мирзо «зиёфатларда энг доно одам таомга биринчи бўлиб қўл уриш ҳуқуқига эгадир!»— деб фармон чиқарибди. Чунки у ўзини ҳаммадан ақлли, зийрак деб ҳисоблар эканда!

ликни кўтариб юбориш учун кулгили бир ҳикоя ёки шеър айтиб беришини илтимос қилибди,

— Бажонудил,— дебди подшога шоир, сўнгра, Ҳазратларининг аркону давлатларида янги амалдорлар пайдо бўлганини сезиб турибман. Олампаноҳнинг сўл ёнларида ўлтирган сур тўилик жаноб ким бўлдилар экан?— деб сўрабди.

— Бу киши бизнинг янги қози калонимиз бўладилар,— деб жавоб берибди, подшо.

— Подшо ҳазратлари бир қошиқ қонимдан ўтсалар, ўша қози калон ҳақларида бир илҳом келиб эди, шуни айтсам.

— Шу ерда турганларнинг қай бири ҳақида гапирсангиз ҳам сизга ижозат. Қандай қилиб бўлсаям, ишқилиб, бизни хурсанд қилсангиз, кулдирсангиз бўлганида!— дебди подшо кулимсираб:

Алишер Навоий янги қози калоннинг бурнига қараб туриб, бир шеър ўқибди:

*Бир бурун кўрдим бурунлардан, аранг
Шонга тортган эски маҳсидаи таранг.
Ул буруннинг устига шоти қўйиб қаранг,
Кўринади ҳам Бухоро, ҳам Фаранг,*

деб шеърии тугатиши билан аркону давлатда ўлтирганларнинг ҳаммаси қотиб-қотиб кулибдилар. Лекин ҳаммадан ҳам кўпроқ қози калоннинг ўзи кулибди. Шунда унинг ёнида турган бош вазир қози калонни аста туртиб:

— Эй, ақлдан худо қисганми, қози калон! Шоир сизнинг бурнигизни ҳажв қилдилар-у, сиз аччиқланиш ўрнига шукул куласиз,— деса, қози калон:

— Менинг бурнимни онадан туғилганимдан буён ҳеч ким Алишер Навоичалик ўхшатиб мақтамаган эди, биринчи бўлиб мукофотни ўзим бераман, деб шоирга янги зарбоф тўён ёпган экан.

АЛИШЕР БИЛАН ШАИХ

Кунлардан бир куни Алишер Гулшан боғда ғазал ёзиб ўтирган экан, унинг олдига шу махаддадик бир шайх кириб келибди. У Алишерни ~~мавлоно~~ ~~мавлоно~~ ~~мавлоно~~ ~~мавлоно~~ ~~мавлоно~~ ~~мавлоно~~ тиб:

— Мавлоно, Алишер, бу ~~мавлоно~~ ~~мавлоно~~ ~~мавлоно~~ ~~мавлоно~~ ~~мавлоно~~ ~~мавлоно~~

гай. Булар иккиси тузукроқ разм солиб қаравашса, у бир ишчи инді бурун саройдан чиқиб кетған аёлниңг худди ўзи. Султон Ҳусайн бир вақтлар канизакларида бири-га аччиқ қилиб, уни саройдан ҳайдатиб юборган экан.

Уз канизагини дарров таниған подшо Алишер Навоийға дебди:

— Дұстим Алишер, бу аёлдан сүраб күринг-чи, қа-ни, саройдаги куни яхшимиди ё бу куни афзалроқми? Алишер Навоий ўйлағаның туребі:

— Уннің қайсі куни яхшилигиниң-ку мен жуда яхши биламан-а, майли, сизніңг күнглиниң учун сүраб бераман,— деб аёлниңг олдига бориб:

— Эй, синглім, сен бир вақтлар құшқда яшардинг, еганиңг олдингда, емаганиңг ортингда эди. Энди бўлса уст-бошинг қирқ ямоқ, баданингни базўр ёпади. Танангда эт қолмабди. Сен менга тўгрисини айт, ўшандаги, саройдаги кунинг яхшимиди ёки ҳозирги аҳволинг ду-рустми?— деб сүрабди. Аёл жавоб берибди:

— Тақсир тўғри айтніңгиз, мен бир вақтлар кўшиқда қирқтаниңг бири эдим. Султоннің оёғи мениңг ҳужрамга қирқ кунда бир марта етарди. Қирқин қизнинг ҳаммасига турмуш ҳаром эди. Юрагимиз қон, бағримиз хун эди. Энди бўлса, кўриб турганингиздек, ярим оч, ярим юпун бўлиб юрсам ҳам, ўз элим, ўз уйим, ўз ётоғим бор. Эрим мени севади, мен ҳам унга содиқман, оч кунимда уннің бир ўпичи озуқа, бир оғиз ширин сўзи менга атласу шоҳи кийимдур. Энди сўраганингиз учун айтмоғим лозим, эркисиз шоҳ бўлгандан кўра, эркин га-до бўлган афзалроқдур.

Алишер Навоий хаёлчан подшонинг олдига қайтиб келганды, Султон Ҳусайн ҳамма гапни англаб турган әмлеми:

— Нима, қирқ аёлниң бирисини қўйиб, қолганининг жавобини бер, демоқчимисиз?— дебди. Бу гапни эшитған вазир хушнуд бўлиб:

— Султоннің зийрак ақлига қойил қолдим,—дебди.

Султон Ҳусайн бир оз ўйлаб туребі, дұстиниң нима-га инора қилаётганини тушунибди.

АЛИШЕР НАВОИЙ БИЛАН ҚОЗИ ҚАЛОН

Мамлакат подшоси Алишер Навоийни ўз саройнага таклиф этиб, у кинидан аркони давлатдаги диққўнгил-

айниб кетгандай! Шу денг, кеча оқшом бир киши олдим-
та қуп-қуруқ сўппайиб кириб келгани етмагандай, яна
мендан «Тақсир, дунёда энг таъмагир одам ким?»—
деб сўрайди, денг. Узи қуруқ келганига жоним чиқиб
үтирудим, жавоб бергим ҳам келмади, эртага келар-
сан, деб қайтариб юбордим. Алишер, сиз донишманд
одамсиз, айтингчи, ким деб жавоб берсан экан,— дебди.
Шунда Алишер:

— Ҳеч иккилаимай, «шайхлар» деб жавоб бераверинг,
сира яиглишмайсиз, тақсир!— деган экан, унинг жаҳли
чиқиб, зарда билан боғдан жўнаб қолибди.

МИР АЛИШЕР БИЛАН ҲАСТА ОДАМ

Мир Алишернинг олдига бир одам келиб, ўзининг
саломатлиги ёмонлигидан шикоят қилиб:

— Мавлоно Мир Алишер, сиз кўпни кўргаи, доно
одамсиз, шоирсиз, адолатпарвар амирсиз, аммо табиб-
ликдан хабарингиз йўқлиги жуда ёмон-да,— дебди.

— Қаерингиз оғрийди?— деб сўрабди Мир Алишер.

— Ўзим ҳам билмайман, ҳамма жойим оғрийди, та-
намда исқиним йўқ,— деб жавоб берибди ҳалиги киши.

— Ундей бўлса, бир шифоси бор,— дебди Мир Али-
шер,— ҳар куни эрталаб бир намоз вақти, пешинда бир
намоз вақти, кечқурун яна бир намоз вақти ер чопиб,
қолган пайтларда ўзингизнинг қасбингизни қилинг,
иншоолло, тезда тузалиб кетасиз...

Орадан бир неча муддат вақт ўтгач, ҳалиги одам
яна Мир Алишернинг олдига кириб келиб:

— Мени танидингизми, тақсир? — деб сўрабди.

— Танишга танидимку-я, аммо саломатлигиниз қа-
лай? — дебди Мир Алишер.

— Отдайман. Шоирдан ҳам табиб чиқар экан-да,
сизнинг айтганингизни қилиб, тамомила дарддан ҳалос
бўлдим,— дебди у киши мамнун бўлиб.

МИР АЛИШЕР ЧИЗГАН СУРАТ

Кунлардан бир куни Мир Алишер ўзининг ижодхо-
насида аллақандай бир суратни чизаётган экан, ногоҳон
подшо Султон Ҳусайн унинг ҳужрасига кириб келибди.
Мир Алишер сурат чизишга қаттиқ берилиб кетганидан
подшога қарамабди ҳам. Бундан Ҳусайн қаттиқ раңжиб:

— Мир Алишер, сизнинг мусавирилик ҳунариигиздан бехабар эканмиз-да! Мендан кўра сурат азизроқ эканми дейман, бундоқ қайрилиб ҳам қарамадигиз-а?!--дебди. Мир Алишер шундай деб жавоб бериди:

— Агар бу суратда ким тасвириланганини билганингизда эди, фикрингиздан қайтган бўлардингиз!

Подшо Ҳусайн яқинроқ бориб қараса, ўзининг сурати экан, шунда у дўстига ноўрин жаҳл қилганига пушаймон бўлиб, ишидан беҳад уялибди, бинобарин янада меҳри ортибди. Мир Алишер эса подшога қараб:

— Дўстим, энди бунисини ҳам томоша қилинг,—дебди.

— Ҳусайн томоша қилиб ўтирибди. Мир Алишер занжирланган шернинг суратини чизиб, Ҳусайнга узатибди. У суратни обдан томоша қилиб:

— Нимага шерни занжирлаб қўйибсиз?— деб сўрабди.

— Сизнинг олдингиздаги барча олимлару ширлар, донолару яхшилар айа шу занжирбанд шерга ўхшайдилар. Сиз уларнинг барини безанжир банд этиб қўйгансиз. Аммо шер хоҳ занжирбанд бўлсин, хоҳ бебанд экан, ҳамиша мағлубиятни хаёлигаям келтирмайди, мақсади енгиб чиқмоқ,— дебди Мир Алишер.

Ҳусайн Мирзо Мир Алишернинг сўзига жавоб топиб беролмай, ҳужрадан бошини эгиб чиқиб кетибди.

МИР АЛИШЕР БИЛАН СУЛТОН ҲУСАЙН

Бундан бир неча юз йил аввал Эрондами, Турондами, хуллас бир мусулмон юртида бир подшо бўлган экан. Унинг оти Султон Ҳусайн экан. Ўзи илмли, ўқиған, оқ-қорани таниган, улуғ кишилар авлодидан экан. Унинг оқ-қорани таниган бир вазири бор экан, подшо билан бир мадрасада ўқишган экан. Оти Мир Алишер экан.

Улар бир-бирларини қаттиқ ҳурмат қилишар экан, лекин подшонинг уламо-пуламо, қози-позилари, хуллас амалдорлари буларнинг ўртасидаги дўстликни кўра олмас эканлар.

Мир Алишерни подшонинг ёнидан йўқ қилиб юбориш чорасини ахтариб, охири амалдорлар уни бир қудуқка ташлабдилар. Султон Ҳусайн бундан хабарсиз экан, лекин Мир Алишер йўқлиги учун бир нарсасидан айрилган кишидек:

тахтиравонга солиб келтиришни буюрибди. Шундай қилиб, Мир Алишер билон подшо яна тошишибди, чўпон ҳам мамнун бўлибди. Шу боис айтар эмишларки:

*Ёмонлик рабо этма, ўзингга жабру ситам,
Яхшилик бирла ҳар иш, кўнглинигни этар Хотам.*

АЛИШЕР НАВОИЙ КИМНИ ЁМОН ҚЎРГАН

Кунлардан бир куни Султон Ҳусайн вазирларининг ёлғои сўзларига ишониб, Алишер Навоийни зинданга буюрибди. Кўп вақт ўтмай унинг гуноҳсизлиги маълум бўлибди. Подшо уни зиндандан чиқаришларини буюрабди. Алишер Навоий эса чиқишга унамабди. Подшонинг қамаш ва чиқариш ҳақида берган фармонига ажабланганини билдирибди.

Шоирни зиндандан чиқариш учун кўп уринибдилар-у, фойдаси бўлмабди. Энг кейин унга яқин кишилардан бирининг маслаҳати билан Алишер Навоийнинг ёнига бир ахмоқни қамаб қўйибдилар. Шоир ана шундан сўнгина зиндандан чиқишга розилик берибди.

ҚАЕРДА ЧИВИН ИЎҚ?

Бурунги замонда Ҳусайн Бойқаро деган подшо яшаган экан. У вазири Алишерга:

— Қайси ерда чивин бўлмайди? — деб савол берибди. Вазири ўйланмасдан:

— Одам йўқ ерда чивин ҳам бўлмайди, — деб жавоб берибди.

Шундай қилиб, булар икки отга миниб, одам йўқ ерларни қидириб, кетишибди. Йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб бир саҳрого чиқишибди. Шу сурда бир оз дам олмоқ учун отдан тушибдилар.

Алишер чой қайнатибди, иккиси чой ичиб ўтирган вақтида, бир чивин «виз» этиб, Ҳусайн Бойқаронинг ниёласи ёнидан ўтиб, этагига қўнибди. Шунда у:

— Алишер, одам йўқ ерда чивин бўлмайди деган эдинг, мана бу ерда чивин учиб юрибди-ку! — дебди.

— Ҳа, сиз билан биз одам эмасмизми? — деб жавоб берибди Алишер.

Ҳусайн Бойқаро Алишерга ҳамёнидан минг тилла чиқариб бериб:

— Баракалла, сенгдинг менни, — дебди.

Ғам билан, қайғу билан, сўлди баҳорим гуллари.

деб ҳар куни бир сатр шеър айтиб юрар экан.

Султон Ҳусайнинг бу шеърини шу элатда бир чўпон эшитиб, ёдлаб олибди-да, дуч келган ерда айтиб юра берибди. Кунлардан бир куни чўпон бир қумликка бориб, қудуқнииг бўйида:

Ғам билан, қайғу билан сўлди баҳорим гуллари,
деб шеърии ўқибди.

Қудуқнииг ичида ҳолсизланиб ётган Мир Алишер бу Султон Ҳусайнинг шеъри эканлигини дарров билди. Сўнг қудуқнииг ичидан овоз берибди:

Дўстини чоҳа солибдур, сайрамас булбуллари.

Шу вақт чўпон дарров қудуққа қараб, ичидаги Мир Алишер эканлигини билиб уни тортиб олмоқчи бўлибди. Мир Алишер айтибди:

— Мени сен бу ерда қолдиравер. Ўзинг подшонинг даргоҳига бор, агар подшо яна:

Ғам билан, қайғу билан, сўлди баҳорим гуллари.
деб шеър ўқиса, сен:

Дўстини чоҳа солибдир, сайрамас булбуллари,
дегни. Подшо сўрагандан сўнг, севинчисини олиб, менинг бу ерда ётганимни билди,— дебди.

Чўпон шу замони Мир Алишернинг сўзларини ёд олиб, Султон Ҳусайн даргоҳига бориб, секин қараса, у:

Ғам билан, қайғу билан сўлди баҳорим гуллари,
ўтирганимиш. Шунда чўпон дебди:

Дўстини чоҳа солибдир, сайрамас булбуллари.

Подшо дарров чўпонни ёнига чақириб:

— Сен бу сўзни қаердан билдинг?— деб сўрабди.

— Бу сўзни ўрганиш учун қанчадан-қанча молимдан айрилдим, бу бир соҳибқироннинг ғазали,— дебди чўпон.

— Лйт, унинг қаердалигини айтақол, севинчинг учун бир жом олтин,— дебди Султон Ҳусайн.

— Яхши кишининг баҳоси бўлмайди, агар у ўз кишинг эса, унинг бошига кулфат солганларни жазога тортмоқ керак,— дебди чўпон.

Султон дарров уламо, вазир ва қози, муллаларини йиғиб, ҳар қайсисига қирқ қамчи урдириб, Алишерни

ҲАДДИНГДАН ОШСАНГ МОЗОРГЛ БОР!

Мавлоно Алишер Навоий яшаган замонда авом халқ бевош бўлиб, ўғрилар, жоҳилу қўполлар кўп экан. Улар шариат қонуниларидаи қўрқмас эканлар, Алишер Навоий вазир бўлгандаи сўнг жамики сайру томошалар мозор бошида ўтказилсиз, деган фармони олий чиқарибди. Зеро, бундан мақсад, халойиқ мозор бошига боргач, ўтган ота-она, қавму қариндошларининг қабрларини кўради, атрофларини супуради, тозалайди, обод қиласди, гул ва кўчатлар экади. Ана шу юмушларни қилаётганди, инчунун, охири бизларнинг ҳам келар еримиз шу жой бўларкан-да, деб ўйладиди ва шу тариқа инсофга киради. Ушбу фармон Алишер Навоий ўйлагандай мева бера бошлабди. Қабристонларга одамлар боравериб, у ерларни обод қилибди.

Энди гапни буёқдан эшитинг. Ҳирот шаҳрида учта қароқчи бор эди. Энг катта ўғрибоши Қали Ҳожи дегани икки йил бурун қазо қилган эди. Эрта «Қизил гул» сайли деган кечаси ўша учала ўғри бир бойнинг ҳовлисини босишни маслаҳат қилибдилар. Улардан бири бундоқ дебди:

— Оғайнилар, фармонга мувофиқ эртанги сайил мозор бошида ўтади. Сайлга борайлик, томоша қилайлик, ишни сўнгти кечага қолдирсан ҳам бўлади.

Бу маслаҳат шерикларига маъқул тушибди. Эрталаб учала ўғри оломонга қўшилиб мозорга борибдилар. Эҳҳа, одамлар азондан келиб ҳар бири ўз қавму қариндошларининг қабрларини зиёрат қилиб, супуриб-сидириб, гул-кўчатлар экиб юрибдилар. Ҳалиги ўғрилар бир-бираига қараб, тўғри Қали Ҳожининг қабри устига борибдилар. Қарабдиларки, гўр чўкиб, ундан шўра, қамиш ўсиб ётибди. Бир вақтлар бирга нои-туз еганимиз, деб гўрининг атрофини тозалаб, шўра-қамишларни ўриб ташлаб, ўёқ-буёғини тузатибдилар, сўнг аввал маслаҳат берган каттароқ ўғри хўрсиниб дебди:

— Эй оғайнилар, мана ўғрилик билан ном чиқарган Қали Ҳожининг охир-окибати, эрта биз билан сиз ҳам ўлармиз-у, бундан беш баттар бўламиз. Одамлар бу латнатилар молу мулкимизни талаган эдилар, деб гўримизни тепкилаб ўтдилар. Келинг энди ўғирликни ташлаб қолган умримизни ҳалол ишлаб ўтказайлик, тавба қилайлик, шояд бизларнинг гуноҳимизни кеширишса.

Шу бўлибди-ю, ўгрилар ўзларини меҳнатга урибдилар. Ана ўшандан бошлиб халқ орасида «Ҳаддингдан ошсанг мозорга бор», деган нақл қолган экан.

АЛИШЕР НАВОИЙ БИЛАН ЯМОҚЧИННИГ ЎГЛИ

Ўтган замонда бир ямоқчининг ўғли бўлиб, у мактабга қатнар экан. Бир куни мактабга кетаётиб, йигит бир болаҳонада ўтирган чиройли қизни кўрибди-да, унга ошиқни беқарор бўлиб қолибди. Орадан бир неча кун ўтгач, қиз кўринмай қолибди. Йигит севганини кўришига зор бўлиб, кўп азобланнибди. Бир куни кечқурун мактабдан қайтиб келаётганида бенхтиёр бойнинг дарвозасидан кириб, тўғри ичкари ҳовлига қараб юрибди, қизни кўргач, юраги ўйнаб кетибди. Эс-хушини йиғиб: «Нима қилиб қўйдим ўзи?» — деб орқасига қайтибди. Аммо худди шу пайт ташқаридан бойнинг товуши эшитилиб қолибди. Йигит нима қиласини билмай ўзини меҳмонхонага урибди. Бойнинг шу ёққа бурилганини кўрган йигит тезлик билан меҳмонхонадаги гиламни йиғиширига бошлибди. Бой ҳовлиқиб жаҳл билан йигитга:

— Сен кимсан, нима қиляпсан? — дебди.

— Мен ўғриман, гилам ўғирлаш учун келдим.

Ғазабланган бой йигитнинг икки қўлини маҳкам борлаб қозихонага олиб борибди. Қозининг ёнида Алишер Навоий сұхбатлашиб ўтирган экан.

Бой қозига аввал салом бериб, кейин:

— Тақсир, сизнинг олдингизга ўғри тутиб келдим. Меҳмонхонага кирсам, бу йигит гиламни йиғишириб олиб чиқиб кетаётган экан. Ушлаб ҳузурингизга келтирдим. Жазосини берсангиз, — дебди.

— Эй, йигит, нимага ўғирлик қилдинг, айт! — деб сўрабди қози.

— Мен гилам ўғирлаш учун кириб, энди кўтариб кетай деб турганимда бой бува келиб қолдилар. Қўлга тушиб қолдим, — дебди йигит.

Қози йигитнинг қўлини кесишга буюрибди. Алишер Навоий сўроқ-жавобни эшитиб, разм солиб турган экан, тикилиб қараса, йигит таниш кўринибди. Маҳалласидаги Нормат ямоқчининг ўғли. Бунинг қўлидан ўғирлик келмайди. Алишер Навоий, йигитнинг бу ишида сабаб бор, деб ўйлабди-да, қозига:

— Тақсир, ижозат берсангиз, йигитдан бир оғиз ган сўрасам. Сизлар чиқиб турсангизлар,— дебди.

Қози билан бой ташқарига чиқиб кетгач:

— Ўғлим, сени яхши танийман, отанг ямоқчи, қўлингдан ўғирлик келмайдиган одамсан. Тўғрисини айт, нима бўлди, балки сенга ёрдам қиласман,— дебди Алишер Навоий.

Йигит аввал уялиб, айтмабди. Шоир қистай бергач, айтишга мажбур бўлибди.

— Эй ота, мен бойнинг қизига ошиқман. Бундан бой ҳам, қизи ҳам хабарсиз. Бир неча кун қизни кўра олмай қийналдим. Бугун бехосдан бойнинг уйнга кириб қолибман. Қизни кўргач, ўзимга келиб, қайтиб кетаётганимда, бойнинг товушини эшишиб қолдим. Меҳмонхонага югурдиму гиламни йиғиштира бошладим. Ўзимни ўғри деб танитдим, тақсир, менинг бундан бошқа иложим йўқ эди. Аслида, ўзингиз билган Нормат ямоқчининг ўғлимани. Бой минг сўраганимиз билан қизини бермайди. Нима қилай, ахир, ота!— деб йиглабди.

— Бўлди, ўғлим, йиғлама, отанг ўрнига ота бўлиб бойнинг қизини олиб берганим бўлсин!— дебди Алишер Навоий ҳазратлари ва қози билан бойни чақирибди. Тақсиrlар, йигитни ва отасини мен яхши биламан. Бу йигитнинг қўлидан ўғирлик келмайди. У сизнинг қизингизга ошиқ бўлиб қолган экан, бой. Сиз ҳозир уйнингизга бориб тўй ҳаракатини қила берилиг. Мен ўз номидан қизингизга совчилар юбораман. Бу жума ўтиб, келаси жума тўй бўлади. Бу бола менинг фарзандим. Сиз билан биз қуда бўлдик, бой, дебди.

Бой ҳам, қози ҳам ҳайрон бўлиб, турган жойларида қотиб қолишибди.

Шундай қилиб, Навоий ямоқчининг ўғлига бойнинг қизини олиб берибди. Ямоқчининг ўғли бойнинг қизига ўйланиб муроду мақсадига етибди.

ДУНЁДА НИМА ЛАЗЗАТЛИ?

Хусайн мирзонинг қирқ вазири бор экан. Қирқинчиси Алишер Навоий экан. Бир кам қирқ вазир уни подшога кўп ёмонлабдилар. Ниҳоят, Алишер вазирликдан бўшатилибди.

Бир куни Хусайн мирзо бир кам қирқ вазиридан:

— Дунёда нима лаззатли?— деб сўрабди.

Вазирлар билган ва хаёлларига келган ҳамма гапни айтибдилар.

— Йўқ, тополмадингиз! Эрталабгача топиб бермасангиз, жонларнингиздан умидингизни узинглар!— дебди Ҳусайн мирзо.

Вазирлар ўзаро маслаҳат қилишибди.

— Буни Алишер билади,— дебди вазирлардан бири.

Уни Алишер Навоийга юборибдилар. Вазир унинг ҳузурига бориб:

— Ҳусайн мирзо бизга: «Дунёда нима лаззатли? Шуни топинглар», деб буюрди, биз топа олмадик. Айтиб бермасангиз бўлмайди,— дебди.

— Қайси овқатни оч қолиб есангиз, ўша лаззатли, денг,— дебди Навоий.

Ҳусайн мирзо эртаси куни эрталаб ўз саволларига жавоб сўраганида улар шундай деб жавоб берибдилар.

— Буни сиз тоғмагансиз, тўғрисини айтинг, ким топди?

— Тақсир, ўзимиз топдик!

Ҳусайн мирзо ҳаммаларини уйга қамаб:

— Тўғрисини айтмасангиз, шу уйдан бирма-бир чақириб, бошингизни олавераман!— дебди.

— Биз Алишердан сўраб билдик,— дебди вазирлар ниҳоят.

— Ўзингиз уни менга ёмонлаб ҳайдатиб юбориб, тағин нега ундан маслаҳат сўрайсизлар? Демак, усиз кунларинг ўтмас экан-да!— дебди подшо ва Алишер Навоийни чақиририб, яна вазирликка тайинлабди.

АЛИШЕР БИЛАН ДЕҲҚОН

Алишер Навоий бир қишлоқдан ўтиб бораётса, бир деҳқон унинг ғазалини айтиб қўши сураётган эмиш. Шоир дурустроқ эшитиб кўрса, деҳқон унинг машҳур ғазалларидан бирини жуда бузиб айтиётган экан. Шунда у ҳам отдан туша солиб, деҳқоннинг отизига кирибди-да, сурилган ернинг ағдар-тўнтарини чиқараверибди.

— Ҳой, мусулмон, нега менинг сурилган ерларимни бузиб ташлаётисиз?— дебди ҳайрон бўлган деҳқон.

— Аввал ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ, деган ма-шойихлар. Сен ғазалимни қанчалик бузиб айтиётган бўлсанг, мен ҳам шунча қилаётирман,— деб жавоб берган экан ҳазрати Алишер Навоий.

ШАРАФЛИ БУРЧ

Бир куни мавлоно Алишер Навоий мулозимлари билдиридан отда узоқ тоғ сайдиди қайтиб келаётган экан. Йўл қабристон оралаб ўтар экан, қабристонга юз қатам чамаси қолганда, мавлона отдан тушиб, бошини ўйни солиб йўлида давом этибди. Мулозимлари ҳам ўтларидан тушиб, унинг орқасидан эргашибдилар.

Қабристондан анча узоқлашгандан кейин яна отарига миниб, йўртиб кетишибди. Бир оз юришгандан ўнг мулозимлар шоирнинг қабристонга яқинлашгандан отдан тушиши сабабини сўрабдилар. Алишер Навоий анча вақт сукут сақлаб турибди-да, кейин мулозимларидан норози оҳангда шундай деб жавоб берибди:

— Бу ерда халқимизнинг жигар гўшалари, табаррук падари бузрукворлари мангу уйқуга кетганлар. Булар ёнидан от чоптириб, чангитиб ўтиш инсонлик шаънига исноддир, наҳотки шуни ҳам билмасаларинг? Буни билмаслик — тирикликтаги ўликлекдир. Ота-боболар хокими, хотирасини эъзозламоқ ҳар бир кишининг шарафли бурчидир.

Мулозимлар отаси олдида айб иш қилиб қўйган бодадек то Ҳиротининг қораси кўрингунича тилларини тишлаб, ақлини пешлаб борибдилар.

ЎЧ ёМОННИНГ ТАЪРИФИ

Султон Ҳусайн бир куни ўз вазирларининг ақли-фаросатини, донишмандлигини синааб кўриш учун уларни ҳузурига чақирибди:

— Менга уч ёмон одам топиб келинглар, топганингизга юз тилла мукофот, топа олмаганингизга етмиш дарра,— дебди ва уч кун муҳлат берибди.

Вазирлар зир югуришиб, чор-атрофни кезишибди, уч куни ана мана дегунча ўтиб кетибди, лекин уч ёмон одамини тополмабдилар.

Фақат Алишер Навоий уч кундан кейин уч ёмонни: жаллол, қассоб, ва сайёдни бошлаб подшо ҳузурига келибди. Ҳусайн Мирзо буни кўриб дўстининг донолигига тасаниш дебли ва шоирни тақдирлашни буюрибди. Алишер Навоий хазинадан юз тиллани олиб, ўз ижолхонасига қайтибди. Эртаси куни маҳалласидаги камбағал ва бева-бечораларга юз тиллани тақсим қилиб берибди.

Уч ёмонни топиб кела олмаган вазирларни ёса Султон Ҳусайн етмиш даррадан урдирибди.

Орадан бир неча кун ўтга, Султон Ҳусайн яна вазирларни олдига чақиртириб, уч ёмонга таъриф бериншини сўрабди. Яна улардан ҳеч бир садо чиқмабди. Ҳатто давраларда унча-мунича одамга гап бермайдиган маҳмадана вазир Мажнандин ҳам сувалигини тишлаган отдек соқолини тишлаб, безрайиб туранерибди. Ҳеч ким жавоб бера олмагач, Алишер Навоий ўзи топиб келган уч ёмонга ўзи таъриф бериб:

— Жаллодга фақат фармон бўлса бас, ҳақми, ноҳақми, барибир тўғри қилинган одамни қиличдан ўтка-заверади. Қассоб ҳайвонларнинг энг яхшинини сўяди. Сайёд жониворларни овлайди, чиройли қушларни тутиб қафасда сақлайди. Уларни ҳаёт гўзалликларидан маҳрум қиласди,— дебди.

Султон Ҳусайн шоир Алишер Навоийнинг ақлу фаросатига, донишмандлигига қойил қолибди.

ДУНЁДАГИ ЭНГ ЯХШИ ҲИДНИ КЕЛТИРИНГ!

Ҳирот султони Ҳусайн Бойқаро «Дунёдаги энг яхши ҳидни келтиринг!» — деб қолибди бир куни. Сарой аҳли чор тарафга югуришибди. Үнга қучоқ-қучоқ гул келтиришса ҳам, қалампирмунчоқни рўпара қилишса ҳам, ер юзидаги жамики хушбўй ҳидли нарсаларни муҳайё этишса-да султон:

— Мен истаган нарса бу эмас! — деб туриб олибди. Кейин:— Уч кун муҳлат бераман. Шу муҳлатда топсаларинг, топтиларинг, бўлмаса, ҳамманги жазога тортираман! — дебди.

Вазирлар нима қилинни билолмай, ўйлайвериб, то-за бошлари қотибди. Ҳусайн Бойқаро истаган ҳидни топиша олмай, охири Алишер Навоийнинг олдига боришибди. Бу кунлари шоир ижод билан банд бўлгани учун саройдаги ҳангомалардан бехабар экан. Вазирлару уламолар:

— Султонимиз айтган ҳидни топиб, бизни шу балодан халос қилинг, — дейишибди.

Дўстининг кўнгли ниманини истаб қолганлигини билолмай, Алишер Навоийнинг ҳам боши қотибди. У ҳаёл суриб, ариқ ёқалаб кетаётган экан, экин суғораётган дехқон бобога дуч келибди. Салом-аликлан сўнг, «энг яхши ҳид ниманинг ҳиди?» — деб сўраган экан, янги

ёнилган ионни олиб борииглар-чи, отам раҳматлик дунёда энг лаззатли ва ёқимли ҳид — қайроқи буғдой ундан ёпилган ион ҳиди, ҳеч қайси ҳид унга етолмайди, дегувчи эдилар, деб маслаҳат берибди дехқон бобо.

Алишер Навоий хурсанд бўлиб, дехқон бобо айтганидай, бир сават ион ётирибди-да, саройга етиб борибди. Бир зумда саройга ажаб бир ёқимли ҳид тарагиб, барчанинг дилини яшинатиб юборибди.

— Раҳмат, дўстим,— дебди Ҳусайн Бойқаро қувониб,— кўнглим янги ёнилган ион исини истаётган экан, топиб келибсиз. Дунёда янги ёнилган ион исидан кўра азизроқ, ёқимлироқ ҳил йўқ экан.

— Султоним, раҳматни менга эмас, дехқон бобога айтинг. Кўнглинигиз хоҳинин шу киши топди,— деб жавоб берибди Алишер Навоий.

Дўстининг камтарлигига, донолигига яна бир бор таҳсин ўқиган Ҳусайн Бойқаро дехқон бобога бош-оёқ сарпо беришини буюрибди.

«ОЛИБ ҚЕЛИНГ!»

Ҳусайн Бойқаронинг қирқ вазири бор эди. Қирқинчи Алишер Навоий эди. Бир куни бир кам қирқ вазир унга туҳмат қилиб, подшога ёмонлабдилар. Ҳусайн Мирзо Алишер Навоийни вазирликдан бўшатиб юборибди:

Бир куни Ҳусайн Мирзо шипга қараб ётиб, вазирларига шундай дебди:

— Олиб қелинг!

Вазирлар чилим келтирибдилар. Подшо:

— Олиб кетинг!— деб бақирибди.

Сўнг овқат келтирибдилар. Подшо яна:

— Олиб кетинг!— дебди.

Вазирлар билган, мўлжалланган нарсаларининг ҳаммасини бирма-бир келтириб тутибдилар. Подшо эса буларининг барига қўл силтаб, «Олиб кетинг!»— деб бақираворибди. Шунда вазирлар нима қилишини билолмай Ҳусайн Бойқародан узр сўрабдилар. Подшо:

— Сенларининг узрингизни бошимга урамами?! Эртага эрталабгача шуни топиб келсаларинг келдиларинг, бўлмаса ҳаммангни ўлдирамай, гап тамом вассалом,— деб ҳарамига қириб кетибди.

Вазирлар ўзаро маслаҳат қилиб, Алишер Навоий-

унинг олдига боришига қарор қилибдилар. Бир вазир бўлган воқеани айтиб бергач, унинг гапларини диққат билан тинглаган шонр:

— Сиз бир уста олиб боринг, унинг бир қўлида арпа, бир қўлида тешаси бўлсин,— дебди.

Эрталаб подшо вазирларидан:

— Олиб келдингларми?— деб сўрабди.

Улар подшога устани рўпара қилишибди. Ҳусайн Бойқаро устага қараб:

— Ана ўша тоқини тузат!— деб буюрибди.

Вазирлар қарасалар, хонанинг шипидаги битта тоқи бузилган экан.

Подшо вазирларидан сўрабди:

— Тўғрисини айтинглар, уста олиб келишни сизларга ким маслаҳат берди?

— Тақсир, ўзимиз топдик,— дейишибди вазирлар. Подшо уларни бир уйга қамаб:

— Тўғрисини айтмасанглар, шу уйдан битта-битта чиқариб, бошларингни олавераман,— дебди. Шунда вазирлар айб иш қилган боладай бўйинларини қисиб:

— Биз Алишердан сўрадик,— дебдилар.

— Узингиз уни менга ёмонлаб, ҳайдатиб юбориб, энди яна ундан маслаҳат сўрайсизларми? Демак, Алишерсиз сизларнинг миянгиз ишламас экан-да,— дебди Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийни чақиртириб олиб, яна ўз ўрнига вазир қилиб тайинлабди.

ОТЛАР ОЕФИ БИЛАН СУВ ИЧАВЕРСИН

Султон Ҳусайн — подшоҳ, Мир Алишер вазир эди. Бир куни подшоҳ вазирлари билан шикорга чиқдилар. Шу боришида уларнинг йўллари бир кўлнинг устидан тушди. Қарасалар, қамишларнинг учлари қуриб, қовжираб қолган экан. Шунда Мир Алишер:

— Кўлдаги қамишлар сув истаб, чанқаб қолибди. Буларга ёмғир керак экан-да!— дебди.

Мир Алишернинг ёнида бораётган подшо, унинг сўзини бўлиб:

— Ахмоқ, сувда турган қамишлар қандай чанқасин?— деб пичинг қилибди.

Мир Алишер индамабди. Шу йўсинда йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, ниҳоят бир биёбонга етиб бориб, ов қилишиб, дам олишни бошлабдилар. Улар бир

иече кун ов овлаб, хордиң чиқариб, сўнгра ортга қайтибдилар.

Пўлда буларнинг олдидаи бир катта ариқ чиқибди. Подшо билан вазирлар отларини сув ичиргани олиб борибдилар, ўзлари ҳам сувдан ичибдилар. Аммо Мир Алишер ўзининг отини сув ичиргани қўймай, ариқнинг саёзроқ жойида, жиловни маҳкам тортиб тураверибди.

Султон Ҳусайн ҳайрон бўлиб ундан сўрабди:

— Мир Алишер, нима учун отни сувламаяпсиз?

— Сув отнинг қорнига тегиб турган бўлса, уни сувламак на ҳожат? Чўллаган бўлса, ана, оёғи билан ичаверсин,— деб жавоб берибди Мир Алишер.

Буни эшитган Султон Ҳусайн ўзининг илгари айтган гапи ёдига тушиб, енгилганини тан олибди-да, Мир Алишерга икки минг танга инъом этибди.

БОШ ВА ТИЛ

Кунлардан бир куни Султон Ҳусайнинг саройида катта ўтириш бўлибди. Гапдан гап чиқиб, подшоҳ «от оёғи билан сув исчин!» деган сўзи учун Мир Алишерга икки минг танга инъом этганини айтиб берган экан, буни эшитган бошқа вазирлар жанжал қўзғабдилар. Улар подшога арз қилиб:

— Тақсир, ҳар сафар Мир Алишерга бир оғиз доно сўзи учун минг танга берилар эди, энди эса икки минг танга берилмайди? Ё, бу илтифотга лойиқ эмасми?— дейишибди. Подшо уларга қараб:

— Агар менинг саволларимга яхши жавоб топсаларинг, ўша икки минг танга сиздан айлансан. Олсаларинг олаверинглар, менинг сираям қаршилигим йўқ,—дебди.

— Майли, бизлар ҳам топамиз! Қанча савол бўлса бераёвинг, олампаноҳ.

Султон Ҳусайн вазирларига қараб туриб, кўрсаткич бармоги билан бошини кўрсатибди. Ҳеч нарсага тушуммаган вазирлар бир-бирларига қарашиб, анграйиб тураверибдилар. Шу пайт Мир Алишер ҳам ўша бармоги билан тилини кўсатибди.

Султон Ҳусайн ҳамон безрайиб турган вазирларига қараб:

— Мен бошимни кўрсатдим, Мир Алишер эса бар-

моғи билан тилини кўрсатди. Сизлар шунинг маъносини топиб келинглар,— деб буюрибди.

Вазирлар уч кун муҳлат сўраб олибдилар. Уч кун ўйлаб-ўйлаб, бари-бир ҳеч бир натижа чиқаролмай, ахни Мир Алишернинг ёнига бориб, бояги имо-ишоранинг маъносини сўрабдилар.

— Агар ҳар қайсингиз минг тангадан берсангиз, майли, айтиб берақолай,— дебди Мир Алишер.

Қирқ вазир қирқ минг тангани қуртдек санаб бергач, у имо-ишораларнинг маъносини сўзлаб берибди:

— Султон бошга бало нимадан келади, деб сўрадилар. Мен ҳар кишинингки бошига бало келса, ўзининг тилидан келади, деб жавоб бердим.

Буни эшитган вазирлар саройга қараб югурибдилар. Подшонинг олдига бориб, бири-бирига гал бермай, «Мен топдим, мен топдим!»— деб гап талашиб қолибдилар. Султон Ҳусайн уларни тинчлантириб, гап сўраса, улар боягини Мир Алишердан эшитган гапларини оқизмай-томизмай айтиб беришибди. Подшо уларнинг сўзларига ишонқирамай:

— Тўғрисини айтинглар, бу сўзларни ким ўргатди сизларга?— деб сўрабди.

— Узимиз топдик, тақсир!— дейишибди вазирлар.

Подшо вазирларининг ёлғон гапирганидан аччиқлашиб, ҳаммасини ўлимга буюрибди. Шунда қўрқиб кетган вазирлар қалт-қалт титраб, бу гапларни Мир Алишер ўргатганлигини айтиб беришибди.

Султон Ҳусайн вазирларига қараб кулиб туриб:

— Мен Мир Алишерга икки минг танга берсам, сизлар унинг бир оғиз сўзига қирқ минг танга берибсизлар-да!— дебди.

ЯҲШИДАН БОФ ҚОЛАДИ

Кўклам кунларининг бирида Султон Ҳусайн саройда ёлғиз ўтиравериб, зерикib кетибди-да, анча вақтдан бери Мир Алишердан дарак бўлмади, бориб ҳолидан бир хабар олиб келай деб, дўсти яшайдиган маҳаллага йўл олибди.

Бориб қараса, Мир Алишер енг шимариб боғида ишилаётган экан. Буни кўрган Султон Ҳусайн отидан тушиб, дўсти билан сўрашгач:

— Ҳорманг, дўстим! Нега шоирлар мажлисида кўринмай қолдингиз десам, боғбонликни пеша қилибсизда! — дебди.

Мир Алишер ҳам бељбоғи билан пешонасидағи териин артар экан:

— Кўклам келса кўчат эк деган экан машойихлар. Шу боғдаги қуриган олмаларни қўпориб ташлаб, ўрнига уч-тўрт туп ёнғоқ экаяпман, — деб жавоб бериди.

— Эй дўстим-эй, қариган чоғингизда боғ қилишнинг сизга нима кераги бор, ахир? Сиз билан мен ёшимизни яшаб, ошимизни ошаган бўлсак, бу ёнғоқларингиз қаҷон ҳосилга киради-ю, сиз қаҷон мевасидан ейсиз? Охир умрингизда мана шу боғдаги меваларнинг борига қаноат қилиб, соя-салқинда тинчгина ғазал битиб ўтиравермайсизми?

— Дўстим, яхшидан боғ қолади, деган нақлни эшитганмисиз? Мен бу кўчатларни ўзим учун эмас, мана шу маҳалламиз кўчаларини чангитиб юрган болакайлар, балким уларнинг ҳам болалари учун экаяпман. Бир кун келиб, шу кўчатларнинг ҳар бири азим дараҳт бўлиб, ҳосил бера бошласа, одамлар унинг мевасидан тотиб кўришганда, «Бу боғ Мир Алишердан қолган!» — дейишиша, шунинг ўзи менга ҳар қандай неъматдан лаззатлироқдур, — деб жавоб бериди.

Бу гапларни эшитган Султон Ҳусайн Мир Алишернинг саховатига қойил қолиб, унга бир ҳамён тўла тилла чиқариб бериди. Мир Алишер тиллага қараб туриб:

— Ана кўрдингизми, дўстим! Экаётган кўчатларим ҳозирданоқ ҳосил бера бошлади, — дея кулиб қўйибди.

Султон Ҳусайн Мир Алишернинг ҳозиржавоблигига яна бир бор қойил қолган экан.

«КЎРПАНГИЗГА ҚАРАБ ОЁҚ УЗАТИНГ-ДА, ШОҲИМ!»

Султон Ҳусайн уйнинг ўртасига жой солдириб, кичкина бир кўрпани ёпиниб, шипга қараб ётган экан, ҳар хил хаёл олиб қочаверибди. Кўрпага бурканиб олган экан, оёғи очилиб қолибди. Оёғини ёпса, бошига етмас эмиш. Шу ётган кўйи саройдаги уламо-ю, фузалоларини ўз ҳузурига чақиртириб:

— Мана шу кўрпани бузмасдан, шу ётишимда бошимдан оёғимгача етказасизлар. Сизларга қирқ кун муҳлат, фармони олий бажо келтирилмаса, ҳаммангизни дорга тортираман! — дебди.

Подшонинг уламо фузалолари бир кам қирқ кун ўйлашиб, ҳеч иложини тополмай, қирқинчи куни ҳаммалари йиғилишиб, Алишер Навоийнинг уйига боришибди. Оёқ устида саф тортиб туриб, аҳволни баён қилишибди:

— Тақсири олам, султоннинг талабларини ёлғиз сиз бажара оласиз. Бу мушкул муаммони ҳал этиб бермасангиз, ҳолимиз хароб, эртага ҳаммамизнинг бошимиз кетади. Шафқат ва марҳаматнингизга муҳтоҷ бўлиб, ҳузурингизга бош эгиб келдик,— дебдилар.

Кирқ кун батамом тўлган, подшо айтган муҳлат битган, ҳамма аркону давлат саройга йиғилишиб, таҳликада туришган экан. Султон Ҳусайн барча уламо фузалоларини ёнига чиқиртирибди. Алишер Навоий уларнинг ҳаммасини бошлаб саройга кирса, султон кўрпани бошига тортиб ёпиниб, тиззасидан пасти очиқ ётган эмиш.

— Тақсир, ижозат берсалар, фармони олийни бажо келтирсан,— дебди шоир.

Султон Ҳусайн кўрпанинг тагидан туриб, ижозат берибди. Шунда Алишер Навоий:

— Фақат мендан ранжимайсиз-да, шоҳим! — деган экан, подшо ўша ҳолатда ётган кўйи:

— Нега энди хафа бўлар эканман?! Аксинча, агар шу масалани еча олсангиз ақлингизга қойил қоламанку! — деб жавоб берибди.

Алишер Навоий тўппа-тўғри султоннинг ёнига бориб, кўрпадан чиқиб турган оёғига бир тепган экан, подшогаям жон ширин-да, ўша заҳотиёқ иккала оёғиниим йиғиб, кўрпанинг ичига тортиб олибди. Сўнгра Султон Ҳусайн устидаги кўрпани отиб юбориб, жаҳл билан ўринидан сапчиб турибди-да:

— Бу нима қилганингиз, Алишер?! — деб бақирибди.

Алишер Навоий бўлса қўлини кўксига қўйиб:

— Ахир, кўрпангизга қараб оёқ узатинг-да, шоҳим, — деган экан.

Султон Ҳусайн турган жойида қотиб қолибди.

ОТ НИМАГА ҚУЛДИ?

Султон Ҳусайн мирзо билан Алишер Навоий шикорга чиқмоқчи бўлибдилар.

ТҮФРИ ЖАВОБ

Кунларнинг биринда Алишер Навонӣ ҳузурига бир савдогар келиб, ундан ўз ўғлига «шоирлик ҳунарни» ўргатишни сўрабди.

— Ўғлингиз қандай ҳунарга қизиқади — деб сўрабди ундан Алишер Навонӣ.

— Ўғлим, мен каби савдогар бўлишини астойдил истайди, лекин мен унинг шоир бўлишини хоҳлайман.

— Асли савдогарлик ҳунар эмас-у, аммо ўғлингиз шуни хоҳлар экан, майли ўргансин. Шоирлик эса инсон фазилатидир,— дебди Алишер Навонӣ.

ЗИЕД БОТИР

Султон Мурод ўлгандан кейин Султон Фотиҳ таҳтага ўтириди. У ҳиротлик эмас, истамбуллик, Султон халифа Усмоннинг наслидан. Халифанинг отаси саҳрова юрадиган кўчманчи турклардан. Нима бўлди-ю, булар очарчиликда икки юз ўйлик хонадон билан Истамбулга бориб қолишади. Уша пайтда шаҳарни халифанинг душманлари ўраб олган эди. Халифа енгилиш олдида турган бир пайтда ҳалиги кўчманчи турклар хонадонининг ҳар қайсисидан битта-иккитадан одам чиқиб, йиғилишади-да, ҳаммаси яқдил бўлиб, чўқмор, найза олиб халифа астойдил ёрдам беради. Буларнинг ичиди Султон Усмоннинг отаси жуда баҳодир йигит эди. Астойдил урушиб, халифанинг душманига шикаст беришади. Халифа бу урушда жонбозлик кўрсатган ҳалиги икки юз ўйлик туркларга яхши мансаблар тайин қиласиди. Султон Усмоннинг отасини эса ўзига вазир қилиб олди. Нима бўлади-ю, халифанинг қазоси етиб ўлгандан кейин таҳтага Султон Усмон ўтиради. Шундан кейин халифалик уларнинг авлодига ўтади. Қисқаси, Султон Фотиҳ халифа Усмоннинг неварасининг невараларидан бири ҳисобланади.

Султон Фотиҳнинг битта қизи бор эди. Ниҳоятда соҳибжамол, гўзалликда тенги йўқ, ақлли, хушёр, ўқиган қиз эди. Бу қизни ким бир марта кўрса, яна кўрсам деб орзу қиласиди. Оти ҳам ўзига монанд — Қамархон эди. Султон Фотиҳ қизини ҳар қандай ўйилдан ҳам ортиқ кўрарди. Бу қизнинг яна бир хислати шунда эдикӣ, ўқ отишда, найза санчишда, тиф урушда унга ҳеч ким бас кела олмас эди.

Қамархонга хуштор бўлганларнинг сон-саноги йўқ.

— Эртага азонда туриб кетамиз, тайёр бўлиб туриш! — дебди султон.

Азонда Ҳусайн мирзо Алишер минадиган отининг пастки лабини кесиб қўйибди. Тонгга яқин Алишернинг уйқуси қочиб, отидан хабар олиш учун таблага бориб қараса, отининг лаби кесилган. «Ҳойнаҳой, бу султоннинг ишидур. Яна бир шумликни ўйлаганга ўхшайди», — деб ўйлабди Алишер. Сўнгра Ҳусайн мирзо минадиган отининг думини таги билан кесиб олибди.

Эрталаб булар отларига минишиб шикорга жўнабдилар. Отининг думи кесилганидан хабари йўқ. Ҳусайн мирзо:

— Алишер, отингиз кулиб келаётибдими? — деб сўрабди.

— Ҳа, тақсир, отингизнинг думи йўқлигини кўриб кулиб келаётибди.

Ҳусайн мирзо отининг думи қирқилганлигини кўриб, қип-қизарив кетибди.

БОЛАРИЛАР

Баҳор кунларининг бирида Алишер Навоий ёғода гул қайчиласётган боғбон билан сўзлашиб турган экан. Бирдан бир тўда боларилар учиб келиб, катта бир дарахтга қўнибди. Буни кўрган боғбон шошиб, бир томонга қараб кета бошлабди.

— Қаёққа кетяпсиз? — деб сўрабди мавлона Алишер Навоий.

— Бу болариларни бир идишга солиб олинмаса, бошқа ёққа учиб кетишади, — дебди боғбон.

— Шошманг, тақсир, булар ўзлари олдин яшаган уяларидан тинчроқ жой излаб қочиб келганилар. Буларнинг болини еган одам яхши парвариш қилмаган, қовоқариларга ем бўлишларига чора кўрмаган. Уларга озор етказмаганингиз эвазига кузда бу ердан жуда кўп бол оласиз.

Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг шарофати билан боларилар идишга қамалмай шу дараҳт ковагида яшаб қолган эканлар-у, ҳар йили боғбон у ердан пақирни тўлдириб бол олар экан.

памак!— деб жаллодни чақириб, Зиёд ботирни ўлимга буюриб юборади. Вазирлардан бири Зиёд ботирнинг гуноҳини сўраб, Султоннинг ёғига йиқилиб, ота-бобосини шафе келтириб ялингандан сўнг, маҳкум ўлимдан озод қилинса ҳам, шаҳардан бадарға этилади.

Зиёд ботир йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, чўлу қир ошиб, бир неча кун деганда бир тоққа боради. Қараса, кетганича кўкаламзор, кўнглини очадиган хушҳаво манзил. Тоғни айланиб нарироққа борса, бир мўйиса-фил чол неча минг йилқи, қўйларни ўтлатиб юрибди. Зиёд ботир салом берди. Чол унинг чарчаб келганини билиб, мешдан бир коса қимиз қўйиб узатди.

— Қаердан келяпсан, ўғлим?

Зиёд ботир бошига тушган савдони гапириб беради. Чолнинг раҳми келиб:

— Ўғлим, энди қаёққа борасан?— деб сўради.

— Қаёққа ҳам борардим, ота. Ўз юртимдан жудо бўлган бир ғарнитурман. Бошим оққан томонга кетаётиман.

— Менинг топганимни баҳам кўрсак, қандай бўлали? Мен шу тоғ ҳалқининг молини боқаман, ота-бобомдан қолган касб бу. Топганимга қаноат қиласанг, менга ўғил бўлгин, шу жойда юра бергин.

Зиёд ботирга бу гап маъқул тушиб:

— Отажон, агар сиз шуни хоҳласангиз, мен жону дилим билан розиман,— деди.

Шундай қилиб, у чўпонга ўғил бўлиб, қўю йилқиларни боқиб юраверибди.

Зиёд ботир бу ерда палахмон отишининг ҳадисини олибди. Молларга ваҳший ҳайвонлар ҳужум қилса, бир тош билан уриб ўлдира берибди. Унинг бу ишидан отаси ҳам хурсанд бўлибди. Ҳар йили бир қанча моллар ваҳшийларга ем ўлиб кетар экан-да. Зиёд ботирнинг таърифи бутун тоғ ҳалқига ёйилиб кетибди. Одамлар унга «Тошотар ботир» деб ном беришибди.

Энди Султоннинг қизи Қамархондан эшитинг. У зимдаи Зиёд ботирни кўзининг остига олиб юрарди, «Агар отам мени эрга берса, шунга берсин», дерди ичида. Отаси ботирни шаҳардан бадарға этгач, бутун дунё кўзига қоронги бўлиб, эртаю кеч ошигини ўйлаб, кечалари йиғлаб тонг оттиарди. Аммо дардини ҳеч кимга айта олмас эди.

Кунларнинг бирида Қамархон отасидан ижозат олиб, йигитларга ўхшаб кийиниб, ов итини олдига солиб, қирқ канизи билан широкрга жўнайди. Бир неча кун юргандан

Шаҳзодалар, бекзодалар, бошқалар ҳам ошиқ бўлиб совчи қўйса, қиз ёқтирмас эди. Унинг берадиган жавоби: «Мен эрга тегмайман!»— бўларди.

Султоннинг саройида бир уста бўлиб, ҳамма ҳунарга омил эди. Ясаган асбоблари жуда маъқул бўлганлигидан Султон уни саройдаги барча усталарнинг бошлиги қилиб қўйган эди. Шунинг учун устанинг обрўси жойида эди. Саройдаги хизматкорларнинг катта-кичиги, ҳаммаси ҳурмат қиласиди. Устанинг йигирма яшар навқирон ўғли ҳам бор эди. Хушсурат, ўқиган, ақлли, шижаотли йигит эди. Бу боланинг оти Зиёд бўлиб, ботирликда анча шуҳрат қозонган эди. Зиёд ботир ҳам Султоннинг қизи Қамархонга ошиқ эди.

Бир куни малика устага яхши ўқ-ёй буюрибди. Уста маликанинг талабига мувофиқ ўқ-ёй ясаш учун бор ҳунарини ишга солади. Зиёд ботирнинг отаси тез кунда битта камон ҳозирлайди. Ўғли ҳам отасидан яширинча бир камон тайёрлаган эди. У камонини кўрсатгач, отаси жуда ҳайратга қолади. Ўзиникини ўзиникидан неча дараҷа зиёда. Қамоннинг қабзасида ажойиб рубоийлар нақш этилган. Отаси азбаройи хурсанд бўлганидан ўзининг пешонасидан ўпиди:

— Баракалла, ўғлим, менинг ҳунаримни жуда яхши эгаллабсан, энди бировга хор бўлмайсан,— дейди кувониб. Сўнг ўзиникини қолдиради-да, маликага Зиёд ботир ишлаган камонни юборади. Малика уни кўриб, таҳсин айтади. Ўзининг ўйлаганидан ҳам зиёда бўлгани учун устага бир қанча инъомлар беради.

Уста анча ёшга бориб қолган эди. У бетобланиб, дори-дармон қилинишига қарамай, охири вафот қиласиди.

Сўнг Султон Фотиҳ Зиёд ботирни чақириб олиб, отасининг ўрнига — ҳамма усталарга бошлиқ қилиб қўяди.

Кунларнинг бирида Султон Фотиҳ ҳарамга кирса, қизи бир камонни ўйнаб ўтирганини кўради. Камоннинг ишланишини кўриб, ҳайрон бўлиб, томоша қилиб турган пайтда, унинг қабзасига ёзилган шеърга кўзи тушиб қолади. Ўқиб қараса, ошиқона байт. Қизига ўқиб кўрсатачи, у ҳам ҳайрон колади.

Султон дарғазаб бўлиб, Зиёд ботирни чақириб сўрайди:

— Буни ким ёзди?

— Мен ёздим.

— Ҳали сен шу мартабага етишиб қолдингми, кўр-

сўнг бир ўрмонга етади. Бу ерда тустовуқ, қирғовуллардан овлаб юради, тузукроқ ўлжа учрамайди. Ўрмондан чиқиб қолади. Қамархон бир ўқ билан бўрини уриб, терисини шилиб, қизлардан бирининг қўлига бериб, нарироқда ўтган эди, у ер кетганча сайхон экан. Битта кийикнинг ўтлаб юрганини кўради. Кийикнинг қулоғига тилла ҳалқа осилган, бўйнида эса ҳар хил асл тошлар, шохига тилладан муҳр босилган. Қамархон унга хуштор бўлиб қолиб, қизларга буюриби:

— Шу кийикни ўраб олинглар, ўқ отмасдан, каманд билан тутинглар, ҳеч ким қочирмасин. Ким қочириб юборса, орадан ҳайдаб, юзига қора суртинглар,—дебди.

Қизлар Қамархоннинг буйруғини эшишиб, ҳаммаси қўлига каманд олиб, кийикнинг атрофини ўраб туради. Ҳумоюн деган каниз ўртага тушиб кийикка каманд ташлаган эди, у чап бериб, маликанинг ёнбошидан ўтиб кетади. Қамархон кетма-кет уч марта каманд ташлаб, кийикни тута олмайди. Сўнг қизлардан уялиб, аччири келиб кийикнинг орқасидан тириқтириб қувиб кетади. Кийик ҳам отилган ўқдай зириллаб, учар қушдай пириллаб кета беради. Маликанинг мингандан қолмайди. Кийик бир форга кириб кетади. «Ҳа, энди тутдим»,— деб ўйлайди малика суюниб, форга кириб қараса, фор тешик экан, нариги ёғидан чиқиб, қочиб қопти. Қамархон яна отга миниб, кийикнинг орқасидан қарама-қарши қувлади.

Кийик тоғ ёқалаб кетаётган пайтда Зиёд ботирга дуч келиб қолади. У палахмонга тош солиб, кийикнинг шохини мўлжаллаб отади. Тош кийикнинг бир шохини учириб юборади. Жонивор тил тортмай ўлади. Худди шу пайт малика ҳам етиб келади. Қараса, кийик ўлиб ётиби:

— Ҳой, номард чўпон, кийикни отсан, аллақачон ўзим отардим, менинг мақсадим тириклайн тутмоқ эди. Сен нега бироннинг овини отасан?— деб жиловни Зиёд ботир томонга буриб, отга бир-икки қамчини уриб, югуртириб келаётган пайтда қўққисдан бир шерни кўриб қолган от қўрққанидан таққа тўхтағанда, малика учиб кетади. Қўлидаги яланғоч қилич чап тирсагига ботиб, ёрга йиқилади.

Зиёд ботир шер кўриниши биланоқ, палахмснига тош солади, маликага сакраган пайтда эса иягини мўлжаллаб отади, тош шернинг тумшуғига тегиб, чакаги аралаш бурнини учириб юборади. Келиб қараса, бир

йигит, юзига ниқоб тутган, отдан йиқилиб, беҳуш бўлиб ётибди. Қиличи қўлидан ўтиб ерга ботган. Дарров қўйлаганини ечиб, бир енгипи йиртиб қўлини ташгиб қўяди. «Инсоф юзасидан иш қилишим керак, бу бечора бекорга ўлиб кетмасин», деб сув олиб келиб юзига сепади. Шунда ҳам «йигит» ўзига келмайди. «Юзидан ниқобини олиб, озгина сув ичириб кўрай-чи», деб қараса, қора сочлари жингалак бўлиб кетган Қамархон. Қўради-ю, ўзини йўқотиб қўйишига оз қолади.

*Эй, пари, бошинг кўтар, турғил, мени куйдирмагил,
Тирила чопгинки чоп, беҳуш ётиб ўлдирмагил,—дейди.*

Орадан бир оз вақт ўтгандан кейин қиз ўзига келиб қараса, тепасида Зиёд ботир кўз ёшларини тўкиб термулиб ўтирибди. Суюнганидан яна ҳушидан кетиб қолади. Шу пайтда Қамархоннинг канизаклари қидиришиб келиб қолади. Кўришадики, бир шер ўлиб ётибди, ма-лика беҳуш, чўпон эса тепасида аҳён-аҳёнда сув сепиб ўтирибди. Булар дарров отдан тушиб, маликанинг бошини тиззасига олиб, кўзидан ёш тўкиб турган пайтда Қамархон ҳушига келади. Унинг қўлини ечиб, малҳам қўйиб, қайтадан боғлашгач, шаҳарга олиб кетмоқчи бўлишганди унамайди.

— Мен то сиҳат топмагунимча бу ердан кетмайман, — дейди.

Уша ерда бир чашма бор эди, атрофида икки туп дарахт ўсарди. Уларнинг сояси икки ботмон ерга тушарди. Маликанинг чодирини ўша ерга тикишади. Аҳволи бир оз ўнглангач эса:

— Сиз бу ерда қачондан бери чўпонлик қиласиз?— деб сўрайди.

— Отангиз ҳайдаб юборгандан бери,— деб жавоб беради Зиёд ботир.

Малика унинг жавобидан завқланиб, табассум билан кулиб қўяди. Сўнгра Зиёд ботирга дейди:

— Менда айб йўқ, айб ўзингизда. Афсус, сизни отамдан қутқариб ололмадим.

Зиёд ботир терисига сиғмайдиган даражада суюниб кетади. Кейин отасини чақиргани кетади. Отаси: «Буларни меҳмон қилишимиз керак», деб қишлоқдан битта катта қозонни келтириб, тўрт-бешта қўйни сўйдириб, қозонга оловни ёқиб юборади. Қизларга «Чанқагандирсизлар», деб қимизлардан қўйиб беради.

Орадан неча бир кунлар ўтади, маликанинг яраси

ҳам тузала бошлайди. Энди гапни подшоҳдан эшигинг.

Қамархон овга чиқиб кетгандан кейин ўн беш, йигирма кун, боринг, бир ой ўтади. Ундан дарак йўқ. Отаси бир паҳлавонга буюради:

— Бориб хабар олиб кел-чи, малика қаерда экан. Қаерда учратсанг ҳам бирга олиб кел.

Бу паҳлавон маликани яхши кўриб, «Зора унга етишсам», деб Султонга астойдил хизмат қилиб юрар эди. Султоннинг сўзини эшитиб, хурсанд бўлиб, йигитлар билан айланиб: «Қамархонни қаерда ёлғиз топсак, у билан суҳбат қурамиз», деб отининг олдига бир хўм шароб қўйиншиб, маликани излаб йўлга чиқиб кетишади. Излаб юриб, беш кун деганда топишади. Қарасаки, малика Зиёд ботир билан ўтирибди. Кўради-ю, жонпони чиқиб кетади. Бир нарса дегани маликадан қўрқиб, отдан тушиб, улар билан сўрашгач:

— Отангиз сиздан хавотир олиб, мени юбордилар,— дейди.

Бугун ҳам шўрва пишиб турган эди, шўрвани сузиб, меҳмонларга тортишади. Паҳлавон ҳам олиб келган шаробини ўртага қўяди. Қизлардан бир-иккиси косагул бўлиб, шаробни қўйиб туради. Малика ҳам кўпдан бери хумор эди, ичади. Зиёд ботир ҳам ичади. Бир-икки косадан кейин паҳлавоннинг кўзи қизариб, қони қизиб: «Тур, маликанинг ёнидан, нимага ўтирибсан!»— деб Зиёд ботирга дўқ қиласи. У индамагач, «Менинг буйруғимни нимага бажармайсан!»— деб ўрнидан туриб бир мушт солади. Зиёд ботир аччиғланиб, унинг қўлидан тортиб туриб бир урган эди, чакаги тушиб, оғзидан кўпиги кетиб, ўша заҳоти ўлади. Кейин унинг йигитлари Зиёд ботирга ҳужум қиласи. Зиёд ботир бирпасда ҳам масини ўлдиради. Шундан сўнг малика Зиёд ботирга:

— Энди бу ерда туриш хавфли. Нима бўлса ҳам бир бошқа юртга кетайлик,— дейди. Қизларга эса: «Сизлар саройга боринглар. Отам мени сўраса, бир кийикнинг ортидан қувиб кетди, ахтариб тополмадик, деб айтинглар,»— дейди.

Қизлар малика билан йиғлашиб хайрлашадилар. Зиёд ботир ҳам, Қамархон ҳам чўпон бобо билан хайрхўшлашгач, иккиси икки отни миниб, йўлга тушишади. Ов қила-қила бир неча кун деганда бир Ҳирот деган шаҳарга боришади. Бу ерда Султон Ҳусайн Мирзо подшоҳ экан. Булар келиб бир карвон саройга тушишади. Ўша саройга яқин ерда бир шайх бор эди. Зиёд ботир

қизни никоҳлаб олиш учун шайхга боради. Шайх йўқ экан, ўғли чиқади. Зиёд ботирнинг сўзини эшигиди:

— Ўзим никоҳлаб қўя қолай,— деб Зиёд ботир билан бирга саройга келади. Никоҳлаётган пайтда қизга кўзи тушиб қолади: «Аттаинг, шундай нарсани ўз қўлим билан никоҳлаб бериб қўйдим», деб афсусланиб, ўпкаси тўкилиб уйига қайтади. Қизнинг дардида Зиёд ботир билан оғайни бўлиб ҳам олади. «Мусофири сийламоқ суннати пайғамбар», деб бот-бот кўргани келиб туради.

Зиёд ботир қиз билан маслаҳатлашиб бир Темирчига малай тушади. Темирчига унинг хизмати ёқиб қолади. Қарасаки, ўзидан ҳам ҳунарманд. Уста инсофли одам эди, ўзига шерик қилиб олади, жону дил боламсан, дейди.

Бир куни шайхнинг ўғли Зиёд ботирга:

— Биродар, сиз бу ерда ётманг, мен маҳалладан бир ҳовли топиб қўйдим. Шуни арзоироққа олиб бераман,— дейди. Зиёд ботир:

— Пулимиз йўқ,— деди.

— Сизда бўлмаса, бизда бор, менга топганингизда бераверасиз,— дейди. Зиёд ботир ҳовлини кўриб, ёқтиради. Ишлаб орттирган пули бор эди, нақд санаб бериб ҳовлини олади. Қизни кўчириб келади. Кейин шайхнинг ўғли айтади:

— Хотинингиз ёш нарса, сиз ишга кетган пайтла ёлғиз қолади, бизникида бир хотин бор, ўзи бефарзанд, шу хотинни сизникига юборсам, қандай бўлади?

Зиёд ботир ундан хурсанд бўлади.

Шайхнинг ўғли бир маккора хотинни топиб, унга анча пул бериб:

— Ишқилиб, шу Қамархонни йўлдан чиқаргин,— деб Зиёд ботирнинг уйига олиб келиб қўяди.

Қампир Қамархон билан она-боладай бўлиб кетади. Эртаю кеч қўлида тасбеҳ, намоз ўқииди. Қамархон эри ишга кетгандан кейин ўтириб гилам тўқииди. Зерикса, ашула айтади. Секин-секин кампир қизнинг пинжига кириб, шайхнинг ўғлини мақтай бошлайди. Унинг ҳарақатини Қамархон сезиб қолиб, мақсадига тушуниб, эри келганда айтади. Зиёд ботир:

— Мен ҳам: «Бу менга нега мунча дўст бўлиб қолди», деб ўйловдим-а, гап бу ёқда экан-да. Майли, ҳозирча индамай турингчи, у яна нима дер экан,— дейди. Эртасига кампир яна гап бошлайди.

— Сизни у киши жуда яхши кўрар эмишлар, бир гаплашсангиз нима бўлади?— дейди.

Қамархоннинг аччиғи қистаб, кампирнинг лунжига бир гушириб, ҳайдаб юборади.

Кампирнинг лунжи шишиб, ичи пишиб, тили оғзига сиғмай ғулдираб шайх ўғлига боради. У бор гапни саштгач, жаҳли қўзийди. Унинг бир одам ўлдириб юрган хизматкори бор эди, ўшани чақириб:

— Бу кечада ҳеч қаёққа бормагин,— дейди.

Шайх ўғли ярим кечада хизматкорини олиб Зиёд ботирнинг уйига келади. Буларнинг ухлаганини билиб, иккаласи девордан ошади. Йигитни ўлдириб, қизни олиб чиқиб кетмоқчи бўлишади.

Қамархон одам шарпасини билиб, Зиёд ботирни уйғотади. У ўрнидан туриб қараса, айвоннинг олдида икки одам турибди. Ёстиқнинг тагидан ханжарини олади-да, бориб хизматкор билан олишади. Қамархон эса шайхнинг ўғли билан муштлашади. Зиёд ботир хизматкорни ўлдиради. Малика шайхнинг ўғлини ётқизиб, олиб бўғиб турган эди, Зиёд ботир:

— Қўйиб юборинг бу ифлосни,— дейди. У ўрнидан тиз чўқади-да:

— Мени қўйиб юборинглар,— деб йиғлайди. Малика: «Ўлдирайлик», деса ҳам, Зиёд ботир: «Майли, кетсин, бу юмардни ўлдирманг», дейди-да қўйиб юборади.

Шайхнинг ўғли бу ердан чиққандан кейин «Нега шуни подшоликка бориб айтмайман», деб ўйлабди-да, лунжини танғиб боғлаб, подшо саройига боради. Султон Ҳусайн Мирзо бир неча маҳрамлари билан суҳбатлашиб ўтирган пайт шайхнинг ўғли «дод», деб кириб боради. Султон:

— Кимдан дод деяпсан?— дейди.

— Тақсир, юртимизга яқинда бир оқпадар қиз олиб қочиб келган эди. Мен уни дуруст одам деб ўйлаб ни-коҳлаб қўйган эдим, кейин ҳовли олиб бердим. Шу кечадан ўтиб кетаётсам, ичкарида бир қанча йигитлар, ўртада хотини ўйнаб турибди. Аччиғимга чидамай йигит ҳаромини чақириб: «Бу нима бузуқлик, худодан кўрқсанг бўлмайдими?»— деган эдим, мени бир мушт солди. Тақсир, шу ҳаромини шаҳардан ҳайдаб юборсангиз. Қасофати ҳаммамизга уради. Султон ғазабланиб:

— Уни шаҳардан чиқариб юбориш қаёқда дейсиз, ҳайдатиб келиб ҳозир ўлдирираман,— деб одам юборади. Зиёд ботир билан Қамархоннинг қўлинни орқасига боғлаб олиб келишади. Султон Қамархонни кўради-ю, ўзини йўқотиб қўяди. Буларнинг покизалигига ақли етади. Зиёд ботирга:

— Сен бу қизни қаердан олиб келдинг? — дейди.

— Тақсир, ўзидан сўранг, — дейди Зиёд ботир.

— Сен қизни ташлаб кета бергин, — дейди Султон. Зиёд ботир унамайди. Султон жаллод чақириб, йигитни ўлияга буюради. Жаллодлар уни олиб чиқиб ўлдира-миз, дегунча, улардан олдинроқ Зиёд ботир жаллод-ларнинг суробини тўғрилаб, қочади-да, тўппа-тўғри ҳалиги темирчи устасининг уйига боради. Унга бўлган воқеаларни айтиб беради.

— Энди фалон ердаги ғорга бориб тур, мен нима бўлганини эртага сенга етказаман, — дейди темирчи.

Султон қизга яхши гапириб:

— Сизни маликаларнинг маликаси қиласай, мен билан бўлинг, — деб қанча ялинса ҳам кўнмайди. Аччиғланган шоҳ, уни боғидаги махфий зиндонига ташлатибди.

Зиёд ботирнинг қочганини эшитгач, шоҳ шаҳар дарвозаларни бекитиб, қидиртириб тополмайди. Эртасига кечқурун темирчи Зиёд ботир яширган ғорга боради. Иккаласи бир оз сұхбатлашишгач:

— Энди нима қиласиз, бир тузукроқ йўл кўрсатинг? — дейди Зиёд ботир.

— Бир тузук йўли бор, у ҳам бўлса, султоннинг вазири Алишер Навоий билан учрашасан, бутун дарди дунёингни айтасан. У киши бирор йўлини топади, — дейди.

Зиёд ботир «хўп» деб ярим кечада Алишер Навоийнинг уйига боради. Эшикбонга:

— Мен узоқ ердан меҳмон бўлиб келдим, — дейди.

Алишер Навоий одатда ухламай кечалари ижод билан шуғулланар эди. Эшикбон кириб:

— Бир меҳмон йигит узоқдан кўргани келибди, — дейди.

— Чақиринг, кирсиллар.

Зиёд ботир Алишер Навоий билан кўришиб-сўрашиб, ўтиргандан кейин бошига тушган ишларнинг ҳаммасини бирма-бир айтиб беради.

— Хотиржам бўлинг, Султон Қамарин ўлдирмайди. Мен унинг хабарини эртага билиб келаман, — деб юпатади Алишер Навоий.

Эртаси куни вазир боқقا киради. У Султоннинг шу ерда махфий зиндони борлигини биларди. Айланиб юрган эди, боғбон кўриб қолади-да, таъзим қилиб, Алишер Навоийга бир даста гул тутади. Бу киши ҳам боғбонлик, ҳам зиндонбонлик қиласди. Буни деярли ҳеч ким билмасди.

— Қиздан хабар олиб турибсизми, тағиي ўжарлик қилиб ўзини-ўзи ўлдириб қўймасин.

— Ҳа, тақсир, хабар олиб турибман. Султоннинг ўзлари ҳам ҳозир чиқиб кетдилар,— дейди.

Алишер Навоий хотиржам бўлиб, кечқурун уйга келиб, йигитга бу воқеани айтади.

Уша куни Зиёд ботир ўзининг йигитлари билан боғдан лаҳм ковладиди. Уч кун деганда боғни тешиб, Қамарни қутқариб олиб чиқиб кетади. Алишер Навоий уларни уйига олиб бориб, яхши бир жой тайин қиласди.

— Сиз менинг биродаримсиз, Қамар синглим. Менинг уйимда бир умр турсаларинг ҳам бемалол, бирор сизларга дахл қилолмайди,— дейди у. Қамар билан Зиёд ботир хурсанд бўлиб, Алишер Навоийнинг уйида яшайверишиади. Орадан уч йил ўтади. Улар бир ўғил кўришиади, бола юрадиган бўлади.

Бир куни Алишер Навоий боғдан чиқиб кетаётганда йўлда уларнинг боласи сув ўйнаб турган экан. Уни кўтариб, қўлига гул берибди-да, Зиёд ботирнинг хонаси олдига етган пайтда ичкаридан:

— Нега йиғлайсан, онаңгни соғинганинг билан бориб кўролмасак, қўй йиғлама, менинг ҳам юрагимни эзма,— деган овозни эшигади. Сўнг уйга киради. Қамархон кўзининг ёшини артиб, Алишер Навоийга салом бериб, ўрнидан туради:

— Ҳафа бўлманг, синглим, яна бир ой сабр қилинг, юртингизга ўзим олиб бориб қўяман, отангизга ҳам тушунираман,— дейди.

Орадан бир ой ҳам ўтади. Алишер Навоий Султондан саёҳат баҳонаси билан ижозат олиб, ўзининг тўртта яхши сирдош йигитларини ҳамроҳ қилиб, сафарга отланади. Бир ҳафта илгари Қамар билан Зиёд ботирни шаҳардан чиқариб, бир тоғнинг бағрига қўйиб келган эди. Йўлга чиққанидан кейин уларни олиб тўппа-тўғри Истамбулга кетади. Бир неча кун йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, Истамбулга етади. Султон Фотиҳ Алишер Навоий келганини эшишиб, бир қанча йигитлари билан пешвоз чиқади. Шонрни бир неча кун меҳмон қилганидан кейин эса:

— Хун келибсиз, хизмат?— дейди.

— Икки гуноҳсизнинг гуноҳини сўрагали келдим. Шуларнинг гуноҳини ўтсангиз, тағин бир неча кун тураман, бўлмаса кетаман,— дейди Алишер Навоий.

— Агар гуноҳкорлар отамни ўлдирган бўлсалар ҳам,

сиз туфайли гуноҳидан кечдим, ким экан улар,— деб сўрайди Султон.

Алишер Навоий Қамар билан Зиёд ботирни чақириди. Малика келиб отасига ўзини ташлайди. Султон суюнганидан жони чиқиб кетаёзди.

— Қаерда эдинг, бўтам,— деб қизининг пешонасидан ўпиди, йиглаб юборади. Султон Қамар йўқолганидан кейин қидирмаган жойи қолмаган эди. Кейин Зиёд ботир билан сўрашади. Алишер Навоий буларнинг бошига тушган ишларнинг ҳаммасини айтиб беради. Орага низо туширмаслик учун Султон Ҳусайн билан бўлган воқеанинг айтмайди. Султон Фотиҳ шаҳарга етти кун ош бериб, Зиёд ботирни ўзига амири лашкар қилиб олади. Зиёд ботир тоғда бирга мол боқишиган отасини чақириб келиб, бир бօғ обод қилдириб, унга беради.

Алишер Навоий у ерга бир неча кун туриб, яна Ҳиротга қайтиб кетади. Булар бир-бирларини соғингандан бориб-келиб кўришиб туришади.

ТАНДИР ҚУРОЛМАГАН УЙ ҚУРОЛАРМИДИ?

Алишер Навоийнинг Мамат ака деган қўшниси бўлар экан. Мамат ака умр бўйи ишлаб, биргина уй қура олган экан, холос. Бор бисоти ҳам шу бино экан. Унинг Худойберди деган ўғли бўлиб, ҳеч қаерда ишламас, туни кун тараллабедоддан бўшамас экан. Кунлардан бир куни Мамат ака шонирнинг ҳузурига келибида:

— Ҳазрат, ўзингизга аёнки, мен анча-мунча ёшга бориб қолдим. Бугун бўлмаса эртага омонатни топширадиганга ўхшайман. Сизга бир илтимосим бор, хўп десангиз айтай,— дебди.

— Бажону дил, бажарурмен,— дебди Алишер Навоий.

— Илтимосим шулки,— сўзини давом эттирибди Мамат ака,— мен бу дунёдан кўз юмган кунимоқ, боласи тушмагур Худойберди кулбани сотадиган кўринади. Нима қилиб бўлса ҳам уни бу йўлдан қайтарсангиз. Ахир «Ватан гадоси — кафан гадоси», деб бекор айтишмаган. Мендан кейин Худойбердининг бундай уйни тиклаб олишига ҳеч ишонмайман. Кулбасиз кўчаларда қолиб хор бўлади,— дебди Мамат ака кўзига жиқقا ёш олиб.

— Айтганингиздек бўлади, менга ишонаверинг,— деб уни юпатибди Алишер Навоий.

Мамат ака уйига келиб ўғлини олдига чақирибди-да:

— Болам,— дебди унга қараб,— мабодо куним би-
тиб қазо қилсам, уйни асло сота кўрма, кейин тиклай
олмай ҳалок бўласан... Борди-ю, жудаям сотгинг келса,
Алишер Навоий ҳазратларининг олдиларидан бир ўтиб
кейин бу ишга қўл ур. Ишончим комилки, у киши сен-
га тўғри йўлни кўрсатиб берадилар.

Мамат ака оламдан ўтибди. Худойберди уйни сотиш
тараддутига тушиб қолибди. «Отам уйни сотадиган бўл-
санг, Алишер Навоийниг олдидан бир ўт», деган эли,
ҳазрат қандай йўл кўрсатаркан», дебди-да, шоирнинг ҳу-
зурига бориб мақсадини айтибди. Шунда Алишер Навоий:

— Яхши, аммо тандирларинг бир оз эскироқ кўри-
нади. Бузиб янгисини қур. Уйнинг нархи икки баравар
ортади,— дебди.

Худойберди уйга келиб, тандирга қараса, ҳақиқатан
ҳам жуда эски, бир томони нураган эмиш. «Ҳазрат тўғ-
ри айтди, буни бузиб янгисини қурсам, уйнинг нархи
икки баравар ошади», дебди-да, тандирни бузибди. Сўнг
қўшни қишлоқдаги тандирчиникига жўнабди. Ундан
тандир сотиб олибди-да, орқага қайтибди. Йўлда ни-
ҳоятда чарчабди. «Бир оз нафасимни ростлаб олай»,
деб бир дўнгликка ўлтиromoқчи бўлган экан, тандир
ерга қаттиқроқ тегиб кетиб, синиб қолибди! Худойбер-
ди орқага қайтиб, ҳалиги устадан яна битта тандир со-
тиб олибди. Уйга етайдеганда, уни ҳам синдириб қўйиб-
ди. Учинчи тандирни бир иложини қилиб уйига олиб ке-
либди-да, эскисининг ўрнига қура бошлабди. Устига
кўп лой бостириб юборган экан, эрталаб ўрнидан туриб
қараса, тандир тушиб ётган эмиш. Худойбердининг
жаҳли чиқиб: «Алишер Навоий нега мени бунчалик ово-
рагарчиликка солиб қўйди!»— дебди-да, унинг олдига
чиқибди.

Алишер Навоий супада ўтириб шеър битиш билан
банд экан.

— Ҳазрат,— дебди Худойберди унга қараб,— тан-
дирни қуролмадим. Майли, арzonроққа кетса ҳам, уйни
тандирсиз сота бераман.

— Ҳовлиқмай сўзимни эшит,— дебди Алишер Навоий,— кўрдингми, биргина тандирни ҳам эплаб қурол-
мадинг, аммо уйни сотмоқчи бўлассан. «Бели оғримаган-
нинг нон ейишини кўр», деб бекорга айтишмаган. Уйни
сотиб, янгисини тиклай олмай, кўчаларда қолиб кетиши-
ни ўйламадингми?! Бор, ишла! Уй ҳам ёнга қолади, ти-

рикчилигинг ҳам ўтади Балки яхши яшаб кетарсан. Алишер Навоийнинг ақлли тадбир ва доно сўзларига тан берган Худойберди уйни сотмай, ишлаб яхши кун кечира бошлабди.

ХУДО САҚЛАСИН

Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро ораларидан ҳатто қил ҳам ўтмас оғайнин эдилар. Қунлардан бир куни овдан қайтаётисб, гап талашинб қолнишибди. Жоҳил вазирларнинг ифвоси-ю, ҳасадларидан зериккан Алишер Навоий, қандай бўлмасин, саройдан кетишнинг иложини тополмай юрар экан.

— Ҳазрат, мен мана шу ерда қоламан. Энди билсам, бу тақдири азалда бор бўлиб, менинг шўр пешонамга шу хушманзара битилган экан. Бу сафар яратганинг раъйига қарши бормассиз, деб ўйлайман,— дебди Алишер Навоий.

Ҳусайн Бойқаро тортишувнинг оқибати бундай бўлиб чиқишини ўйламаган эди. Дўстига нима деб жавоб қайтаришни билмай: «Ихтиёрингиз, тақсири!»— дебди.

Тез вақт ичида саройда Алишер Навоийнинг йўқлиги билинибди. Вазирларнинг ўзбошимчаликлари кундан-кунга кучая борибди. Ҳамма ишда ақл-идрок бўлган ҳазрати Алишерсиз иш олиб бора олмаслигини англаған Ҳусайн Бойқаро дўстини саройга қайтаришга қарор қилибди. Биринчи куни бир вазирини юборибди. Алишер Навоий саройга қайтишга рози бўлмабди. Иккинчи куни иккита вазири аъламини юборибди, тағин кўнмабди. Учинчи куни бутун сарой аҳлини юборибди, шоир барибир қайтишга унамабди. Ҳусайн Бойқаронинг жудаям боши қотиб, нима қиласини билмай қолибди. Вазир, уламо, ҳукамоларини йигибди-да:

— Эртагача Алишер Навоийни саройга келтиришнинг йўлини топмасанглар, ҳаммангнинг бошингни танангдан жудо қиласман,— дебди.

Вазирлар орасида шоирга яқинроқ бир киши бор экан. Эрталаб Ҳусайн Бойқаро ёнига кириб:

— Ҳазрати олийлари, Алишер Навоийнинг олдига бир ахмоқ билан бир лақмани жўнатиш керак. Уларни Алишер Навоийдек ёмон кўрувчи кимса топилмайди,— дебди.

Бу гап Ҳусайн Бойқарога маъқул тушибди, тезликда бир ахмоқ билан бир лақмани топтириб, уларга сарпо-

лар кийгизибди-да, отда шоирнинг олдига жўнатибди.

Шонр аҳмоқни ҳам, лақмани ҳам танир, икковини шунчалик ёмон кўрар эканки, ҳатто улар юрган кўчадан юрмас экан.

Навоий икки отлиқни узоқдан кўрибоқ мақсадни англабди-да, йўлга отлана бошлабди. Шу пайт аҳмоқ билан лақма етиб келиб, шоша-пиша отларидан тушиб, иккови букилган ҳолда шоирга салом бера кетишибди. Аммо алик бўлмабди. Шунда лақма ҳеч нарсани билмагандай:

— Нихоятда соғиниб кетганигимиздан, дийдорларини кўрмоқ ва нафис сұхбатларидан баҳраманд бўлмоқ мақсадида жаноби олийларининг ҳузурларига ошиқдик. Бас, шундай экан, бизни кўрибоқ ҳазратимнинг шошилинч отланишларининг боиси недур? — дебди.

Лақма сўзини тутатгунича отига миниб олган шоир:

— О, худо сақласин! Сизлар билан бир нафас бирга бўлгандан кўра, Қоф тоғини ўғирда туйганим, фалакнинг тўққиз гумбазини мана шу юрагим қони билан суваб чиққаним, қола берса, юз йил зиндоңда ўлтирганим афзалроқ,— дебди-да, отига қамчи босибди.

ЮРТ ҚОРОВУЛИ

Бир замонлар Ҳирот шаҳрига Мирзо Ҳусайн деганиши подшо эди. Ҳусайн Мирзонинг шаҳар четида катта бир боғи бўлиб, унда Сотиболди деган киши қорувуллик қиласар эди. Мирзо Ҳусайн кундузи юртни сўрар, кеч тушди дегунча, уст-бошини ўзгартириб, ҳеч кимга билдирамай, Сотиболдининг олдига борар экан. Улар икковлашиб улфатчилик қилишар экан.

— Сотиболди, сен боққа қоровулсан,— деркан Мирзо Ҳусайн ошинасига қараб,— мён бўлсан юргта. Сен боғни қўриқласанг, мен юртни. Мана ҳозир иккимиз бир кишимиз. Улфатчилик қилиб, отамлашиб ўтирибмиз. Мен билан бундай улфатчилик қилишингни ҳеч ким билмаслиги керак. Оғзингни бўш қўйиб бирон кимсага айтиб қўйсанг, сени ҳам, айтган кишингни ҳам ўлдиритириб юбораман.

Сотиболди ўла-ўлгунча ҳеч кимга айтмасликка сўз берибди.

Ҳусайн Мирzonинг доно вазири Алишер Навоий булар ўртасидаги дўстликни билар, лекин ҳеч кимга айтмас экан.

Кунлардан бир куни Карим бобо деган ўтиччи даладан ўтин териб, сотгани бозорга кетаётган экан, подшонинг одамлари кўриб қолиб, ўғри деб ушлашибди-да, оёғини ерга тегизмай саройга олиб келибдилар. Мирзо Ҳусайн сўрамай-нетмай Каримбобони ўлимга ҳукм этиб юборибди. Шу пайт қаёқдандр Алишер Навоий келиб қолибди. «Бу ўтиччи Каримбобога ўхшайди-ку?»— дебди шоир. Бобога яқинроқ бориб қараса, ҳақиқатан ҳам ўша киши. Сўнг:

— Ҳа, бобо, бу ерда нима қилиб юрибсиз?— деб сўраган экан, бобо:

— Эй шоир, сабабсиз саройга келармидим. Ўғри деб ушлаб келишди. Шаҳаншоҳи бокарам ўлимга ҳукм қилдилар. Ўлимимни кутиб туриман. Кошки умридада бирон марта ўғирлик қилсан ҳам майли эди,— деб кўзига ёш олибди.

«Бобо гуноҳсиз, бечоранинг гуноҳини сўраб олиш керак. Аммо қандай қилиб? Бу ишга мен уннай десам, Ҳусайн Мирзо йўқ дейиши турган гап. Чунки куни кеча икки кишининг гуноҳини тилаб олган эдим,— дебди ўзига ўзи вазир,— яххиси Сотиболдининг олдига бораман. Зора у бирон чора топса», деб ўйлабди-да, боққа қараб жўнабди. Шоирни кўрган Сотиболди хурсанд бўлиб кетибди.

— Сотиболди ака,— дебди Алишер Навоий,— сизнинг олдингизга зарур иш билан келдим. Тез бўлинг. Бир гуноҳсиз бечорани ўлимдан сақлаб қолиш керак.

— Қандай қилиб?— дебди ҳайрон бўлиб у.

— Ҳайрон бўлманг. Бу иш сизнинг қўлингиздан келишини билиб, атайн келдим. Гап бундай,— деб сўзини давом эттирибди шоир,— Мирзо Ҳусайннинг олдига Каримбобо деган ўтичини ўғри деб олиб келишибди. У киши умрида ўғирлик нималигини билмаган одам.

— Қандай қилиб бир боғ қоровули Мирзо Ҳусайндек сultonнинг олдига бора олади. Сиздек шоирнинг қўлидан келмаган ишни мендек ношуд қоровул бажара олармиди?— дебди Сотиболди.

— Бу иш сизнинг қўлингиздан келади. Менга келсак, куни кеча икки бегуноҳнинг гуноҳини сўраб Мирзодан илтимос қилган эдим. Бугун ҳам илтимос қилсан, Султоннинг йўқ дейиши турган гап. Бунинг устига, бугун Мирзонинг феъллари андек жойида эмас. Сиздан бу ишни илтимос қилишимнинг боиси бор: ўзларининг

Ҳусайн Мирзо билан тунлари улфатчилик қилиб юришларидан бирмунча хабардорман.

Алишер Навоийни алдаб бўлмаслигини билган Сотиболди:

— Оббо, шоир-еъ! Зийраклигингизга ҳамма вақт қойил қоламан,— дебди. Кейин: «Ҳусайн Мирзо билан менинг ўртамдаги хуфиёна улфатчиликдан қачон хабар топгансиз?»— деб сўраб қолибди.

— Бунга анча вақт бўлди.

— Ҳеч кимга айтмадингизми?

— Йўқ.

— Сир сақлашишгизга қойил,— Сотиболди шундай дебди-да, бирга бориб подшодан Каримбобонинг ўлимини сўраб олишга рози бўлибди.— Бир шартим бор,— дебди у,— саройга мени ўғри деб ҳайдаб борасизлар. У ёғини ўзимга қўйиб қўясиз.

Навоий дарров икки сарбозни чақириб келибди-да, Сотиболдини ўғри деб саройга ҳайдаб борибди. Подшо боғ қоровулини танимаганга олибди.

Ҳусайн Мирзони кўрган Сотиболди унга қараб шундай дебди:— Султони бокарам, мен боғ қоровули Сотиболдиман. Ўғри деб ушлаб бу ерга олиб келишди. Умримда бир марта ўғрилик қилган бўлсам худо урсин. Бундан пича олдин шеригимни ҳам бу ерга олиб келишган экан. Мени ҳам ўлимга ҳукм қилишингиздан олдин бир илтимосим бор, шунга йўқ демасангиз. Кейин майли ўғри бўлмасам ҳам, ўғри деб ҳукмингизни чиқара беринг.

— Айт илтимосингни,— дебди подшо.

Шу орада ўзини юрт қоровули, деб юрган бир ошнамиз бор. Шу ошнам билан учрашиб, бир нафас суҳбатлашишга рухсат берсангиз.

Бу сўзни эштиб, Ҳусайн Мирзо нима дейишини билмай, ўйланиб қолибди. «Юрт қоровули менман», деб айти деса, атрофидаги бутун вазирлар, уламолар ўлтиришибди. Ўлимга ҳукм қилинган гуноҳкорнинг охирги илтимосини бажармаслик ҳам мумкин эмас. Нима қиласини билмай қолибди. Охири:

— Сен-ку гуноҳкор эмас экансан. Майли, сенинг гуноҳингни кечсам кечай. Сендан олдин бу ерга келтирилган ўғрига нима алоқанг бор?— дебди.

— Юрт қоровули, мен ва ана шу келтирилган бобо—учовлон улфатчилик қиласар эдик. Каримбобо овқат пишириш билан банд бўлиб, бизга кўринимас эди. Борди-ю,

гапимга ишонмасангиз Каримбобо билан юрт қорову-
лени чақиринг.

Ҳусайн Мирзо ўйланиб-ўйланиб:

— Бор икковингнинг ҳам гуноҳингдан ўтдим,— деб
юборибди. Каримбобо билан Сотиболди саройдан шо-
шиб-пишиб чиқиб кетишибди. Алишер Навоий Сотибол-
дининг донолигига қойил қолибди.

ҲОЗИРЖАВОБ ШОИР

Кунлардан бир куни Ҳусайн Бойқаро вазиру уламо-
лар, алломалару фузало шоирлар билан шаҳар айла-
нибди. Бир вақт йўли оҳангар — темирчиларнинг уста-
хонаси ёнидан чиқиб қолибди. Подшо усталар билан
салом-алик қилиб ўтиб кетаётган экан, бир темирчининг
болға уришидан учқун сачрабди-да, султоннинг зарбоф
тўни этагига ёпишиб, уни хиёл куйдирибди. Буни кўр-
ган вазиру уламолар: «Ҳозир олни ҳазрат темирчининг
бу беодоблиги учун жазолайди», деб ўйлашибди.

Темирчини Уста Каримбобо дейишарди. У киши ҳам:
«Оббо, ёмон бўлди-да... Ё ҳазрати Довуд, ўзинг қўлла-
масанг подшодан жабр кўрадиган бўлдим», деб ваҳима-
бор бермай, қўлига қалам билан қофоз олибди-да:
«Тушди дил доманига бир шарари шўрангез», деб ёзиби-
ди, сўнг «Давом эттири!»— деб ёнидаги шоирга узатиби-
ди. У шоир жавоб ёза олмай бошқасига узатибди. Хул-
лас, қофоз шоирдан-шоирга ўтибди-ю, аммо ҳеч ким
султон бошлаган мисрани ниҳоясига етказиб, жавоб
ёза олмабди. Шунда Ҳусайн Бойқаро:

— Сатқайи шоир кетинглар, буни дўстим Алишерга
олиб боринглар, қани у қандай жавоб қиласкин? Шарт
шуки, мен битган мисра қаерда, қачон ва қандай шаро-
нитда, нима муносабат билан айтилганини унга билди-
манглар,— дебди.

Шоирлар Алишер Навоийнинг ҳузурига бориб, унга
подшо берган қофозни узатибдилар ва индамай қўл қо-
вуштириб турибдилар. Хатни очиб, ундаги мисрага кўз
югуртириб чиқсан Алишер Навоий дарров қўлига қа-
лам олиб ёзилган мисра тагига қўйидагиларни битибди:
«Ишқ оҳангари занжири жунун ишлар эди».

Байтларнинг мазмуни шундай экан, Ҳусайн Бойқа-
ронинг: «Дил этагига куйдирувчи бир учқун тушди»,
деб ёзганига, Алишер Навоий: «Чунки ишқ темирчиси

ниқдан девона бўлганлар учун занжир ишлар эди», деб жавоб бериди.

Хусайн Бойқаро шеърнинг жавобини ўқиб:

— Алишерга офарин!— деб дўстининг ҳозиржавоб шоирлигига яна бир карра таҳсинлар айтибди.

ДИЛОРОМ БИЛАН КИТОБИЙ МУОМАЛА

Бир куни Хусайн Бойқарога чақимчилар келиб:

— Тақсир, сиз Алишер Навоийни бир сўзли, тўғри одам деб ўзингизга яқин тутиб юрасиз. Ҳолбуки, бузуқлигини билмайсиз, нимага десангиз, у ҳужрасининг орқасида бир тўда аёлларининг туришига йўл қўйган, буниси озлик қилгандай, ўша қизу жувонлар ҳовлиси томонга ҳужрасидан дарча очиб, ҳар куни базму айи қилиб юрибди. Агар ишонмасангиз, ўзингиз бориб текшириб кўринг,— дебдилар.

Алишер Навоийнинг ҳужраси Кўшк дарвозасининг тагида экан. Қечаси алла маҳалда Хусайн Бойқаро дўстини синаб кўрмоқ учун посбон кийимини кийиб, унинг ҳужрасига яширинча бориб, эшиги шанглоғидан онгниб қарабди. Ҳақиқатда ҳам, шоир ҳужрасининг нариги томонида чинакам дарича бор эмиш, ундан бир манзара кўриниб, у ерда бир сулув париваш ўтирган эмиш, бу ёқда Алишер Навоий китоб ёзаётган эмиш. Бир палла шоир хатдан бошини кўтариб, ўша париваш кўриниб турган даричага қараб тикилиб туриб, шу сўзни айтибди:

*Мен Ҳири шаҳрида кўрдим бир жонон манзари,
Манзар ичра ўлтурубдур ҳур янглиқ бир пари.*

Кейин ўша ёққа қўлини узатиб хаёл суриб айтибди:

*Турдиму эндим ёнига, бўйнига солдим қўлим,
Ишваю нозу карашма бирла айтур:— Кет нари.*

Париваш шоирга қараб айтар эмиш:

*Дастлари чоқли бўлғонлар етолмайлар менга,
Сен кими жононидирсан ёки занги коргари.*

Шунда Алишер Навоий бир тугунчак пулни ул паривашга кўрсатиб, шундай дер эмиш:

. Минг туманга арзиюрму бир кишининг қиммати.

Ул париваш жавоб айтар эмиш:

Сенда зар бўлса олиб кетгил, йигит сен ё қари.

Алишер Навоий айтар эмиш:

*Ким Ҳири шаҳрига борса ул дидрамсиз бормасун,
Бедидрамга бермаслар йўл ул Ҳирининг хўблари.
Эй Навоий, сен ғанимат бил Ҳурросон хўбларин,
Қадри зар заргар билур, қадри жавҳар жавҳари.*

Бу ҳангомаларни эшитиб, Ҳусайн Бойқаро ётоқ жойига қайтиб кетибди. Эртаси ясовулларига шоирни келтиришни буорибди, ясовуллар ҳадемай Алишер Навоийни олиб келибдилар. Шунда Ҳусайн Бойқаро унга қараб:

— Сиз авваллари ҳаммамизга тозасиниб насиҳат қиласар эдингиз, энди бўлса ўзингиз кўлга тушдингиз, нимага деганда, мен шу кеча сизни бир номаҳрам билан ҳазлу мутойиба билан сўзлашиб турганингизни кўрдим,— дебди.

Шунда шоир:

— Мен бу вақтларда шоҳ Баҳром билан Дилоромни ёзиб юрибман. Дилоромни кўрмасдан мақтаб қоғозга кўчирсан, ғалат бўлмасин, деб руҳини кўшки билан деворга келтириб қўяман. Сизнинг кўзингизга кўринган ўша Дилором билан менинг китобий муомалам,— деб жавоб берибди.

Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийга таҳсин-офарин айтиб, гуноҳкор қиласман деганига уялиб қолибди.

ДОНО АЛИШЕР

Бир қишлоқда Раҳмонқул деган йигит яшар экан. Унинг отаси ёшлигида ўлиб кетган бўлиб, кекса онаси билан қолган экан. Уларнинг бисотида биргина сигирлари бор экан. Раҳмонқул қирдан шувоқ териб, уни бозорга олиб бориб сотар экан. Онаси сигирга қарап экан. Шу алфозда она-бола зўрға тирикчилик ўтказиб юраверидилар.

Нима бўлибди-ю, Раҳмонқул шоирликни ҳавас қилиб қолибди. Кунлардан бир куни шеър ёзибди-да, уни ҳам қишлоқларига ўқиб берибди. Шунда ўтирганлардан бир айтибди:

— Э, Раҳмонқул, катта шоир бўладиганда ўхшайсан. Аммо бундай юришингда сенга шонрлик йўл бўлсин. Яхшиси, топган-тутганингни ол-да, Ҳирот деган шаҳарга бор. У ерда ҳазрати Алишер Навоий деган шонрларнинг пири бор эмиш. У киши билан учрашасан-да, шеър ёзишни ўрганасан қўясан.

Бу гап Раҳмонқулга маъқул тушиб, у ҳазрати Алишер Навоийнинг олдига борадиган бўлибди-ю: «Пулни қаёқдан оламан?» — деб ўйланиб қолибди. Топган-тутган пули тирикчиликка зўрға етар, орттирган бир сўми ҳам йўқ экан-да. Ўйлаб-ўйлаб соғини сигирини сотадиган бўлибди ва фикрини онасига айтибди.

— Молдан айрилдинг — жондан айрилдинг, деган гап бор, — деб ҳеч кўнмабди онаси. Шунда:

— Мен шоир бўлиб қайтганимдан кейин сизга буназа молдан бир эмас, беш-олтитасини олиб бераман,— дебди Раҳмонқул онасига қараб.

Онаси ноилож рози бўлибди. Раҳмонқул молни сотиб, Ҳирот шаҳри қайдасан, деб йўлга равона бўлибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, сўраб-сўраб охири Ҳирот шаҳрини топибди. Одамлардан суриштириб, шонрларнинг шоири шу шаҳарда яшашини билиб олибди. Бу пайт Алишер Навоий дўсти Ҳусайн Бойқаро билан сафарда экан. Раҳмонқул: «Келиб қолар», дебдида, шаҳарни томоша қилиб юраверибди. Орадан ўн кечаю ўн кундуз ўтибди. Сигирнинг пули адo бўлибди. Раҳмонқул сомсапазга ўтқалар бўлибди, кабобпазга шогирд тушибди-ю, аммо бирортасиниям эплай олмабди. Охири кўча-кўйда тентираб юриб, тиланчилик қилишга мажбур бўлибди.

Бир куни катта кўчанинг бўйида тиланчилик қилиб ўтирса, рўпарадан икки киши ўтиб қолибди. Улардан бири — кексароғига ўтган-кетганилар қуюқ салом беришар, орқасидан ҳам таъзим қилишар экан. Ҳалиги киши ҳам йўловчиларнинг саломига алик олар, айримларини тўхтатиб ҳол-аҳвол сўради. Раҳмонқул: «Ҳамма билан сўрашиб ўтаётган ким экан?» — деб ҳайрон бўлиб турган экан, бирдан қулоғига «Ҳазратим!» — деган сўз эшитилиб қолибди. Шунда у: «Ҳазрати Алишер Навоий шу киши бўлса керак», дебди-да, унинг орқасидан қорама-қора кетаверибди. Шоир шаҳардан четроқдаги бир боғда турар экан. Раҳмонқул эргашиб боравериб, боқقا кириб қолибди. Ён атроф жуда ҳам сўлим, турли хил гуллар очилган, булбул, тўтилар сайраб турибди.

Ҳар жой-ҳар жоїда ёш-ёш муллаваччалар китоб ўқишиб ўлтиришган экан. Алишер Навоийни кўриб қолган муллаваччалар «гурр» этиб ўринларидан туриб кетишибди. Ҳазрат улар билан сўрашибди ва шу чог кўзи Раҳмонқулга тушиб қолибди. Раҳмонқул ҳам шоша-пинша салом берибди-да:

— Шоирларнинг пирин ҳазрати Алишер Навоий сизмисиз?— деб сўрабди. Унинг саломига алик олган шоир:

— Ҳа, мен Алишер Навоийман, аммо шоирларнинг пирин эмасман,— дебди, кейин,— хўш, йигит? Менда бирор юмушингиз бор кўринади, тортинмай айтаверинг,— дебди.

— Дилемдагини топдингиз,— дебди у.— Муҳим бир юмуш билан келдим. Мени шоирликка шогирд қилиб олсангиз.

Раҳмонқулининг бу сўзини эшишган муллаваччалар кулиб юборибдилар. Алишер Навоий уларга қараган экан, ҳамма муллаваччалар дарров жой-жойларига боришиб, китоб ўқишга тушиб кетишибди. Шоир йигитни сўрига таклиф қилибди. Нон-чой келтирибди. Раҳмонқул тушмагур нондан тўйиб еб, чойни мириқиб ичиб олгандан кейингина:

— Қишлоғимизда ўтинчилик қилардим,— деб гап бошлабди ва ўзи, онаси ҳақида сўзлаб берибди.

Алишер Навоий Раҳмонқулининг гапини диққат билан эшишибди. Кейин қалам билан қогоз олиб унга берибди-да:

— Қани, мана шунга бирор шеър ёзинг-чи?— дебди.

Раҳмонқул ўйлабди-ўйлабди, миясига ҳеч шеър келмабди.

— Шеър ёзолмадим, илҳом келмади,— дебди охири.

— Бўлмаса,— дебди Алишер Навоий,— ўқиган шоирларингиз шеърларидан бир-иккитасини айтинг-чи?

Раҳмонқул ўйлабди-ўйлабди, миясига ҳеч шоирнинг шеъри келмабди. Ўзи ҳам шоирлардан ҳеч қайсисининг шеърини ўқимаган экан-да!

— Ҳазрат,— дебди Алишер Навоийга қараб,— миямга ҳеч қайси шоирнинг шеъри келмаяпти. Ўзингиз ўқиб бера қолинг.

Раҳмонқулининг бу сўзига шоир кулимсираб қўя қолибди. Кейин ўйланиб туриб:

— Бўлмаса бирор ашула айтинг,— дебди.

— Ҳа, майли, ашула айтсан, айта қолай,— дебди

Раҳмонқул Алишер Навоийнинг қўлидан танбурни олаётиб. Кейин танбурнинг у қулоғини бурабди, бу қулоғини бурабди, ҳеч тобига келтира олмабди. Шунда шоир ундан танбурни сўраб олибди-да, бир нафасда созлаб, қайтариб берибди. Шунда ҳам Раҳмонқул қанчалик уринмасин, созни чалолмабди. Йигитни диққат билан кузатиб турган Алишер Навоий унга қараб шундай дебди:

— Шоир бўлиш учун камида уч нарсадан бохабар бўлмоқ зарур. Биринчиси — кўп ўқимоқ лозим. Жамики яхши шоирларнинг шеърларини ёддан билмоқ керак.

— Сиз жамики шоирларнинг шеърларини ёддан биласизми? — деб сўраб қолибди Раҳмонқул тушмагур.

— Жамики шоирларники бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда хотирамда унча-мунча шеър сақлайман, — деб жавоб берибди Ҳазрат. Кейин сўзини давом эттирибди:

— Шоир бўлмоқнинг иккинчи шарти — астойдил меҳнат қилмоқликдир. Қайта-қайта машқ қилмоқ шартдир. Киши она қорнидан шоир бўлиб туғилмайди. Меҳнат билан машқ орқасидангина шоир бўлади. Шеърга бўлган ҳавасни куну тун демай, машқ қилиш орқалиги на вояга етказмоқ мумкин.

— Сиз ҳам, — дебди Навоийга қараб: — кечасию кундузи машқ қиласизми? — деб сўрабди Раҳмонқул ҳам бўш келмай:

— Ҳа, — дебди ҳазрат. Кейин сўзини давом эттирибди:

— Шоир бўлмоқнинг учинчи шарти шулким, қўшиқ айтмоқ билан соз чалмоқни билмоқ зарур. Қўшиқ айттолмаган, соз чалолмаган, шеърни оҳангга сололмайди. Алишер Навоий шундай дебди-да, хаёлга чўмибди. Кейин ўзига келиб, сўзини давом эттирибди:

— Ҳали «қирдан шувоқ териб бозорда сотар эдим», дедингиз. Шу юмушингиз билан бева-бечораларнинг мушкулини осон этасиз. Қани энди бўлар бўлмасга шеър битиб, ўзларини шоир санаб юрганлар ўтин йигиб бир ғарибнинг уйини иситсалар эди. Ҳа, йигит, bemaza шеър битиб, кишиларни ранжитгандан кўра, қирдан шувоқ териб, кун кечирмоқ минг карра аъло. Мана буни олинг-да, қишлоғингизга қайting. Сигир сотиб олиб, онангизни хурсанд қилинг. Ўзингиз эса меҳнатдан юз ўгирманг.

Алишер Навоийнинг донолигига қойил қолган Раҳ-

монқул унга раҳмат айтибди-да, шоирликни йиғиши-риб, ўз қишлоғига қайтиби.

ОНА СУТИ

Алишер Навоий бир куни қўшни мамлакатга саёҳатга чиқибди. Шаҳар кўчасидан ўтиб кетаётib, кўзи эшик олдидаги супада йиғлаб ўтирган бир аёлга тушиб қолибди. Шоир ундан:

— Ҳой, синглим, нега бунчалик изтироб ўтида қовуриляпсиз?— деб сўрабди. Аёл жавоб бермабди. Алишер Навоий яна савол берибди. Шунда ҳалиги аёл:

— Э, йўловчи, нимасини айтасиз. Яхшиси еиз сўраманг, мен эйтмай,— дебди-да, йиглайверибди.

— Йиғлашингизнинг боисини айтинг, балким ёрдамим тегиб қолар,— дебди тагин ҳазрати Алишер Навоий.

— Қўймадингиз-қўймадингиз-да,— дебди аёл.— Ҳа, майли, айтсан айта қолай. Подшоҳи олампаноҳимизнинг бир одатлари бор, ўзлари дунёга келган кунларни туғилган бола ўн бешга кирди деганча уни ўлдиртириб юборадилар. Шу одатлари туфайли не-не болалар бевақт ҳалок бўлди. Мен ҳам бундан бир куни кам ўн беш йил бурун бир ўғил кўрган эдим, уни билдирамасликка қанча уринмай, айгоқчилар пайқаб қолиб шоҳга хабар қилишган экан. Куни кеча келиб: «Эртага ўғлинг ўн бешга тўлади, подшоҳликка олиб кетамиз», дейишди. Яккаю ягона нурни дийдамнинг куни битди, подшоҳликдан тирик қайтишига ҳечам ақлим етмайди. Қанотидан айрилган лочин учолмас, дегандай, боламдан айрилиб қолгани куним менинг ҳам ўлганим. Мен йиғламай, ким йиғласин.

Аёлнинг гапи Алишер Навоийга қаттиқ таъсир қилибди. Шоир болани қутқазишга, подшонинг бу ярамас феълига хотима беришга аҳд қилибди.

— Хафа бўлманг, синглим,— дебди у аёлга қараб,— бир иложини топармиз. Ҳозир ўғлингиз қаерда?

— Уйда ётибди,— деб жавоб берибди аёл.

— Мени унинг олдига олиб киринг.

Аёл Алишер Навоийни эргаштириб уйга кирибди. Буларни кўриб бола ўрнидан турибди-да, келиб шоирга салом берибди. Ҳазрат алик олгач, болани бир чеккага имлабди-да, қулоғига шивирлаб шундай дебди:

— Онангга айт. Ўз сутидан хамир қориб, сенга икки дона кулча ёпиб берсин.

Бола ҳайрон бўлибди. Нима дейишини билмай қолибди. Буни кўрган Алишер Навоий:

— Бор, айтганимни қил, гапимнинг маъносини кейин айтаман, англайсан, — деб шошилтирибди болани. Кейин мен кечроқ қайтаман, дебди-да, кўчага чиқиб кетибди. Бола шоир айтган гапларни онасига етказибди. Онаси, бу гапда бир ҳикмат бордир, деб ўз сутига хамир қориб, ундан иккита кулча тайёрлабди. Кулчаларни энди ёпиб бўлган экан, уйга Алишер Навоий кириб келибди. Аёлнинг қўлидан кулчаларни олиб, болага қараб шундай дебди:

— Бу кулчаларни қўйинингга солгин-да, қўрқмай подшо саройига бор. У сени ўлимга ҳукм қиласди. Сен қўрқма. Одат бўйича жаллодлар ҳукмни адо этиш олдидан подшо сендан: «Ўлиминг олдидан охирги илтимосингни айт, бажараман», деб сўрайди. Шунда: «Султоним, шу кулчаларни есалар», дегин-да, кулчадан бирини унга узат. Подшо олмайди. Қаҳр-ғазабга келиб: «Мени ўлдирмоқчи бўлиб, кулчага заҳар қўшиган бўлсанг-чи!»— дейди. Сен шунда ҳам ҳеч чўчима, қўрқмасдан: «Кулчага заҳар қўшилганми, йўқлигини кўринг»,— дегин-да, уни қоқ иккига ушатиб, ярмини е. Кейин подшо ҳам ноилож қолган яримтасини ейди.

Эртаси тонг отибди. Азонда подшо айғоқчилари келиб, онасининг доду фарёдига қулоқ солмай, болани саройга олиб кетишибди. Болани кўрган подшо:

— Мен дунёга келган куни туғилган экансан, ҳозир ўлишинг шарт. Аммо ўлиминг олдидан охирги тилагингни бажаришга ваъда бераман. Айт истагингни,— дебди.

— Марҳаматингиз учун раҳмат, султону бокарам,— дебди бола,— охирги илтимосимни бажарадиган бўлсангиз, майли, айтай,— Бола шундай деб қўйниладиги кулчаларнинг бирини олиб иккига бўлибди, бир бўлагиги подшога узатибди-да:—Шу кулчани есангиз,—дебди:

Подшо ғазабга келиб:

— Нима? Мени ўлдирмоқчимисан? Бу кулчага заҳар солинган бўлса-чи?— дебди-да, жаллодни чақирибди. Шунда бола қўрқмаслан дангал туриб:

— Кулчани иккига бўлиб ярмини сизга бердим. Унга заҳар қўшилган, деб гумон қилдингиз. Майли, аввал мен ейман, заҳар қўшилган бўлса, мен ўлақолай.— Бола шундай дебди-да, кулчанинг ярмини себди. Унга за-

ҳар қўшилмаганлигини кўрган подшонинг ўз ваъдасини бажаришдан бошқа иложи қолмабди. Кулчанинг ярми ни ебди. Буни қарагки, бирдан подшода болага меҳр уйғониб, ўз туғишган укасидай яхши кўриб қолибди. Уни шунча ўлдирай дермишу, аммо ўлдиргиси келмас-миш. Ўйлаб-ўйлаб охири: «Кел,— дебди подшо ўзига ўзи,— вазир қилиб олсан, подшоликни талашмас». Подшо шундай дебди-да, болани ўлдириш фикридан қайтиб, ўзига ўнг қўл вазир қилиб олибди. Шу кундан бошлаб, подшо ўзи туғилган куни дунёга келган болаларни ўлдириш одатини ҳам тарх этишга мажбур қилган киши— доно Алишер Навоийдан бир умрга миннатдор бўлибди.

ҚИЗЛАР ҲАЗИЛИ

Алишер Навоий ўз шийпонида ғазал битишни яхши кўрар экан. Боғи ҳам боғмисан боғ экан-да. Тўтию қўмрилар сайдраб, булбуллар наво қилиб турар экан. Ўртада қурилган шийпон атрофига экилган гулу райхонларнинг ҳиди анқиб, киши диморини чоғ қиласр экан.

Бу кун ҳам шоир шийпонга жой қилдириб, алла маҳалгача ғазал битибди. Вақт қоқ тушга келганда ҳаво бирам исибдики, шоир лоҳас бўлиб, ҳолдан кетибди. Ўйқу босиб шундоққина ўлтирган жойида ухлаб қолибди. Боғ сайлига чиқувчи қизлар Алишер Навоийни сўзлатишга муштоқ эканлару, шоир ён бермай, ўзига йўлатмай юрар экан. Ўша куни қизлардан шўҳроғи девордан қараб, унинг шийпонида ухлаб ётганини кўриб қолибди. «Кимсасиз боғда шоир Алишербек ухлаб ётибди», деган хабар бир зумда кизларга етиб борибди. Улар гапни бил ерга қўйиб, Алишер Навоийни сўзлатмоқчи бўлишибди. Дарвозани аста очиб, бирин-кетин бокка киришибди-да, шоир ётган шийпонга келишибди.

Улардан бири шоирнинг давотини олиб, яшириб қўйибди. Алишер Навоий эса пайқамай колибди. Булбул навосидан уйғониб кетган шоир ғазал битмоқчи бўлиб, патқаламини қўлига олиб қараса, шундоққина ёнида турган сиёҳдони йўқ эмиши. У ёнига қараб, бу ёнига қараб сиёҳдонини тополмабди. Нима қилишини билмай боши қотиб қолибди.

Шу пайт гуллар орасидан қизларнинг шўҳ қаҳ-қаҳаси эшитилибди. Алишер Навоий гап нимадалигини дарров пайқабди-да, кулги чиққан томонга қараб:

— Хой қизлар, ҳазиллашмай давотимни жойига қўйнинглар,— дебди.

Қизлар ўзларини эшитмаганликка солиб, жим туриша берибди. Шоир тағин илтимос қилибди. Қизлар ҳеч нима билмагандай гуллар орасидан чиқиб, шийпон атрофига йиғилишибди.

— Алишербек, бизни йўқлашингизнинг сабабини билсак бўладими?— дебди қизлардан бири.

Навоий унга қараб кулимсираб:

— Келишларингдан андак бурун газал битганимда довотим ёнимда эди. Ҳозир ўз-ўзидан йўқолибди. Қаерларга кетиб қолганини билолмай ҳайрондаман. Бировларингиз билан кетиб қолмаганмикин?— деб ҳазил қилибди. Қизлар ҳам бўш келмабди. Улардан бирори:

— Кутиб турсангиз ҳали замон ўз оёги билан келиб қолади,— деса, иккинчиси:

— Балким, шайтон ёки инс-жинс олиб қочгандир,— дебди.

Алишер Навоий қайта-қайта сўрабди, қизлар «бизлар қўрмадик», деб жавоб беришибди.

Шоир сўраш билан бир иш чиқара олмаслигига ақли этиб, ялинниб-ёлворишга ўтибди.

— Жон қизлар, жонон қизлар, довотимни беринглар, бўлмаса илҳом париси қочиб кетгусидир,— деб гапирган экан, қизлардан бири:

— Сиёҳдонингизни, балким, илҳом париси топиб берар,— дебди шўх кулиб.

— Йўқ,— деб жавоб берибди шоир,— бу иш илҳом парисининг қўлидан келмайди. Сизлардек бу гулшан париларининг қўлидан келади.

Шунда Алишер Навоийнинг сўзларидан эриб кетган қизлардан бири:

— Алишербек, борди-ю, сиёҳдонингизнинг ўзи бу ерга юриб келгудек бўлса, бизларга қандай мукофог берган бўлур эдингиз?— деб сўрабди.

— Буюоринглар, нима бўлса, жонимни ҳам ҳадя этишга тайёрман,— деб жавоб берибди.

— Алишербек, шу топнинг ўзидаёқ бизга атаб ғазал тўқисалар, зора йўколган буюмлари ўз оёғи билан бу ерга келиб колса... Шартимиз шуки,— деб давом этибди қиз,—янги тўқиган ғазалларида йўқотган буюмларини қистириб ўтадилар.

Шоир иш осони кўчганига кўнгли кўтарилиб, рози бўлибди-да, ҳеч ўйлаб ўтирмай ғазал бошлабди:

*Олинг қизлар, беринг қизлар,
Хома¹ ёшин тезроқ түксин,
Сўз гавҳарин ипга тизай,
Ошиқ-маъшуқ ўқиб қолсин.*

Қизлар баб-бараварига: «Яна, яна!» — деб қичқиришибди. Алишер Навоий бўлса, ўқишда давом этибди:

*Олинг қизлар, беринг қизлар,
Тездан сўзим олинг қизлар,
Маъшуқларин шеърда кўрсин,
Суҳанима ишқибозлар.*

Қизлар: «Офарин!», «Офарин!»— дейишибди. Алишербек қизларнинг қийқириқларидан ҳаяжонланиб, янада завқу шавқ билан ўқишни давом эттирибди.

*Олинг қизлар, беринг қизлар,
Хома созин кўпроқ чалсин,
Сўз инжусин тезроқ терай,
Гулсанамлар ўқиб қолсин.
Олинг қизлар, беринг, қизлар,
Шоирингиз шеърлар битсин,
Довотимга қилманг ҳазил,
Хома инжу изин тизсин.
Довотимни беринг қизлар,
Маҳтал бўлмай, шеърим битай,
Озор берманг, ширин сўзлар,
Сизга борим ҳадя этай.*

Алишер Навоийнинг шеъридан эриб кетган қизлар сиёҳдонни беркитиб қўйган жойдан олиб келиб, шоирга берибдилар. Ў қизларнинг ҳазилидан илҳомланиб, янада кўплаб ғазаллар битибди. Шоирнинг бу ғазаллари ҳам бошқа шеърлари каби халқ орасига тез тарқалиб кетибди.

ФАЗАЛ ТИЛИ БИЛАН

Алишер Навоий билан Биноий аслида қалин дўст эдилар-у, аммо орага тушган гап ташувчи ҳасадгўйлар туфайли бир-бирлари билан ади-бади айтишиб қоли-

¹ *Хома* — ручка.

шарди. Нима бўлди-ю, Биноий бошқа подшо хизматига ўтиб, ўзга юртга кўчиб кетди. Алишер Навоий эса ёшлигидан дўсти бўлган Ҳусайн Бойқаро ёнида қолди. Орадан йиллар ўтди. Шоирнинг гоҳ Навоий, гоҳ Фоний деб ёзган ғазаллари Биноийга етиб борарди. Бинойнинг ўзига бир оз бино қўйиб ёзган ғазаллари ҳам Алишер Навоийга етиб келарди. Ҳар икковлари бир-бирларини соғинишиб, кўришгилари келганми, ё яна сўз ўйини, лутф қилишибми, бир-бирларига хат ёзиша бошлашди. Биноий узундан-узун бир ғазал битиб, охирiga:

*Биноийдек ғазал юборди машҳур Биноий,
Ўқиб жавоб ёёсин деб Навоийми ё фоний.*

деб иуқта қўйди. Алишер Навоий ғазални ўқиб Биноийнинг нима демоқчилигини дарров англади, ўзи ҳам ўтириб бадиҳагўйлик билан катта бир ғазал ёзди ва уни шундай тугатди:

*Биноий ғазалига жавоб битиб Навоий.
Деди: ўзингга қўйма бино, бу дунё — фоний!*

Айтишларича, ҳар икки шоир кейинчалик ҳам бир-бирлари билан ғазал тили орқали гаплашиб туришган экан.

НАВОИЙ БИЛАН БИНОИЙ

Хиротда Алишер Навоий билан бирга мавлоно Биноий деган шоир ҳам яшарди. Кунлардан бир куни Биноий Алишер Навоийнинг боғига келибди. Қараса у бир қанча шоирлару машшоқлар, созандалару хонандалар билан ширин суҳбатлар қуриб ўлтирган экан. Бинойнинг ғайирлиги тутибди. Шу пайт олдига вовуллаганича келган итга қараб овозининг борича:

— Ҳо, жанобларининг итлари ҳам нав (оҳанг қиласи, демоқчи) қиласидиларку, биз бундан бехабар қолибмиз-да,— дебди. Шу билан Алишер Навоийни боилаб «чақиб» олмоқчи экан-да. Бинойнинг ниятини дарров англаган Алишер Навоий унга шундай жавоб қилибди:

— Ҳа, энди анча-мунча боқиб парвариш қилгас эдик, мавлононинг ўзлари кўриб турганларидек биноийдек бўлди-қолди.

Шоирнинг суҳбатдошлари маза қилиб кулишибди.

БИНОЙДЕК БҮЛИБ ҚОЛИШАДИ

Алишер Навоий билан Биной кўчада гаплашиб кетаётсиб, бир қанжиқ ит олтита боласини эмизиб турганини кўриб қолишибди. Кучукваччалар бири-бирини ита-риб-туриб, онасини эмишармиш. Шунда Алишер Навоийнинг обрўси кун сайин ошиб бораётганидан ичи зил кетаётган Биной сұҳбатдошини гапда мот қилмоқчи бўлиб:

— Мавлоно, анави итга бир қаранг-а, нима қиларди бу фоний дунёда шунча туғиб, уларни боқиш осон кечмосов, адойи тамом бўлади-ку боёкиш,— дебди.

Буни эшитиб, коса тагида нимкоса борлигини билган Алишер Навоий гапнинг мағзини чақиб:

— Жаноблари ачинмай қўяқолсинлар. Яхшилаб парваришласа кучукваччалари ҳадемай бинойидек ит бўлиб қолишида,— деб жавоб қайтарибди.

Биной нима дейишини билолмай тилини тишлабди.

ГАП НАВОСИДА

Алишер Навоий билан Биной бир куни кўчада кетишаётган экан, йўлдаги боғдан ғазал эшитилиб қолибди. Ғазал Бинойники экан. У ғазал ўзига қарашли эканлигини билдирмоқчи бўлиб, Алишер Навоийга:

— Боқقا кирайлик, жуда яхши ғазал ўқишияпти,— дебди.

Алишер Навоий: «Боқقا кириб, ғазал тингласак-тинглабмиз-да», деб рози бўлибди. Икковлашиб боқقا киришибди. Ғазалхон ғазални ўқиб бўлгач, Биной мақтаниб:

— Ҳой, иним,— шеърни бинойидек битибсан, ўқининг ҳам бинойидек, раҳмат, оғаринлар бўлсин сенга!— дебди.

Бу сўзни эшитган Алишер Навоий:

— Аммо, лекин бу дўстимиз шеърнинг навосини жойига қўёлмабди, озгина фаҳму фаросатни ишга солиб, пешона тери тўкканларида ғазалнинг навоси жойига келармиди...— дебди.

Бу лутфдан Биной хижолат чекиб, ерга қараб қолибди.

БУЛБУЛНИНГ НАВОСИ

Алишер Навоий билан Биноий деган шоир бир куни катта бино олдидан ўтиб қолишибди. Бинонинг ичкарисида гулга қўниб сайраётган булбулнинг ёқимли навоси эшитирарди. Шунда Биноий Алишер Навоийни чақиб олмоқчи бўлиб:

— Ҳазрати олийлари, қаранг, йўловчилар ўтганда анави бинонинг чиройига, кўркамлигига завқ билан тикилади. Фикримча анави сайраётган булбул ҳам ушбу бинонинг гўзаллигига таҳсин ўқиётгандек,— дебди.

Биноий бу гаплари билан нима демоқчи бўлганини англаган Алишер Навоий унга жавобан шундай дебди:

— Гапингиз тўғри жаноби олийлари, лекин шуни билингки қунлар ўтиб бу бино ҳам қулайди, лекин булбулнинг навоси, унинг ёқимли овози асло йўқолмайди. Дарвоҷе, ҳақиқий дидли, фаросатли кишига бу ерда бинонинг серҳашамлиги эмас, булбулнинг навоси ҳузур бағишлайди. Бунга унча-бунча кишининг фаҳми етмайди.

Бу гапни эшигтан Биноий қизариб қолибди.

ҒАЗАЛ ТҮҚИШ ҲАМ ИШ ЭКАНМИ?

Кунлардан бир куни Ҳусайн Бойқаро қора кўнгил одамларнинг сўзига кириб дўсти Алишер Навоийни Астрабод юртига жўнатиб юборибди. Ҳиротдек юртда яхши ғазал битадиган биронта киши қолмабди. Шоирлар кўп экан-у, аммо уларнинг ҳеч бири Алишер Навоийчалик яхши ғазал тўқий олмас экан-да. Ҳусайн Бойқаро унинг ғазалларини ўқиб тутатибди. Бир қанчасини эса қайта-қайта ўқибди. Бир куни тағин яхши ғазал ўқигиси келиб қолибди. «Яхши ғазал топиб келинглар», деб буюрибди. «Подшонинг амри вожиб», дейдилар. Ҳамма шоирлар саройга йиғилибди. У шоир ғазал ўқирмиш, Ҳусайн Бойқарога ёқмасмиш, бу шоир ғазал ўқирмиш, сultonга ёқмасмиш. Устига устак: «Яхши ғазал топинг», деяверибди. Нима қилишни билмай, вазирларнинг бошлари қотиб қолибди. Охири подшо: «Эрта кечга қадар яхши ғазал, уни яхши ўқийдиган яхши шоир топиб келмасанглар, ҳаммангни дорга тортаман», деб амр қилибди. Вазирлар кўп жойларга бо-

риб: «Яхши ғазал битиб, яхши ўқийдиган шоир саройга келсин», деб жар солдира бошлабдилар.

Ҳирот шаҳрида Абдулҳаким деган қашшоқ бир йигит яшар экан. У ўтиччилик қилиб тирикчилик ўтказар экан. Шу куни ҳам даладан териб келган бир боғлам ўтинни сотиб, пулига озиқ-овқат олиб, уйига қайтмоқчи бўлиб турган пайтда бирданига бозорга бир тўда отлиқлар от чоптириб келиб қолибди. Улардан бири ўртада туриб, овозининг борича қичқира бошлабди:

— Одамлару одамлар, боғда битган бодомлар, эшитмадим деманглар, эшитганлар кетманглар! Кимда ким ғазал тўқиб, подшою аълам, султону бокарам Муҳаммад Султон Ҳусайн Бойқаро ҳазратлари ҳузурларига бориб, яхшилаб ўқиб, маъқуллата олса, ундаи кишига икки юз танга ҳадя қилишини фармонга битдилар. Ҳой, одамлару одамлар, шошилинглар, ғазал битинглар!

Буни эшитган одамлар: «Бўлмагир бемаъни гап», деб тарқала бошлабдилар. Абдулҳакимнинг юрагига ғулгула тушибди, ўзини бир синаб кўрмоқчи бўлибди.

— Ғазал тўқишими? — дебди ўзига-ўзи, — э, ҳа бир-пасда юзтасини тўқиб юбораман. Ғазал қофия қилиш ҳам иш эканми? Асло-да! Мана, менинг ўтин теришимни қийин деса бўлади. Эрта туриб, пешингача ўлгудек чарчаб, бир кўтарим ўтии терасан-да, уни бозорга олиб борасан. Ўтинингни ағдар-тўнтар қилиб, ади-бади, деб зўрга бир тангага оладилар. Ғазал тўқиши ҳам гап бўптию. Мен ҳозироқ тўқиб юбораман. Ҳа-да, ҳозир тўқиимасам, қачон тўқийман. Нимадан бошласам экан-а. Ия, илҳом келмаяпти-ку. Қайга қочиб кетди экан-а? Абдулҳаким ўйлай-ўйлай, уйига бориб қолганини билмай қолибди. У ғазал тўқиши хаёлида туни билан ухлай олмай, куйиб-ёниб чиқибди. Аммо тилига бир мисра тугул, ҳатто бир дона қофиялик сўз ҳам келмабди. Эрталаб туриб:

— Э, ғазал тўқиши қийин экан, бошларим оғриб кетди, дунёда ўзимнинг ўтин теришимдан яхши иш ўйқа ўҳишайди. Худо шундан қўймасин. Ғазал тўқиб, пул топгунча ўйлай бериб ўлиб қолмасам бўлгани, яхшиси ўтин териб согтаним маъқул,— Абдулҳаким шундай дебдида, ўроғи билан аргамчисини елкасига солиб, далага, ўтин тергани чиқиб кетибди. Аммо, барибир «ғазал», «ғазал» деган сўз мисидан ҳеч қаёққа чиқиб кетмабди. Абдулҳаким яна ўйланапа-ўйланана боши оқсан томонга кета берибди. Бир вақт ўзига келиб, кўзини очиб, бун-

лоқ қараса, ҳеч кўрмаган жойида турган эмиш. Бу жойнинг ҳамма томони юлғунзор эмиш... Юлғунзор... Абдулҳаким, бирдан: «Топдим! «Топдим!»— деб қичқириб юборганини ўзи ҳам билмай қолибди. У ўтин теришни ҳам йифиштириб, саройга қараб жўнабди. Шошганидан сарой олдида бир кишига туртиниб кетиб, уни йиқитиб юборай дебди. Бу киши Алишер Навоий экан. Абдулҳаким чўпон, ўтин терар ошналаридан Алишер Навоийнинг ғазалларини эшишиб юрар экан-у, аммо ҳечам кўрмаганлигидан шоирни танимас экан. Эски, жулдур кийим кийган, куч-қувватга тўла, забардаст йигитнинг шошиб, саройга кириб кетаётгандигини кўрган шоир, бу бечоранинг бошига бирон-бир фалокат тушганга ўхшайди, деб ҳол-аҳвол сўрамоқчи бўлибди.

— Иним, бунчалик шошилишингнинг боиси не?

Абдулҳаким Алишер Навоийга бошдан-оёқ қараб чиқиб:

— Улуғ подшоҳимиз учун ғазал тўқидим. Уни олам-паноҳга ўқиб бериб, икки юз танга ишлайман,— деб жавоб берибди. Шоирнинг бу гаплардан хабари йўқ экан. Абдулҳакимдан сўраб-суриншириб, ҳаммасини билиб олибди. Кейин:

— Қани, эшитайлик-чи, подшоҳга маъқул тушадиган қандай ғазал тўқидингиз экан?— дебди.

— Йўқ, ғазалимни подшоҳимиз ҳузурларида айтаман. Ҳозир ўқисам, эҳтимол сиз ўғирлаб, ўзингизники қилиб оларсиз. Мен сизни танимасан. Ҳа, айтганча, сиз ўзингиз ким бўласиз? Балким сиз ҳам ғазал тўқиб, подшоҳдан эҳсон олгани келаётгандирсиз? Навоий ўзини танитмабди:

— Яҳши йигит, ғазалингизни мен кўриб, тасдиқдан ўтказиб бермагунимча подшоҳ ҳазратлари ваъда этилган пулни сизга бермайдилар,— дебди Алишер Навоий.

— Сиз ким бўласизки, подшоҳимиз эшитадиган ғазални тасдиқдан ўтказасиз?

— Бу иш менга топширилган,— дебди шоир.

Абдулҳакимнинг ғазални ўқишдан бошқа чораси қолмабди. «Кулбамдан чиқдим юлғунлар аро»... шундай дебди-да, тўхтаб қолибди. Алишер Навоий: «Давом этинг!»— деган экан, у: «Бори шу бўлса, нимани давом эттираман», деб жавоб берибди.

— Бу бир мисра-ку, ғазал ҳеч бўлмаганда бир байт, яъни икки мисрадан иборат бўлмоғи лозим.

— Шуни ҳам зўрға топдим. Тилимга бошқаси келмаса нима қиласай.

Алишер Навоий ўйланиб туриб:

— Хўп десангиз, мен сизнинг сўзларингизнинг ёнига бир мисра қўшаман, шунда у икки мисра бўлиб, айтилмоқчи бўлган фикр ҳам мантиқан қиёмига етади. Шундан кейин уни ғазал шайдоси олампаноҳга ўқиб бериб, икки юз тангани оласиз. Шартим шулки, инъомни бўла-сиз,— дебди. Абдулҳаким:

— Нима, юз танга бўлса ҳам чакки эмас. Ахир юз боғ ўтии териб уни бозорга олиб бориб, кун бўйи сарғайиб сотишдан қутиламан-ку?!— деб ўйлабди-да, рози бўлибди.

Алишер Навоий:

*Кулбамдан чиқдим юлғунлар аро,
Оғзингга кесак, юзингга қаро,*

деб ўқибди-да,— Қани, қайтариб кўринг-чи,— дебди. Абдулҳаким қўрқа-писа:

*Кулбамдан чиқдим юлғунлар аро,
Оғзингга кесак, юзингга қаро,*

деб ўқий бошлабди. Кейин шоирга қараб:

— Йўқ, сизники бўлмайди, қалтироқ .Султонимизга тегиб кетиб, у мени ўлдиртириб юборади. «Оғзингга кесак, юзингга қаро» эмиш-а! Йўқ, йўқ, бўлмайди. Шу ўзимникини ўқиб, юз тангани олиб кетавераман. Менга шу ҳам бўлади,— дебди. Шунда Навоий унга қараб:

— Ҳали шу юрак билан подшоҳ ҳузурида ғазал ўқимоқчи эдингизми, балли-ей, сизга! Чўчиманг, ғазал ўқиган учун жазоламайдилар, бунинг устига сиз шеър ўқиётганингизда мен ёнингизда бўламан,— деб Абдулҳакими саройга киритиб юборибди. Саройнинг эжойиб-гаройиб ҳашаматларини, кўзни қамаштирувчи турли-туман безакларни кўриб, оғзи очилиб, боши айланаб, кўзи тиниб қолган Абдулҳаким рўпарасидан бир соқчи чиқиб қолганини ҳам сезмай қолибди.

— Ҳой, ялангоёқ, сенга бу ерда нима бор?— дебди қўполлик билан соқчи.

— Мен олампаноҳга ғазал тўқиб келдим,—мулойимлик билан жавоб берибди Абдулҳаким.

— Ундаи бўлса, тўппа-тўғри бориб ўнгга буриласан, зинапоядан кўтарилиб, чапга юрасан-да, шоҳимизга тўғри бўласан,— дебди соқчи.

Абдулҳаким соқчининг айтганини қилиб, аввал тўғрига юрибди, сўнгра ўнгга бурилибди, зинапоядан кўтарилигач, чалга юриб әшик оғасига кўзи тушибди. Ўнга ҳам бу ерга келишининг сабабини айтибди. Рухсат олгач, әшикни очиб ичкарига кирибди. Абдулҳаким Ҳусайн Бойқарони етти ухлаб тушида кўрмаган безаклар ва дуру гавҳарли кийимларда кўриб, жудаям шошиб қолибди. Султон Ҳусайн Бойқарога таъзим қилиб салом берибди.

— Не хизмат билан келдинг? — сўрабди подшоҳ.

— Амрингизга биноан ғазал тўқиб келдим, — дебди у, — Ўзим ўтинчи бўлсам ҳам ғазални яхши кўраман, — деб қўшиб қўйибди. Абдулҳакимнинг йиртиқ кийим-бошига қараб турган Ҳусайн Бойқаро:

— Оббо, ўтинчи-ей, — дебди, — сен ҳам шоирликни ҳавас қилдингми? Ҳа, майли, қани ўқи-чи?! Нимага атаб ёзган экансан?

Абдулҳаким бошини кўтариб, бир-икки йўталиб олибди-да, баланд овоз билан ўқий бошлабди:

*Кулбамдан чиқдим юлғунлар аро,
Оғзингга кесак, юзингга қаро.*

Ғазал тугар-тугамас: «Жаллод!» — деб қичқирибди Ҳусайн Бойқаро. Абдулҳаким нима воқеалигини англаб етмай нуқул: «Олампаноҳ, ғазалим ёқдими?» — дер эмиш.

— Ғазал тўқиши ўргатиб қўяман сенга, итвачча, — дебди ғазабдан кўзлари олайиб кетган подшо. Шу пайт жаллод етиб келибди.

— Мана бу ҳароми шоирни қўзим олдида икки юз-дарра уриб, сўнгра зиндонга ташла, ўша ерда чириб йўқ бўлиб кетсин, — деб буюрибди.

Жаллод Абдулҳакимни яланғочлаб, ерга ётқизиб қўлидаги қайиш дарра билан ура бошлабди. Абдулҳаким «дод» ҳам демабди, «вой» ҳам демабди, тишининтишига қўйиб чидаб ёта берибди. Охири бўлмабди, ҳушидан кетиб, ҳеч нарсани сезмай қолибди. Шунда ҳам жаллод «ҳих-о-ҳих!» деб дарраси билан уриб ётган эмиш. Шу пайт хонага Алишер Навоий кириб келибди. Уни кўрган Ҳусайн Бойқаро қувончдан юзига кулгу олиб дўсти билан қуюқ сўраша кетибди. Алишер Навоий сўрашиб бўлиб-бўлмаёқ, ерда ётган йигитни уришдан тўхтатини илтимос қилибди. Ҳусайн Бойқаронинг имоси билан жаллод Абдулҳакимни уришдан тўхтаб-

ди. Зўрға ўзига келган Абдулҳаким Алишер Навоийни кўриб:

— Э, амак, буёги қандоқ бўлди? Сиз қўшган лаънати сўзларни деб мен таёқ едим-ку! Бўлди, қолган таёқни ўзингиз енг,— дебди.

— Сиз ҳақсиз, иним,— дебди шоир,— Мени кечиринг. Андак ушланиб, кечикиб қолдим.

— Алишер Навоий шундай дебди-да, Ҳусайн Бойқарога қараб:

— Олампаноҳ, одатда ғазал учун жазоламас эдилар-ку? Сиз бўлсангиз бу бечора йигитни ўлдириб қўяй дебсиз,— дебди.

Ҳусайн Бойқаро:

— Қўйинг, аралашманг, дўстим. Мени ҳажв қилиб, ғазал тўқиганнинг жазоси шундай бўлади,— дебди.

— Йўқ, шоҳим,— дебди Навоий,— сиз янглишяпсиз, чунки бу йигитнинг айтган ғазали, биринчидан сизга дахлор эмас, иккинчидан, ғазалнинг иккинчи мисрасини мен тўқиганман.

— Нечук?— дебди Ҳусайн Бойқаро.

— Шоҳим яхши биладиларки, шеър қанча мисра бўлишидан мустасно, унда ниҳоясига етган фикр бўлмоғи лозим. Мен бу йигитнинг «аро» сўзига «қаро»ни қофиялаштириб, шеърдаги фикрини ниҳоясига етказдим,— деб жавоб бериди шоир.

Ҳусайн Бойқаро нима деб жавоб қилишини билмай қолибди. Шунда Алишер Навоий подшога қараб:

— Шоҳим, рухсат этсалар, бир саволим бор, шуни берсам,— дебди.

— Марҳамат қилинг.

— Ғазал тўқиб, шоҳимиизга ўқиган киши икки юз тилла олгусидир, деб бозорма-бозор, кўчама-кўча жар солиб юришнинг боиси недур?

— Дўстим, Алишер, янги битилган яхши ғазални соғинидим. Бунинг устига устак сиз йўқсиз, сизни соғинидим. Шу боисдан вазирларимга ўқилмаган янги ғазал топинглар, деб буорган эдим. Ғазал тўқиши ёки топиш кўлларидан келмагандан кейин, бу бетавфиқлар кўчама-кўча жар солган бўлсалар керак-да!— деб тушунтирибди подшоҳ.

— Олампаноҳнинг яхши ғазални соғинганлари яхши. Зоро, ғазал кишига шундай озиқки, унинг ўрнини ҳеч нарса босолмас. Аммо ғазални келса-келмаса, жойда жар солдириб ёйинки, от билан қилич ўйнатиб, яра-

лига қўймасдан тўхтатибди ва унга қараб шундай дебди:

— Иним, мана энди ўзингизга келдингиз. Бу ердан олтин олгунча, меҳнат қилиб, юлғунлар орасида чангга ботиб бўлса ҳам ўтии терганингиз маъқул. Негаки, пешона тери билан топилган нон ҳалол бўлади. Терган бир қучоқ ўтиинингиз билан бир кимсанинг хонасини иситганингизнинг савобига нима етсин-а. Шуни билингки, иним, меҳнат билан топилган бир бурда ионнинг қадри сultonлар саройидан олинган олтиндан юз ҳисса аълороқдур!

Алишер Навоий шундай дебди-да, ённи ковлаб ҳалиги олган юз танга олтиннинг ёнига яна икки юз танга қўшиб, уч юз танга қилиб Абдулҳакимга узатибди. Абдулҳаким шоирнинг ақлу идроки ва олий ҳимматидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб, унинг ҳақига дуолар ўқиб, қишлоғига қайтибди.

АДОЛАТ

Улуғ донишманд ва давлат арбоби Алишер Навоий Астгрободга ҳоким бўлиб боргандан кейин золим қозиларни, адолатсиз лашкарбошиларни ва халққа ноўрини солиқ солувчи мансабдорларни вазифасидан четлатибди. Эл-юртни тинч ҳаёт йўлига солиб юборгани учун ҳамма уни ҳурмат қилибди.

Кунларнинг бирида икки ака-ука отасидан мерос қолган ёлғиз сигиру бузоқни ўртада қандай қилиб тенг тақсим қилишни билмай улур шоир ҳузурига борибдилар.

— Ҳазрати Амир бобо! Отамиздан битта сигиру бузоқ мерос қолган эди. Акам сигирни ўзига олиб, бузоқни менга бермоқчи бўляпти, шу тўғрими?— дебди укаси акасининг меросни нотўғри тақсимлаётганидан шикоят этиб, одил ҳукм чиқаришини илтимос қилибди.

Шунда Навоий кулиб туриб:

— Йигитлар, бу масала бундоқ ҳал бўлади,— деб хазиначини чақиртирибди-да, сигир билан бузоққа баҳо қўйиб, пулини ака-укага тенг бўлиб беришини топширибди.

Хазиначи ташқарига чиқиб, сигир билан бузоққа одиллик билан йигирма танга баҳо қўйибди. Ака-укаларнинг ҳар бирига ўн тангадан пул бериб, икковиниям

тиб бўлмаслиги ҳаммадан кўра сиздек шоир ва олам-пеноҳ сultonга аён эди-ку?!

Алишер Навоийнинг сўзларидан ғоятда таъсиранган, вазирларининг қилмишларидан уялган Ҳусайн Бойқаро жаллодларга жавоб бериб, хазинадорини чақирибди-да:

— Мана бу йигитга икки юз танга бер,— деб фармон берибди.

Абдулҳаким пулни олиб жўнамоқчи бўлиб турган экан, Алишер Навоий уни тўхтатиби ва:

— Шоҳим,— дебди,— бу бегуноҳининг баданига тушган дарралар учун ҳам икки юз танга бермогингиз керак. Адолат шуни тақазо этади.

Дўстининг юзидан ўтолмаган подшо Абдулҳакимга яна икки юз танга бердирибди. У бу пулни ҳам олиб, бу ерга келганим шу бўлсин, деб шошиб жўнаб қолибди. Алишер Навоий иккинчи эшикдан чиқиб уни кутиб турган экан. Абдулҳаким саройдан чиққач, «Йним, тўхтанг!»— деб уни тўхтатиби.

— Йўқ, раҳмат, бу ердан тезроқ кетганим маъқулга ўхшайди,— дебди Абдулҳаким.

— Нега мунчалик шошасиз. Ҳали шоҳдан олган пулни бўлишимиз керакку,— дебди Алишер Навоий.

— Нега энди бўлар эканмиз.

— Шунга келишган эдик-ку?

— Юз даррани мен ейман-у, пулнинг ярмини сиз оласизми? Таёқ еганда қаёқда эдингиз, ундоғ экан, сизни ҳам савалашлари керак эди-ку?

— Агар пулни бермасангиз, соқчиларга буюраман, ёнингиздаги барча пулларни олиб, ўзингизни даррага тутадилар-да, сўнг зиндан қиладилар.

Дарра сўзидан чўчиб кетган Абдулҳаким:

— Ваъдага вафо қилмоқ марднинг иши,— дебди-да, юз тангани санаб Алишер Навоийга берибоқ жўнағ колаётган экан, шоир уни яна тўхтатиби:

— Иним, бунчалик ҳовлиқмасангиз, бу ерга-ку жуда шошиб-пишиб келган эдингиз. Кетишга ҳам шунчалик шошапсиз,— дебди.

— Бу ерга,— деб жавоб берибди Абдулҳаким,— ғазал баҳонаси билан марҳамат излаб келган эдим, раҳмат, олдим. Энди уйга тезроқ бориб, шоҳимизнинг марҳаматларини даволатмасам бўлмайдиганга ўхшайди.

Абдулҳаким шундай деб дарра тушавериб титилиб кетган орқасини кўрсатиби. Алишер Навоий уни ўз ҳо-

рози қилиб, жўнатиб юборибди. Улар Алишер Навоийнингadolatparvarligidan бир умрга миннатдор бўлибдилар.

БИРНИ ҚЕССАНГ ЎННИ ЭК

Алишер Навоий Астробод вилоятида ҳокимлик қилган кезларида шаҳар ташқарисидаги баланд бир тепаликда осмон билан ўшишган кекса терак бор экан.

Алишер Навоий кечқурунлари ўзига яқин мулозимлари билан шу терак тагига келаркан. Улуғ шоир теракниң майин шаббодада шивирлаб куйлашини тинглашни хуш кўраркан. Терак гўё мунгли қўшиқни куйга солган созандадек бир маромда тебраниб шивирлар экан.

Баҳор кунларининг бирида Алишер Навоий ҳар галгидек ўз мулозимлари билан бирга ғазалхон теракни қўмсаб шаҳар ташқарисига чиқибди. Бориб кўрсанки ғазалхон теракни кимдир «ўлдириб» кетибди. Алишер Навоий оғир хўрсиниб, «қотил»ни тезда топиб келишни мулозимларига буюрибди.

Мулозимлар тезда афти-ангари совуқ, барзангидай бир кишини от олдига солиб ҳайдаб келибдилар. Алишер Навоий қаттиқ ғазабланганидан:

— Эй, қотил, нега шундай азим теракни нобуд қилдинг? Ё бу билан мендан ўч олмоқчи бўлдингми? — дебди. Кейин мулозимларига бу ярамасни қирқ дарра уринглар, деб буюрибди-да, ҳар дарра урганда «бирига ўн» деган ҳикматни такрорлатиб туришни ҳам тайинлади.

Теракни тўсинбоп экан деб кесган одам маҳалла имоми экан, қирқ дарра егандан кейин мулла минган эшакдай юввош бўлиб, тавбасига таянибди. Кейин у Алишер Навоийнинг «бирига ўн» деган ҳикматининг маъносини ҳам тушуниб олибди. Қотил — имом шундан кейин ўша тепаликка ўн туп терак ўтқазиб, парвариш қилишга киришибди.

— Бир-икки йил ичида тераклар кўкка бўй чўзиб, гуркираб қолибди. Алишер Навоий ўз мулозимлари билан яна ўша тепаликка келиб қараса, ёш тераклар баҳор шабадасининг енгил эпкинида сокин шивирлаб куйлаётган экан.

Шу терак баҳона бўлибдию, Астрободда боғу роғлар кўпая бошлабди. Элу юртга файз кирибди.

ҚАЙСИ ПИЧОҚ ПОДШОНИҚИ?

Кунлардан бир куни Султон Ҳусайн Бойқаронинг олдига Чин-Мочин мамлакатининг подшосидан элчи келибди. Уни иззат-икром билан кутиб олибдилар. Элчи таъзим-тавозе билан:

— Султонимиз сиз ҳурматли зоти олийларига икки дона пичноқ бериб юбордилар. Уларнинг икковиям бир хил соп, бир хил тифли, қай бири подшоники, қай бири вазирники эканлигини айтиб беришингизни сўрайдилар,— дебди.

Султон Ҳусайн Бойқаро ўзининг аркону давлатидаги алломаю акобирларини тўплаб, маслаҳат солибди, аммо ҳеч кимдан тайинли гап чиқмабди. Шундан сўнг Ҳиротнинг гузарларига чопар юбориб, етти яшардан етмиш яшаргача бўлган ҳамма одамларни саройга йиғибдилар. Аммо ҳеч ким пичноқлардан қай бири подшоники эканлигини айтиб беролмабди. Ӯша пайтда Мир Алишер ичиқора вазирларнинг иғвоси туфайли саройдач кетиб қолган экан. Султон Ҳусайн Мир Алишерни бекорга хафа қилганлигини тушуниб, аламидан:

— Дўстим Мир Алишер бўлганида шунча халойиқни тўплаб овора бўлиб юрмасдик. Шундай донишманд одамни бадарға қилиб, куним сендек нодонларга қолган экан-да, во дари!— деб нола қилибди.

Шунда бош вазир қўл қовуштириб туриб:

— Олампаноҳ, кўп куйинаверманг. Бир эмас, қирқ вазирингиз бор. Бизга муҳлат беринг, иншолло, мушкулингизни осон қилиб, еган тузимизни оқлагаймиз,— дебди.

Султон Ҳусайн:

— Бўлмаса уч кун муҳлат, шу уч кун ичida пичноқлар кимники эканлигини топсаларинг яхши, йўқса қирқовингни бир қилиб тилла дорга торттираман!— дея ўшкирибди.

Подшо-да, ҳар нима қилсаем қўлидан келади. Вазирлар ўзаро маслаҳат қилишиб, подшонинг ғазабига учрагандан кўра, Мир Алишернинг олдига бош эгиб борган маъқул. Шоир халқи кўнгли бўш келади, бўйин эгиб борсак, гуноҳимиздан ўтар, балки бу жумбоқقا

ҳам Мир Алишернинг ақли етар,— деб ўйлаб, отли отига миниб, йўлга тушибдилар.

Мир Алишер шогирдлари билан китоб ўқиб ўтирган экан, қирқ вазирнинг ёппа-ёвлик бўлиб келганини кўриб, уларга пешвоз чиқиб, кутиб олибди. Атлас-кимхоб кўрпачалар тўшалган меҳмонхонага ўтқазиб, уч кечакундуз меҳмон қилибди. Мир Алишер син солиб кўрса, вазирларнинг юзи кулиб турган билан, юрагида қандайди дард бор, ҳеч очилишиб гаплашишмаяпти. Буни кўриб, саройда бирон воқеа бўлганини тушунган Мир Алишер вазирлардан гап сўраган экан, улар пичоқ воқеасини айтиб бериб:

— Хуллас, Ҳиротдек шаҳри азимда бу масалани еча оладиган аҳли дониш топилмади, энди бутун умид сиздан. Ўзингиз ёрдам бермасангиз, ҳолимиз хароб, мавлоно,— деб роса ялниб-ёлворишибди.

Буни эшитган Мир Алишер бироз ўйлаб туриб:

— Бўлмаса гап бундай. Ҳозироқ саройга қайтиб бориб, бирор жойда ўт ёқасизлар. Ўша пичоқларнинг ҳар иккаловиниям ўтга тоблайсиз, шунда пичоқларнинг бири терлайди, иккинчисидан эса тер чиқмайди. Ана ўша терлаган пичоқ подшоники бўлади, чунки кўп ишлатилмайди. Униси эса вазирники деяверинглар. Чунки вазирнинг пичоғида сабзи-пиёз тўғралади, хуллас, кўп уринтирилган пичоқдан тобланганда тер чиқмайди,— дебди.

Вазирлар Мир Алишердан миннатдор бўлишиб, ба-рининг оғзи қулоғига етиб, баъзилари хурсандлигидан ўзидан кетиб, шоир билан хайр-маъзурният унутиб, саройга қараб жўнашибди. Муҳлат битгани учун подшоҳам уларни кутиб турган экан, айтилган вақтда қирқ вазир жам бўлиб, саройга кириб келибди.

— Хўш, топдиларингми?— деб сўрабди подшо.

— Ҳа, тақсир, топдик!— деб, боя Мир Алишердан ўрганган гапларини оқизмай-томизмай айтиб беришибди вазирлар.

Султон Ҳусайн олов ёқтириб, пичоқларни ўтда тоблаб кўрган экан, худди вазирлар айтгандай бўлиб, пичоқларнинг бири терлаб, иккинчисидан тер чиқмабди. Шунда димоги чоғ бўлган Султон Ҳусайн бу гап вазирларнинг калласидан чиқишига гумон қилиб, сўрабди:

— Ростини айтинглар, бу гап ўзларингдан чиқдими ё сизларга бирор ўргатдими?

— Ўзимиз топдик, тақсир!

— Нега бўлмаса аввалроқ айтмасдан, уч кун мухлат сўрадянглар? Шу уч кун ичида саройда биттангнинг ҳам қорангни кўрмадим. Чамаси бирорта донишмандни ахтариб топиб, маслаҳат сўраганга ўхтайсизлар. Сенларнинг бу қовоқ каллаларингдан кундуз куни чироқ ёқиб қидирсаям зигирча ақл топилмаслигини жуда яхши биламан-ку! Мени лақиллатмоқчи бўляпсизларми ҳали?!— деб бақириби.

Бу гапни эшигтан вазирлар қўрқувдан дағ-дағ тиграб, тиллари калимага келмай қолибди. Уларнинг ичидага кўпни кўрган бир ёши улуғроғи бор экан, ўша:

— Бир қошиқ қонимиздан кечинг, олампаноҳ! Очиғини айтсан, ўша куни кечаси туш кўрибман, тушимда оппоқ соқолли,mallacha чопонли бир пиру муборак қошимга келиб, «Кўп қайдурманглар, пичоқларнинг кимга тегишли эканлигини аниқлашдан осони йўқ», деб ўша гапларни ўргатиб кетган эди,— дебди.

Султон Ҳусайн қаттиқ қистовга олган экан, вазирлар ноилож:

— Буни биз Мир Алишердан сўраб билиб олдик,— деб тўғрисини айтишга мажбур бўлишибди.

Шунда Султон Ҳусайн:

— Барингни йиғса, Мир Алишернинг бир мўйигаям арзимас экансизлар-у, яна келиб-келиб шундай аллома билан беллашасизлар-а?! Аҳволларинг шу экан, уни фийбат қилишини ким қўйибди сизларга. Сен ғаламисларнинг гапига кириб қушдек беозор дўстимнинг дилини оғритган менинг ўзим ахмоқ. Ҳозироқ бориб Мир Алишердан узр сўраб уни саройга олиб келаман, салтанатимизнинг муҳри муборагини унга топшираман!— лебди-да, дўсти яшайдиган қишлоққа қараб отланган экан.

КИЙИКНИНГ ТҮЕФИ ҚАЕҚДА-Ю, ҚУЛОГИ ҚАЕҚДА?

Бир куни саройда тирандозлар ҳақида гап бўлиб, Ҳусайн Бойқаро ўтказган овлари, у билан иштирок этган мерганларнинг усталиклари тўғрисида сўзлади. Шунда бир вазир ҳам ўзининг мерганлиги ҳақида мақтаниб, овга чиққанида, бир кийикни бир ўқ билан қу-

логидан отиб туёғидан чиқарганлиги ҳақида сўзлади. Бундан подшо ғазабланиб:

— Аблаҳ, бу қандай гап, кийикнинг туёғи қаёқда-ю, қулоғи қаёқда? Сен бир ўқ билан қулоғидан уриб, туёғидан чиқардим, дейсан. Менинг саройимда одобсиз лофчининг жазоси ўлим, жаллод, — деб чақирибди.

Шунда Алишер Навоийнинг вазирга раҳми келибдида, подшога қараб:

— Ё Амир! Вазирнинг сўзи тўғридир, чунки ўша овда мен ҳам бирга эдим. У ўқ-ёйини тортган вақтда, тор устида турган кийик туёғи билан қулоғини қашиётган эди. Вазирнинг отган ўқи кийикнинг қулоғидан тегиб, туёғидан чиққани тўғри, — дебди.

Шундан сўнг подшо ғазабидан тушиб, вазир ўлимдан қутулди.

НУҚТАНИНГ ҚУДРАТИ

Мир Алишер Навоий ўз ғазалларини замонасининг энг зўр билимдон ҳаттотларига кўчиртиарди. Нима бўлди-ю, ўз ҳаттотининг тоби қочиб қолди. Бундан хабардор бўлган, ўзини машҳур ҳаттотлардан деб юрган бир олифта киши: «Рози бўлсалар, Алишер Навоийнинг хизматини жоним билан бажаардим», дебди.

Шоир унинг бу гапини эшитиб, шеърларини кўчиртиришга берибди. Бир пайт катта мушоирада Алишер Навоийнинг қулоғига: «Маликул шуаронинг ўзлари нуқсон-қусурга йўл қўйибдиларми, бошқалардан нимани ҳам кутиш мумкин», деган гап қулоғига чалинибди.

Гап нимадалигини дарров фаҳмлаган шоир боягина кўчиртирган ғазалларини олиб ўқибди, қараса ўзи айтган гап эмас эмиш. Мақтанчоқ ҳаттот тушмагур «кўз» сўзидағи бир нуқтани тушириб қолдирганидан, бу сўз «кўр»¹ бўлиб қолган ва шеър маъноси ўзгариб, аксинча чиққан экан.

Алишер Навоий аҳли фозилларга қараб:

— Кўзимни кўр қилганилар кўр бўлсин! — дебди-да, ҳаттотга жавоб бериб юборибди.

¹ Араб имлосида «з» нуқтасиз ёзилса «р» бўлиб қолади.

ШОИР ЖИЛОВДОРИ

Ҳазрат Алишер Навоий «Ҳамса» деган китобини ёзиб тутатиб, дўсти султон Ҳусайннинг олдига борибди. Қўлидаги тугунни очмасдан унга берибди.

— Бу нима?

— Очинг, кейин нималигини биласиз.

Ҳусайн Бойқаро тугунни очибди. Қараса китоб әмиши. Бунда Алишер Навоий:

— «Ҳамса»нинг сўнгги саҳифасига ҳозиргина нуқта қўйдим-да, энг аввало қадрдан дўстим кўрсиллар деб сultonларнинг сultonни сизга олиб келишга журъат этдим,— дебди.

Қўлидаги китоб билан Алишер Навоийнинг сўзларидан ҳайратга тушган Ҳусайн Бойқаро Ҳиротдаги ҳукамою уламо, шоири фузало, созандою хонандаларни, дунёда тенги йўқ бор—«Бори Ҳусайнний»га йиғишни амр этибди. «Подшонинг амри вожиб» дейдилар. Ҳусайн Бойқаронинг юлдузни кўзлар зўр араби оти бўлиб, ҳалқ уни «Султон от» деб атар экан. Ўзиям жудаям ўйноқи, қамчи тегар-тегмас кўкка сапчиркан. Султондан ўзгани ёнига йўлатмас экан. Олдиндан келганини тишлаб, ортидан келганини тепаркан. Шу туфайли унга эгаржабдуқ уриш, ем-хашак беришни эгаси бажаарар экан. Бир пайт Ҳусайн Бойқаро сайисхонага кириб отини эгарлаб чиқибди-да, Алишер Навоийга рўбарў бўлиб;

— Бўз отга мининг,— дебди. Шоир отда кўп юрган экан-у, бунақасини минмаган экан. Чўчибди.

— Йўқ, минмайман,— деб сultonнинг сўзини рад этибди.

Ҳусайн Бойқаро яна:

— Отга мининг,— дебди.

— Минолмайман. Негаки, юввош отнинг устида зўрға ўлтиrolаман-у, бу асов отлар сultonига... Йўқ, бу отга минишдан мени фориг этинг.

— Минасиз, дедим, минасиз,— сўзида туриб олибди Ҳусайн Бойқаро.

Кейин Алишер Навоийни отга миндиришга кўндиrol- маслигига ақли етиб бошқача йўл тутибди.

— Мавлоно,— дебди дўстига қараб,— қани, айтингчи, шоҳнинг амри недур? Машойихлар подшонинг амри вожиб деганларми?

— Ҳа,— дебди Алишер Навоий.

— Шундай экан, бас, Ҳусайн сизга ким бўлади?— сўрабди подшо.

— Дўстим Ҳусайн юртимизга султондир.

— Юртга султон эканман, сиз ҳам менга тобе фуқаросиз. Шундай экан султонингиз амрини бажаришдан бош тортишингизнинг боиси недур?

Гап шундай давом этаверса қизаришиб қолиб, ўртага совуқчилик тушишига ақли етган Алишер Навоий: «Бор-э, таваккал, нима бўлса бўлди», қабилида иш тутиб:

— Ҳа, майли, дўстлигимиз ҳурмати амрингизни бажарганим бўлсин,— деб султоннинг отига минишга рози бўлибди. Ҳусайн Бойқаро дўстининг қўлтиғидан олиб, отга ўтқазибди-да, бир қўлида унинг жиловидан тутиб, иккинчи қўлида шоир «Ҳамса»сини ушлаб, «Боғи Ҳусайнний»га кириб борибди. Алишер Навоийни «Султон от» устида, Ҳусайн Бойқарони унга жиловбардор бўлиб пою пиёда келаётганини кўрган вазиру уламо ҳамда аҳли фуқаро ҳангуманг бўлиб, турган жой-жойида қотиб қолибди. Шу тарзда, яъни Алишер Навоий отнинг устида-ю, Ҳусайн Бойқаро унга жиловбардор бўлиб йиғинни айланиб чиқибди. Султон пиёда юриб, тахт ўрнатилган жойга борибди. Подшоҳ жиловдор бўлса-ю, шоир отда юрса-я. Бу қандай гап?! Нима бало, худо Султонни ҳушидан жудо қилганми? Тахтга Алишер Навоийни ўтқазмоқчими? Ё алҳазар, ё алҳазар? Султоннинг бу қилмишига не демоқ керак?— деган фитнафасод, шивир-шивирлар эшитила бошлабди.

— Аҳли фуқаро, султонлик сўзим қулоқ бериб эшигинг. Шоиримиз Алишер Навоийни «Султон от»га миндириб, унга жиловдорлик қилганим сабабини англаб қўйинглар, токи подшоҳимизга нима бўлди, деб ҳайрон бўйманглар. Дўстим Алишер ўз «Ҳамса»ларини ёзиб тугатиб, бизга лутфан тақдим этдилар, бу билан зўр илтифот кўрсатиб, беҳад шод қилдилар!— дебди Ҳусайн Бойқаро.

Шу пайт:

— Офарин! Офарин! Шоир Алишернинг қўллари асло дард кўрмасин! Умрлари боқий, мартабалари бундан ҳам зиёда бўлсин!— деган хитоблар янграбди.

— Мен сизларга ким бўламан?— бирдан сўраб қолибди Ҳусайн Бойқаро ўлтирганлардан.

— Юртимиз султонисиз,— жавоб берибди ўлтирганлар.

— Бўлмаса султонлик сўзим тингланглар. Ҳа, мен ҳозир сизнинг султонингиз, шу юрт, шу әлу элатлар подшосиман. Аммо қаршингизда турган дўстим Алишер элимизнинг келгуси авлод-аждодлар ҳам таъзимда бўладиган султонидир. Мен ана шу ғазал мулкининг султони, улур шоирга жиловдор бўла олганимдан ўзимда йўқ шодман.

Ҳусайн Бойқаро шундай дебди-да, кўзига ёш олиб Алишер Навоийни қаттиқ қучоқлабди.

ОДАМИ ЭРСАНГ...

Шоир Мир Алишер Навоийнинг ёши бир жойга етганда, кўнгли ҳаж'га бориши истаб қолибди. Юрт султони, дўсти Ҳусайн Бойқаро билан хайрлашиб кетиш мақсадида унинг ҳузурига келибди. Подшо:

— Сиз ҳажга бориб келган кишилардан кўпроқ савоб ишлар қилган мўътабар зотсиз,— деб рухсат бермабди. Султонга нима деб жавоб қайтариши билмай, Алишер Навоийнинг тозаям боши қотибди.

Орадан бир йил ўтибди. Мир Алишер яна ҳажга кетиш ҳаракатига тушибди. Сафари олдидан дўсти Султон Ҳусайн билан кўришиш учун саройга келибди:

— Сиз билан хайрлашиш учун келдим,— дебди у. Ҳусайн Бойқаро юртнинг нотинчлиги, улус орасида норозиликлар кучайиб кетганлигини айтиб:

— Сизсиз улусни бошқариш қийин. Аъёнларга ишониб бўлмайди, пайимни қирқиш мақсадида бўлади. Дўст деб билсангиз, мени ёлғиз ташлаб ҳеч қаёққа кетмангиз,— деб илтижо қилибди.

Ҳазрати Алишер Навоий нима дейишни билмабди. Ҳажга жўнаб кетаверай деса, юртнинг султони, ёшликтан бирга ўсган дўсти борманг, деб қаршисида туриб ялиниб-ёлворяти. Шоир бу гал ҳам сафардан қолибди. Лекин «Келаси йил наврўзи оламда албатта сафарга отланаман», деб кўнглига туғиб қўйибди. Бу орада қишиқиб, баҳор сепини ёйиб кириб келибди. Ҳамма ёқни наврўзи олам әгаллабди. Алишер Навоий: «Султон жавоб берса ҳам, бермаса ҳам албатта жўнаб кетаман», дебди ўзига ўзи. Подшо хафа бўлиб қолмасин, деб унинг ёнига бориби.

? Ҳаж — ислом динидаги беш фарздан барни.

— Тинчликми ўзи? — деб сўрабди шогирдидан.

— Тинчликка-ку, тинчлик, — деб жавоб берибди у.

— Бўлмаса бунчалик кўп кишиларнинг шоир кулбасига ташриф буюриши ва алар юзига ташвиш аломатлари соя солишининг боиси не? — деб сўрабди Навоий.

— Буни аларнинг ўзларидан сўрангиз, — деб жавоб берибди шогирди.

Бу савол-жавобдан воқиф бўлиб турганлардан бири:

— Бизни ташлаб сафар ихтиёр қилганингиз ҳақидаги миш-мишлар тўғрими, ҳазратим? — деб сўраб қолибди.

Шоир унга нима деб жавоб қайтаришни билмабди.

Ҳа, сафарга отланганман, деб айтай деса, турган ҳалойиқдан хижолат бўлибди, йўқ деб айтай деса ёлғон сўзлашдан қўрқибди. Уйига келганларга қараб, бошини эгиб, жим тураверибди. Шунда шогирдларидан бири:

— Халойиқ, эшитмадим деманглар, эшитмаганинг бўлса эшит, ҳазратим эртага тонг саҳарда дўст-ошноларига ҳам билдирамай сафарга жўнаб кетадилар, — дебди.

Ҳамма томондан шов-шув кўтарилибди.

— Ҳазратимни бу йўлдан қайтармоқ лозим. Алишер Навоийсиз ҳолимиз не кечади? — деб бири айтса, иккинчиси:

— Нима бўларди, юрт тинчлиги бузилиб, яна ноҳақ қон тўкишлар бошланади, — дебди. Гапга шоирнинг кекса дўсти меъмор Биноий аралашибди:

— Ҳазрат, сафар ихтиёрини тарқ этинг. Сизсиз ҳолимиз забун бўлади: ариқлар қазилуви, бинолар қурилиши тўхтаб қолади. Эл боши ғалаён, тўс-тўполондан чиқмайди.

Унинг сўзини бошқаси илиб кетибди:

— Улус масжид деса масжид солдирдингиз, мадраса деса мадраса қурдирдингиз. Сиз бино қилдирган бу ҳаммомлар, кўприклар, ариқлар, ҳовузлар, бору рофлар, кутубхоналар, савобнинг ўрнини босолмайдими? — дебди кекса темирчи. Яна бири:

— Сиз етимларга — ота, уйсизларга — уй, сувсизларга сув бўлдингиз, сизнинг раҳм-шафқат, муруватингиздан одамларгина эмас, жониворлар, ҳатто ҳашаротлар ҳам баҳраманддирлар. Шунинг ўзи савоб, — деган экан, чор атробдан:

— Тўғри айтдингиз, отахон! — деган сўзлар ёғилибди.

— Жўнашингиз аниқми? — деб сўраб қолибди Ҳусайн Бойқаро.

— Ҳа, бу гал сафардан мени ҳеч ким қайтара олмайди. Ҳатто сиздек азиз дўстиму, юрт султони ҳам.

— Ундаи бўлса мен розиман. Майли, дўстим, ҳажга борсангиз бора қолинг. Менинг учун ҳам зиёрат қилинг. Зиёратингиз қабул бўлсин,— деб юзига фотиҳа тортибди. Кейин:— Кетишингизни ҳеч ким билмасин, тунда, яширинча йўлга отланинг,— дебди.

Алишер Навоий дўсти билан хайрлашиб, уйига қараб жўнабди. Қўчасининг бошига етай деганда унга бир йигит ҳамроҳ бўлибди. Бу йигит, шоирларнинг шоири ўзига ўхшаган камбағал етим-есирларга ёрдам қўлини чўзажаклигини кўп эшитган экан-у, аммо ўзини кўрмаган экан. У шоирга салом бергач:

— Сиз ҳам ўша ёққами? — деб сўрабди.

— Ўша ёғингиз қаёқ?

— Қаёқ бўларди, Алишер Навоий ҳазратларининг уйига-да,— дебди йигит, аммо гапидан тўхтамабди.— Мен қишлоқда тураман. Үтин териб сотиб кун кўраман. Эшитишимча, Алишер Навоий деган киши машҳур шоир, подшоликнинг каттаси бўлса ҳам биздақа ғариб, бечораларга нафи кўп тегиб турар экан. Шу кишидан паноҳ излаб бу ерларга келдим. Энди билсам бу ерга келиб хато қилибман.

— Нега? — деб сўрабди ҳазрат.

— Э, сиз сўраманг, мен айтмай. Ҳали эшитмадингизми? Шоиримизнинг ҳажга боргилари келиб қолибди. Билмадим, бу ёғи нима бўларки?

Алишер Навоий йигит билан гаплашиб уйига етиб қолганини пайқамай қолибди. Не кўз билан кўрсинки, ҳовлиси одамга тўлиб кетибди. Бу ерда шоирлару ҳофизлар, машвоқлару ҳаттотлар, китоб битарлару тоштарошлар, наққошлару мунаққидлар сингари дўстларидан ташқари нонвою ошпазлар, боғбону темирчилар, аравакашлару ҳаммоллар, хуллас шоирни билган, таниган борки ҳаммаси ҳозир нозир эмиш.

— Ана, ҳазратнинг ўzlари келиб қолдилар! — деб ҳамма унга йўл берибди. Ҳалиги йигит ҳамроҳи Алишер Навоий эканлигини билиб, ҳайратдан ёқасини ушлаб қолибди.

Ҳазрат ҳовлисига тўпланган кишиларни кўриб ҳайрон бўлибди-да:

— Декон бобо ҳақ гапни айтдилар. Ахир ўзингиз:

*Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ ҳалқ ғамидин ғами,*

демаганимидингиз?! Ҳа, сиз ўзингизча сафар ихтиёр қилган бўлсангиз, улус буни кечиктириш ё қолдиришингизни ўтинади.

Алишер Навоий ўйлаб-ўйлаб ҳажга бориш ниятини кечиктиришга қарор қилибди. Одамлар буни эшитиб шоду хуррам бўлиб, уй-уйларига тарқалишибди. Ҳалиги қишлоқдан келган йигитни ҳазрат ўзига фарзанд қилиб олибди.

Ҳозиржавоб Мирали



Мирали — Мир Алишер Навоий ҳазратлари ҳақидаги туркман халқ ривоятлари

МИРАЛИНИНГ ОТАСИ ҚУРГАН ЮЛДУЗ¹

Хурросон ҳукмдори Султонсуюннинг отаси ҳам каттā подшо ўтган экан. Миралиниң отаси эса унинг содик хизматкорларидан бири бўлган экан. Кунлардан бир куни улус орасида думли юлдуз туғармиш деган миш-минш гап тарқалибди. Улус орасида тарқалган гапдан ҳеч вақт подшолик бехабар қолмаганидек, бу галги хабар ҳам зум ўтмай саройга етиб борибди. Подшо ўзининг олиму фузалолари, мулла-имомлари йиғилган катта бир мажлисда думли юлдуз ҳақида гап очган экан, давра аҳлидан садо чиқмабди. Шунда у қуръандоз¹ларини чақиртириб, думли юлдуз ҳақидаги миш-мишларниң рост-ёлғонлигини аниқлаб беришларини буюрибди. Қуръандозлар қуръя ташлаб кўриб, чиндан ҳам бир неча вақтдан кейин думли юлдуз туғажаги ва унинг сирли бир хосияти борлигидан подшони огоҳ этибдилар:

— Подшоҳи олам, думли юлдуз ҳар ўттиз йилда бир марта туғади. Бу юлдузниң умриям капалак умридек жуда қисқа, атиги бир оқшом юз очади, холос. Кимда-ким ушбу думли ҳилқат жамолини кўришга мушираф бўлса ва у ботмай туриб ўзининг жуфти ҳалоли илиа қўшилса, улардан бир фарзанд туғилгаймишки, бу ер юзида ундан диловар инсон бўлмагай...

Қуръандозлар думли юлдузниң қайси йил, қайси ойда туғажагигача аниқ айтиб берибдилар.

Подшо қўрғонидан бир чақирим наридаги катта тепаликнинг нақ ўртасида баланд минора қурдириб, Миралиниң отасига ўша ерда кечаю кундуз киприк қоқмай қоровуллик қилишни буюрибди. Унга кундузи ухлаб, кечаси осмонга тикилиб ётишни, мабодо думли юлдуз кўрингудай бўлса, оёгини қўлига олиб қўрғон томони елишини ва подшони хабардор қилиши лозимлигини уқтирибди.

Миралиниң отаси минора устига чиқиб олганча,

¹ Қуръандоз — юлдузга қараб каромат қилувчи.

думли юлдуз туғишини пойлаб ўтираверибди. У киши кўп кутибди, охири бир куни тун ярмидан оққанда, осмоннинг бир чети оқариб кўришибди. Зеҳн солиб қараса, у думли юлдуз экан. Шунда Миралининг отаси мисорадан туша солиб, йўлга равона бўлибди. Шу кетишида бийдек даштдаги серўт қир бағрида дам олиб ётган сурувнинг устидан чиқиб қолиб, қоронғида билмасдан қўйларни ҳуркитиб юборибди. Қўйларининг ҳуркиб, бесаранжом бўлиб, патира-путур тўзғиганини кўрган чўпон «сурувга жондор оралади-ёв», деган ўйда бўрибосар итларига «олҳо, бос!»— дея қичқирибди. Итлар вовиллаганча, йўловчини ўртага олаберибдилар. Саросимага тушган Миралининг отасини итлари кўмагида тутиб олган чўпон:

— Ўғримисан, тўғримисан, ростини айт, кимсан ўзинг?! Бемаҳалда не юмуш билан юрибсан бу Хизирнинг чўлида?— дея сўрабди.

Миралининг отаси итларга луқма бўлмай, тирик қолганига минг қатла шукрлар қилиб, зўр-базўр тушунтира кетибди:

— Мен ўғри эмас, подшоликнинг одамиман. Жон биродар, мени қўйвор! Подшога жуда шошилинч бир хабарни тезда етказмасам бўлмайди.

— Қани айт, билайлик-чи, қанақа хабар экан у. Айтмасаң барибир қўйвормайман!

Ноилож қолган Миралининг отаси қўли билан осмонга ишора қилибди-да:

— Ана, кўрдингми?! Сен умр бўйи чўлда юриб қўм ялаган бўлсанг ҳам бунағанги юлдузни ҳалигача кўрмагансан. Унинг хосияти бошқача...— дебди.

Чўпон эснини танигандан бери қўлидан қўймаган таёғига суюнганча, думли юлдузга ҳайрон бўлиб тикилиб турибди-да:

— Қанақа хосияти бор экан?— деб сўрабди.

— Кимки шу юлдуз туққанини кўрса ва дарров бориб заифаси ила қовушса, улардан бир фарзанд бино бўлгайки, кўркамликда ва доноликда ҳеч ким унга тенг келолмас эмиш.

Бу гапни эшитган чўпон сурувини итларга топшириб, таёғини елкасига қўйганча уйига қараб чопиб кетибди.

Миралининг отаси ҳам шоша-пиша қўргон олдига келиб қараса, қопқалар берк эмиш. У дарвозани қаттиқ қаттиқ ура бошлабди. Шунда ичкаридан дарвозабоннинг дағдағаси эшитилибди:

— Ярим кеча дунёни бузавермасдан, нима арзинг бўлса айт тезроқ, бўлмаса эшикларни очмайман!

Миралининг отаси оёгини қўрга босгандай шошилиб турган эканда, тезроқ қутуладай деб унга думли юлдузни кўрсатибди. Унинг хосияти ҳақида сўзлаб берибди. Шунда дарвозабон ҳам қўргон қопқасини наридан-бери очган бўлиб, юлдуз қўрганини киритгач, дарвозани ёпишним унутиб, қўлидаги бир даста калитларни шарақлатганча ўз ҳовлисига қараб югурибди.

Шундай қилиб, бир амаллаб саройга етиб келган юлдуз қўрган подшони бу воқеадан огоҳ этибди. Подшоҳ думли юлдузни қўриб, оғзини очганча, бир оз анграйиб турибди-да, сўнгра унинг ажойиб хосияти ҳақидаги қуръандозлар қилган каромат эсига тушиб, оёғидаги калишларниям ташлаб, юргилаганча ҳарамига кириб кетибди.

Миралининг отаси кўкка тикилиб туриб, ўзича: «Шошма, юлдузни-ку, қўрган ҳам, хабар берган ҳам камина бўлса-ю, ўзгалар айшу ишрат билан банд чорида, менинг бу ерда туришимга на ҳожат?! Миноранинг устида шунча кун мижжа қоқмай, заҳмат чекиб, энди аҳмоқ бўлиб қолавераманими? Кел, менинг пушти камаримдан бир ақлдор ўғил туғилса нима қипти!»— деб ўйлабди-да, кулбаси сари жўнабди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, подшо яна ўша қуръандозларни чақиртирибди-да, қуръа ташлаттирибди. Улар:

— Ўша думли юлдузни дунёда тўрт одам қўрибди, ана шу тўртовидан тўртта фарзанди қобил дунёга келгай. Уларнинг иккиси қиз бўлса, иккovi ўғиллар. Насиб этса, ана шу кокилдор ўғилларнинг бири шоҳаншоҳимизининг пушти камарларидандир,— дейишибди.

Подшо дам ўзининг ўғил қўражагига суюнса, дам бошқаларнинг ҳам туғилажак болалари ақллиликда уни-кидан қолишмаслигини билиб, бироз аламидан сиқилиб, юлдуз қўрганини койий бошлабди:

— Мен сенга нима деб эдим-а?! Бу сир ўртамиизда қолсин, уни ёлғиз сену мендан бўлак ҳеч ким билмасин, думли юлдузни кўриш мендан бошига ҳеч кимга насиб қилмасин демабмидим?! Шунча йил даргоҳимда юриб, тузимни еб, энди бу қилиғинг тузлиғимга тупурганингми?

Юлдуз қўрган подшога таъзим қилиб:

— Подшоҳи олам, бир қошиқ қонимдан ўтсангиш, бунинг сабабини баён қилсам,— дебди.

Подшо рухсат бергач, Миралининг отаси бўлиб ўтган ҳангомаларни бирма-бир ҳикоя қила бошлабди.

— Султони олам, думли юлдузни кўрганим ҳамоно сизга хабар етказини учун йўлга тушдим. Шошилиб келаётувдим, чўлу биёбоннинг бир четида саҳро ҳокими ўз қароқчилари билан йўлимни тўсиб чиқди. Улар мени ўртага олиб, агар не хабар билан кетаётганлигинги айтмасанг, қўйиб юбормаймиз, деб роса қўрқитиши. Вақт саҳар бўлиб қолган, ўйлаб ўтиришга фурсат борми дейсиз. Хуллас, вақт қисиб келаётганди, саҳро ҳокимининг қўлидан бир амаллаб қутулиб чиқиб, сизни бу сирдан тезроқ воқиф қилмоқ учун бор гапни айтишга мажбур бўлдим.

Ғазабланган подшонинг кўзлари хонасидан чиқа-әзиб:

— Менинг ҳукмим юрадиган жойларда эгалик қи-лаётган саҳро ҳокими ким экан ўзи? — дея бақирибди.

— Камина қулингизни кечиринг, шоҳаншоҳим! Сиз бутун Ҳурсоннинг ҳокими мутлақисиз, мамлакатингизнинг сарҳадлари ҳудудсиз. Аммо сизнинг қадамингиз етмаган кенг саҳро яйловларида эса элнинг чўпони ўз ҳукмини ўтказади, — дебди Миралининг отаси.

— Хўп, майли, иккинчиси ким экан?

— Подшоҳимизнинг шаҳри мубораклари баланд қўрғон билан ўралган. Унинг устидан қуш ҳам учиб ўтолмайди. Жанобларининг ҳузурларига тезроқ етишини учун дарвозабонгаям думли юлдузнинг қўйруғини туттирмакдан бўлак иложим қолмади.

Подшо соқолини силаб ўтириб, бироз ўйланибди-да, сўнгра фалакдан зорланиб:

— Эй бевафо дунё! Мен ким-у, мен билан тақдири қўшилган бандалар кимлар?! Бири чўпон бўлса, бири дарвозабон... Ҳай, майли, бўлар иш бўлди. Энди думли юлдузни кўрган яна бир одам қолди, ўша ким? — деб сўрабди.

— Подшоҳим, сизга хабар берганимдан сўнг, кўшкнинг айвонига чиқсан эдим, шу пайт ўша думли юлдуз ўзининг қўйруғини бўйнимга чулғаб, уйимга қараб судради. Тўппа-тўғри олиб бориб, эшигимдан киргизиб, уйимга қамаб кетди. Шу пайт ғойибдан: «Жаноби олийларининг дунёга келажак фарзандлари учун муносаб хизматкор зарур!» — деган нидо келди. Шунинг учун камина қулингиз ҳам ўз ғарифона кулбасида бир ниҳол экининг журъат қилдим.

Орадан тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз

дақиқа ўтгандан сўнг подшодан Султонсуюн, юлдуз кўргандан Мирали, чўпон билан дарвозабондан эса иккни қиз дунёга келибди.

МИРАЛИ ВА СУЛТОНСОЮН

Нақл қилишларича, Султонсуюн подшо бўлиб, тахтга ўтиргандан кейин, етти йиллик бож-хирождан бўлган қимматбаҳо жигасини бошига кийиб, донишманду акобирларини, элоғасию вазирларни, қуръандозу мунажжимларини ўз атрофига тўплабди. Аркону давлатга эга бўлган ёш шаҳзода Эрону Туронга қўшин тортиб, тез орада у ерларни забт этиб олибди. Шундан кейин саройига қайтиб келиб, ғалаба нашиласини суриш билан банд бўлган шаҳзода ўз ғалабаларидан мағрурланиб: «Бутун дунёни тахтим пойига бўйсундирдим! Энди сира армоним қолмади?»— деб айшу ишратга берилиб кетибди. Шаҳзоданинг туну кун зиёфатдан боши чиқмай, давлат ишлари билан қизиқмай қўйганлигидан сарой аҳли ташвишга туша бошлабдилар. Шунда оппоқ соқоли кўксаiga тушган нуроний чоллардан бири:

— Шаҳзодам, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, бир арзим бор эди, шуни айтсам,— дебди.

— Кечдим, айт!— дебди Султонсуюн.

— Олампаноҳ, сиз ҳали жудаям ёшсиз, сизга манманлик ярашмайди. Ер юзи оёғим остида деб кўпам керилаверманг, бу дунёда сиздан ақллироқ одамлар ва сизга бўйсунмайдиган элатлар сон мингта. Бутун оламни забт этаман деган Искандардек жаҳонгирлар ҳам бу кўҳна дунёнинг поёнига етолмаганлар...— дебди оқсоқол.

— Ҳали менга бўйсунмайдиган эллар ҳам бор эканми?— Султонсуюн шундай деб қўлидаги май тўла косани отиб юборибида, донишмандга қараб ғазаб билан бақирибди:— Қаерда экан ўша бебош эл?! Эртагаёқ қўшин тортиб бориб, ўша бадбахтларнинг бошида ёнроқ чақмасам отимни бошқа қўяман!

Донишманд чол подшога насиҳат қилиб ётиғи билан тушунтира бошлабди:

— Султоним, дунё кўрган савдогарлару элма-эл кезгани сайёҳларнинг айтишларича, Болқон тоғларининг этагида пўллантанлилар деган бир элат яшар эмиш. Ҳеч кимга бўйсунмайдиган, қўрқмас ва баҳодир пўллантанлиларнинг сардори уч ака-ука эмиш. Ана шу оға-иниларнинг ҳар бири бир касбнинг моҳир устаси дейишади.

Каттаси деҳқонман деганинг пири бўлса, оҳангарликни касб қилиб олган ўртанча сардор қўлига тушган ҳар қандай темирга жон солармиш. Қиличбозлик борасида элоғаларнинг кенжасига тараф топилмас экан. Шунинг учун ўша элат ҳеч қандай жаҳонгирга бўйин эгмаган, ҳатто сиздек шоҳи жаҳонни ҳам назар-писанд қилмасмиш.

— Ундаи бўлса, уларга ўзимнинг кимлигимни кўрсатиб қўяман ҳали. Ҳозирча мендан ақллироқ одам кимлигини айтиб беринг, билайчи, у ким экан?— деб сўрабди Султонсуюн.

— Бундан бир неча йил бурун бир ўғлон дунёга келган эди. У ҳозир сизга ўхшаб, ёшгина йигит, аммо вақти-соати етиб улғайса, ақли камолатда ва диловарликда бу дунёда унга тенг келадиган одам топилмайди.

— Қаерда экан ўша бўлғуси донишманд?

— Султоним, минг афсуски, у боланинг исмиям, истиқомат қиладиган гўшасиям маълум эмас. Ўйлашимча, уни излаб овора бўлиб юришнинг ҳожати йўқ. Бир кунмас-бир кун унинг ўзи олдингиздан чиқиб қолса ажаб эмас,— дея жавоб берибди донишманд.

— Ҳай, майли, у болани вақти келса ахтариб топармиз, бўлмаса унинг ўзи бир жойдан чиқиб қолар. Аввал бебош пўллатталиларнинг адабини бермасам бўлмайди. Бугуноқ қўшин тортиб бориб, уларнинг қалъасини кун-паякун қилиб, ер билан яксон этаман. Қишлоқларининг кулини кўкка совуриб, ўғил-қизларини ўлжа қилиб, олдимга солиб ҳайдаб келаман,— деди Султонсуюн.

У дарров лашкарбошиларни тўплаб, фармон берибди. Ҳаш-паш дегунча лашкар асасаю дабдаба билан йўлга тушибди. Донишмандлар Султонсуюннинг шошқалоқлигидан ташвишланиб:

— Ҳазратим, қўшин тортишга шошилманг! Беҳуда қон тўкилмасин, шунча одами нобуд қилишдан не фойда? Аввал ўша элнинг сир-асорорини билайлик, енгилмаслигининг сабабларини аниқлаб кўрайлик. Ахир кенгашли тўй тарқамас, деганлар. Аркону давлат билан бамаслаҳат ўйлашиб иш қилган маъқул. Сиздан аввал ҳам неча-неча жаҳонгирлар пўллаттанлиларга ўз ҳукмини ўтказмоқчи бўлиб уриниб кўришган, аммо ҳеч қандай подшо уларнинг қалъасига остона ҳатлаб киролмаган-ку?! Жаҳл чиқса ақл қочади, ўйламай-нетмай иш қиляпсиз, тағин шу сафар панд еб қолманг, шоҳим?!— деб подшони йўлдан қайтаришга кўп уринибдилар.

бир айланиб келайлик,— лебди-да, ўзи уст-бошларидаги чангни қоқиб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб, уч-тўртта амалдорлари билан шу яқин-ўртадаги овуллардан бирига қараб йўл олибдилар.

Подшо от қўйиб бораётган экан, қишлоққа етай деб қолганда бир тепаликнинг устида ўтирган болага кўзи тушиб қолибди. Ут-ўланларни ўриб олинган ширдай яп-яланғоч тепаликнинг устида ўтирган бола, бехосдан келиб қолган суворийларгаям қарамай, ўз иши билан машғул бўлаверибди. У бир қўлидаги ёрти қоқ нонни қарс-қурс чайнаб, чўнқайиб ўтирганча, ён-верига чўп-лар орасини титкилаб, қора чигирткаларни топиб ўлдирар экан. Унинг шаҳзоданиям назар-писанд қилмай, ўзи билан ўзи овора бўлиб туришдан ажабланган Султонсуон от бошини буриб, боланинг устига келибди:

— Бу нима қилиқ, йигитча?— деб сўрабди шаҳзода.

Йигитча ялт этиб орқасига қараса, тепасида совуткалқони ярқираган бир неча суворий туришибди. Кийим-бошлари оппоқ чангга беланган, бу отлиқларнинг юз-кўзларига қараб бўлмас, нақ гўрдан чиққан гўрковга ўхшармиш бари. Йигитча бир тишлам нонни оғзига солиб чайнар, қўлидаги чўпи билан эса ўтлар орасини титкилаб чигиртка ахтариши давом эттиаркан:

— Тоғамникига кетаётувдим, йўл-йўлакай тойимни минги қиляпман,— деб жавоб берибди.

Султонсуон «бу боланинг эси жойидамикин ўзи?»— деб ҳайрон бўлиб, яна сўрабди:

— Эсинг жойидами, ўзи, йигит?! Бу ерда от ҳам, той ҳам йўқ-ку! Муштдек бошинг билан бизни алдамоқчи бўляпсанми ҳали?

— Тўғрисини айтсам, уйимизда от билан той тугул минишга ярагулик бирорта эшак ҳам йўқ,— деб жавоб берибди йигитча.

— Бўлмаса нечун ёлғон-яшиқ гаплар билан бошини қотирасан? Нима иш қилаётганингни кўрганимдан кейин сўрадим-да!— дебди Султонсуон.

— Сиз кўриб-билиб турган нарсангизни сўраганингизда мен ҳам бир ола тойчоқ минсам минибман-да! Нима қилаётганимни кўриб-билиб туриб, яна сўраганингиз нимаси, шаҳзода?

Бу ёшгина йигитчанинг ўзини тутиши, саволларга шарт-шурт жавоб беришидан Султонсуоннинг оз-моз энсаси қотган бўлсаям, лекин унга нима дейишни билолмай бироз сукутга кетибди. Сўнгра қамчисининг дастаси билан эгар қошига «тирк-тирк» уриб туриб:—

Султонсуюн ўзича қайсар одам әмасми, шу чоғда донишмандларнинг гапи қулоғига кирадими дейсиз? Аркону давлат кўп айтиб, оз эшитибди, барибир подшо ўз билганидан қолмабди. Лашкар қўрғондан чиқиб, сафарга отланибди.

Лашкар йўл юриб, йўл юрсаям мўл юриб, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган бир саҳрои кабирнинг қоқ ўртасига етиб борибдилар. Чор-атроф қип-қизил чўл, бирорта гиёҳ кўринмайди. Узоқдан бир тоғнинг қораси кўринган экан, Болқон деганлари шу тоғ бўлса керак, деб ўйлаб, ўша тарафга йўл олибдилар. Бир неча кун юргандан кейин озиқ-овқатлари ҳам сен бўлиб, ичарга сувлари қолмай, тоза ҳолдан тойган лашкар ахири ўша кўринган тоғнинг этагига етиб борибди. «Хайрият, бу чўлистаннинг ҳам охири бор экан-ку! Очлик ва сувсизлик азобидан қутулдик, энди шу ерда уч-тўрт кун дам олайлик», деб ўйлаб туришган экан, бирдан отларнинг дупур-дупури эшитилибди. Қий-чув кўтарилиб, пўллантанлиларнинг отлиқлари ҳориб-чарчаб чўлдан чиққан қўшин устига яъжуж-маъжуҷулардек ёпирилиб келибдилар. Саросимага тушган Султонсуюннинг лашкарлари «Қочган қутулар, қолган тутилар!»— деб орқа-олдига қарамай қочибдилар. Султонсуюн омон қолган қўшиннинг олдига тушиб, тўс-тўполон билан шу қочиб боришида, йўлдан адашиб кетиб, Мари ҳокимига қарашли қишлоқлардан бирининг устидан чиқиб қолибди. Подшо бир тўқайнинг ичига кириб панаlamaқчи бўлибди. Бундоқ ортига қараса, чанг-тўзон ичида қочиб келаётган лашкарларнинг сон-саноги йўқ, отлиқлари бири-бирини қувиб, пиёдалари эса жон тургандаги қилич-қалқон чикора деб яроғ-аслаҳалариниям ташлаб қочиб келяптилар. Душман суворийлари қувишни бас қилиб, орқасига қайтиб кетганини, осмону фалакни тутиб кетган тўзон ўзининг қочиб келаётган лашкарлариники эканлигини билган Султонсуюн ёнидаги вазирларидан бирига:

— Мариликлар бизнинг пўллантанлилардан енгилиб, шармандаи шармисор бўлиб қочиб келаётганимизни билишса, уларнинг олдида бир пулчалик ҳам обрўйимиз қолмас. Меҳмон қилиш нари турсин, балки юзимизга қора суртиб, қиличларимизни бўйнимизга осиб, отимизга чаппа мингазиб, Ҳирот томонга ҳайдаб юборарлар. Шунинг учун лашкарларнинг орқа-олди етиб келсин, қолган-қутган одамларни тўплаб, шу тўқайда кечаси ҳангома қилиб ётинглар. Биз шу кўринган қишлоқни

— Овулнинг нарёғидаги ҳув ўша пастак уйни кўр-япсизларми? Ўша қирқ наизали кунгурадор уй бизни-ки,— дебди.

Султонсуон ўзича: «Бу болада бир ҳикмат борга ўхшайди. Кел, шунинг уйига бориб, аҳволини билайн, ота-онаси кимлигини кўрайин. Гап-сўzlари хўп маъно-ли, эс-ҳушли кўринади. Вақти келиб жуда ақлли ва диловар одам бўлиб етишса ажаб эмас», деб ўйлабди-да, бола кўрсатган томонга йўл олибди.

Бориб қарасаларки, қишлоқнинг четидаги уй бола айтгандан ҳам хароб, кигизлари эскириб, титилиб кет-ганлигидан уйни базўр ёниб турар, кигизнинг йиртифи-дан ўқлари кўриниб турарниш. Буни кўрган шаҳзода ўзича: «Боланинг қирқ наизали кунгурадор уй»и шу бўлса керак», деб ўйлабди. Булар яқинроқ бориб, энди отдан тушмоқчи бўлиб туришган экан, шу маҳал уйнинг ёнидаги бостирма тагида ётган ола кўппак уларнинг ол-дига вовуллаганча югуриб чиқибди. «Оббо, боласи туш-магур-эй, деб ўйлабди Султонсуон, ола тўили қайво-нисиям айтганича бор экан. Агар эгаси чиқмаса ҳали-вери жағи тинадиганга ўхшамайди».

Үёқ-буёқни қарашса, уй олдида кундаков қилиб таш-ланган тўнкалар қатор турганмиш. Шаҳзода йигитча-нинг айтган гапларини эслаб мийифида кулиб қўйибди. Вазирлар бир камбағалнинг уйига меҳмон бўлиб кел-ганларига юз пушаймонда экан, итни кўриб, отлари-дан тушолмай, роса энсалари қотиб, хуноби ошган эмасми, подшонинг кулганини кўриб, жаҳллари қўзиб-ди:

— Бизни кучукка талатиш учун бу ерга бошлаб келганимидингиз, шаҳзодам?! Яна устимиздан кулганин-гиз нимаси?— дебдилар.

Султонсуон:

— Йўқ, мен бошқа нарсага куляпман. Ёдингиздами, ўша йигитча уйимизнинг олдида оқ соқолли буваларим ўтиришибди, сизларни кутиб олиб, отларингизга жилов-дор бўладиган ўшалар, деган эди. Ана қаранглар-а, ма-на бу мўйсафидлар офтобда туравериб, пўсти оқариб кетибди,— дея кундаларни кўрсатибди шаҳзода. У шундай деб шартта отдан тушиб, кундалардан бирига отини боғлабди. Буни кўрган вазирлар ҳам ноилож би-рин-кетин отларидан тушишибдилар. Иzzатталаб вазир-лардан бири, подшонинг бу ишидан норози бўлиб:

— Бу ғариб кулбанинг эгаси бир камбағал одам бўлса керак, ҳойнаҳой, унинг супрасига сичқон кирса

Очиги, сенинг бу ўтиришингни кўриб ҳайрон қолдим. Ҳожатга ўтирганда нон ейиш одобдан эмас-ку ахир?! Сен эса қўлтифингга яримта нонни қистириб олиб, қарс-қурс чайнаяссан. Бунинг устига, одам деган бир жойга ўтиради, сен бўлсанг қора чигиртка ўлдираман деб сурила-сурила шунча жойни айланибсан. Умрим бино бўлиб сендақа ғалати одамни учратмагандим. Шунинг учун бу аҳволингни кўриб, ҳайрон қолдим. Бундай ўтиришингнинг боиси недур, йигитча?— дебди.

Бола таёфини тапиллатиб яна уч-тўртта чигирткани ўлдирибди, сўнг бир тишлам нонни оғзига солиб, ўша ўтиришини бузмай жавоб берибди:

— Мана, шаҳзодам, ўзиңгиз кўриб тургандай, эскисини чиқариб, янгисини соляпман. Шу орада вақт топиб душманларимнинг ҳам адабини беряпман.

Шаҳзода боланинг гап-сўзларига ажабланиб:

— Ўйингизга борсак, меҳмон қиласизларми?— деб сўрабди.

— Бош устига, шаҳзодам! Меҳмон отангдан улуе, деганилар. Бемалол бораверинглар, уйимизнинг тўри сизники.

— Сизларнига борсак, отимизни тутадиган жи-ловдор топилармикин?— деб сўрабди Султонсууюн.

— Уйимизнинг олдида оппоқ соқолли бувал: рим қатор бўлиб ўтиришибди, келган меҳмонни кутиб олиб, отларини боғлайдиган ҳам ўшалар,— дебди.

— Жуда соз! Унда бизнинг олдимизга чиқиб хуш келдинг дейдиган одам ҳам бор экан-да!

— Ҳа, бир ола тўйли кайвонимиз бор, ўзням ичи тўла гап, нақ бир қоп ёнгоқ дейсиз, сизларни ўша кутиб олади. Ўзням жуда қадр билгич, келган-кетганинг кўнглини олмай, жўнатмайди.

— Ўҳ-ҳў! Ўша кайвонинг ўтган-кетган гаплардан гуруиг берса, ҳечам зерикмас эканмиз-да! Энди, сўраганинг айби йўқ, очиги уч-тўрт кундан бери туз тогганимиз йўқ. Қоринлар ҳам пиёзнинг пўсти бўлиб кетди-ёв. Биз борсак, бирорта қўй-пўй сўясизларми ўзи?— деб сўрабди яна Султонсууюн.

— Ўёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин меҳмон! Камбағал бўлсак, ҳам, саховатли одамларданмиз. Сизлар борсан-гизлар топсак бирни, топмасак иккини сўярмиз-да!— деб жавоб берибди бола.

— Ўйларнигиз қайси томонда?

Бола ўриидан туриб, ўёқ-буёғини тузатибди-да, қўлидаги таёғи билан қишлоқ томонни кўрсатиб:

сиз, ахир нонни ушатиб оз-оздан, шошилмасдан есангиз бўлмайдими? — дебди.

Буни эшитган Султонсуюн ўзича ўйлабди: «Бу бола менинг пўлаттанилардан енгилиб қочиб келаётганини қаёқдан билиди экан-а? Шошма, шошма, ноннинг ўртасига панжа урмасдан, бир чеккасидан ушатиб ейиш керак, дейдими? Наҳотки, бу билан боши биринкан элатни бўйсундириш қийин, уларнинг орасига ифво солиб, бир-бирига қарши қўйилса, ўшанда ҳар қандай элатниям забт этиш мумкин демоқчи? Ҳа, эл оғзи ола бўлса, душманиям ола бўлади, деб бежиз айтишмаган экан-да!»

Йигитча ҳали жуда ёш, бунинг устига бирда-яримда Ҳирот султонини кўрган бўлмаса, қаршисида ўтирган шаҳзода Султонсуюннинг ўзи эканлигини туш билиб ўтирибдими? Аммо унинг отаси кўпни кўрган, ақлли одам бўлиб бир вақтлар подшонинг отасига хизмат қилган экан, бир кўришдаёқ уйига нақ Султонсуюннинг ўзи қадам ранжида қилганлигини билган экан. Шунинг учун ўғлини секин туртиб қўйиб:

*Кишининг айбини юзига солма,
Бегуноҳнинг сирин оламга ёйма!*

— деб шеър ўқибди.

Бола кўзларини жавдиратиб дам меҳмонларга, дам отасига қарабди-да, «Ҳар нима бўлса, султон кўнгли нозик бўлади, тағин айтган гапим кўнглига оғир ботган Сўлмасин-да ишқилиб!» — деб ўйлаб айтган гапига афсусланибди. Султонсуюн эса: «Бу бола муштдеккина боши билан шунча гап билса, эртан-мертан улфайгач қанақа бўларкин? Вояга етса шундан ақллироқ одам бўлмайдиганга ўхшайди», деб ўйлабди.

Меҳмонлар шу оқшом бу ерда ётиб қолибдилар. Эрта билан тонг саҳарда нонушта қилиб кетадиган бўлибдилар. Султонсуюн йўлга чиқиш олдидан боланинг отасига қараб:

— Рухсат берсангиз, ўғлингизни ўзимиз билан бирга олиб кетсак. У подшоликка муносаб экан. Ўғлингиз бизнинг даргоҳимизда юрса, одам бўлади, — дебди.

— Шу зифирдаккина боладан подшолик одами чиқадими? Бу ҳали она сути оғзидан кетмаган бир беақл бола-да, оғзига келган гапни ўйламай-нетмай гапираверади. Тақсир, кўзимнинг оқу қораси, суюнган тоғим шу ёлғиз болам, уни олиб кетманглар, — деб боланинг

тумшуги оқарадиганга ўхшамайди. Султоним, бу қишлоқда нима кўп, оқ уйли бой кўп экан. Ҳалиям бўлса, ўша боёнлардан бирининг уйнга тушайлик. Бизни иззат-икром билан кутиб олиб, хизматимизни қилар. Учтўрт кун дам олиб, меҳмон бўлиб вақтимизни хушлаб кейин юртимизга қайтардик,— деб тўнгиллади.

— Йўқ,— деб эътиroz билдирибди Султонсуюн,— Ҳалиги бола бехислат эмасга ўхшайди. Унинг гап-сўзлари кўп маъноли, у айтган гапларнинг тагига етмасдан ҳеч қаерга кетмайман.

Алқисса, вазирлар қанча гапиришмасин, шаҳзода унамабди, шу ерга тушадиган бўлибдила. Бир маҳал боланинг ўзи ҳам буларнинг орқасидан етиб келибди. Боланинг отаси уйдан чиқиб, меҳмонларни очиқ чеҳра билан кутиб олиб, ичкарига таклиф қилибди. Шаҳзода аркону давлати билан ичкари киришса, уйда ягири чиқиб кетган кўҳна шолчалардан бўлак ҳеч вақо ѹўқ экан. Меҳмонларнинг олдига дастурхон ёзилиб, нончой қўйилибди. Битта-яримта семизроқ тўқли топилса қарз-қаволага олиб сўймоқчи бўлган ота-бала бутун овулни айланиб чиқишибди. Шу кунларда ҳамманинг моли яйловда бўлгани учун, қўни-қўшилардан бирорта қўй топилмабди. Уларнинг қўрасида елині етилиб қолган бир бўғоз эчки бор экан, сурувга етишиб юролмайди деб яйловдан олиб қолишган экан. Йигитчанинг отаси ўша эчкисини ноилож сўйишга мажбур бўлибди. Эчкининг қорнини ёриб кўрсаки, ичидан каттагина улони чиқибди. Улоқча жон талвасасида типирчилаётган экан, унинг ҳам бошига пичоқ қўйилибди.

Бу воқеани кузатиб турган Султонсуюн ўзича: «Боланинг, топсак бирни, топмасак иккини сўямиз, дегани шу экан-да!»— деб қўйибди.

Бироздан сўнг дастурхон ҳозирланиб, меҳмонларга овқат тортилибди. Ота-бала ҳам уйга киришиб, меҳмонлардан қўйироқда чўккалаб ўтирибдилар. Бир неча кундан бери туз тотмаган Султонсуюн боядан бери қуруқ чой ичавериб ичаклари қулдираб турган экан, дастурхонга қўйилган иссиққина нонларнинг ёқимли ҳиди гуп этиб димогига урилибди-ю, умрида овқат кўрмаган одамдай дастурхонга ёпиша кетибди. У нонни бир чеккасидан озгиниа ушатиб ейиш ўрнига, ўртасини ўйиб олиб, оғзига солибди. Шаҳзоданинг нон ейишига разм солиб турган бола:

— Меҳмон, бу қанақаси бўлди? Султонсуюн подшоға ўхшаб, беш панжангизни бирдан оғзингизга соляп-

отаси кўп ялиниб-ёлворибди, йиғлаб-сиқтабди, лекин барибир фойдаси бўлмабди, Султонсуюнга сўзи ўтмабди, айтган гапи ер тутмабди.

Ота қарасаки, бўлмайдиган, Султонсуюн зўрлик билан бўлсаям ўғлини олиб кетадиганга ўхшайди. Шунда у ўғлининг бошини силаб, насиҳат қила бошлабди:

— Болам, подшо халқи кўп золим бўлади, бу кўзи ерга тўймай ўткурлар ёт элларга бостириб бориб, бегуноҳ бева-бечораларнинг уй-жойини вайрон қилиб, экинларини от туёқлари остида пайҳон қиладилар. Гулдек қишлоқларнинг кули кўкка совурилгач, одамлар золимларнинг дастидан уяси бузилган аридек тўрт томонга тўзғиб кетадилар. Зинҳор-базинҳор бунаقا ишларга аралашмагин, етим-есирларнинг бошини сила, ёмонларни тўғри йўлга сол, подшоларни инсофга чақиравчи бўл, ўғлим. Одам тугул, ҳатто ерда юрган майдада чумолигаям озор бера кўрма! Насиҳатим ёдингда бўлсин, айтганимни қилсанг, сираям кам бўлмайсан. Энди бора қол, ўғлим, йўлинг оқ, тутганинг ҳақ бўлсин, олгину олдирмагин!— деб оқ йўл тилабди.

Меҳмонлар отларига миниб, йўлга чиқаётганиларида, йигитчанинг отаси кўрсаткич бармоғи билан тилини кўрсатиб:

— Агар, агар...— деб қўйибди.

Отасининг бу ишорасидан «Тилингга эҳтиёт Ҷўл, ёмонга сир берма! Тил югуриги бошга бало келтиради!»— деган маънони уққан бола ҳам отасига қаратади:

— Отажон, мен бир камбағал одам бўлсам, бирор нима инъом этсалар, магар...— деб жавоб берибди.

Бу гапни эшигтан отаси бўлса бошини қуий солган кўйи:

— *Ўтма номард кўјпригиндан,
Кўй, оқизсин сув сани.
Қочма номард ёнбошида,
Майли, чопсин ёв сани!*

— деб бир шеър ўқибди.

Бу гапларнинг маъносини ота-боладан бошқа ҳеч ким тушунмабди. Султонсуюн уй эгаси билан хўшланиб, отига қамчи босибди. Бола ҳам вазиру вузаролар билан бирга унга эргашибдилар. Бола ўзича: «Султонсуюн подшо кечагина бошига жиға кийган бўлсаям, ҳалитдан кўзи ерга тўймай, юрт талашиб юрган бўлса, ҳали эл бошига кўп ташвиш соладиганга ўхшайди.

Ўз оёғим билан жаҳолат ботқоқига кириб боргунча, вақт ғаниматда қочиб қолганим маъқул», — деб ўйлаб, йўл бўйи қочишга қулай фурсат кўзлаб бораверибди. Аммо вазирлар: «Бу бола шаҳзодага маъқул бўлди, ўзи шумгина дашт бола экан, яна қочиб-нетиб юрмасин, балога қолиб ўтирмайлик!»— дейишиб, ўзлари отлиқ, бола пақир пою пиёда, бечорани ўртага олиб ҳайдаб келишаверибди. Бола қанча ҳаракат қилмасин, уларнинг кўзидан қочиб қутулишнинг чорасини тополмабди. Атроф бийдек дашт, қочган билан қутулолмайман, шу кўринган тўқайдаги дараҳтлар орасига кириб яширнисам, балки тополмаслар, бирорта қашқир-пашқирга луқма бўлди деб ўйлаб, ўз йўлига кетарлар, сўнгра кунни кеч қилиб овулга қайтарман, деб ўйлаб бораётган экан, тўқайга етганда қараса, сон-саноқсиз лашкар отларини совутиб, Султонсуюннинг келишини кутиб ётибди.

Шаҳзода қувгинчиларнинг дамидан халос бўлгандан сўнг бир оқшом ҳордиқ чиқариб, дамдор бўлиб булкиллаб ётган сипоҳиларини изига эргаштириб «Қайдасан Ҳирот шаҳри!»— деб йўлга тушибди.

Булар чанг-тўзон чиқариб, учсиз-қироқсиз чўлда узоқ йўл юрибдилар. Яланг оёқ, эгни юпун бола ҳам булар билан бирга бораверибди. Шу кетишда лашкар бир овулнинг устидан ўтиб қолибди. Султонсуюн шу ерлик чўпонлардан бир даёв эшак сотиб олибди-да, уни болага бериб:

— Ана шу учқур бедов мендан сенга совға бўлсин! Мазза қилиб миниб юраверасан. Мана, баҳонада уловли ҳам бўлиб қолдинг,— дебди.

Бола подшо нимага киноя қилаётганлигига яхши тушунса-да, шаҳзода шу эшак баҳонасида уни масхара қилаётганлигига ноилож чидабди. Чунки манзил олис, йўл оғир, ҳалиям шунча йўлни пиёда юриб, оёқлари қавариб кетгани учун эшакка минишдан ўзга чораси йўқлигини тушунибди. Булар яна бироз юрганларидан сўнг Султонсуюн болага қараб:

— Хўш, йигитча, бизнинг совғамиздан мамнунмисан энди? Тулпоринг қандай экан, усти қаттиқлик қилмаяптими ишқилиб?— дебди.

Эшакнинг эгари йўқлигини ишора қилинаётганлигини тушунган бола бу сафар ҳам индамабди. Шаҳзода эса йўл-йўлакай бу гапини уч-трўт марта устига-устак қайтариби. «Миннатли ошдан беминнат тош яхши» деганларидек, бола Султонсуюннинг қочириқларини эшитга-

ғига қараб юра бошлабди. Бола эса эшагидан тушмай ўтираверибди. Шунча йўл босиб, қорни очқаган эшак ўтдан бош кўтармас эмиш. У ўтлай-ўтлай Султонсуюннинг орқасидан бораверибди. Подшо яйлов чечакларининг анвойи бўйидан маст бўлиб, айланиб юрган экан, ногоҳон, ўтлар орасида қулф уриб гуллаб турган бандидевонага кўзи тушиб, унга маҳлиё бўлиб қолибди. Гулга қараб анча вақт ўйланиб турган Султонсуюн ортида келаётган боладан бехабар:

— Гул яқосин чок этиб,
Киймиши қаро тун бўйнина,—

дэя ўзича хиргойи қилиб, ўша гулни узмоқчи бўлиб қўл чўзган экан буни кузатиб турган бола:

— Кўл тегизма, қон этар,
Ханжар солибмииш қўйнина!—

дебди.

Буни эшитган Султонсуюн бирдан чўчиб тушиб орқасига қарасаки, бола эшагини ўтлатиб турибди. У боланинг ҳалиям эшакдан тушмаганлигига ҳайрон бўлиб:

— Ҳа, нимага эшакдан тушмаяпсан?— деб сўрабди.

— Подшоҳи олам, тушиш-тушмаслик менинг иҳтиёrimda эмас, мана шу ҳаром ўлгурнинг қайсарлиги бoshимга битган бало бўлди. Эндинга эл қатори дамими ни олиб ҳордиқ чиқараман, деб турганимда бунинг дала айлангиси келиб қолди,— деб жавоб берибди бола. Султонсуюн лом-мим демай, чодирига қайтиб кетибди. Ўша куни шу ерда қолиб дам олибдилар.

Эртаси куни тонг саҳарда уйгонган Султонсуюн чодирида чиқиб қараса, бутун қўшини ширин уйқуда. Бола билан эшагидан бошқа майдонда қимирлаган жон кўринмайди. Шаҳзода бундоқ тикланиб қараса, оёғи тушовланган эшак ўтлаб юрибди. Бола эса қўлида узун таёқ, ўзи билан ўзи бўлиб, нималарнидир чизаётганмиш. Султонсуюн унинг ёнига бориб кўрсаки, бола турли-туман шаклларни чизаётиди.

— Эй, йигитча, каллан саҳарлаб туриб олибсан. Куйиб-пишиб нима қиласап ўзи? — деб сўрабди шаҳзода.

Бола таёғига суюниб туриб:

— Шоҳим, шу ерда бир кўшки айвонли қаср қурмоқчиман. Мана бу ерга эшик қурамиз, бу ери эса уй-

ни сайнин ғаши келса-да, ноилож, тишини тишига қўйиб, дамини чиқармай, сукут сақлаб бораверибди. Хуллас, лашкар қош қорайганида бир тепаликка етиб келибди. Ҳамма ўз чодирини тикиб, апил-тапиб чойларини ичишиб, ётиш тараддудини кўрибдилар. Эртаси кун тонг отибди, қўшин яна йўлга тушибди. Шундай қилиб, булар бир неча кун йўл юрибдилар.

Вазирлар йўл бўйи:

— Подшоҳи олам, бу бола сассиқ поданинг орқасидан юрган аҳмоқ чўпоннинг ўғли бўлса, умри бино бўлиб, эгри таёқ билан қумалоқдан бошқа нарсани кўрмаган бўлса, донишманд чол айтган бола бу эмас. Бу ялангоёқни саройга олиб бориб бошингизга урасизми?! Яхиси, унинг қўлидан эшагиниям тортиб олиб, ўзини ҳайдаб юборинг, овулига қайтиб кетаверсин! — деб жаврайвериб, Султонсуюннинг қулоқ-миясини ебдилар.

Шаҳзода бўлса, ғаламис вазирларнинг иғвосига қулоқ солмабди. Ахири вазирларнинг минғир-минғирларидан тоза жони чиққан шаҳзода уларни уришиб берибди:

— Бўлар-бўлмасга ғийбат қиласвермасдан, яхиси болага кўз-қулоқ бўлиб туринглар. Зинҳор-базинҳор қоча кўрмасин. Агар кўздан қочирсанглар ҳеч қайсингни аяб ўтирамайман, бир бошдан барингни қиличдан ўтказиб, терингга сомон тиқаман! — деб уларга қаттиқ тайинлабди.

Лову лашкар бўрон кўчгандай, яшин учгандай бўлиб яна йўлга тушибди. Булар йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, ахири ўт-ўланлар ўсиб ётган кенг ялангликка чиқиб қолишибди. Фир-фир шабада эсиб турган яйловни кўриб баҳри дили очилган Султонсуюн:

— Хўп баҳаво, салқин жой экан. Шу ерда бироз дам олиб ўтамиз,— деб амр этибди. Ўзи эса элдан бурун отдан тушиб, тизгинни жиловбардорларнинг қўлига тутқазибди. Яйловнинг ўёқ-буёғини бироз айланиб кўрибди-да, яхши бир жойни танлаб түялардан юкларни тушираётган чодирбонларга:

— Менинг чодиримни мана шу ерга тикинглар! — деб буюрибди.

Лашкар шовқин-сурон билан шу кенг майдонга келиб тушибди. Кимдир чодир тикар, кимдир отини тушовлаб ўтлоққа қўйвориш билан банд, хуллас, одам ғиж-ғиж бўлиб бутун майдонни тутиб ётибди. Ҳар ким ўз иши билан овора. Султонсуюн ўтлоқни томоша қилиш учун аста-секин қадам ташлаб, майдоннинг четро-

ломаю икромаларнинг сўзини бир пулга олмади-я?!
Мана оқибат, мана оқибат! Коқ офтобда шунча одам овора бўлиб ер тирнаб ўтирибди. Эрталаб салқинда йўлга чиққанимизда аллақақон манзилга етиб борармидик», дейишиб ҳалиям подшони фийбат қилишиб турнишган экан. Бола кўзини лўқ қилиб турган бош вазирнинг қўлидан кетмонни тортиб олибди-да, чизиқнинг устини ўзи ковлай бошлабди. Бу орада Султонсуюн ҳам етиб келибди. Бир пайт боланинг кетмони бир нарсага тегиб тарақлабди. Бола ўша жойни чуқурроқ ковлаб кўрса, бир нечта хумлар кўмилган экан. Хумлардан бирининг оғзини очиб кўришса, ичи тўла тилла эмиш. Буни кўрган вазирларнинг оғзи очилиб қолибди. Бола бир ҳовуч тиллани Султонсуюннинг қўлига берибди-да:

— Шаҳзодам, ҳисобли дўст айрилмас деганлар. Мана, эшагингизнинг ҳақини олинг мендан. Уч пуллик эшакни совға қилганингизни миннат қиласавериб йўл бўйи қулоқ-миямни едингиз-ку!— дебди.

Султонсуюн қилган ишига пушаймон бўлиб, шу-шу эшак ҳақида қайтиб гап очмабди. Бола тилла тўла хумларни чиқариб олиб, хазинабонга топширибди.

Шаҳзоданинг амри билан лашкар кўч-кўронини кўтариб яна йўлга тушибди. Бола бир куни навкарлар билан гурунглашиб ўтириб, гап орасида:

— Подшонинг қирқ вазирию мулоzимларининг баридан менинг шу тилсиз эшагим ақллироқ. Оқ салла, кўк салла ўраган вазирларнинг калласидан кундуз куни чироқ ёқиб қидирсангиз ҳам зифирчалик ақл нишонаси топилмайди,— дебди.

Эл оғзига элак тутиб бўладими, бу гап тез орада кўшии орасида тарқалиб кетибди. Очкўз ва ношуд вазирларнинг қилмишларини кўриб-билиб юрган сипоҳилар даврасида ҳар сафар ўша гап айтиладиган бўлиб қолибди. Одам оласи ичиде деганларидек, лашкар ичida ҳам подшоликнинг айғоқилари бўлар экан. Улар боланинг гапига ўнтани қўшиб, оқизмай-томизмай вазирларнинг қулогига етказибдилар. Бу гапни эшитиб жони халқумига келган қирқ вазир тўнини тескари кийиб, шаҳзоданинг ҳузурига борибди-да:

— Олампаноҳ, сиздек зоти олийларига аркону давлат бўлмиш биз беклар азизми ёки қандайдир таги наст чўпоннинг арзандасими? Бизни десангиз шу ахмоқ саҳройининг қўлидан эшагини тортиб олиб, ўзини ҳайдаб юборасиз. Алифни калтак деб юрган ўша тирранча ўзи муштдеккина бўлатуриб ҳалитдан етти йил

ишиг тўри бўлади, ана у йўлакдан хазинахонага кирилади, мана бу ерга эса айвон қурсамми деб турибман,— деб эрталабдан бери чизган чизиқларини бирма-бир тушинтира бошлабди. Шаҳзода ҳам қизиқиб қолиб, эринмай айланиб кўрсаки, бола тап-тайёр саройнинг расмени чизиб қўйибди. У боланинг зеҳнига қойил қолиб, «Айтмовдимми, бу бола бехислат эмас, деб. Гапига қараганда, бу ерда бир сир борга ўхшайди», деб ўйлаб, чодирига қайтиб келибди-да, подшоликнинг ёғлиқ паловини еб, шоҳона саруполарини кийган вазирларини ёнига чақириб:

— Бу бола бир ажойиб қасрнинг суратини чизибди. Ана шу чизиқ тортилган жойларни ковлаб белги қилиб қўясизлар. Вақти келса шу ерга бир иморат қуармиз,— деб буюриби.

— Султоним, сиз бу беақл боланинг гапига ишонманг, бу бетайин саҳрои ҳаммамизни аҳмоқ қилиб, аро йўлда қолдириб сарсон қилмоқчи. Бу тентакнинг бемаъни чизиқларини деб йўлдан қолиб ўтирумайлик. Бу ерлар қип-қизил дашт бўлса, қанча ковлаган билан ҳеч нарса топиб бўлмайди, қайтанга азоб кўрганимиз қолади. Ўзи шусиз ҳам лашкарларнинг тинка-мадори қурриган, одамларни нобуд қилмасдан, вақт ғаниматда Ҳиротга этиб олайлик,— деб вазирлар бири-бирига гап бермай, бидирлашиб, Султонсуюнни айнитмоқчи бўлишибди.

Шунда шаҳзоданинг жаҳли чиқиб:

— Гап битта! Яхшиликча қазувни бошланглар, бўлмаса ҳамманги дорга торттираман!— деб бақирган экан, вазирларнинг ўтакаси ёрилаёзибди. Улар шоша-пиша одамларни тўплаб, ишга тушишибдилар.

Подшо амри вожиб деганлариdek, аҳли қўшин бир бўлиб, кетмон демай, белкурак демай, қўлига тушган нарса билан қазувга тушиб кетибди. Бир маҳал боланинг бу ер кўшк бўлади деган жойини ковлаётган навкарлардан бирининг кетмони тарақ этиб бир нарсага тегибди. Ковлаб кўришса, ўша жойдан яримта фишт бўлаги чиқибди. Бу ер бир вақтлар йиқилиб, вайрон бўлиб кетган кўшкнинг ўрни экан. Кўшкнинг эшигию айвони, деворларининг ўрни ҳам ҳалиги чизиқларга айнан мос келишини кўриб ҳайратга тушган шаҳзоданинг болага янайм ихлоси ортибди. Вазирлар қирқови тўп бўлиб бола хазинахона бўлади деган жой устида туришган экан, бола яқинроқ бориб қараса, улар ҳалиям ишни бошламай «Бир аҳмоқ боланинг гапи гап бўлди-ю, биздек ал-

чи? — дебди Султонсуюн йигитнинг гапларига ишонқирамай.

— Ҳазратим, эшак жуда итоаткор жонивор, қаёққа хайдасангиз бораверади, вазирларингиз бўлса сизнинг буйругингизни бажаришдан бўйин товлаб, доим ўз билганини қўлмоқчи бўладилар. Узингиз бир ўйлаб кўринг-чи, менинг эшагим ақллими ё вазирларингизми? Ҳу ўша олтинларнинг топилишига ҳам аслида шу эшагим сабаб бўлган эди. Ўша тепаликка қўнган кунимиз, эшагимни миниб, ўтлатиб юрсам, бирдан унинг туёқлари теккан жой тўқ-тўқ сас берадиганини эшитиб қолдим. Эрта билан туриб, ўша жойни озгина ковлаб кўрсам, кунгурадор кўшкнинг ўрни чиқди. Вазирларингиз бўлса ўшандада мени аҳмоқдан олиб тентакка чиқаришди, ўша ерни ковлаш бефойда дея валдирайвериб қулоқ-миянгизни ейишди-ку! Агар уларда зигирича ақл-фаросат бўлганида бундай қилишмасди. Шунинг учун ҳам менинг эшагим улардан ақллироқ деганман! — деб жавоб берибди йигит.

Бу гапни эшитган подшо:

— Ана, кўрдингизларми, бу йигит ҳақ гапни айтди! Эшакчалик ақли бўлмаган вазирлардан подшоликка не фойда? Шу гапни қулоқларингизга қуйиб олинглар, — деб вазирларини роса уялтирибди.

Лаби-лунжи осилиб кетган вазирларнинг дами чиқмай қолибди. Аммо қирқ вазир бир кунмас бир кун бу йигитдан ўч олишни юракларига туғиб қўйибдилар.

Султонсуюн чўпон боласининг донолигига қойил қолиб, уни ўзи билан Ҳирот шаҳрига олиб келибди. Бу йигит юлдуз кўрганинг ўғли бўлиб, оти Мирали экан. Мирали ўқиб, камолга етгач, Султонсуюн уни ўзининг бош вазири этиб тайинлабди. Буни кўрган ҳасадгўй қирқ вазирнинг қўнглидаги алам янгиланиб, Мирали билан ўчакиша бошлабдилар. Мирали билан Султонсуюн бўлса қалин дўст бўлиб қолишибди.

МИРАЛИ БИЛАН САВДОГАР

Бир йили қурғоқчилик қаттиқ келиб, экин-тикинлар қовжираб қуриб қолибди. Тирикчилиги шусиз ҳам бирнави ўтиб турган деҳқонларнинг аҳволи янаям оғирлашибди. Мирали очликдан тинка-мадори қуриган фуқарога ёрдам бериш учун қишлоқма-қишлоқ кезар, топганини бева-бечоралар билан баҳам кўрар экан.

мадраса тупроғини ялаб, илм олган муллаю забардаст-
ларингизни, вазир-вакилларингизни ҳақорат қилиб, биз-
дек зоти мубораклар борасида бўлмағур гапларни тар-
қатиб юрганиш,— деб арз қилибдилар.

Ўз вазирларининг қилиғини яхши билган Султон-
суюн ундей-бундай деб уларни муросага келтироқчи
бўлган экан, аммо вазирлар «ё уни денг, ё бизни!»—
деб оёқ тираб қагтиқ туриб олибдилар. Шаҳзода қа-
расаки, бўладигаинга ўхшамайди, жаҳли чиққан вазир-
ларнинг авжи баланд. Шунда Султонсуюн:

— Майли, сизлар айтганча бўла қолсин. Аммо бир
шартим бор: яна бир манзил йўл юргач, овулага қўна-
миз. Ўш қўналға ҳаммангиз менинг чодиримга кела-
сизлар, ўша боланиям айттириб келамиз. Агар у шу
гапни айтганлигини бўйнига олмаса ёки айтган гапига
исбот келтиролмаса, ўша куниёқ уни даргоҳимдан ҳай-
даб юборганим бўлсин. Агарда у айтган сўзига иқор
бўлиб, сизнинг каллангизда эшакникичалик ақл йўқли-
гини исботлаб беролса, унда ўзингиздан кўрасиз. Хўш,
шу шартимга розимисизлар?— деб сўрабди.

Қирқ вазир бирварақайига:

— Бе, ҳеч замонда сассиқ ҳайвон одамдан ақлли
бўларканми? Қўлидан келмайди исботлаш, эшагининг
донолигини исботлаб берсинчӣ, кўрайлик. Шарт деган
мана бунақа бўпти-да! Биз рози!— дебчувиллашибди.

Юра-юра бир манзилга етганларида Султонсуюн
қўнишга ижозат берибди. Лову лашкар чой-пойини
ичиб бўлиб, тунашга ҳозирлик кўра бошлабди. Вазир-
лар овқатгаям қарамай элбурундан султоннинг чодирин
олдига йигилиб, йигитнинг келишини кута бошлабдилар.
Икки ясовул йигитни олдига солиб келибди. У пойгак-
роқда чўккалав ўтиргач:

— Навкарларим орасида дув-дув гап. Эмишки, сен
фалон куни менинг вазирларимни беақл деб ғийбат
қилганмишсан. Шу гап ростми?— деб сўрабди Султон-
суюн.

— Худди шундай, султоним! Вазирларингизнинг кал-
тафаҳмлигидан аччиқланиб ўша гапни айтганим рост.—
деб жавоб берибди йигит.

— Буёғи қизиқ бўлди-ку, қанақасига сенинг эша-
гинг менинг вазирларимдан ақлли бўларкан. Шунча
йил салтанат тузини еб, подшоликка хизмат қилган та-
баррук зотларнинг калласида наҳотки бир эшакнинг
акли топилмаса?! Бундоқ тушунтириброқ гапирсанг-

зирама чўллардан ўтиб, ахирни бир суви қуриб қолган эски қудуқнинг олдига етиб бориб тўхташибди.

Савдогар Миралининг қўлига битта халта билан бел-куракни тутқазибди-да:

— Ана шу ерда бир кунлик хизматни қилиб берсанг бас, ҳақингни оласан. Кейин тўрт томонинг қибла, оқ туха кўрдингми, йўқ. Ҳозир белингга арқон боғлаб қудуқ-қа тушираман. Қудуқнинг ичи зах, қоронғи бўлсаям, сен чўчима. Унинг ичидаги бадбўй ҳидлардан кўнглинг айнисаям, бир амаллаб чида, бир кун минг кун эмас. Қудуққа тушгач, унинг ичидан тупроқми, қумми, тошми, қўлингга нимаики илинса, тўрвага ташлайверасан. Тўрва тўлгач, арқонга боғлаб бераверасан, мен юқорига тортиб олиб, мана бу қопларга соловераман. Атиги икки қопгина тўлдирсак бас, кейин сенинг ўзингни тортиб оламан, келишганимиздек, ярим йиллик иш ҳақингни шу ёрнинг ўзидаёқ қўлингга тутқазаман, — дебди.

Мирали белига арқонни боғлаб, қудуққа тушибди. Алмисоқдан қолган бу қудуқ жуда чуқур бўлиб, ичининг ҳавоси бузилиб, сасиб кетган, бунинг устига бамисоли лаҳаддек қоп-қоронғи экан. Қудуқ тубига ёғи теккан Мирали белидан арқонни бўшатиб ён-верини қараса, ҳеч нарса кўзинга кўринмасмиш. Тўрвани ахтариб оёқларининг остини пайпаслаб кўргани экан, одам суюкларига қўли тегиб, эти сесканиб кетибди. Суюклар шу қадар кўп эканки, оёқ қўярга жой йўқ экан. Мирали суюқ уюмларини кўриб, бу ерда ўнлаб одамларининг ёстичи қуриганлигини билиб, юрагига ваҳима тушибди. У савдогардан тезроқ юқорига тортиб чиқаришини илтижо қилиб, қиқирибди.

Қудуқ тепасида турган савдогар:

— Сени ёллаётганимда бошқача иш бор деб айтган эдим-ку! Бир кунга ярим йиллик ҳақ тўлайдиган одам сенга енгил иш бу юриб аҳмоқмиди? Ишнинг қийинлигиги энди билдингми? Жон куйдирмасанг жонона қайда, тоққа чиқмасанг, дўлона қайда, деган экан машойихлар. Мўмайгина ақча керак бўлса, гапни кўп чўзмасдан чаққон-чаққон ишла, қанча тез бўлсанг, шунча тез қутуласан, ўзингга фойда,— дебди.

Мирали ноилож савдогарнинг айтганини қилишдан ўзга чораси йўқлигини билибди. Қудуқ ичидаги даҳшатли манзарани кўриб, юрагига ваҳима тушган Миралининг қўл-оғи нақ етий йиллик безгак хуруж қилгандай қалтиармиш. У белига қистириб қўйилган куракчани олиб суюкларни бир чеккага сурибди-да, тош ара-

Кунлардан бир куни Мираби Султонсуюннинг ҳузурига келиб, очликдан шиншиб ўлаётган етим-есирларни боқиш учун подшолик омборидан озроқ ғалла сўрабди. Султонсуюн бўлса:

— Эсингизни едингизми, Мираби?! Бу йил фуқаро тугул боёнларимизнинг ерида ҳам дон бўлмади. Узинизники янаги йилга учма-уч етадими йўқми, худо билади. Одамларнинг ғамини егуича ўзингизни ўйласангиз бўлмайдими?— деб жеркиб берибди.

Мираби подшодан кўнгли қолиб, камбағалларни боқиш учун оз-моз дон-дун ишлаб келгани узоқ овуллардан бирига йўл олибди. Йўлда кетаётib хизматкор ёлламоқчи бўлиб юрган бир савдогар билан учрашиб қолибди. Улар йўл бўйи гурунглашиб кетибдилар.

— Йўл бўлсин, биродар?— деб сўрабди Мираби.

— Бир юмуш бор эди,— дебди савдогар,— Агар шу хизматни бажара оладиган савобталаб одамни топсан, унинг ҳар кунига батракнинг ярим йиллик даромадидан ҳам кўпроқ ҳақ тўлаган бўлардим.

Мираби ҳам ўзининг иш қидириб кетаётганини айтибди. Буни эшигтан савдогар «яхши ҳақ тўлайман, мен билан юра қолинг, асло афсусланмайсиз. Атиги биркунгина ишлаб берсангиз бас, ярим йиллик иш ҳақини олиб қайтаверасиз, сизни ортиқ ушлаб ўтирумайман», деб балодан-баттар ёпишибди. Шу кунларда эл қатори рўзгордан қийналиб юрган Мираби у-бу топиб келиш учун йўлга чиқсан эмасми, ноилож савдогарнинг таклифига рози бўлибди. Савдогар унга атиги бир кунгина иш буюражагини, аммо ана шу бир кун ичida бир дунё бойлик орттириб олиши мумкинлигини айтиб роса оғиз кўпиртирибди.

Шундай қилиб, улар йўлга тушибдилар, юра-юра Жайхуннинг қирғоғидаги бир хушманзара жойга етиб келибдилар. Мираби билан савдогар шу ерга қўниб дам оладиган бўлишибди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, савдогар Мирабига мурожаат қилиб:

— Шу пайтгача меҳмоним эдинг, мана энди бир кунлик хизматни қилишга бел боғлайдиган вақтинг ҳам келди, биродар. Сен иккита қопни олгин-да, манави тияга миниб менинг ортимдан изма-из бораверасан. Қолган гапларни манзилга етиб боргандан сўнг маслаҳатлашамиз,— дебди-да, отига минибди.

Савдогар отлиқ, Мираби эса тияда олдинма-кетин йўлга тушибдилар. Йўл юриб, йўл юришсаям мўл юриб, одам юрса сўғи, қуш учса қаноти куядиган жа-

лаш қумни кураб тўрвага сола бошлабди. Савдогар тепада туриб «ҳа бўл-чи, бўл!»— деб халталарни пешмапеш тортиб олиб турибди. Қоплар тўлгач, савдогар Миралидан мамнун бўлиб:

— Баракалла, иш деган мана бунаقا бўпти-да! Бир-паслик иш экан-у, сен бўлсанг ваҳима қилаётисан. Энди арқонни белингга боғла, биродар, юқорига тортиб чиқазай,— деб қичқирибди.

Мирали ҳам «хайрият, бу зимистондан қутуладиган кун ҳам бор экан-ку», деб суюна-суюна арқонни белига яхшилаб ўраб боғлабди. Савдогар инқиллаб-сиқиллаб, арқонни торта бошлабди. Қудуқдан Миралининг боши кўриниши билан савдогар унинг қўлига яримта қоқ нонни тутқазибди-да:

— Ма, ол! Бир кунлик хизматинг эвазига ваъда қилинган ярим йиллик ҳақ мана шу. Энди орамиз очиқ, нодон!— дея арқонни кесиб юборибди.

Мирали қудуқ тубидаги сүяклар уюми устига қаттиқ йиқилиб тушиб, ҳушидан кетиб қолибди. Бир маҳал ўзига келиб қараса, қоп-қороғи қудуқ ичидан ётибди. Ўрнидан турай, деса, белини кўтаролмайди. «Мени бу ерга ажал ҳайдаб келган экан-да. Эҳ, хомкалла, ёш боладай алданиб ўтирибман-а!»— деб ўйлаб, Султон-суюндан ўпкалаб кетиб қолганига юз бора пушаймонлар қилибди. Мирали шундагина ярамас одамнинг тузоғига тушиб қолганигини тушунибди. У анча вақт хаёл сурин ётиб, ахiri: «Бу ерда қанча оҳу-воҳ қилмай, дардимга ҳеч кимса малҳам қўёлмайди. Олма пиш, оғзимга туш деб ўтиргандан фойда йўқ. Бирорнинг мададига кўз тикиш ҳам бефойда. Бу Даққи Юнусдан қолган ташландик қудуқ ёнидан ҳеч одам зоти ўтадиганга ўхшамайди. Қўл қовуштириб ўтиргунча ҳаракат қилмоқ керак. Ахир чиқмаган жондан умид деган гап бор-ку!»— деб қўлига куракчасини олиб, бор кучини тўплаб, қудуқ тубининг юмшоқроқ жойини ковлай бошлабди. Тезроқ қутилиб кетиш учун вақтни қўлдан бермасдан ишлаш зарурлигини тушунган Мирали енг шимариб ишга тушиб кетибди. У ковлайверибди, ковлайверибди, ахiri қудуқнинг туби аста-секин чўқаётганини сезиб қолибди. Ўша чуқурчани яна озгина ковлаган экан, бирдан қудуқнинг туби ўрилиб кетиб, одам сиғарлик туйнук очилиб қолибди. Мирали ўша ковакдан эмаклаб кетаверибди, кетаверибди, бир маҳал қараса, туйнукнинг оғзига бориб қолибди. Туйнукдан бошини чиқариб қараса, Жайхуннинг бўйига чиқиб қолган экан. Мирали ҳозиргина ўзи

эмаклаб келган ковак бир вақтлар ҳалиги қудуқса сув етказиб берадиган чашма йўли эканлигини билиб, қутулганига шукrona айтиб, дарё сувидан қўл-бетини ювиб, оби-ҳаётдан мириқиб ичиб ҳам олибди.

Аммо Миралининг бу қувончи узоқса бормабди. Чунки бу йўл билан қутулиб кетишга умид боғлаш ҳам қийин экан. Дарёнинг қирғоги тик қоя бўлиб, унга қўтарилиш, қудуқ деворига тирмашиб чиқиши билан баробар экан. Қояга чиқай деса, ағдарилиб кетиб, сув гирдабига тушиб гарқ бўлишдан қўрқибди. Орқага қайтайдеса, қудуқ ичидаги ўюлиб ётган одам суюкларини ўйлаб, юраги орқага тортиб кетибди.

Мирали дарё бўйида қаёқса борарини билмай, ҳайрон бўлиб турган экан, бир маҳал каттакон наҳанг балик сузид келибди-да, Миралига елкасии тутиб:

— Нечун ғамгинсан, эй одамзод? Ундан кўра, кел, устимга мин! Нариги соҳилга ўтказиб қўяман,— дебди.

Мирали кўп ўйлаб ўтирмай балиқнинг устига чиқиб олибди. Наҳанг сув юзида йилдиримдай елиб, кўз очиб юмгунча Миралини Жайхуннинг у томонига ўтказиб қўйибди. Дарёнинг нарёғига омон-эсон ўтиб олган Мирали, балиқдан мамнун бўлиб:

— Раҳмат сенга, эҳ раҳмдил жонивор!— дебди унга миннатдорчилик билдириб.

— Раҳматни менга эмас, ўзингга айт,— дебди балиқ.— Эсингдами, болалигингда ўйнагани дарё соҳилига келиб, ҳамиша менга нон ташлардинг. Мен ҳам сув юзида умбалоқ ошиб сенга ҳар хил ўйинлар кўрсатардим. Сен эса яна мени нон ушоқлари билан сийлар эдинг. Мана, энди иккаламиз ҳам анча ёшга бориб қолдик, лекин ўша яхшиликларингни унуганим йўқ. Ахир сенинг тузингни еб улғайганман, бир кунмас-бир кун яхшиликларингни қайтаришим керак эди-да. Мавриди келган экан, қиёмат қарздан қутулдим. Хайр, энди яхши қол, биродар! Мен ўша сен нон бериб боқсан балиқчаман.

Наҳанг шундай дея бир шўнгибди-да, дарё тўлқинлари аро кўздан ғойиб бўлибди.

Мирали бу ғаройиб балиқнинг орқасидан бир зум қараб турибди-да, омон қолганига ич-ичидан суюниб, йўлга тушибди. Йўл-йўлакай Султонсуённинг олдига боришдан аввал ўша маккор савдогарни излаб топиб, адабини беришга жазм қилибди. Ахтариб-ахтариб кунлардан бир куни ўша савдогарни топибли. Мирали бир шаҳарга кириб борганида бироз тамадди қилиб олиш

учун чойхонага кирган экан, қараса, ўша савдогар учтўрт ёш-ялангларни оғзинга қаратиб бир кун хизмат қилиб берган одамга ярим йилик хизмат ҳақи беражагини айтиб вайсаб турибди. Мирали ҳам ҳеч нарса билмагандай бўлиб, уларнинг даврасига бориб қўшилибди. Савдогар сўзини тугатиб, совуб қолган чойини бир ҳўплаб:

— Қани, муллажиринг ишлашни хоҳлайдиган марду майдонлар, кўкрагида ёли бор шер юрак йигитлар борми ораларингда!— деб сўрабди.

Одамлар бир-бирларига қарашиб, маслаҳатлашиб туришган экан, Мирали фурсатни бой бермай, дарров ўртага чиқибди. Савдогар Миралини аввал тунда хизматга ёллагани учун унинг афти-ангорини уччалик эслаб қолмаган экан. Бунинг устига ҳали қудуқдан бирор кимса омон чиқишига кўзи етмаган савдогар Миралини бу ерда соппа-соғ учратаман деб хаёлигаям келтирмасди, шунинг учун Миралини танимабди.

Савдогаар яна ўша аввалиги шарт бўйича Миралини бир кунлик хизматга ёллабди.

Улар туяга қопларни ташлаб, яна ўша эски қудуқнинг ёнига келибдилар. Савдогар Миралининг белига арқон боғлаб қудуққа туширмоқчи бўлибди. Аммо кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотади. Мирали савдогарнинг найрангларидан хабардор эмасми, қудуққа тушмайман деб оёқ тираб олибди:

— Йўқ, тушмайман, тақсир,— дебди у қатъият билан

— Ахир бир кун ишлаб олти ойлик маош оласан, демабмидим, номард! Мен айтган ўша ғаройиб юмушни мана шу қудуқнинг ичидаги бажарасан. Туша қол энди, кўпам таранг қиласкерма,— деб ялинибди савдогар.

— Йўқ, бўлмайди, тақсир! Ишни гаплашаётганимизда сиз билан бунақа келишмаганмиз, менга қудуққа тушасан демагансиз, тўғрими? Ана шу рўйи заминда неки юмуш бўлса буюраверинг, гинг демасдан қиласкерман, аммо бу алмисоқдан қолган қудуқнинг ичи нақ жаҳаннамга ўхшайди-ку! Унинг ичига кириб илон-чаёнларга емиш бўлайми? Йўқ, тақсир, олти ойлик маошиниз ўзингизга сийлов, мен ҳали жонимдан тўйганимча йўқ,— деб Мирали қаттиқ тураверибди.

— Мунча ваҳима қиласкермасанг-чи, унинг ичидаги қўрқадиган ҳеч нарса йўқ,— деб кўндиришга уринибди савдогар.

— Ким билади дейсиз, унинг ичига кириб кўрган

бўлмасам. Айтиб бўладими, балки бу ер заҳарли ўргим-чакларнинг уясидир. Йўқ, тақсир, таваккал қилолмайман.

Савдогар Миралини кўпидириш учун аврай бошлаган экан, Мирали унинг сўзини шарт бўлиб:

— Агар қўрқмасангиз аввал ўзингиз бир тушиб кўрсатинг. Кейин, майли, тушсам туша қолай,— деб шарт қўйибди.

Савдогар: «Зап одамига йўлиқкан эканман-да, мунча маҳмадана бўлмаса бу баччағар!»— деб ғингшина-ғингшина ўзи қудуққа тушибди. Мирали унга халталарни ташлабди. Савдогар халталардан бирини тўлғизиб, юқорига тортқизибди. Мирали халтанинг оғзини очиб кўрса, бу одий тупроқ эмас, олтин аралаш қум экан. Шу маҳал қудуқ ичидан савдогарнинг:

— Ҳой, биродар, энди менинг ўзимни ҳам тортиб чиқар! — деган овози эшишибди.

— Эй савдогар оға! Тушишга-ку тушдингиз, келинг энди, бир кун минг кун эмас, иш чала қолмасин, ўзингиз битказиб чиқақолинг. Мен юқорида туриб тортиб олаверайин. Шундай зил-зам бил халталарни тортиб чиқаришдан кўра қум қазиганинг яхши эмасми? Қопларимиз тўлсан, кейин ўзингиз бемалол чиқаверасиз,— дебди.

Савдогар поилож халталарга қум сола бошлабди, Мирали уларни тортиб чиқазаверибди. Иккала қоп олтинли қумга лиқ тўлгач, Мирали савдогарнинг ўзини тортиб чиқармоқчи бўлибди. Қудуқдан савдогарнинг боши кўриниши билан Мирали унинг қўлига яримта кулчани туқазибди-да:

— Мана бу хизмат ҳақингиз, савдогар оға, баҳузур еяверинг, ош бўлсан! Шунча бегуноҳ бандаларнинг бошини ебсиз, ишқилиб жойингиз жаҳаннаманинг қоқ ўртасидан бўлсан-да!— деганича арқонни кесиб юборибди, савдогар додлаганича қудуқнинг ичига тушиб кетибди.

Мирали қопларни таяга ортиб, ўзи савдогарнинг отига минибди-да, Султонсуюннинг қўрғонига қараб йўл олибди. Миралини кўрган Султонсуюннинг севинчи ичига сифмай:

— Дўстим, мени очарчиликдан қийналиб қолибди, деб бир тая буғдои олиб келибди-ку! Икки қоп ғаллани мени илингунча ўзингиз баҳам кўрсангиз бўлмасмиди,— деб кулимсираб, таядан юкни туширтирибди.

— Султоним, бу қоплардаги нарса халқимизниям

очарчиллик балосидан қутқаради, қолаверса, сизгаям етиб ортади,— дебди Мирали.

Султонсуюн қоплардан бирининг оғзини очиб қўл тиқиб кўрган экан, бир сиқим нам қум қўлига илинибди-ю, ранги дув оқариб кетибди:

— Мени лақиљлатмоқчи бўлдингми, лаънати? Шунча йил даргоҳимда юриб тузимни еб, энди тузиғимга тупурибсан-да! Икки қоп қумни олиб келиб, аркону давлат олдida мени қалака қилмоқчи экансан-да, нон-кўр!— дея ўшқириб, қўлидаги қумни жаҳл билан сепиб юборибди. Кейин қоровулларига Миралининг ковушни тўғрилаб қўйишни буорибди. Султонсуюннинг вазирлари зидан Миралига кек сақлаб юришган экан, подшо билан Миралининг ораси бузилганидан хурсанд бўлиб, бир-бири билан шивирлашиб, ахiri Султонсуюнга Миралини зинданга ташлашни маслаҳат бернишибди. Жаҳли чиқиб турган подшо ҳам «билгапларингни қилинглар!»— дегандай қўл силтабди. Миралидан ўч олишга қулай фурсат кутиб юрган вазирлар дарров шоирни зинданбанд қилишибди.

Ғазабидан тутақиб кетган Султонсуюн бориб тахтига ўтирибди-да, қўлига ёпнишиб қолган қум зарраларини уқалаб туширмоқчи бўлган экан, оёғининг тагида бир нарса ялтирагандай бўлибди. Қараса, қўлидан тўкилаётган нарсалар қум эмас, олтин заррачалари экан. Султонсуюн ўрнидан сапчиб туриб, вазирларнинг изидан югурибди. Миралини зинданга солиб кўнгли тинчиган вазирлар қоплардаги қумларни қўргон ташқарисидаги бирорта хандакка тўқтириш учун уч-тўртта сарбозга уларни орқалатиб саройдан чиқиб кетишаётган экан. Подшо уларни тўхтатиб, қопларни очиб кўрса, унинг ичи қум аралаш олtingа лиқ тўла экан.

Шунда Султонсуюн жаҳл устида Миралини хафа қилиб қўйганини тушуниб, юргургилаганича зинданга қараб кетибди. У дўстининг қўлларини банддан халос қилиб, қилмишлари учун узр сўрабди.

ПАТИ ЮЛИНГАН ТОВУҚ

Қаҳратон қиши кунларининг бирида Султонсуюн ўзининг вазиру вузаролари билан шаҳар айланишга чиқибди. Шунда улар қаттиқ изгирин бўлишига қарамасдан, кўчанинг четидаги дўконда ковуш ямаб ўтирган бир косибни кўриб қолишибди. Аркону давлат

этикдўз устанинг ёнидан ўтаётганларида, Мирали Султонсуюнга қараб:

— Шоҳим, ижозат берсалар, шу устага этигимни бирров кўрсатиб олсан,— дебди.

— Шуниям сўраб ўтирибсизми, бемалол кўрсатаверинг. Биз бироз кутиб турамиз, ахир шошилаётган жойимиз йўқ-ку,— деб подшо Миралига рухсат берибди.

Мирали устанинг олдига бориб, курсисига ўтирибди. Сўрашиб бўлгач, муддаога ўтиб, этигини кўрсатиш ниятида эканлигини айтибди. Ҳол-аҳвол сўрашдан бошлигар суҳбат аста-секин қизғин гурунгга айланиди. Мирали савол берибди, уста эса жавоб қайтарибди.

— Учингиз тўртга етмаяптими, уста? Қиши куни иссиққина уйда ўтирмай дўконни очибсиз,— дебди Мирали.

— Э, нимасини айтасиз! Қанча уринсам ҳам барibir учим тўртга етмай турибди-да!

— Эсиз, вақтида экмаган экансиз-да?

— Экишга экдим-у, лекин эл ўриб олди-да!

— Дўстларингиз билан орангиз яхшими?

— Дўстларим ҳам аллақачон душман бўлиб кетишиган.

— Узогингиз қандай?

— Узофим яқин бўлиб қолганига анча бўлди.

— Иккингиз қай аҳвolda?

— Иккимнинг уч бўлганига ҳам кўп йиллар бўлди-ёв!

— Бир товуқ юборсам, патини юла олармикансиз?

— Бўлмасам-чи, бунақанги ишни ўринлатаман.

— Яна молни арzon сотиб юрманг-а?

— Хотиржам бўлаверинг, тўрам, арzon кетмайди.

Шу билан буларнинг савол-жавоб тугабди, бу орада уста ҳам Миралининг этигининг сўкилган чокини тикиб бўлибди. Мирали ҳисоб-китобини қилиб, уста билан ўзи ўртасида бўлиб ўтган ғалати савол-жавобни эшитиб, ҳайрон бўлиб турган ҳамроҳлари олдига қайтиб келибди. Улар яна йўлда давом этишибди. Шу кетишида Султонсуюн пайт топиб, Миралининг юзига айёrona жилмайибди-да, бояги сирли савол-жавобларнинг боисини сўрабди.

Мирали олдинда кетаётган вазирлардан бири томонига имо қилибди-да: «Ана шу вазирингиз бу гапларнинг маъносини қандай тушунар экан, шуни билиш учун уста билан шунаقا сирли гаплашдик», деб жавоб берибди.

Султонсуюн ҳам зийрак одам эмасми, гап нимадалигини дарров тушунибди. Чунки бу вазир роса ичи қора бўлиб, Миралининг эл-улус орасидаги обрўси кун ора ошиб бораётганидан ғижинар, иши-пешаси Миралини подшога ёмонлагани-ёмонлаган экан. Шунда Султонсуюн ўша вазирга қараб:

— Айтингчи, тақсир, Мирали билан бояги этикдўз нималар ҳақида гаплашиши экан? Қани, уларнинг суҳбатидан қандай маъно айира олибсиз, билайлик-чи,— дебди.

Бу саволни кутмаган вазир довдираб, тили калимага келмай, нима дейишини билолмай, чайнала бошлабди. Шунда подшо:

— Шу савол-жавобларнинг маъносини чақсанг, қутулганинг. Мабодо маъносига етмасанг — унда ўзингдан кўр, саройда қорангни кўрсатма. Уч кун ичидаги биллиб келмасанг, молинг талонда, бошинг ўлимда! — деб амр этибди.

Вазир айёрликда не-не тулкиларни йўлда қолдириб кетаркан, бу гал ҳам мугомбирлик қилмоқчи бўлиб, ҳеч нарса билмагандай Миралининг олдига борибди-да, этикдўз билан ораларида бўлиб ўтган савол-жавобнинг маъносини билиш истагида келганини айтибди.

— Яхшиси сиз ўша устани қидириб топинг, унинг олдига борсангиз, менданам тузукроқ тушунтиради.

Вазир ноилож этикдўзнинг олдига борибди. Уста ҳам ҳеч нарсадан бехабар одамдай бамайлихотир ўзишини қилиб ўтираверибди. Вазир қуюққина салом берибди, уста алик олибди.

— Эй, келинг, иним! Қани, мана бу ёққа ўтинг! Ўтирақолинг. Этигингизнинг бизбоп иши чиқиб қолибдими дейман-а? — деб этикдўз ёлғондакамига мулозимат қилган бўлибди. Чунки уста Мирали ваъда қилган «семиз товуқ» шу одам эканлигини билиб турган экан!

Вазир мусофириларнинг мушугидай бўйини қисиб, ўзини бечораҳол кўрсатиб дебди:

— Э, йўқ, этигим бус-бутун, ёшули! Мен бу ерга кеча Мирали билан ораларингда бўлиб ўтган савол-жавобнинг маъносини билиш учун келдим,— дебди.

— Йўғ-эй, биз унақанги тушуниб-тушунмайдиган гап-сўз гапирганимиз йўқ эди-ку?! Яна худо билади, бирон нарсага тушунмаган бўлсангиз, бемалол сўрайверинг, иним,— дебди этикдўз.

— Очиини айтсан, ёшули, ўша суҳбатнинг бирор сўзигаям ақлим стмади. На Миралининг саволларига,

иа сизнинг жавобларингизга тушундим десангиз, ҳеч бирининг мағзини чақолмадим. Подшо бўлса «шу савол-жавобларнинг маъносини билиб келмасанг, бошинг ўлимда, молинг талонда», деб зулм қилди. Энди бутун умидим сиздан, ўзингиз жонимга оро кирмасангиз ҳолим не кечади, ёшулли!— дея ялинибди вазир.

Холи танг бўлган бу калтафаҳм вазир ҳозир ҳар қандай шартгаям кўнишга тайёр эканлигига ақли етган уста:

— Ундай бўлса, гап бундай, иним! Ҳикмат олтиндан қиммат, дейди донолар. Сермаъно сўзнинг қадр-қимматига етмасангиз ҳеч ким сизга ўша савол-жавобларнинг мазғини чақиб беролмайди,— деб ўзини тарозига солибди.

— Эй, отагинам-еӣ, керакли молнинг нархини суршириб ўтирмайдилар-ку! Тезроқ айта қолинг, мен ҳам қутулай бу балодан. Қанча бўлса, мана мен, туриб берганим бўлсин!— дебди вазир.

Этикдўз ҳар бир савол-жавобга юз тилладан баҳо қўйибди. Подшо ғазабидан қўрққан вазир ноилож рози бўлибди. Ана шундан сўнг этикдўз ўзининг Мирали билан қилган суҳбатининг маъносини айтиб бера бошлабди:

— Мирали, аввало, менинг қаттиқ совуқда ҳам ишлаб ўтирганимни кўриб, раҳми келиб, бундай қилишга сизни нима мажбур қилди, уч фасл — баҳор, ёз, куз ишлаганингиз тўртинчи фасл — қишлоғингизга етмадими, деб сўради. Мен эса қанча ҳаракат қилсан ҳам етказолмаётганимни айтдим. Иккинчи сафар, у менинг фарзандларим бор-йўқлигини, бўлса улар менга ёрдам беришадими-йўқми, шуларни аниқламоқчи бўлди. Мен фарзандларим борлигини, аммо уларни эл ўриб олганлигини, яъни ҳар қайсиси ўз оиласи, рўзгори ташвиши билан машғул бўлиб кетганлигини айтдим. Сўнгра Мирали тишларимнинг аҳволи билан қизиқди. Мен унга тишларим аллақачон тўкилиб битган, бирор нарсани чайнасам, оби-зардоб бўлиб жонимга озор беради деб тушунтирдим. Мирали менинг узоқ-яқинни кўриш-кўрмаслигимни билмоқчи бўлганида, кўзларимдан нур кетганини айтдим. Қейинги саволда Мирали оёқларим кучқувватдан қолган қолмаганлигини сўради. Мен эса анчадан буён қўлимга ҳасса олмасам, узоқ-яқинга боролмаслигимни билардим. Шундан кейин аҳволим ночорлигини билган Мирали менга раҳми келиб, бир «товуқ»ни юборсам, патни юла оласанми, деб сўради. Бу иш-

ги қойиллатаман, дедим. Мана, Мирали айтгандай ҳам зиёда қилиб, биттаям патини қолдирмай пок-покиза қилиб юлдим.

Нодон вазир эса тоза хижолат бўлиб, ранги-рўйи бўзлек оқариб кетибди. Ҳеч иложи қолмаган вазир яна устага мурожаат қилиб, дебди:

— Ҳа, энди, шунақасиям бўлар экан-да... Қелинг, охирги савол-жавобнинг маъносиниям айтиб бера қолинг, ёшулли. Бўлар иш бўлди...

— Ақалли шунгаям ақлинг етмадими, нодон?! Ҳолинг шу экан, келиб-келиб Миралидай одамнинг оғига осиласанми, а? Бунинг нимасини тушунмадинг: Миралининг «молни арzon сотманг!»— дегани бу савол-жавобларнинг маъносини билишга қизиқиб келган кишига жуда қиммат нарх қўй, дегани эди. Мен ҳам камини қўймадим, ҳар бирига юз тилладан-а, яна арзони борми? Хуллас, бизнинг Мирали билан қилган савол-жавобларимизнинг маъноси шу, бу ўзидан бошқани эр билмаган сендай бойваччаларга бир сабоқ, холос. Ана энди, бора қол, йўлингдан қолма!— дебди уста.

Пати юлинган товуқ шўппайиб саройга жўнабди.

ТОШДАН ҲАМ ТЕЛПАҚ ТИКИБ БЎЛАДИМИ?

Бир куни Султонсуюн Миралини гапда мот қилмоқчи бўлиб, унга ақлга сифмайдиган бир юмушни топшибиди:

— Сизга уч кун муҳлат, шу уч кун ичидан тошдан телпак тикиб келасиз!— дебди.

— Ҳазратим, агар ипини топиб берсалар, уч кун ҳам гапми, уч соатга қолмай тикиб келаман,— дебди Мирали.

— Қанақа ип?— дебди Султонсуюн ён беришни истамай.

— Толнинг кулидан ийлаб ишланган ип-да, шоҳим!

— Вой «доно»ей! Ҳеч замонда толнинг кулидан ҳам ип қилиб бўларканми?

— Ундай бўлса, тошданам телпак тикиларканми, шоҳим!

Миралининг ҳозиржавоблигидан қаттиқ изза бўлган Султонсуюн ер чизиб қолган экан.

КИМ АВВАЛ ҚҮРДИ?

Кунлардан бир куни Султонсуюн билан Мирали саройда зерикеб кетиб, бир айланиб келиш учун шикорга чиқишибди. Султонсуюн қора түриқ отда, Мирали бўлса, эшакли, икковлон йўлсиз-изсиз бийдек дашту биёбонда кетиб боришаётган экан, ерда нимадир ялтилаб кўринишибди. Шунда иккови баббараварига:

— Ана уни қаранг! Қалладай тилла-я! — дея хитоб қилишибди.

Улар апил-тапил уловларидан тушиб, ярми тупроқقا кўмилиб ётган тиллани ковлаб олишибди. Қаттакон олтин бўлагини қўлга олибдилар-у, «мен аввал кўрдим, йўқ, мен сендан олдинроқ кўрганман! — дея санманга бориб қолишибди. Султонсуюн Миралига қараб:

— Ахир ўз танангизга бундоқ ўйлаб кўрсангиз-чи, мен от миниб келаётувдим, минг қилсаям сиздан бир газ юқорироқда эдим. Инчунун, олtingаям энг аввал менинг назарим тушган-да! — деса, Мирали ҳам бўш келмай:

— Йўқ, шоҳим, мен сиздан андак пастроқда ўтирганим туфайли ерга яқинроқ бўлганиман, шунинг учун тилланиям сиздан аввалроқ кўрдим, — дея эътиroz билдирибди.

Хуллас, икковлон бири қўйиб, бири олиб роса тортишибдилар, узоқ баҳслашибдилар, аммо олтини аввал ким кўрганлигини бари-бир ҳал қилолмабдилар. Шундан кейин тортишиб ўтириш беҳуда эканлигини англаб: «Кел, иккимиз шу ерда ўтириб, ўтган-кетган ҳангомалардан айтишайлик. Кимнинг ҳикояси қизиқарлироқ бўлса, тилляям ўшаники бўлади», деб муросаю мадорага келишибди.

Биринчи бўлиб Мирали гап бошлабди:

— Ёш бола пайтим, эди, ўз тенгқурларим билан беш-ўнта қўй-эчкиларимизни боқиб юардим. Кун бўйи даштдан бери келмай, ошиқ, чиллак ўйнаб, кунни кеч қилиб уйга қайтиб келардик. Кунлардан бир куни онам бечора мени ёнига ўтқазиб: «Болам, мен энди қаридим, буёғимдан ўёғим яқин қолди. Кир-пириңгни ювишгаям мадорим етмайди. Ҳали суюги қотмаган мўртгина бола бўлсанг-да, ҳамма юмушларни ўзинг қилишингга тўғри келади. Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув керак, деганларидек, бирорта дурустроқ ишнинг бозини тутмасанг бўлмайди. Икки ориқ улоқнинг кетидан чопганинг билан умр бўйи косанг оқармайди. Балки

бирорта инсофлироқ бойга ёлланиб, хизматини қиларсан», деди.

Ҳали жуда ёш бўлишимга қарамасдан, онамнинг сўзларини ерда қолдирмасликка аҳд қилдим. Кунлардан бир куни бир одам қишлоғимизга келиб ёшроқ қарол ёлламоқчи бўлиб юрганини айтди. У мўмайгина хизмат ҳақи ваъда қилганидан, бу одам инсофли бўлса керак деган хаёлда унга хизматкор тушдим. Бой мени отига, мингаштириб, йўлга тушди. Намозгарни қоралаб, бой оғанинг қишлоғинга кириб бордик. Бой бир неча кунгача менга бирортаям юмуш буюрмади. Ниҳоят, бир куни бой оға ўзининг оғилидаги семиз ҳўқизларидан бирини сўйиб, гўшт-ёғини тогорага босди-да, хомини чиқариб олиб, менга иккита бўш қопни туяга юклашии буюрди. Сўнг ўзиям туяга миниб: «Қани, ўғлим, хизмат қиладиган вақтинг ҳам келди энди, кетдик!»— деди. Мен ҳеч гапдан хабарим йўқ, унга эргашдим. Йўл юрдик, йўл юрсак ҳам мўл юрдик, роппа-роса уч кун деганда бир баланд тоғнинг тагига этиб бордик. Тоғ шунақанги баланд эканки, тепасига қарасангиз дўппингиз ерга тушиб кетади. Бой оға туясини чўқтириб, оёқларини тушовлади-да, ҳалиги сўйилган ҳўқизнинг терисини ерга ёйиб:

— Қани, ўғлим, шунинг ичига киргин-чи!— деди менга. Хомнинг ичига кириш унчалик қийин бўлмасада, нимагадир бу ишга кўнглим чопмади. Бой минг қилсаям хўжайин одам, унинг юзидан ўтолмай, ноилож терига кирдим. Бой оға терининг тўрт учини бирлаштириб, четларини тикиб чиқди-да, менга қараб:

— Ўғлим, бошингни салгина эгиб ўтири, барака топкур!— деди. Бу гапни эшишиб юрагим шув этиб кетди. Шунда кўнглимга ҳар хил гаплар келиб:

— Бой, оға, бошимни эгадиган бўлсам, сиз бу қопнинг оғзини маҳкам боғлаб қўясиз-да! Бу терининг ҳаво кирадиган ери бўлмаса, унинг ичиди бўғилиб ўлиб қоламан-ку, ахир,— дедим.

— Ўғлим, мен сенга зиғирчаям ёмонликни раво кўрмайман. Кўп хавотирланаверма, ҳали хомнинг оғзини боғлашга менинг чилвирим етадими, йўқми. Сен қўрқмасдан бошингни эгиб туравер, ўғлим, кўз очиб юмгунча бир дунё жавоҳирга эга бўласан,— дей бой мени мулойимлик билан аврай бошлади.

Ноилож бойнинг айтганини қилишга мажбур бўлдим. У терининг оғзини маҳкам сириб боғлади. Нафасим қайтиб, сал бўлмаса ўлаёзгандим. Бой оға бунақанги

ишлиарни кўп кўравериб кўзи пишиб кетган экан, хуржунидан бир темир гулмих чиқариб, ўша билан хомнинг бир неча жойидан тешиб қўйди, Шундан сўнг, бироз ўзимга келдим.

Бой оға ишни битказиб бўлиб:

— Ўғлим, энди сени шу ерда қолдириб, ҳу анави қоя орқасида яшириниб тураман. Сен сас-дамингни чиқармай, жимгина ўтири. Бироздан сўнг осмондан икки фаришта учиб келиб, ёнингга қўнишади. Улар хомнинг атрофини айланиб, у ер бу еридан турткилаб, торқилаб кўришлари ҳам мумкин. Аммо сен бамисоли ўликка ўхшаб, унингни чиқармай, қимирламасдан ўтиравер. Агар тирик эканлигинги пайқаб қолишсами, тамом, фаришталарнинг аччири тез бўлади, улар сени тилка-пора қилиб ташлашдан ҳам тойишмайди. Атиги бир неча дақиқа чидасанг, улар сени ўликка чиқариб, даст кўтаришади-да, нақ арши-аълога олиб кетишади. У ерда жаннати муборакни кўрасан, фаришталар сенга мурувват қилиб, беҳишт хазинасининг эшигини очишиади. У ерда қаёққа қарама, қимматбаҳо дуру жавоҳирлар сочилиб ётганини кўрасан. Сен ўшаларни териб, пастга ташлайверасан, мен бўлсан пастда туриб, уларни йиғишириб оламан-да, қопларга жойлаштираверман. Жаннатда бироз сайр қилганингдан сўнг фаришталар сени яна ана шу ерга тушириб қўйишади. Қарабсанки, баҳонада ҳам жаннатни кўрасан, ҳам икки қоп жавоҳирли бўлиб қоласан. Шундай қилсанг, онанг ҳам сира зориқмай, хўрлик нималигини билмай, охир умрида оёқ узатиб роҳатланиб яшайди, ўзинг ҳам умр бўйи фароғатда ҳаёт кечирасан,— деб роса жавради.

Бой оғанинг жағи тингандан кейин орадан сал фурсат ўтмай, осмондан икки бургут учиб келиб, ёнимга қўнганини билдим. Улар ҳўқиз хомини ҳар томондан чўқилай бошладилар. Мен қўрқанимдан дағ-дағ қалтирасам-да, нафас чиқаришга юрак ютолмай, жимгина ўтиравердим. Бир пайт бургутлар бу мўмайгина луқмани бирорта холироқ жойда бафуржа баҳам кўришмоқчи бўлибми, хомнинг икки ёғидан чангол солиб кўтарганча, учиб кетишди. Озғинтойгина боланинг оғири қанча бўлади дейсиз? Бургутлар ҳўқиз хомини тоғнинг энг баланд жойига кўтариб чиқиши-да, бир текисроқ ерга қўйдилар. Шу ерда ҳўқизнинг терисини икки томонга тортқилай бошлашди. Ахири тери иккига бўлинib кетиб, мен кўзларимни пирпиратганча, қўрқа-писа ўрнимдан турдим. Бургутлар ҳам хомни чўқилаш билан

овора бўлниб мен билан унчалик ишлари бўлмади. Бир пайт терини иккига бўлиб олган қушларнинг ҳар қайси ўз луқмасини тумшуғига қисганча икки тарафга учид кетишди.

Султонсуюн Миралининг ҳикоясини охиригача эши-тишгаям сабри чидамай, бетоқатланиб:

— Хўш, хўш, кейин-чи, кейин нима бўлди? — деб сў-рабди.

— Сабр таги — сариқ олтии деган маинойхлар, бироз шошилмасангиз ҳаммасини айтиб бераман. Мен бироз ўзимга келгач, бундоқ қарасам, чиндан ҳам бой оға айтгандай ён-веримда ҳар хил тошлар ялтирюлтур қилиб ётибди. Буни кўриб, кўзим қамашиб кетувди, шу пайт пастдан бой оғанинг саси эшишилди:

— Улар оддий тошлар эмас, беҳиштнинг неъматла-ридир, ўғлим! Қўлингга илинганини менга ташлайвер!

Аввалига бой оғанинг шу қилганига биттаям тошни ташламайман, деб аҳд қилган эдим. Аммо кейинроқ бойнинг жаҳлини чиқариш беҳудалигини англадим. Чунки қимматбаҳо тошлардан ололмаган бой оға тўни-ни тескари кийиб олса борми, мен бу тик қоятош усти-даги қоқ офтобда бургутларга ем бўлишим ҳеч гап эмас экан. Шунинг учун енг шимариб ишга тушиб кет-дим. Атрофимдаги ярқироқ тошларни тўплаб, пастда турган бой оғага ташлайвердим. Бир пайт бой оғанинг:

— Бўлди, етар энди, ўғлим! — деган овози эшишилди. Қарасам, бой икки қопниям тўлғазиб, тикка қилиб қўйибди. Тоғ устида ёлғиз қолиб кетишни ўйлаб, юра-гим орқамга тортиб кетди:

— Бой, оға, мен энди бу ердан қандай қилиб паст-га тушаман? — деб сўрадим.

— Ўғлим, сенга ўхшаган норасидаларнинг жойи ас-ти ўша беҳиштда бўлмоғи керак. Тушиб нима қиласан, ўша ерда мазза қилиб яшайвермайсанми. Одамлар умр бўйи орзу қилиб етолмайди-ку жаннатга,— деди-да, тусинини етовига олиб, бирпасда кўздан ғойиб бўлди.

Мен ҳўнграб йиғлаганча тоғ тепасида қолавердим. Қаёққа қарасам, қоя тош, пастга тушай десам, бирор-таям сўқмоқ кўринмайди. Ўзимни ўёққа урдим, буёққа урдим, ҳеч қандай чора тополмай, ахири ҳориб-чарчаб ҳолдан тойиб йиқилдим. Чалқанча тушиб ётганча, ён-веримга қарасам, ҳамма ёқда одам суюклари сочилиб ётибди. Аввал жавоҳирлар билан овора бўлиб, син со-либ қарамаган эканман, булар ҳам эҳтимолки, менинг-дек бой оғанинг тузогига илиниб, беҳиштга лойиқ кў-

рилган болаларнинг суяклари бўлса ажаб эмас, деб ўйладим.

— Кейин-чи, кейин нима бўлди? — дебди яна Султонсуюн.

— Эй шоҳим, бошга тушганни кўз кўтарар экан, бир пайт каттакон бургут учиб келиб ёнимга қўнди. Кўзими чирт юмиб олдим, у қанотларини тапиллатиб, у ёғимга ўтди, бу ёғимга ўтди, ахири бош устимда ўринашиб ўтириб олди-да, чўқишига шайлана бошлади. Шунда пайт пойлаб туриб, шаппа қушнинг оёқларига ёпишдим. Буни кутмаган бургутнинг юраги ёрилиб, ҳуркиб кетди. У жон ҳолатда қанотларини силкитиб учди. Мен эсам унинг оёқларини қўйиб юбормай, маҳкам ушлаб туравердим. У мени осилтириб, учаверди, учаверди, аммо мени узоқ вақт кўтаролмай, аста-секин пастворди. Бир маҳал оётим ерга теккандай бўлди, қарасам тоғ этагига тушибмиз, шунда қушнинг оёқларини қўйиб юбордим.

— Ҳаммаси шуми? Бой-чи? Уни қайтиб кўрмадингизми?

— Шошманг, шоҳим, ҳали ҳикоямни тугатганимча йўқ. Мен ўша нокас бойдан ўч олишга аҳд қилдим. Сўраб-суриштириб ахири унинг дарагини топдим. У яна одати бўйича овулма-овул кезиб, менга ўхшаган содда болаларни авраб юрган экан. Мен яна унга ёлланадиган бўлдим. Бой ога мени ўлди деб ўйлаган экан-да, шунинг учун танимади. Бу гал ҳам ўша тоғ этагига боргандা, у мени яна ҳўқиз хомнинг ичига киритиб қамамоқчи бўлди. Шунда мен ҳам қувлик қилиб:

— Бой оға, мен уста кўрмаган бир қишлоқ боласи бўлсан, бу терининг ичидагандай ўтириш кераклигини билмайман. Сиз ҳар қалай дунё кўрган одамсиз, аввал ўзингиз бирров кўрсатиб беринг, сўнг мен кириб ўтирай. Ўрганиб олсан, сизгаям осон бўлади, — деб оёқтираб туриб олдим.

Бой оға иоилож хомнинг ичига кириб: «Бундоқ ўтириш керак, ундоқ ўтириш керак», деб кўрсатаётгандаги, мен шартта терининг оғзини ип билан тортиб боғладим. Уни тўртта бургут зўрға инқиллаб-синқиллаб, ўлим азобида тоғнинг устига кўтариб чиқишиди. Мен бой оға ташлаган қимматбаҳо тошларни қопларга жойлайвердим. Қопларни тўлғазиб, туяга ортаётганимда бой оға:

— Болам, тушиб олишимга ёрдамлашиб юбор, барака топкур! — деб ялиниб-ёлворишга тушди. Мен унга қараб:

— Эй, бой оға, сиз ёшингизни яшаб, ошингизни ошаган одамсиз, умрингизнинг кўни кетиб ози қолган. Бир сойи сабаб билан беҳиштга тушиб қолдингиз, бўлмаса бундай табаррук даргоҳ тупроғини босиш баҳти сизга мұяссар бўлиши даргумон эди. Энди тушиб нима қиласиз, шунча бойликни кимга ташлаб келасиз, яхшиси ўша ерда қолаверганингиз маъқул! — деб қичқирдим.

— Икки қоп жавоҳирга эга бўлиб тоза бойиб кетгандирсиз! Ўша қимматбаҳо тошлиарни нима қилдингиз? — дебди Султонсуюн Миралининг саргузаштларига қизиқиб.

— Икки қоп жавоҳир ортилган түяни етовимга олиб, яп-яланг даштда бораётудим, олисда бир нарсанинг қораси кўринди. Яқинлашиб бориб қарасам, у кўринган нарса Ҳиндистонга бораётган савдоғарлар карвони экан. Улар мениям ўзларига қўшиб олишди. Ёш бола жавоҳирларни қадрини қаердан билади, дейсиз. Ҳиндистонда савдоғарлар мени ўртага олишиб, молингни қанчага сотасан деб сўрашганда, неча кундан бери туз totмаганимданми, бир тиян билан бир эчки бера қолинглар, дебман. Шундай қилиб, икки қоп жавоҳирни бир тиян билан битта эчкига алиштириб, қишлоққа қайтдим. Сиз бизнинг уйга биринчи бор борганингизда бирни топмай иккини сўйганимиз ўша савдоғардан олган бўғоз эчким эди.

Миралининг ҳикоясини қизиқиб тинглаган Султонсуюн бироз тараддуланиб, ўз бошидан кечиргандарини сўзлай бошлабди:

— Мен ҳам отам ўлиб, эндигина тахтга ўтирган ёшигина шаҳзода эдим. Сиз у вақтлар мендан аразлаб, кетиб қолгандингиз. Менинг яхши кўрган кўрган бир арғумогим бор эди, уни еру кўкка ишонмас эдим. Шу отим кундан-кун ориқлаб, ем ейишгаям мадори етмай қолди. Бунинг сабабини ҳеч ким айтиб беролмади. Сайисларга, жиловдорларгаям ишонмай, кечалари отга ўзим қарайдиган бўлдим. Кечанинг бир маҳали яхши кўрган канизларимдан бирори таблага кириб келиб, ўша отимни эгарлади-да, миниб жўнади. Мен ҳам бошқа отни миниб, унинг изидан қорама-қора боравердим. Канизак бир ғорнинг оғзига етганда отдан тушди-да, ичкарига кириб кетди. Мен ҳам унга эргашдим. Бу ғорқирқ қароқчининг макони экан, уларнинг сардори менниг канизагимга қараб:

— Сиримизни ошкор қилмоқчи бўлибсан-да, ярамас!

Ана, Султонсуюн ҳам сен билан изма-из етиб келибди,— деди.

Мен ўша бузуқ канизакни чопиб ташламоқчи бўлиб, қилич кўтарганимни биламан, қароқчилар бошлиғининг кашмириликдан ҳам озроқ хабари бор экан, бир сиқим тупроқни қўлига олиб бир нималар деб пичирлаб дам солди-да, менинг устимга сочиб юборди. Мен ўша заҳотиёқ бир қора тозига айланиб, ғингшиганча, гордан чиқиб кетдим.

— Эҳ-ҳа, гап буёқда денг, султоним! Озроқ итфеъллигинги бор десам, бу одат ўшандан қолган эканда!— дея ҳазил қилибди Мирали.

— Гапимни бўлманг! Шундай қилиб, тонг отар-отмас қўргонга қайтиб келдим, саройбонлар мени танимай тошлар билан қаршиладилар. Қаёққа бормай, ҳайдалиб, ўзимга бир ҳамдам тополмай, ахирни бир карвоңга әргашдим. Савдогарлар менга раҳмлари келиб, сүяксайлоқлар, қаттиқ-қутти нон билан сийлашарди. Хуллас, карвоң шу кетишда бир катта дарёйи азимга рўпара бўлди, савдогарлар бир кемачини ёллаб сувдан ўтмоқчи бўлдилар. Мен ҳам кемага чиқмоқчи бўлсанм, савдогарлар ҳайдаб, кемага яқин йўлашга қўймадилар. Шунда дарё бўйнда ўтириб, зор-зор йиғладим. Карвоңбоши кўнгли бўш одам эди, кира ҳақиниям ўзи тўлаб, мени кемага чиқарип олди. Йўл юриб, йўл юрсак ҳам мўл юриб, бир катта шаҳри азимга етиб келдик. Карвоңсарой яқинида яшайдиган бир бой етти маҳаллага ош берив, катта тўй қилаётган экан. Шу тўйда қолган-қутган нарсалардан еб, қорин тўйғазиб юрган эдим, нарироқда сүяқ ғажиб ўтирган хоназот итлар мени ўртага олиб талаб кетишиди. Улар билан олиша-олиша ҳолдан тойиб йиқилдим. Шу маҳал оппоқ соқолли нуроний чол ёнимга келиб, мени кўтариб олди-да, уйига олиб борди. Менга етти қават духоба кўрпача устига жой қилиб берив, бир товоқ ош олиб кирди, ўзиям мен билан бирга овқатланди. Чол мени този ит ҳисобламас, ўзи билан teng, балки ўзидан ҳам улуғроқ одам ўрнида ҳурмат қиласарди. Бир куни чолнинг қўшнилари:

— Фалончи илгари туппа-тузук одам эди, бирпасда айниди-қолди. У ҳатто ит билан ҳамтовоқ бўлган эмиш! — деб шаҳар ҳокимига арз қилиб, унинг устидан фийбат қилишибди.

Ҳоким чолни ҳузурига чақиртириб, гап сўраганида, у ўзи ўқимишли, донишманд одам экан, бир кўхна китобни кўрсатибди. Ҳоким ўқиб кўрса: «Султонсуюн мак-

Буни эшитган Мирали Султонсуюнга син солиб туриб, битта илмоқли савол ташлабди:

— Султоним, чўпон қизи хусусида айтганларингиз маъқул. Аммо айтингчи, биз фуқаронинг ҳолини билиш учун борамизми ёки унинг аҳволини яхшилаш учунми?

Султонсуюн Миралининг бунақа инжиқликларидан зада бўлиб кетган экан, шунинг учун порози оҳангда:

— Мирали, барака топкур, шунақа инжиқликларингиздан қачон қутуламан-а? — деб сўрабди.

— Султоним, қон билан кирган жон билан чиқар деганлар. Қачон менинг жанозамни ўқисангиз, ўшанда бу содатимдан ҳам бира тўла қутуласиз-қўясиз, — деб жавоб бернибди Мирали.

Шундай қилиб, улар тортиша-тортиша бедов отларини миниб, йўлга тушибдилар. Султонсуюн билан Мирали кўн баҳаво жойларни айланиб томоша қилиб юрибдилар, кун пешинга оққандан узоқдан бир қишлоқнинг қораси кўринибди. Икковлон ўша тарафга қараб от қўйибдилар. Қишлоққа яқин қолганда шивалаб ёмғир қуя бошлабди. Булардан сал олдинроқда бир тўп қизлар ўтин териб келишаётган экан, ёмғир ёға бошлиши билан улар елкаларига ортмоқлаб олган ўтин боғларини ерга қўйиб, ўзлари шу ўтинларнинг орқасида паналаб, ёмғирнинг тинишими кута бошлабдилар. Шу қизларнинг орасида бир ёши каттароги бор экан, у эгнидаги ювилавериб ранги оқариб кетган нимчасини ечиб ўтинининг устига ёпибди-да, ўзиям унинг ёнбошида ўтириб, ўтинини ёмғирдан паналабди.

Мирали бу қизда бир гап бор дегандай Султонсуюнга имлабди. Подшо эса бу қизнинг ўтинни қуруқ сақлаш учун қилаётган ишларига унчалик аҳамият бермай, унинг ҳусни жамолига, толчивиқдай нозик қадду қоматига маҳлиё бўлиб турган экан, Миралининг ишорасидан кейин, қизга савол бериди:

— Ҳой гўзал қиз, дугоналаринг ўзларини ёғмирдан сақлаш учун ўтинларини пана қилишди. Сен эса, аксинча, ўзинг шалаббо бўлсанг, ҳам, ўтинингга нам тегизмаслик учун жон куйдирдинг, бунинг боиси недур?

Ҳалиги қиз ёмғир тингач нимчасини эгнига илибдида, ўтинини орқалаётib, Султонсуюнга жавоб бериди:

— Султоним, мен сизга ўз аҳволимни баён қиласай: бизнинг кулбамиизда атиги тутантириққа ярагулик ҳам қуруқ чўп қолмади. Ўтиним эзилса, боз устига ёғин сочинли кунлар бири-бирига уланиб кетса-ю, қора қиш

кор жодугарнинг домига тушиб, алданиб, фалон йил, фалон ойда, фалончи бойнинг тўйига қора този ит суратинда келади» деб ёзилган экан. Ҳоким чолга бош-оёқ саруполар бериб, ҳурматлабди. Сўнгра шаҳардаги ма-на-ман деган ҳакиму табибларини йифдириб, мени муо-лажа қилдира бошлабди. Табиблар ҳар турли дори-дармонлару дуо-тилсимлар билан мени аввалиги ҳола-тимга қайтардилар. Ҳоким мени кўп иззат-ҳурмат қилиб, зиёфатлар берди. Қайтаётганимда номард кани-закдан ўч олишим учун бир сиқим тилсимли тупроқ ҳам ҳадя этди. Мен ўзимни қутқариб қолган ўша донишманд чолни ҳам ўзим билан бирга олиб қайтдим. Ҳиротга қайтиб, яна тахту пойимга эга бўлгач, мени жабру-жа-фолардан халос этган кекса донишмандни вазирлик ла-возимига тайинладим. Сиз Маридан қайтиб келганин-гизда бир иззат-ҳурмат билан жойлаштириб қайтаётга-нимиз ўша халоскорим эди.

Султонсуон ҳикоясини тугатиб, сўрабди:

— Хўш, дўстим Мирали, айтинг-чи, кимнинг ҳикоя-си қизиқарлироқ экан?

Мирали:

- Икковимизниям бири-биридан мароқли экан.
- Ундей бўлса тилла кимники бўлади?
- Сизниям эмас, меникиям эмас.
- Бўлмаса кимники ахир!
- Халқ мулки — халқники бўлмоғи керак. Тиллани хазинага топширамиз,— дебди Мирали.
- Бу гапингиз маъқул!— дебди Султонсуон ҳам мамнун бўлиб.

ГУЛ БИЛАН СУЛТОНСУОН

Бир куни Султонсуон билан Мирали ўтган-кетган-дан гурунглашиб ўтиришган экан, гапдан гап чиқиб, тўртинчи юлдуз кўрганнинг дилбанди — иккинчи қизни эслаб қолишибди. Қанча сўраб-суриштиришмасин ҳанузгacha ҳеч қаердан ўша чўпон қизининг дараги чиқма-ган экан. Шунда Султонсуон Миралига юzlаниб деб-ди:

— Дўстим, бу тўрт девор ичиди сиқилиб ўтиргани-миз билан ҳеч ким бизга ўша қизни топиб бермас. Ке-линг, яхшиси, қишлоқларни бир айланиб келайлик, ҳам фуқаронинг аҳволини билайлик, ҳам чўпон-чўлиқлар-дан ўша қизнинг дарагини олайлик.

қиличини қайраб келиб қолса, қари онамнинг ҳоли не кечади? Агар қуп-қуруқ ўти билан уйга етиб боролсам, ҳеч қийналмаймиз. Ахир олов бўлса совуқ ҳам билинмайди, ҳўл бўлган кийимларим ҳам қурийди, онам ҳам тумовдан тузалиб кетардилар.

— Сизларнинг уйингиз қаерда?

— Ху ана, қишлоқ четидаги кичкина уйча бизники.

— Исминг нима, гўзал қиз?

— Гул.

— Уйингизга борсак, меҳмон қиласизларми?

— Шу ёшга кириб туркман халқи уйига келган меҳмонни ҳайдаганини эшиганим йўқ. Лекин аввалдан айтиб қўйганим яхши, биз бечора одамлармиз, сultonларга хос давлатимиз ҳам йўқ, шунинг учун сизнинг олдингизга шоҳона дастурхон ёзолмасак, айбга буюрмайсизлар,— дебди Гул.

Шунда Мирали гапга аралашиб:

— Асло хижолат чекманг, гап емак-ичмакда эмас. Ахир меҳмон ош учун эмас, очиқ юз, кулар кўз, ширин сўз учун келади!— дебди.

Қизлар ўтиналарини кўтариб, йўлга тушибдилар. Мирали билан Султонсуюн бироз айланиб юришибди. Сўнгра отланиб, Гулларнинг уйига борибдилар.

Султонсуюн Гулнинг шоҳликни унча-мунча писанд қиласлиги ёдига тушиб, ўтовнинг чанғарогига қараб киноя билан:

— Яхшигина уй экан-у, аммо чанғароғи қийшиқроқ экан-да!— дебди.

Гул уй ичиди бу гапни эшитиб турган экан, Султонсуюннинг қочириғига жавобан:

— Чанғароғи қийшиқ бўлсаям тутун тўғри чиқаяпти-ку!— дебди-да, ташқари чиқиб меҳмонларни уйга таклиф қилибди.

Дастурхон ёзилгач, Султонсуюн билан Мирали бир косадан қатиқ билан иссиққина нон сўрабдилар. Гул эса уларнинг олдига қатиқсиз, нонсиз бир косадан угра оши келтириб қўйибди. Султонсуюн Миралининг қулоғига:

— Дўстим, шу қизга яна битта савол берсам, нима дейсиз?— дея шивирлабди.

— Ҳозиргина тегишиб нима фойда топдингиз? Бу қиз гапга чечан кўринади, сизни бир чўқишаёқ қочиради. Яхшиси ўз обрўйингизни сақлаб, меҳмон ҳаддингизда ўтирганингиз маъқул.

Султонсуюн Миралининг маслаҳатига қулоқ солмай,
Гулга қараб бир мисра шеър ўқибди:

Угра ошин қўйди бизга қатиқсиз, нонсиз!

Гул ҳам Султонсуюннинг шеърига шеър билан жавоб қайтарибди:

Борни емай, ийӯқни билмай, не ажаб меҳмонсиз!

Мирали қип-қизаридан кетган Султонсуюнга қараб:

— Ана кўрдингизми, менинг гапимга кирмай, нима обрў топдингиз? — дебди.

Гул думли юлдузни кўрган тўртинчи одам — чўпоннинг қизи экан. Султонсуюн саройга қайтиб келгач, Гулниги совчиларни юборибди. Подшонинг совчилари келганда Гулнинг ўзи уларнинг олдига кириб:

— Менинг баҳойимни онамдан эмас, ўзимдан сўранглар,— дебди.

Совчилар қизнинг қалинини сўрашган экан, Гул уларга қараб:

— Султонимизнинг қурби етса, қалинимга ўнта қўзи, йигирмата бўри, ўттиз ўркачли туя, қирқ оқсоқол, элликта айғир, олтмишта ахта, етмишта нўхта, саксонта тушов билан тўқонта тўрва берсин! — дебди.

Султонсуюн совчиларнинг хабарини эшишиб, Гул айтган нарсаларни тўплашни буюрибди. Шунда Мирали подшонинг соддалигига ҳайрон қолиб:

— Эй подшоҳи олам, сиз гўзал қизнинг доно сўзларининг мағзини чақолмабсиз! — дебди.

Султонсуюн Миралининг дашномидан аччиқланиб:

— Жудаям ақлингиз ошиб-тошиб кетган бўлса, ўзингиз тушунтириб берақолинг! — дея киноя қилибди.

— Султоним, айтмабмидим Гул жуда ақлли қиз экан деб, у қалин баҳонасида сизга бир жумбоқ айтибди. Унинг маъноси шуки, одам ўн ёшида қўзидаї ўйноқлаб юради, йигирмада бўридай чаққон, ўттизда иср туждай айни кучга тўлган бўлади, қирққа кирганида эса ақл косаси тўлиб-тошган бўлса, элликда айғирдай, олтмишда ахтадай, етмишда нўхталанган, саксонда оёғи тушовланган, тўқонда бошига тўрва кийдирилган отдай бўлади. Қиз, аввало, сизнинг ақлу фаросатингизни синааб кўрмоқчи бўлган. Коса ичидагимкоса бор деганларидек, бу жумбоқнинг асл маъноси эса бутунлай бошқача. Кўнглингизга келмасин-у, султоним, Гул

сизни қари деб ўйлаб, ўзига муносиб кўрмабди, деб туширибди Мирали.

Бу гапни эшитган Султонсуюн Миралидан баттар хафа бўлиб:

— Мен ҳали қари эканман да, сизнингча?! Ўша қизнинг ўзиям бориб турган ҳурлиқо эмас-ку! — деб бақирибди.

— Шоҳим, тўғри сўз туққанингга ёқмас, деганларидек, очигини айтганимга бекордан-бекор хафа бўлаяпсиз. Сиз кўпам қизишаверманг Гул ҳали ўи гулидан бир гули очилмаган гунча бўлса, сиз эса ҳадемай қирқни қоралаб қоласиз. Қирқдан кейин чўка-чўка кетарсан, деган экан машойихлар. Шунинг учун қайси юз билан Гулдек соҳибжамол қизга ўзингизни муносиб кўрдингиз? Унинг гапларига аччиғингиз келмасин, ширин сўз билан аста-секин қизнинг кўнглини топмоқ керак, — деб маслаҳат берибди. Мирали.

Гул қалин олиқ-солиқлари баҳонасида Султонсуюнни қашча масхара қилмасин, барибир, камбағалнинг ови юришсаям дови юришмас экан, подшоликка бас келишолмабди. Султонсуюн зўрлик билан Гулни ўз никоҳига олибди. Тўйдан сўнг бир ҳафта ўтар-ўтмас Султонсуюн узоқ сафарга отланадиган бўлибди. У йўл тадоригини кўриб бўлиб, кетар чоғи Гулга қаттиқ тайинлабди:

— Гул, сен агар гуллигингча қолишини истасанг, менинг сўзларимни қулоғингга яхшилаб қуйиб ол! Агар айтганимни қилмасанг, япроғинг тугул иллизингдан ҳам асар қолмайди, бу дунёдан беному нишон кетгайсан. Мен насиб қилса етти йилдан сўнг қайтарман. Қайтиб келганимда устига етти яшар ўғлим миниб олган қора отимнинг етти яшар қулунини етаклаб олдимга чиқасан! — дебди-да, сафарга отланибди.

Подшо кетганидан сўнг, Гул нима қиларини билолмай, роса ўланибди. Ахири канизакларини ёнига чақириб, султоннинг буйрутини маълум қилиб, улардан маслаҳат сўрабди. Канизаклар:

— Маликам, бошингизга ғоят мушкул савдо тушибди, аммо биз бирорта жўяли маслаҳат беришга ожизмиз. Лекин не юмуш буюрсангиз, бош устига, амрингизга мунтазирмиз! — дея бош эгиб турибдилар.

Гул ўттизтacha садоқатли канизакларига эркакча либос кийдириб, белларига яроғ-аслаҳалар тақдириб, ҳар қайсисини бир бедов отга миндириб, ўзиям ёшгина

шаҳзодалардай ясаниб, йўлга тушибдилар. Улар бир неча кун йўл тортиб, ахiri бир куни Султонсуон кўшк ташлаган жойга етиб борибдилар. Гул подшонинг қароргоҳидан бир чақирим парироқда чодир қуриб, икки канизагига ҳар хил гапларни пухта ўргатиб, Султонсуоннинг ҳузурига йўллабди. Канизаклар Султонсуоннинг қошига бориб, тўққиз таъзим, боз устига ўттиз таъзим бажо келтириб, одоб билан бекаси ўргатган гапларни бирма-бир баён қилибдилар:

— Бизни хўжайинимиз сиз муҳтарам зотнинг ҳузурларига юбориб, шуни маълум қиладиларки, agar подшо ҳазрати олийлари ўз марҳаматларини дариф тутмай, илтифот қилсалар хўжамиз сизнинг муборак ҳоки пойингизга зиёрат этгали келмоқ истайдилар!

Султонсуон қадди-қомати келишган, гап-сўзлари ўзига ярашган, бир-бирига одоб билан қарашган бу сарбоз «йигитча»ларнинг ширин сўзларини эшишиб, тили лол бўлиб, рухсат бериб юборганини ўзи ҳам билмай қолибди. Навкарлари шунчалик ширинсухан бўлса, буларнинг сардори жуда ўқтам йигит бўлса керак. Шундай одамлар билан бир кун ҳамсуҳбат бўлсанг, дунё ташвишини унутиб, баҳри-дилини очилади! — деб ўйлабди подшо.

Канизакларидан подшо рухсат берганлиги ҳақидаги хабарни эшигтан Гул ҳам кийимларини алмаштириб, сочини қундуз телпак остига бостириб, зарбоф чопоиларни кийиб, бежиримгина савдогарвачча қиёфасига кириб Султонсуон қароргоҳига етиб борибди. Мулозимлар савдогарваччанинг отини ушлаб, вақтини хушлаб, подшонинг ҳузурига бошлаб борибдилар. Гул Султонсуонга иззат-икром билан икки букилиб салом берибди. Подшо ҳам уни азиз меҳмондай сийлаб, ўз ёнидан жой берибди. Зиёфат чоғида иккови ундан-бундан гаплашиб ўтирибдилар. Подшо сўрабди:

— Йўл бўлсин, меҳмон? Қаерлардан сўраймиз?

— Султоним, биз аҳли савдогарлардамиз. Отам ҳам катта савдогар эдилар. Ҳозир кексайиб қолиб, узоқ сафарларга чиқолмай қолдилар. Шунинг учун карвонга мен бош бўлиб Чин-Мочин мамлакатига савдога бориб келаётимиз. Ҳали карвонимиз етиб келгани йўқ. Ўзингиздан қолар гап йўқ, ҳозир бу яйдоқ биёбонда нима кўп йўлтўсару қароқчилар кўп. Шунинг учун мен ўттиз чоғли навкарларим билан карвондан олдинроқда кўз-қулоқ бўлиб келаётувдим. Шу яқиндан ўтаётуб бу ер-

га қўнганингизни эшитдим-у, ўзи азалдан дийдорингизга мунтазир эдим, шунинг учун жанобларининг суҳбатларидан баҳраманд бўлиб кетишини ҳам фарз, ҳам қарз деб билдим. Шу боис ҳузурингизга бош эгиб келишга жазм қилдим,— деб жавоб берибди Гул.

Султонсуюн ҳам шундай ҳусндор, одобли савдогарвачча билан ошно бўлганидан боши кўкка етиб:

— Хуш кўрдик, меҳмон! Энди уч-тўрт кун шу ерда ҳордиқ чиқаринг, карвонингиз етиб келса, кейин юртингизга кетарсиз,— дебди.

Хуллас, уларнинг ҳангомалари қизиб кетиб, бир маҳал Султонсуюн сўраб қолибди:

— Муҳтарам бек, сизнинг савдогарчиликдан бўлак яна қандай касб-корингиз бор?

— Савдогарчилик бизга ота мерос, яна оз-моз шатранж ўйнашни биламан, шоҳим!

— Ундай бўлса, келинг бир қўл шатранж ўйнай қолайлик!

— Бош устига, шоҳим! Аммо бизнинг элда бир расм-коида бор, шатранж ўйнашдан аввал ҳар ким энг яхши кўрган нарсасини ўртага қўяди, ютган одам ўшани олади,— дебди Гул.

— Эй бу жуда яхши дастур экан. Менинг энг яхши кўрган нарсам табладаги қора отим билан мана шу олтин тожим. Агар ютулсан, шулардан кечаман. Сиз-чи, ўртага нима қўйиб ўйнамоқчисиз?— деб сўрабди подшо.

— Шоҳим, Чин-Мочиндан бир чўри сотиб олганман. Ҳусну малоҳатда бу рўйи заминда унга тенг келадиган нозанин топилмас. Ҳар ким уни кўрса, ошиқу шайдо бўлиб қолади. Ҳатто унинг жамолини кўрса, ой ҳам уялади. Агар ютқазиб қўйсам, ўша гўзал чўри сизники бўла қолсин!— дебди Гул.

Кўшкидан чиққанига бир неча кун бўлгани учун чўрининг таърифини эшитган Султонсуюннинг хаёли қочиб, савдогарваччанинг гаплари қулоғига мойдек ёқибди. Ўйин бошланибди. Тортиша-тортиша ахири, Султонсуюн ютқазибди. У ўзининг қора оти билан тилла жиғасини Гулга бериб, эртаси куни яна бир қўл ўйнашга келишиб олибдилар.

Гул Султонсуюннинг жиғасини бошига кийиб, қора отини байталлари орасига қўйворибди.

Эртаси куни яна шатранж ўйнаганларида Султонсуюннинг қўли баланд келибди. Гул ўзи таърифлаган гўзал чўри қиз қиёфасига кириб, ўзини подшонинг ҳу-

зурига олиб боришиларини, уч-тўрт кундан кейин бир баҳона билан яна қайтариб олиб келишиларини канизакларига тайинлабди.

Гулга қўзи тушган Султонсуюн унинг ҳусни жамолини кўриб ҳуши бошидан учибди. Подшо уни оғушига тортмоқчи бўлган экан, Гул унинг қўлини силтаб ташлаб:

— Подшоман деб кўпам қўлингизга эрк бераверманг! Шариат қонунлари ҳаммага баравар. Мен чўри бўлсан ҳам токи никоҳингизга олмас экансиз, сиз учун номаҳрамман! — деб туриб олибди.

Султонсуюн ўзининг қўрғонида бўлганида буна-қанги қайсар қизни дарров ҳарамга солиб қўярди, аммо ҳозир ўйлаб ўтиришга фурсат қаёқда дейсиз, ноилож қолган подшо Гулнинг шартига қўнишга мажбур бўлибди. Султонсуюн никоҳ хати ёздириб, унга ўзининг муҳринни босибди-да, «чўри»нинг қўлига тутқазибди.

Орадан уч кун ўтга, эркакча кийинган канизаклардан бири подшонинг олдига келибди-да, Гул ўргатгандай қилиб:

— Султоним, мени хўжамиз юбордилар. «Мен Султонсуюннинг тоғини кийиб, отини миниб юришга лойиқ эмас эканман. Шундай шавкатли султон қандайдир зоти паст чўри билан бирга бўлиши яхши эмас. Бу гап эл-юргатга овоза бўлса, маломатга қоламиз. Шунинг учун ҳар ким ўз нарсамизни қайтиб олайлик, деб сиз улуғ зотга маслаҳат солаётирлар» — дебди.

Султонсуюн гўзал «чўри»дан ажраб қолишни истасана-да, савдогарваччанинг қўнгли учун унинг таклифига рози бўлиб, «чўри»ни қайтариб, қора оти билан тилла жиғасини олиб қолибди.

Орадан тўқиз ой, тўқиз кун, тўқиз соат, тўқиз дақиқа ўтиб Гул суқсурдай бир ўғил туғибди. Вақти соати етиб Гулнинг байталлари ҳам ўша қора отдан қулунлабдилар.

Ой ўтиб, кун ўтиб, етти йил деганда Султонсуюннинг сафардан қайтаётганилиги ҳақида гаплар тарқалибди. Гул ўзининг етти ёшли ўғлини қора отдан туғилган етти яшар тойлардан бирига миндириб, отасининг олдига чиқарибди.

Гулнинг ўғли ўзи тенги юз болага бош бўлиб, қора от устида Султонсуюнга пешвоз чиқиб, онаси ўргатгандан ҳам зиёда қилиб, одоб билан салом берибди:

— Ассалому алайкум, ота!

Султонсуюн бу ёшгина болага қараб, ҳайрон бўлиб:

— Баракалла, сен кимнинг ўғлисан? — деб сўрабди.

Отасини кўриб суюнган бола, қувончини ичига сифди-ролмай:

— Султонсуюннинг ўғлиман! — деб жавоб берибди.

Султонсуюн жаҳл билан отига қамчи босиб, қўргонга қараб от қўйибди. У Гулнинг устига бориб, заҳрини сочибди. Подшонинг қилигини яхши билган Мирали ҳам у билан изма-из келаверибди. Султонсуюн Гулдан гап-сўз сўрамай, қиличини суфуриб, хотинини чопиб ташла-моқчи бўлган экан, Мирали орага тушибди:

— Султоним! Шайтонга ҳай беринг! Қон ялаган жаллодлар ҳам бесабаб тиғ урмайдилар. Сиз аввал бун-дан гап сўранг, кейин нима қилсангиз ихтиёр ўзингиз-да, — дебди.

Султонсуюн баттар жаҳли чиқиб:

— Сиз аралашманг, Мирали! Дўстим бўлсангиз ҳам аяб ўтирамайман, — деб бақирибди.

Мирали унинг олдидা бошини эгиб:

— Подшоҳим, қиличингиз шунчалик қонсираган экан, келинг, бир эмас, икки жон сизга тасаддуқ бўл-син. Аввал менинг бошимни кеса қолинг! — дебди.

Миралига қилич кўтаришга қўли бормаган Султон-суюн ноилож яроғини қинига солибди-да, Гулга дўйқ уриб:

— Гул, агар жонингдан умидинг бўлса, ростини айт! Сен бу болани қаёқдан орттиридинг? — деб сўрабди.

Гул гўёки ҳеч гап бўлмагандай, султонга кулиб ту-риб:

— Султоним, сиз сафардалигингида бир савдогар билан шатранж ўйнаганмидингиз? — деб сўрабди.

— Хўш, ўйнаган бўлсан нима қипти?

— Ютқазгандা нима бердингиз?

— Қора отим билан тилла жигамни.

— Ютганда нима олдингиз?

— Савдогарнинг Чин-Мочиндан олиб келган гўзал чўрисини.

— Уша чўри сиздан нима талаб қилган эди?

— Никоҳ хати.

— Сиз уни никоҳингизга олдингизми?

— Ҳа, ҳатто муҳр босилган қофоз ҳам бердим.

— Сиз ўз хатингиз билан муҳрингизни танирсиз ахир?

— Хурсоңда менинг муҳримни танимаган одам борми? — деб кулибди подшо.

Гул Султонсуюннинг муҳри босилган қоғозни чи-
ариб берибди. Подшо севимли ёри Гулнинг ўзидан ҳам
стамонлигидан, Миралининг эса содиқ дўст эканлиги-
а ишониб, уларнинг олдида бош эгибди. Шу маҳал
тиб келган етти яшар ўғли ҳам қора отдан тушнб, ота-
сининг бағрига отилибди.

КИМ ҲАҚ?

Султонсуюннинг вазирларидан бирি Хурсон тоғла-
рининг остида беҳисоб бойликлар бор, шуларни қи-
дириб топиб, хазинани тўлдирмоқ керак, деб маслаҳат
берибди. Подшо ҳам бу мўмайгина бойликни қўлга ки-
ритиш мақсадида бир неча амалдорлари билан Хур-
сонга қараб жўнабди. Тоғда ёз салқин бўлишини бил-
маган Султонсуюн иссиқ кийим олмаган экан, тоғу
тошлар ичида бир неча вақт сарсон бўлиб, ҳеч нарса
тополмай, совуқда роса таъзирини еб қайтибди. Иши
юришмаганидан кўнгли ғаш бўлган подшо қўргонига
қайтиб келиб, «қандай қилсан, шу тоғнинг бойликлари-
ни қўлга киритаман экан?»— деб роса ўйладби. Кун
ўтиб, ой ўтиб, қиличини қайраб қиши келибди. Авжи
чилланинг қирчилламасида подшо элатга жарчи қў-
йиб:

— Кимки қирқта кўрпа билан шу баланд тогнинг
қорли чўққисида бир кеча ўт қаламай ётиб, эрталабгача
омон қолса, Султонсуюн ўша одамга бўйи баравар оя-
тин беради!— деб қичқиртирибди.

Қизил кўрса Хизир ҳам йўлдан чиқади деганларидек,
олтиннинг дарагини эшигтан не-не азаматлар бадавлат
бўлиш орзусида бирин-кетин чўққига кўтарилаверибди-
лар. Лекин тоғ совуғи тошдан ўтар, дейдилар. Қирқта
кўрпа ҳам тоғда тунамоқчи бўлган довюракларнинг
жонига ора киролмабди.

Тиллага қизиқиб қанчадан-қанча йигитлар бекордан-
бекорга ўлиб кетаётганини кўриб Мирали бу бемаъни
ишни тўхтатишга аҳд қилибди. У бир куни подшо ҳу-
зурига кириб:

— Жаноби олийлари ижозат берсалар, мен ҳам бир
омадимни синааб кўрсам,— дебди.

— Эсингизни еганимисиз, Мирали?! Ҳали ҳеч ким у
ерда тирик қайтгани йўқ-ку! Ё жонингиздан тўйдин-
гизми?— деб Миралини бу йўлдан қайтармоқчи бўлиб-
ди Султонсуюн.

— Султоним, ноумид шайтон деганлар. Ҳарқалай, бир урниб кўрай, бирор нарса бўлса, майли ўзимдан кўра-йин,— дея Мирали ҳам ўз сўзида қаттиқ туриб олибди.

— Мирали, менга сиз топадиган олтиннинг кераги йўқ. Сизнинг доно сўзларингиз ҳар қандай олтиндан азизроқдир менга. Кўйинг, шайтонга ҳай беринг. Ҳалиям бўлса бу бемаъни ниятдан воз кечинг!— дебди Султонсуюн.

— Бўлмаса жаноби олийлари ҳам ўз фармонларини бекор қилсинглар. Ана ўшанда мен сўзимдан қайтаман,— дебди Мирали.

Султонсуюн бундоқ ўйлаб қараса, бўлмайдиган. Фармонни бекор қиласай деса, эл олдида бебурд бўлиб қолади, йўқ деса Миралини кўзи қиймайди. Ахiri Мирали билан баҳслашиб ўтиришдан фойда йўқлигини билган подшо:

— Э, менга нима, жон сизники бўлса, боринг, чиқсангиз чиқаверинг,— дея қўл силтабди.

Подшодан ижозат олган Мирали тоғнинг энг баланд ҷўққисига чиққуича, кун ботиб, қоронги тушибди. Мирали апил-тапил кўрипаларни тўшаб, ётишга жой ҳозирлабди. У кўрпаларнинг ўттиз тўққизтасини тагига солиб, фақат биттаси билан ёпинибди. Туни билан сираям совқотмай, иссиққина ўринда мазза қилиб ухлабди. Эрталаб нарсаларни йиғиштирибди-да, изига қайтибди.

Султонсуюн эса Миралининг омон қайтишидан умидини узиб, энг яқин кишисидан ажраб қолганига хафа бўлиб, туни билан мижжа қоқмай чиқибди. Эрта билан давлатхонага келиб қараса, ҳамма вазир-вузаролар жамулжам, лекин Миралидан дарак йўқ. Подшо ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, ғамга ботиб ўтирган экан, чошгоҳга яқин Мирали саройга кириб келибди. Буни кўрган Султонсуюн аввалига жуда хурсанд бўлибди, аммо шартга кўра энди хазинадаги анча-мунча олтин қўлдан кетишини ўйлаб, бир дарди икки бўлиб, яна қовоги осилибди. У Миралининг эсон-омон қайтиб келганидан ажабланган киши бўлиб, аслида ваъда қилинган олтинларни бермасликнинг чорасини излаб сўрабди:

— Мирали, тўғрисини айтинг, кечаси бирон жойда ўт ёқилганини кўрдингиэм?

— Ҳа, шоҳим, ярим кеча қибла томондаги узоқ тоғларнинг бирида милтиллаган чироққа кўзим тушгандай бўлди,— дебди Мирали.

Шунда Султонсуюн танга топган кўрдай суюниб, ўрнидан сапчиб турибди-да:

— Эҳ-ҳа, ҳали гап бўёқда экан-да! Нега бошқаларга ўхшаб музлаб қолмабсиз десам, сиз ўша чироқ ёғусининг тафтида исиниб жон сақлабсиз. Йўқ, бунаقا келишмаганимиз-ку, ахир мен «кимда-ким ўт ёқмасдан тоғда ётиб омон қолса, ўша одамга бўйи баробар зар бераман» деганман. Мана, аркону давлатдаги жамики беклар гувоҳ, сиз айтилган шартни тўла бажармабсиз,— деб Миралига ваъда қилинган олтинларни беришдан бўйин товладби.

Мирали бу ишни асли олтин учун эмас, балки одамларни беҳуда ўлимдан сақлаб қолиш учун қилган эмасми, Султонсуюн билан тортишиб ўтирамабди.

Кунлардан бир куни Султонсуюн Миралини йўқлаттирибди. У уйида экан, навкарга:

— Султонга бориб айт, мен ҳозиргина ўчоққа ўт қаладим, қумғоним қайнасин, бир пиёла чой ичиб, дарров орқангдан етиб бораман,— дебди.

Подшо кута-кута тоқати тоқ бўлибди. Дўсти кела-вермагач, яна одам узатибди. Мирали айтувчиларнинг ҳаммасига бирдай жавоб қайтараверибди. Хуллас, Султонсуюн кута-кута кўзи тўрт бўлиб кунни кеч қилибди. Шунда у «Бунча вақтда бир эмас юз қумғон чой қайнатиб ичса бўлар эди. Бу дейман Мирали тушмагур яна мени калака қилаётганга ўхшайди! Ўзим бориб бир таъзирини бериб келай, токи кейинги сафар чақиртирганимда оёғи олти, қўли етти бўлиб югурадиган бўлсин!»— дебди-да, Миралинига қараб йўл олибди.

Бориб қарасаки, ўчоқда ўт ёниб турибди. Мирали қумғонин оловдан уч қадам нарида қўйиб, ўзи чордона қуриб бамайлихотир қараб ўтирибди. Буни кўрган Султонсуюн.

— Сизда фаросат борми ўзи, Мирали? Утдан уч қадам наридаги қумғон қанақасига қайнасин, ахир?— дебди жони чиқиб.

— Султоним, узоқ тоғда милтиллаб кўринган чироқнинг тафти мени иситгандан кейин атиги уч қадамгина оловнинг алангаси қумғонни эритиб юбормайдими ахир?!— деб жавоб берибди Мирали.

Султонсуюн бу гал ҳам енгилганилигини тан олибди.

— Мендан аччиқланманг, Мирали! Сизнинг ҳақлигингизни билар эдим, аммо яна бир бор сизни синааб кўриш учун ўша баҳонани ўйлаб топган эдим. Бўлмаса

келиб-келиб олтинларни сиздек ажойиб дўстимдан аяймами. Сиз менинг бош вазиримсиз, хазинанинг ионн-ихтиёри қўлингизда бўлса, хоҳлаганингизча олавермай-сизми?!— дебди у.

— Подшоҳимиз фақат олтинга тўймайдиларни де-сам, Миралини синааб кўришдан ҳам тўймас эканлар-да! Майли, Мирали ўлгунча қанча саволингиз бўлса бераверинг, ҳеч армонингиз қолмасин!

УЗ ЭГАЛАРИГА ҚАЙТГАН ПУЛЛАР

Мирали Султонсуон билан қалин дўст бўлса ҳам подшони бирор марта меҳмонга чақирмаган экан. Бир куни улар Миралининг уйи ёнидан ўтиб кетишаётган экан, подшо ўз вазириникига кирмоқчи бўлибди. Мирали эса индамай турган экан, бу сафар подшо жим ту-ролмабди:

— Шунча йилдан бери қадрдонмиз-у, ҳалигача би-рор марта уйингизга чақириб бир пиёла чой бермадин-гиз. Бунинг сабаби недур, Мирали?— деб сўраб қолибди.

— Эсимни танибманки, подшолик хизматидаман. Лекин жаноби олийлари ҳам бирор марта ҳолинг не-чук, қандай яшаяпсан, нима камчилигинг бор деб ах-вол сўраб эшигимдан кирганларини билмайман. Мен султоннинг кўнгиллари тортадими, йўқми деб ўйлаб, меҳмонга чақиришга ҳаддим сиғмади,— деб жавоб бе-рибди Мирали.

— Ҳақ гапни айтдингиз, аслида биздан ўтган экан, аркону давлатдаги бекларнинг аҳволидан хабар олмоқ-лик, фуқаронинг бошини силаш бизнинг бурчимиздир. Бир сойи сабаб билан келиб қолибмиз, энди хонадонин-гизни четлаб ўтмак инсофдан бўлмас. Қани, Мирали, бошланг!— дебди.

— Марҳамат, султоним!

Султонсуон ичкарига кириши билан ҳайратдан ҳангуманг бўлиб қолибди. Миралининг уйи бамисоли жойнамози йифищтириб олинган мачитдек яп-яланғоч эмиш. Подшо остона ҳатлаб ўтиб, бундоқ син солиб қараса, уйда увада кўрпа-тўшак ва эски пўстакдан бў-лак ҳеч вақо йўқ экан. Уйнинг бир бурчагида Миралининг хотини ип йигириб ўтирганмиш. Султонсуон бу уй ўзининг бош вазириники эканлигига ишонқирамай:

— Бу кимнинг уйи ўзи? — деб сўрабди,

— Бош вазириңгизники, султоним! — деб жавоб бериди Миралининг хотини.

— Ким айтади шуни бош вазирнинг уйи деб! Ҳеч бўлмаса ўтиришга ярагулик тузукроқ тўшак ҳам йўқ-ку бу уйда. Ҳеч нарсага тушунолмай қолдим, топиш тутиши бинойидек бўлса, нега энди бу қадар хараб яшайсизлар?

— Худога шукр тап-жонимиз сор. Ҳали куч-қувватдан қолганимиз йўқ, тақсир! Қўлдан келганча ишлаб турибмиз, ишқилиб, бир нави кунимиз ўтиб турибди, — дебди Миралининг хотини.

— Ахир мен эрингизга ҳар ойга юз тилладан маош тайин қилганман-ку? ӽша пулларни Мирали қаёққа совуряпти экан? — деб сўрабди.

— Сиз бераётган пуллар, ўз әгаларига қайтаётган, чиқар, султоним, — дебди бека, — Мен шу вазириңгиз нинг хонадонига келин бўлиб тушиб эски пўстак-у, ал мисоқдан қолган ана шу чархдан бошқа нарсани кўрганим йўқ.

Султонсуюн Миралига юзланиб:

— Ҳайронман, хазинабондан ҳар ой оладиган пулларни нима қиласиз? Кўча-кўйда ҳуда-бекудага пул совургунча, рўзғорни бутласангиз бўлмасмиди, Мирали? — дебди.

— Ташқарига чиқайлик, ҳаммасини бафуржа ту шунтириб бераман, султоним, — дебди.

Султонсуюн рози бўлгач, Мирали подшога дебди:

— Ҳазрати олийлари, бир шартим бор, шунга рози бўлсангиз менга берилаётган пуллар қаёққа сарф бўлаётганини ўз кўзингиз билан кўриб, билиб оласиз.

Султонсуюн ҳам бу масаланинг тагига етишга қизиқсиниб:

— Бўпти, сиз айтганча бўла қолсин, мен кўндим! Айтаверинг шартингизни, — дебди.

— Шартим, шуки, йўлга чиқишдан аввал кийим-бошларимизни алмаштирамиз, зарбоф тўн билан то жингизни менга берасиз, менинг чопонимни эса сиз кийиб олинг. Тағин, аргумоғингизни ҳам берасиз, олдинда подшога ўҳшаб юраман, сиз ҳам менинг қирчанғимни миниб изимдан бораверасиз. Иўл бўйи мендан ҳеч нарсани сўрамайсиз, — дебди Мирали.

Султонсуюн рози бўлибди.

Улар келишилгандек кийим-бошларини ва отларини алмаштириб шаҳар айланишга чиқибдилар. Юриб-юриб ахир шаҳар чеккасидаги майиб-мажруҳ гадолар, камба-

гал бечоралар яшайдиган ғарибона маҳаллалардан бирнга етиб борибдилар. Султоннинг бедовини миинб, савлат тўкиб бораётган Миралига ҳеч ким эътибор бермас, уни подшо деб ўйлаб, яқинига йўлашга қўрқишиб экан. Аммо Миралининг камтарона кийимларини кийиб олган Султонсуюнни эса оломон ўраб олибди. Кимдир отининг жиловидан тутибди, яна кимлардир унинг қўлтиғидан суюганча бардор-бардор қилиб авайлабгина ерга тушириб қўйибдилар.

— Нури дийдамиз, халоскоримиз! Мирали! Эсономон келдингизми? Умрингиз узоқ, мартабангиз бундан ҳам зиёда бўлсин, пуштипаноҳимиз! Хуш келибсиз, даврамизга марҳабо, улуғ устоз Мирали!— дея одамлар Султонсуюннинг атрофида гирдикапалак бўла бошлишибди.

— Мирали, жон биродар!— деб ёлворибди Султонсуюн,— Барака топкур мени бу оломоннинг ичидан бир амаллаб олиб чиқинг! Олаётган пулларингизни қаёққа сарфлаётганингизни энди билдим. Фуқаронинг подшоси аслида мен эмас, сиз экансиз!

Фала-ғовур бироз тингач, Мирали майиб-мажруҳ оломонга мурожаат қилиб:

— Биродарлар! Сизларнинг аҳволингиздан хабар олиш учун марҳаматли султонимизнинг ўзлари келдилар! Кўнглингизда борини ҳечам тортишмай айтаверинглар, султоним фуқаропарвар, бир сўзли одам. Нимаини истагингиз бўлса, ҳозир айтинглар, барини муҳайё қиласидилар,— дебди.

Умри бино бўлиб бу маҳаллага қадам босмаган Султонсуюннинг ўзи ғариб-ғуробаларнинг ҳолидан хабар олиш учун келганини эшитган халқ подшони яна зичроқ қуршаб олибди. Улар султоннинг этагини ўпис, сажда қила бошлишибди.

Оламоннинг фала-ғовуридан боши шишиб, ҳоли танг бўлаётган Султонсуюн яна Миралига ялиниб-ёлбора бошлабди:

— Мирали, жон дўстим, менга раҳмингиз келсин! Нима десангиз айтганингизни қиласман. Аммо мени бу ердан тезроқ олиб чиқиб кетинг. Бу ердан тезроқ кетмасак, бу оломон чумолидай ёпишиб, ҳализамон янчиб ташлайдиганга ўхшайди!

— Султоним, ҳадемай қиши келади қиличини қайраб. Бу бева-бечораларнинг тайинли бошпанаси, қишига ғамланган дон-дуни бўлмаса. Ўзингиз ўйлаб кўринг, улар қиши-қировли кунларда қандай жон сақлайдилар? Ана

шу майиб-мажруҳ, кўр ва шоллар ҳам султонимнинг фуқаролари ҳисобланади-ку! Уларни уйли-жойли қилиб, хазинангиз ҳисобига боқишга ваъда берсангиз, майли, сизни уларнинг орасидан олиб чиқиб кетайин,— деб шарт қўйибди.

Оломоннинг ғала-ғовуридан боши айланиб, кўзи тинган подшо ўзи базўр чидаб турган эмасми, Миралнинг шартига жон-жон деб рози бўлибди. Отига минаётиб эса:

— Бўпти, бўпти, сиз айтганча бўла қолсин, Мирали! Бу ғарибларнинг ҳолидан ўзим хабар олиб турман, уларнинг ҳимоячисигаям янги уй қуриб берганим бўлсин!— деб хитоб қилибди.

СУЛТОНСУОН БИЛАН ДОНО ЧЎПОН

Куплардан бир куни Султонсуюн ўзининг кўшки айвонида Мирали билан гурунглашиб ўтирган экан, гапдан гап чиқиб, подшо:

— Дўстим Мирали! Аввалам бор одамзоднинг тўрт мучаси соғ бўлсин экан. Ахир соғлом танда соғ ақл, деб бекиз айтилмаган. Ақли расо одамга устоз ҳам, илму амал ҳам даркор эмас. Бўладиган бола ақлли ота-онанинг фарзанди бўлса бас, у қишлоқда туғиладими, шаҳардами, барибир вақти келиб ҳар бир ишини эплаб кетадиган ўқтам одам бўлиб етишади, — дебди.

— Бўладиган бола бошидан маълум деганингиз тўғри, шоҳим. Аммо киши камолга етишиши учун фақат ақлнинг ўзи етарли эмас. Менимча, ўша ақлга яраша зеҳну фаросат ҳам бўлса-ю, унга билим ва тажриба қўшилса, нур устига аъло нур бўлади. Бир ақлнинг ўзи билан иш битириш қийин,— дея эътиroz билдиргандай бўлибди.

Буни эшитган Султонсуюннинг ҳам қайсарлиги тутиб кетибди. Подшо нуқул ён беришни истамай ўзининни маъқуллаб оёқ тираб туриб олибди. Мирали ҳам бўш келмай баҳслашавериди. Икковлон тортиша-тортиша кунни кеч қилибдилар, аммо масала ҳал бўлмабди.

Ўша куплари Султонсуюн сал тумов экан, кечаси билан иситмалаб, қаттиқ бетобланиб ётиб қолибди. Салласи катта, ақли калта вазиру вузаролар, алломаю икромалар, хуллас, бутун аркону давлат подшонинг атрофида гирдикапалак бўлиб қолишибди. Шаҳри Ҳирот-

нинг мана-ман деган табиблари бари йиғилиб келишибди. Кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олган Султонсуюннинг кўзига дунё тор кўриниб, табибларига илтижо қилибди:

— Мұхтарам табиблар, кўриб турибсизки, аҳволим жуда почор. Паймонам тўлган кўринади. Қимда ким дардимга дармон топса, бошидан зар сочаман. Энди бутун умидим сизлардан, бир иложини топинглар, бўлмаса, тузалиб кетишим даргумон!

Табиблар орасида кўпни кўрган, бир ёши улуғроғи бор экан, у подшонинг ёнига келиб, қуллуқ қилибди-да:

— Подшоҳи олам, ноумид шайтон деганлар, бекорга азият чекиб, кўнглингизни чўктирманг! Дард берган эгам, унинг давосиниям ўзи етказгусидир. Дунёда бедаво дард йўқ. Қаерингиз оғрияпти, айта қолинг. Дардингиз нималигини аниқлаб олсак, дарров муолажани бошлаймиз,— дебди.

Мирали табибларнинг алдамчилигини билар экан, шунинг учун унинг гапига кулгиси қистаб:

— Мавлоно, подшоҳи олам ўзининг дарди нималигини билса, сизларни чақириб бошига урамиди?— деб киноя қилибди.

Ўзининг табибларига қаттиқ ишонган Султонсуюн эса:

— Э бу дарди бедаво қаердан ёпишди, билмайман, мени бутунлай адой тамом қилди-ку! Кўкрагим билан елкаларим бамисоли игна санчилгандай зирқирайди, ўқтинг-ўқтинг кўнглим айниб, бошим оғрийди. Барака топкурлар, бир иложини топинглар,— деб яна илтижо қилибди.

Ҳакимлар бошлиғи ўзининг ёнида турган табиблар-у, вазирлар билан пичирлашиб, маслаҳатлашиб олибдида, подшонинг томирини ушлаб кўриб бошини чайқабди.

— Олампаноҳ, айтсам тилим куяди, айтмасам дилим,— дебди бош табиб,— чиндан ҳам жуда оғир қасалга мубтало бўлибсиз. Дардинг зўрлигидан мана, ҳатто кўзларингизгача қип-қизариб кетибди!

— Давоси борми, ахир, давоси!— тоқатсизланиб сўрабди Султонсуюн.

— Шоҳим, борликка борку-я, аммо уни топиш мушкулроқмикан дейманда...— дебди.

— Қимсан Хуросон ҳоқони бўлсам, менинг қўлимдан келмайдиган иш борми? Айтаверинг тортинмай, агар анқонинг уруғи бўлсаям, бир зумда топишга қурбим етади.

— Ундаи бўлса, тингланг, шоҳим! Сиз бир аҳмоқ билан бир ақлли одамнинг қонини аралаштириб, бутун аъзойи баданингизга суртсангиз, иншолло, тез кунда бу дардан халос бўлиб, тузалиб кетасиз. Бундан ўзга чора йўқ, тақсир, — дебди.

Мирали муҳрдор бўлгач, аркону давлатдаги ғаламисликларга барҳам бериб, юлғич вазирларнинг танобини тортиб қўйган экан. Шу боис у вазирлар билан чап бўлиб қолишган экан. Зимдан кек сақлаб, кўпдан бери қулай фурсат кутиб юрган қирқ вазир подшонинг касали баҳонасида шоирдан қутулиш учун шу ҳийлани ўйлаб топишган экан. Чунки Хурросон сарҳадларида Миралидан ақллироқ одам топилмаслигини шаҳри Ҳиротнинг каттаю кичиги жуда яхши билар экан-да!

Бош табибининг гапини эшигтан Султонсуон ёстиқдан бошини кўтармай, тепасида қўл қовуштириб турган ясавулбошиларига:

— Нима бало, қулоқларинг том битганими? Нега қоқкан қозиқдай серрайиб турибсанлар?! Ҳозироқ ҳар қайсининг бир гузарга қараб югур. Бу шаҳри азимда нима кўп, ақлли билан аҳмоқ кўп. Ҷарров битта аҳмоқ билан битта ақллини топиб, ҳузуримга олиб келинглар. Бўлмаса барингни дорга тортираман! — деб ўшқирибди.

Ясавулу қўрбошилар, саркардаю юзбошилар бари отига минишиб, бир хиллари пою пиёда жўнаб кетишибди. Маккор вазирлар бўлса, ҳакимлар бошлигини бир чеккага тортиб, ўғринча уёқ-буёққа қараб олиб, «Бу мулозимлар подшонинг гапини икки қилмас, ҳаш-паш дегуучча, кампир шафтолини егуича, аҳмоқ билан ақллини олдига солиб келишар. Аҳмоқ билан ишимиз йўқ, ўзи асл одамнинг сарқити аҳмоқ бўлади, ўлиб кетса садқаи сар. Аммо ақлли деб келтирган одамни бир бало қилиб нодонга чиқариб, қутқариб юборайлик. Унинг ўрнига анови маҳмадана Миралини ўлдиртирамиз. У ҳаммадан ақлли одам, десак, ҳеч ким чурқ этмас», дейишиб, маслаҳатни бир жойга қўйишибди.

Вазирларнинг нияти бузилгандан бехабар Мирали ўзича: «Элнинг куни тугасаям, бу подшоларнинг зулми тугамас экан-да! Ҳалққа шунча ситам ўтказгани етмагандай, бу аҳмоқ табибининг гапи дард устига чипқон бўлди. Шунча йилдан буён вазирлар билан ҳалқнинг қонини зулукдай сўриб келаётган подшони инеофга чақириш ўрнига, яна қонхўрликка ундинди-я, ярамас. Майли, бўлар иш бўлди, ҳадемай подшонинг мулозимлари

икки бахти қароғи тутиб келиши турган гап. Энди ўша бегуноҳ фуқароларнинг ҳаётини сақлаб қолишининг чорасини топмоқ керак», деб ўйлабди.

Подшонинг мулозимлари бозор майдонига бориб, ақлли одамни қаердан топсак экан, деб ҳайрон бўлиб туришган экан, қовун сотаётган бир деҳқонни кўриб қолишибди. Мулозимлардан бири қовунчи чолнинг ёнига бориб:

— Отахон, сиз кўпни кўрган ёшулли одамсиз. Бизнинг бир мушкулимизни осон қилиб берсангиз. Подшоҳимиз битта ақлли одам билан битта аҳмоқни топиб келинглар, деб буюрди. Бу ерга келиб, бошимиз қотиб қолди. Қаёққа қарама, ғиж-ғиж одам, бамисоли чумолининг уяси дейсан. Аммо аҳмоқ киму, ақлли ким билиб бўлмайди. Қимлиги одамзоднинг пешонасига ёзиб қўйилмаган бўлса, қандай қилиб топасан? Шу бугун айтилган одамларни топиб бормасак, подшо ҳаммамизнинг бошимизни олади. Бир маслаҳат беринг, ёшулли! — дебди.

— Э ўғлим, бу ерда аҳмоқ одам нима қилсин. Меҳнат қилиб етиштирган ҳосилининг бир қисмини сотиб, рўзгорини бутлашга ақли етган одамни аҳмоқ деб бўладими? Аммо савдосининг ҳисобини зўрға амаллайдиган бу бечора деҳқону косиб халқини ақлли дейиш ҳам қийин. Сизларга ақлли одам керак бўлса, вақт ғаниматда мадрасага боринглар. Одамнинг зап ақллиси ўша ерда бўлади. Ўша даргоҳи муборакнинг тупроғини ялаб юрган муллабаччалар орасида сизларбоп ақлдор ҳам топилиб қолса ажаб эмас,— деб маслаҳат берибди деҳқон бува.

Мулозимлар «иши анча осон кўчди», деб отларига қамчи чотиб, шу яқин ўртадаги мадрасалардан бирига борибдилар. Ичкари кириб кўрсалар, мадрасанинг барча мударрисларию толиби илмлари қишлоқларга мурид овлагани чиқиб кетишган экан-у, фақат битта талаба ўз ҳужрасида мук тушиб китоб ўқиб ўтирган экан. Мулозимлар бу ёшгина муллабаччанинг қўлини орқасига боғлаб, олдиларига солиб, оёғини ерга тегизмай, ҳайдаб кетаверибдилар. Бола пақир яроғ таққан кишиларни, кўргани ҳамоно ҳуши бошидан учиб, қўрққанидан тили, ҳалимага келмай қолган экан. Бир оз юргач, сал-пал ўзига келиб, аввалига нималарнидир ғўлдирабди-да, сўнг тўтидай бийрон бўлиб, мулозимларга ялиниб-ёлвора бошлабди:

— Жон оғалар! Мен бир бечора талабаман, ҳеч қан-

дай гуноҳим йўқ! Умрим бино бўлиб, ҳатто мусичагаям озор бермаганман. Ёш жонимга раҳм қилинглар, худо хайрингизни берсин, мени қўйворинглар!

Мулозимлар унинг доду фарёдига қулоқ соладими! Бечоранинг бошига муштлаб, икки кўзини ёшлаб, подшонинг ҳузурига бошлаб бораётидилар:

— Эгнинг юпун, бошинг ёш демаса, бу дунёда сендал ақлли одамни топиш қийин. Кўп оби-дийда қила-вермасдан, чаққон-чаққон юр, сен подшоликка лозим бўлиб қолдинг. Жон керак экан, бошқаларга ўхшаб, сайру томошага кетсанг ўлармидинг, саёҳат турганда китобга чикора. Ўз жонингга ўзинг жабр қилдинг,— талабани уриб-суріб боравердилар.

Алқисса, мулозимлардан бир нечаси бу муллавачча-ни олиб кетаверсин, энди гапни бошқа ясавуллардан эшигинг. Улар шаҳарни уч айланиб, ҳеч қаердан ахмоқни тополмай, тоза хуноб бўлиб, пиёдасининг оёғи қавариб, чорифи сўқилиб, ахири қўргон дарвозасининг олдига етганда бари йиғилиб маслаҳат қилишибди. «Шаҳардан ахмоқ одамни тополмадик, энди шу ўртадаги қишлоқларни ҳам бир оралаб кўрайлик. Зора битта-яримта пандовақи учраб қолса, подшонинг олдига бошлаб борайлик», дейишиб, қўргон дарвозасидан ташқариға чиқидилар. Улар бироз юрар-юрмас, узоқдан ашулани ванг қўйиб келаётган одамни кўриб қолидилар. Яқинроқ бориб қараб кўришса, дашт томондан бир одам келаётиди, эгнидаги чопони қирқ ямоқ, белини чилвир билан маҳкам боғлаган, бошида алмисоқдан қолган яғир чўғирма¹, кийилавериб, титилиб кетган чоригининг тумшугидан пайтаваси чиқиб турибди. Шунга қарамай, бу одамнинг жуда вақти хуш, қўлидаги эгри таёғини соз ўринида ўйнатиб, ашула айтиб келаётганиши. Ясавуллар бир четга чиқиб, индамай кузатиб туринча, ҳалиги одам йўл бўйида турган сипоҳиларгаям қарамай, ашулани варанг қўйиб ўтиб кетаётиди.

Шунда ясавуллар:

— Бу одам бориб турган аҳмоққа ўхшайди. Ўзи бир йиртиқ чопон, жулдуурвоқи бўлса, бу дарди бедавога ашула айтиши ким қўйибди? Эси бўлса ашула айтгунча қорини тўйғазиб, эгнини бутлашни ўйламасмиди?! Биз ахтариб юрган одам худди шу. Кун бўйи сарсон бўлиб юрганимизга яраша ҳарқалай шу ернинг

¹ Чўғирма — қўй терисидан тикилган телпакнинг бир тури.

ўзида ишимиз битди, дейишиб, гап йўқ, сўз йўқ ҳалиги одамни шартта тутиб олибдилар. Гала ясавул таппа ёпирилганидан бечора йўловчининг ҳуши бошидан учиб, ҳай-ҳайлаган экан, мулозимлар:

— Эй, нодон, мунча типирчилайсан?! Сен подшоликка керак бўлиб қолдинг. Ҳозир подшоҳимизнинг олдига олиб борамиз,— дейишибди.

Бу гапни эшитган йўловчи:

— Бало-қазодай ёпишгунча шундай деб қўяқолмай-сизларми. Нима гап экан деб нақ ўтакам ёрилаёздиди-ку! Подшо йўқлаган бўлса, ҳукман бориш керак экан. У зотнинг хизматини қилиш ҳаммагаям насиб этавермайди,— деб мулозимларнинг олдига тушиб жўнабди.

Хулласи калом, мулозимлар ақлли билан аҳмоқ керак бўлса мана деб ҳалиги муллабачча билан йўловчи-ни олдиларига солиб ур калтак, сур калтак қилиб, Султонсуюннинг ҳузурига келтирибдилар. Аркону давлат подшо хобгоҳида жамулжам бўлиб ўтиришган экан. Аҳволи абгор одамни кўрган Султонсуюн ёстиқдан аста бошини кўтариб:

— Эй саҳройи, кимсан ўзинг, касби-коринг нима?— деб сўрабди.

— Султоним, мен сояйи давлатингизда қўй боқиб, ризқимни териб юрган бир чўпонман,— дебди ҳалиги йўловчи.

— Жуда соз!

Чўпоннинг ёнида турган мадраса талабаси қўрққанидан дағ-дағ титрар, рангида қон қолмаган, икки юзи уч ювилган бўздек оқарив кетган эмиш. Буни кўрган чўпон таёғига суяниб туриб:

— Тақсир, бу бечоранинг гуноҳи нима, ё уям менга ўхшаб подшоликка керак бўлиб қолганларданми? Ўзи биз сизга не учун даркор бўлиб қолдик? Қандай юмуш бўлса буюраверинг, шоҳим, қўлдан келганча хизматингизда бўлайлик!— дебди.

Султонсуюн кулимсираб:

— Шунча ёшга кириб ҳалиям эсинг кирмабди-да, нодон! Иш буюрадиган бўлсам, саройимда хизматкорлар қуриб қолибдими? Гапнинг пўст калласини сўрасанг, сизларни бошқа бир мақсадда йўқлаттирдим. Уч-тўрт кун бўлди, мен бир дарди бедавога мубтало бўлганман. Сизларнинг иссиққина қонингиз дардимга шифо бўлармиш. Энди тушунгандирсан?— дебди.

Бу гапни эшитган талаба ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлаб-

ди. Чўпой бўлса, таёгига суюнганча, аввалги туришини бузмай:

— Тақсиримининг дардларига дармон бўла олсак, қанийди, сира армонимиз қолмасди. Сиздек эл оғаси учун бир эмас, юз жонни фидо қилсан ҳам оз. Аммо мен бир нарсага сал тушунмайроқ турибман, шундай катта элда иккимиздан бўлак одам топилмабди-да, шоҳимизнинг дардларига дармон бўларлик. Ёки табибларингиз фақат иккимизнинг қонимизни буюришганми? — деб сўрабди.

— Чўпон, ана шу оқ дасторли мўйсафид табибларимнинг бошлиғи бўлади,— дея Султонсуюн ҳакимлар сардорини кўрсатиб, сўзини давом эттирибди.— Юритимизда бу кишига тенг келадиган ўтқир табиб йўқ, ўзиям жуда билгич, ҳамма дардининг давоси унга аён. Шу киши менинг дардимни аниқлаб, даволаётирлар. Мен бир ахмоқ билан битта донишманднинг қонидан шифо топарканман. Шунинг учун икковингни бу ерга чақиридим. Ҳозир сизларни ўлдиртирамиз, энди имонингни ўгиравер, нодон чўпон! — деб тушунтирибди Султонсуюн.

— Унақа бўлса доно ким-у, ахмоқ ким?

— Эй бахти қаро саҳрой! Яратган эгам ақл улашганда қайси бутанинг тагида юргандинг? Ҳойнаҳой, бу ёруғ жаҳонда сенчалик калтафаҳм одам бўлмаса керак дейман. Ақлли деганимиз эса ана шу ёнингда турган муллабачча. Мадрасанинг аҳли толиблари қишлоқларни томоша қилгани кетишганда, дунё билан иши бўлмай мук тушиб китоб ўқиб ўтирган бу йигит ақлли бўлмай яна ким ақлли бўлсин?! — деб жавоб берибди Султонсуюн.

Чўпон қўрқувдан рангида қон қолмаган талабанинг бўй-бастига кўз қирини ташлабди-да:

— Тақсир, етти ўлчаб бир кес деганилар. Ишонган табибларингизнинг гапига кириб, эл-юртнинг маломатига қолиб юрманг яна,— дебди.

— Бу нима деганинг, чўпон? Бундоқ тушунтирироқ гапирсанг-чи,— дебди Султонсуюн ажабланиб.

— Олампаноҳ, ҳали мадрасанинг тўрт деворию китобдан бошқа нарсани кўрмаган, билмаган бу думбул муллаваччани донишманд деб бўлмайди. Нега десангиз мадраса талабаларининг миясида жўжакхўрознинг ақличалик ақл йўқ, улар китобга ёзилган нарсаларни ўқиши-у, мударрис берган сабоқни ёдлашдан бошқа нарсани билмайдилар. Шундай бўлгач, бу бечораларнинг

калласида ақл нима қиласи, шоҳим. Бола пақирининг гуноҳидан ўтинг, бориб китобини ўқийверсин,— дебди чўпон.

Султонсуон бундоқ ўйлаб қараса, чўпоннинг гапларида жон борга ўхшайди. У «Бечора талаба ҳали суюги қотмаган ёш бола бўлса, шунча салла-каллалар турганда она сути оғзидан кетмаган бир ўспириннинг умрига зомин бўлиш ҳам инсофдан эмас», деб ўйлабди-да, чўпонга юзланиб:

— Гапинг тўғри, чўпон. Ўлдирај десам бечора талаба ёшгина бола экан, кўзим қиймади, бўшатиб юборай десам, жон ширин. Кошки ақлли одамни топиш осон бўлса, шуниям излаб-излаб зўрга топиб келишган эди,— дебди.

— Султоним, аслида мулозимларингизнинг тайини йўқ экан. Ақлли одамни излаб шунча овораи сарсон бўлиб, ахири топғанлари шу муллавачча бўлибди-да! Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ деганларидек, энг доно, ақлдор кишиларнинг бари шундоққина ёнингизда туришибдию, билмабсиз-а? Подшоҳим, менинг билишимча, ҳар бир ишни ўз ақли билан билиб қиласиган кишини донишманд дейдилар. Шундай экан, сизнинг бош табиингиздан ақллироқ одам бўлмаса керак. Ҳатто ўзингиз ҳам уни жуда билгич деб мақтадингиз. Менинчча, дунёдаги ҳамма дарднинг давосини биладиган бош табиб ақлли бўлмай яна ким ақлли бўлсин! Агар сизга энг доно одамнинг қони даркор бўлса, ана табиб жаноблари бир эмас, минг жонини бўлсаям қурбон қилишга тайёр турибдилар,— дебди.

Чўпоннинг гапи подшогаям жуда маъқул бўлибди. У:

— Чўпон ҳақ гапни айтди. Бўшатинг муллаваччани, ўрнига бош табибни тутиб боғланглар!— деб буюрибди.

Мулозимлар мадраса талабасйнинг қўлини ечибдилар, у бечора қутулганига шукур қилиб, шоғолнинг оғзидан қочган тустовуқдай бирпаста зим-ғойиб бўлибди. Подшонинг амрига кўра унинг ўрнига бош табибни тутиб боғлабдилар. Шунда ҳакимлар сардори аюҳаннос согланича подшонинг оёғига йиқилибди, бошидаги қозондай салласи ерга тушибчуваланиб кетибди. У йифламсираб:

— Тақсир, жўжабирдай жонмиз, раҳм қилинг, болаларим сағир қолмасин! Менда ақл нима қиласи, бу хом каллада зигирчаям ақл нишонаси йўқ. Уёгини сўрасан-

гиз, бир энлик хатният келишитириб ёзолмайман,— деб ялиниб-ёлвориби.

Султонсуюн эса унга ғазаб билан:

— Сен, баччағар, шу беақл калланг билан шуқул бўлмағур ривоятларни ўйлаб топаркансан-да, а? Бир бўлди. Ҳайф сенга бош табиблик лавозими,— деб ўшқирибди-да, ясавулларига: — Ҳалиги бечоранинг ўрнига дарров ўзини сўйинглар, — деб буюриби.

Мулозимлар ўша заҳотиёқ бош табибнинг қўллари ни орқасига боғлаб, юрак-бағрини доғлаб, калласига тўрттани муштлаб, икки кўзини ёшлаб, қон ялаган жаллодларнинг ёнига бошлаб борибдилар.

Шундан сўнг Султонсуюн парқув болишларига ёнбошлаб олганча, боядан бери таёғига суяниб турган чўпонга юзланиб:

— Хўш, чўпон, нега жим бўлиб қолдинг? Сўзлайвер, қулоғим сенда,— дебди.

Чўпон эса ўша туришини бузмай:

— Подшоҳи олам, мен йилига олти қўзи эвазига етти йил давомида бир бойнинг қўйини боқиб бердим. Етти йиллик хизмат ҳақим қирқ икки қўз бўлади, шундайми?— дебди.

— Шундай, шундай,— дея бош иргаб тасдиқлабди Султонсуюн.

— Ундаи бўлса, айтингчи, ҳисоб-китобга ақли етган одам қандай қилиб ахмоқ бўлсин, шоҳим? Хат-саводим бўлмасаям, ўз ҳақ-ҳисобимга пухтаман. Ўша хумса бой сурувни қўлимга топширгандан бери қўзи тугул бир чичқоқ улоқ ҳам бергани йўқ эди. Кеча у билан ҳисоб-китоб қилиб, етти йиллик меҳнат ҳақимни ундириб олдим. Керак-яроқ нарсаларни харид қиласай, эл қатори кийим-бош қилиб, бирнави рўзгоримни бутлайн деб бозорга келаётган эдим, қўргонингиз дарвозаси олдиди турган мулозимлар гап-сўз йўқ мени ушлаб олишибди. Хизмат ҳақимни ундириб олганимга димогим чор бўлиб, ашула айтиб келаётгандим, уларни кўриб капалагим учиб кетди. Ўз ҳақини талаб қилишга ақли етган одам ахмоқ бўларканми ахир, подшоҳи олам?— деб гапини тугатибди чўпон.

Султонсуюн ҳам бироз ўйланиб туриб:

— Балли, чўпон, ҳақ гапни айтдинг! Шунча нарсага ақли етган одамни ахмоққа чиқаришнинг ўзи фирт нодонлик. Хўш, энди гапни бир бошладингми, охирига

етказ, ахмоқ одам қанақа бўлади ўзи, сен бизга ана шуни айтиб бер! — дебди.

— Подшоҳим, ахмоқ одамни қаердан топишни билмадим-у, — аммо унинг кимлигини айтиб бернишим мумкин, — дебди чўпон.

— Қани, қани, айт-чи!

— Менимча, дунёда ўғридан ахмоқроқ одам бўлмаса керак.

— Тўғри айтасан, тоғ бўрисиз, эл ўғрисиз бўлмас, аммо ўғриларни ахмоқ дейишингнинг боиси нима?

— Қинғир ишнинг қийиги бир йилдан кейин ҳам билинармиш, шоҳим. Ўғрининг бир қилмиши билинмаса, иккинчи ўғрилиги барибир билинади. Юзи шувут бўлиб, шармандаси чиққан ўғри әлатга қўшилолмай, бегона юртга кўчиб кетишга мажбур бўлади. Аммо ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, қўли эгри одам қаерга бормасин, барибир нопок ишга қўл уриб миси чиқиб, етти иқлимга овоза бўлиб кетади. Ҳалол меҳнат қилишга бўйни ёр бермай, одамлар мулкига кўз олайтирувчи ўғриларнинг қилиб юрган иши қип-қизил ахмоқчиликдир, — деб жавоб берибди чўпон.

Чўпоннинг ақллилигига қойил қолган Султонсуюн энди ўрнидан туриб ўтириб олибди-да:

— Баракалла, чўпон, отангга раҳмат! Ҳақ гапни айтдинг! — дебди.

Сўнгра эшик олдида қўл қовуштириб турган шоп мўйловли ясавулларига қараб:

— Ҳайф сиздек мулоzимларга, калла деб қовоқни кўтарниб юраверган экансизлар-да. Ақлли ким, ахмоқ ким суриштирмасдан, учраган кишини судраб келаверадими одам деган? Ҳозироқ чўпонни бўшатинглар, ўз йўлига кетаверсин. Фуқарога кун бермаётган ўғрилардан бирини тутиб келинглар, — деб буйруқ берибди.

Шунда боядан бери буларнинг ҳангомасини кузатиб турган Мирали гапга аралашиб:

— Тақсир, элда ўғриям бор, тўғриям. Ўғриларни тутиб, зинданбанд этмак жуда яхши тадбир. Аммо сизнинг дардингизга ҳеч қандай одам қони даркор эмас. Бир коса угра ошига аччиқ гармдори солиб иссангиз бўлгани, бир терлаб ухлаганингиздан сўнг бутун аъзойи баданингиздаги бор ғубор шу билан чиқиб кетади.

Эртагача ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасиз,— деб маслаҳат берибди.

Бу гап Султонсуюнгаям маъқул бўлибди. У Мирали айтгандай қилиб аччиқ угра оши буюрибди.

— Агар ижозат берсалар, бир ўтиңчим бор эди, жаноби олийларига шуни баён этсан,— деб мурожаат қилибди Мирали. Султонсуюн бош иргаб, рухсат бергач:

— Шу чўпоннинг ихтиёрини каминага топширсан-гиз,— деб қўшиб қўйибди.

— Жуда ғалати феълингиз бор-да, Мирали,— дебди Султосуюн,— уни бошингизга урасизми? Кўйинг, уни йўлдан қолдирманг, бозор ўчарини қилиб олиб, саҳро-сига қайтиб кетаверсин. Ҳамма чўпонларни саройда олиб қолаверсангиз, унда подани ким боқади?— деб подшо Миралини жеркиб берибди.

— Шоҳим, ёдингизда бўлса, бир вақтлар ақл-ид-рок борасида баҳслашган эдик...

— Тўғри, баҳслашгандик, рост, мана, ўзингиз ҳам кўрдингиз-ку, барибир мен ҳақ бўлиб чиқдим, чўпон ўзининг фоятда ақллилиги туфайли омон қолди. Шундай эмасми?— дебди Султонсуюн.

— Шундайликка шундайку-я, лекин чўпоннинг ақлия яраша фаҳм-фаросати, зеҳни ва кўп йиллик ҳаётий тажрибалари бўлмаганида, минг доно бўлмасин, қўлидан ҳеч иш келмас эди. Фурсат борида ундан сўраб кўринг-чи, чўпонликдан бошқа ҳунари ҳам бормикин?— дебди.

Султонсуюн бундай қараса, чўпон аллақачон саройдан чиқиб кетибди. Шунда подшо ўзининг бетоблигияним унутиб, ўрнидан сапчиб турибди-да, кўшк деразаси олдига қараб югурибди. Қараса, чўпон қўргон дарвазаси томонга кетаётган экан. Султонсуюн даричадан бошини чиқариб:

— Ҳой чўпон, сенинг асл касби-коринг нима ўзи?— деб қичқирибди.

— Султоним, мен саҳрова туғилиб-ўсган одамман, кўз очиб кўрганим қўра билан ўтов, беш кунлик дунёда яйловдан бошқа нарсани кўрмадим. Чўпончиликдан бошқа ҳунарим ҳам йўқ. Уёрини сўрасангиз сизнинг фармонингиз туфайли бир сойи сабаб билан саройга келиб қолдим, бўлмаса шу ёшга кириб ҳалигача остона ҳатлаб шаҳарга кирганим ҳам йўқ эди,— деб жавоб берибди чўпон.

Султонсуюн чўпонни қайтариб келиб, Миралига тоширибди. У чўпои йигитга яхши уй-жой қилиб берибди. Йигит Ҳиротнинг энг зўр олимларидан сабоқ олиб, Султонсуюн даргоҳидаги саркардалардан қилич бозлик, найзабозлик, тирандозлик сирларини ҳам пухта ўзлаштириб олибди. Миралининг ҳимоясида зўғашкарбоши бўлиб етишибди. У диловарликда Султонсуюндан қолишимас, Миралининг эса энг содиқ дўстларидан бири бўлиб қолган экан.

Саодатли Амирнини сифатлари



— Бугун ҳавода қизиқ ўзгаришлар бўлди,— деди.
Улардан бири жавоб бериб:

— Шаҳримизнинг яхшиликларидан бири шуки, бир кунда тўрт фаслнинг ҳавоси зоҳир бўлади,— деди.

Давлатли Олий ҳазрат:

— Тўғри,— деди,— бу шаҳарда бир кун бир йилдек ўтар экан.

ЎЛИГИ ҲАМ БИР БАЛО, ТИРИГИ ҲАМ!

Мусиқий фанида даврининг ягонаси Мавлоно Алишоҳ бир куни давлатли Олий ҳазратга арз қилиб, сизнинг илтифотингиздан ва марҳаматингиздан умид шуки, вақф бошқарувчилари олти ойлик маошимни бирданига берсалар, ҳар ойда хизматчиларга бош оғриқ бўлиб юрмасам, деди.

Олий ҳазрат жавоб бериб:

— Мавлоно,— деди,— умримиздан олти кун қолганими, йўқми, бизга мъълум эмас, сиз нима учун омонат ҳаётга бу қадар катта эътиқод қилиб, келажак олти ойлик маошни талаб қиласиз?

Мавлавий жаноблари:

— Сиз фармон беринг, у пулларни бераверсинлар, борди-ю, ўлиб қолсам, гўр-кафанимга яраб қолар,— деди.

— Ўлиги ҳам бир бало, тириги ҳам бир бало, дегани сиз экансиз-да,— деди олий Ҳазрат.

ОТИНГИЗНИ ШУНДАН ОРТИҚҚА ОЛМАДИЛАР

Бир куни саховат майдонининг эгаси бурунги зариф ҳимсалардан ўзининг қизиқ кўриниши ва ажойиб сўзлари билан мумтоз ва мустасно бўлган Мавлоно Шаҳобиддин Мудаввинга, марҳамат юзасидан, юз тангага арзирли бир от инъом қилди. Бу илтифот муносабати билан, мавлавий ўзини Олий ҳазратнинг хос кишилари қаторида ҳисоблаб, хизмат ва мулозаматни ҳаддан ошириб юборди.

Масалан, ҳар қачон отга миниб бирор жойга борилса, бу ҳам хизматда бўлар, қайтиб уйга келганда, уй эшигидан бир нафас нарига силжимас эди. Шу сабабли, лутф ва карам манбай ундан жуда тангликка келди. Бироқ ўзининг олий ҳулқи унинг дилини оғритишга ва очиқдан-очиқ ўз мулозаматидан қайтаришга йўл қўймас

ЮЗ БАЙТИ БИР ПУЛ ЭҚАН-ДА!

Бир куни соф кўнгилли Амир фасоҳат ва зарофат бобида замон шоирларининг пешқадами Хожа Осафийга насиҳат қилиш учун муборак тилини баёнга келтириб, айтди:

— Мен сенга ҳайрон бўламанки, ўткир зеҳнинг ва баланд таъбинг бўла туриб, шеър айтиш билан кам шуғулланасан, ҳамма вақтингни фойдасиз ишларга сарф қиласан.

— Ҳозирги фурсатда борган сари кўпроқ шеър айтишга машғул бўлаётирман. Масалан, ўтган кечак икки пуллик шам ёниб битгунча, икки юз байти айтдим,— деди у.

Олий ҳазрат:

— Демак, у тизмаларингнинг юз байти бир пул экан-да!— деди.

БЎЙИННИ ҲАМ ЮКДАН ХАЛОС ҚИЛИНГ

Мавлоно Соний золим киши эди. У бир қанча вақт вазирлик даражасига кўтарилиган эди. Бошига катта салла ўради. Хуллас, унинг ёқимсиз қилиқлари Соҳиб-қироннинг қуёшдек нурли дилига равшан бўлгач, унга ғазаб қилиб, бошидан салласини олиб ташлашни буюрди. Ҳазрати Амир ўша ернинг ўзида подшога юзланиб, шундай дедилар:

— Бош юкини енгиллатдингиз, энди бўйин юкини ҳам енгиллатинг!

БИР КУН БИР ИИЛДЕК ҮТАР ЭҚАН

Бир вақтлар Астробод ўлкаси Амирнинг адолатлари соясида фаровон ва обод эди. Бир куни ҳавода турлича ўзгаришлар пайдо бўлди. Амир ўз ҳузурида бўлган баъзи бир вилоят катталарига қараб:

К А М Т А Р Л И К

Султони Соҳибқирон салтанати тонгининг дастлабки ёриша бошлаган даврларида, шоҳ сифат амирга амирлик девонида муҳр босишини таклиф қилди. Ул ҳазрат, бу мансабга ўзининг майли йўқлиги туфайли, подшога арз қилди:

— Ҳозирда мен навоб¹ ва ичкиларингиз жумласидан ҳисобланаман. Расм-русумга риоя қилиб турмай, ҳамма амирлардан юқорида ўтираман. Агар амирликни қабул қиласам, тўралик тарийқасига риоя қилиш йўли билан барлос катталари мендан юқори туришлари керак бўлади, бу ҳолда у мансаб менинг мартабамни пасайтирган бўлади; умид қиласманки, мени муҳр босишдан қутқарсалар, шу билан хизмат ва мулозимат ишлари осойишталик билан бажариб турсам.

Дўстпарвар Соҳибқирон жавоб бериб, деди:

— Қобилиятли қоматингизни амирлик сарпоси билан безамаслигим мумкин эмас. Сиз айтганча, бу мансабни қабул қилгандан кейин барлос амирлари мендан юқори ўтирадилар, деган гап ҳам нотўғридир. Чунки Султон Бадиуззамондан бошқа умародан ҳеч ким сиздан юқори бўлмасин, деб ҳукм чиқараман. Лекин сиз билан дўстлик ва яқинлик даъвосида бўлган Амир Музаффар барлосга, агар хоҳласангиз, сиздан илгари муҳр босишга рухсат берсангиз, йўқ десангиз ҳам ихтиёр ўзингизда.

Қисқаси, Олий ҳазрат подшоҳ илтимосини қабул қилгандан кейин ул ҳазрат билан Амир Сайд Ҳасан Ардашер бир кунда жубба ва кулоҳи наврўзий кийиб, муҳр босишлири муқаррар бўлди. Барчанинг хаёлида, подшо ҳукмига мувофиқ, тадбирли Амир ҳаммадан юқорига муҳр босади, деган фикр айланар эди. Бироқ ўша куни, одатга мувофиқ, ул ҳазратнинг олдига яхши кунда муҳр босиш учун нишон олиб келдилар. Ул ҳазрат нишонни Амир Сайд Ҳасанга берилсин, аввал у киши муҳр боссин, дедилар. Амир Сайд Ҳасан эса, ҳурмат изҳор этиб, нишонни яна Амирга қайтарди. Ул ҳазрат қофозни олиб, ўша камтарлик юзасидан шундай жойга муҳр босдики, ундан қўйироққа ҳеч ким муҳр босолмади.

¹ Саройга хос киши маъносида.

эди. Шу сабабли хизматчилардан бири, Амирнинг буйруғи билан; ўғирлик тариқасида унинг томонига йўлланди ва отини олиб, тезлик билан бозорга келтириб сотди. Мавлавий у одамни ҳақиқатдан ўғри деб ҳисоблади, унинг орқасидан қидириб, икки тош йўлини пиёла босди, отдан ҳеч асар топмагач, бу воқеадан ҳайрон бўлиб, иззат денгизи Амирнинг ҳузурига югурди ва ўзининг саргардонлик кайфиятини арз қилди.

— Биз отингизнинг баҳосини берамиз. Шу шарт биланки, бундан сўнг от сақламайсиз ва отга мингани чоғимизда бизга ҳам бош оғриғи бўлмайсиз,— деди Олий ҳазрат.

У қўнганлигини билдириди. Шу чоқда Амир:

— Маълум миқдор ақчани мавлонога берингиз,— деди, ҳийлакорлик қилган киши унга тўқсон тўрт танга санаб берди. Мавлавий таажжубланиб:

— Инъом қилинган ақча юз танга бўлиши керак, нима сабабдан олти танга кам?— деди. Ҳозир бўлганлардан бири:

— Отингизни шундан ортиққа олмадилар,— деди.

УСТОЗ ЭҲТИРОМИ

Агарчи Олий ҳазрат ўз қобиلىятларининг кўплиги ва зеҳний қувватининг ортиқлиги жиҳатидан ҳар икки тилда, яъни туркий ва форсий шеърлар мұяссар бўлса-да, унинг ўткир таъбининг мойиллиги форсчадан кўра туркийчага ортиқроқ эди.

Мавлоно Лутфий сўз лутфида ягонаи даврон эди. Ундан илгари ҳеч ким туркий тилда шеърни ундан яхшироқ айта олмаган. Олий ҳазрат, ёшлари эндигина тўлиб, йигитлик даври бошланган пайтларда, бир куни Лутфий хизматига борди. Лутфий, ўз нозик фикрларингизнинг натижаларидан юзага чиққан бир ғазални ўқиш билан бизни баҳраманд қилсангиз, деб илтимос қилди. Ул ҳазрат бир ғазал ўқиди, унинг матлаи мана шу:

*Оразин ёпқоч, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш.*

Мавлавий жаноблари бу алангали ғазални әшитини билан ҳайрат дengизига чўмиб, шундай дейди: «Воллоҳ, агар мұяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмаштирадим ва бу ишнинг юзага чиқишини зўр муваффақият ҳисоблардим».

бориб, уни уяси оғзига қўйдим ва озор етказиш ташвишидан қутулдим.

Олий ҳазратнинг хизматидагилар бу ҳикояни эшитгандан кейин унинг гоят раҳмдиллигидан ҳайрат денигизига чўмдилар ва тилларини раҳматлар айтишга очдилар.

ЧОДИРГА ИН ҚУРГАН ҚУШ

Соҳибқирон бир йили Марв шаҳрида қишлиганинг паноҳи ҳам бирга эди. Бир ғуррак Олий ҳазратнинг чодирига кириб юрди, ҳеч ким унга халақит бермагани учун, у ерга уя ясаб, тухум ҳам қўйди. Сайёralар подшоҳи (қуёш) Ҳут қишлоғидан иззат ва шараф манзилига юриш қилгач, Султони соҳибқирон ҳам Ҳирот пойтахтига йўналмоқчи бўлди. Ғуррак эса ҳали тухумни очмаган эди. Давлатли Олий ҳазратнинг зотий шафқат ва табиий марҳамати шуни тақазо қилдики, ғуррак тухум очиб, болаларини катта қилгунча чодирни қимирлатмай, шундай қолдирилсин, бинобарин, Ҳожа Ҳасан Баҳтиёрга у чодирни муҳофазат қилиб туришни ва ғуррак болаларини учирақ қилгандан кейин хизмат ҳақи учун чодирни ўзи билан олиб келишини буюрди. Мазкур Ҳожа ҳам бу ишни қабул қилиб, у жонивор ўз болаларини катта қилиб олиб кетгунча кузатиб турди.

ТИЛАНЧИ

Султони Саид замонида бир куни шавкатли Амир қаҳрамон Муҳаммад Абу Саид билан Боги Сафидда саир қилиб юрган эди. Шу пайтда Паҳлавон Муҳаммаднинг танишларидан Юсуф номли бир киши учраб қолди, вазирларнинг баъзисидан шикоят қилиб, улар сувимни зўрлик билан олдилар, мен бу воқеани Мирзога арз қилғали келган эдим, ясавуллар унинг олдига киришга қўймадилар, ваҳоланки, менинг аҳволимнинг ноҷорлиги шу даражадаки, ҳар куни шилон вақтида ҳар кимдан бир миқдор нонни тиланчилик билан олиб, шу билан кун кечираман, деди.

Ул ҳазрат унга қараб шу пайтни ўқидилар:

Подшо эшигидан нон тилаган тиланчи,

ўз суби билан қўлини ювиб қўлтиғига урмоғи керак!

ЗУККОЛИК

Бир навбат Султони Саид амирларидан бир тўдаси Жаҳ-жаҳ атрофида Султони соҳибқирон аскарларидан бир бўлагини урушдан сўнг асир олиб, ўлдириш ва бошларини ўз подшоларига юбориш учун уларни ўзаро тақсим қилиб олдилар.

Ҳазрати султоннинг яқин дўсти ва давлатли Олий ҳазрат Мирзобек Амир Султон Ҳасан Арҳангий ўғли билан бирга ўша аскаргоҳда эди. Қисқаси, асиrlарнинг икки нафарини Амир Султон Ҳасанга олиб келдилар, у ерда амирнинг ўзи йўқ эди. Олий ҳазрат шу жойда Мирзобек билан ўтиришган эди. Хабарчи у икки кишини келтириб, дарҳол ҳар иккисини ўлдириб, бошларини юборингиз, деди. Олий хулқли Амир бу ҳолни кўриб, аҳволи ўзгарди ва Мирзобекка, мен уруш майдонининг фалон жойида бир ўлдирилган кишини кўрдим, жаллодга бир-икки танга беринг, унинг бошини келтирсинг, асиrlардан бирининг ўrniga ўтказсан, деди. Мирзобек эса буйруқقا амал қилиб, бу билан Олий ҳазрат бир кишини қутқарди. Энди иккинчисини қутқариш фикрида эди, шу пайтда тўсатдан хаабарчи келиб, амирнинг бирини ўлдирмангиз, бир бош етади, деди. Шунга биноан, уруш майдонидан келтирилган бир бошни топшириб, ҳар икки кишини озод қилиб юбордилар.

ЧУМОЛИ

Бир куни ҳидоят насабли Амир аср номозини адо қилгандан сўнг, кундалик одатга қарши, намозда бўлмаганларни суриштиришга киришмай, тез суръат билан ўзининг хусусий боқчасига қараб йўлланди ва бирор жойда тўхтамасдан етиб борди. У чоқда Амир олдида бўлган одамлар ҳайрон бўлишди. Олий ҳазрат улардаги бундай фикрни англааб, гавҳар сочувчи тил билан шундай деди:

— Мен масжидга келаётганимда фалон жойда таҳорат қилган эдим, намоз сафида турганимда елкамда бир чумоли кўрдим.. Билдимки, таҳорат қилган жойимда, у менга илашган экан. Мободо у менинг елкамдан тушиб, озор топса ва ўз уясининг йўлини тополмаса ва шу сабабдан уволига қоларман, деб қўрқдим. Шунинг учун намоздан кейин тезлик билан таҳорат олган жойга

ТҮПЛАМГА ҚИРИТИЛГАН РИВОЯТЛАР МАНБАЛАРИ:

АЛИШЕР БИЛАН БУЛБУЛ

1. Алишер билан булбул. «Алломалар ибрати», Тошкент, Ёш гвардия», 1982, 65—66- бетлар.
2. Бош ва қилич. Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институтининг фольклор архиви, инв № 4637.
3. Бир матлаъ тарихи. «Доно Алишер», Тошкент. «Ёш гвардия», 1968, 9—14- бетлар.
4. Тўрт донишманд. (Манбада «Тарихдаги тўрт донишманд киши»). «Доно Алишер», 30—32- бетлар.
5. «Навоий ўтди кўчангдан». «Алломалар ибрати», 29—32- бетлар.
6. Доно савдогар. (Манбада «Навоий билан чўпон»). «Ойжамол», Тошкент, F. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969, 212—213- бетлар.
7. Алишер Навоий ва унинг севган қизи. «Ойжамол», 217—218- бетлар.
8. Тулпор насли. (Манбада «Тулпорнинг насли қайси зотдан?»). Айтувчи: Хайрулла бобо Файзуллаев. Бухоро вилояти, Қоракўл депараси, Жигачи қишлоғи. Ёзиб оловчи: М. Жўраев.
9. Энг кучли неъмат. (Манбада «Тухум туз билан тотли»). Айтувчи: Хайрулла бобо Файзуллаев, Бухоро вилояти, Қоракўл депараси, Жигачи қишлоғи. Ёзиб оловчи: М. Жўраев.
10. Эркисиз шоҳдан эркин гадо афзал. Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти фольклор архиви, инв № 3918, ёзиб оловчи С. Умаров.
11. Алишер Навоий билан қози калон. Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти фольклор архиви, инв. № 3362, ёзиб оловчи: М. Муродов.
12. Алишер билан шайх. Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти фольклор архиви, инв. № 4731. Ёзиб оловчи: Н. Сабуров.
13. Мир Алишер билан касал. Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти фольклор архиви, инв. № 4679. Ёзиб оловчи: Н. Сабуров.
14. Мир Алишер чизган сурат. Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти фольклор архиви, инв. № 4677, ёзиб оловчи: Н. Сабуров.

15. Мир Алишер билан Султон Ҳусайн. «Олтии олма», Тошкент, F. Гулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968, 328—330- бетлар.
16. Алишер Навоий кимни ёмон кўрган? «Ойжамол», 217- бет.
17. Қаерда чивин йўқ? «Олтии олма», 31- бет.
18. Ҳаддингдан ошсанг, мозорга бор! С. Умаров. Ривоят ва ҳаёт. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1988 йил.
19. Алишер Навоий билан ямоқчининг ўғли. «Ойжамол», 217—218- бетлар.
20. Дунёда нима лаззатли? «Ойжамол», 216—217- бетлар.
21. Алишер билан деҳқон. Айтувчи: Хайрулла бобо Файзуллаев, Бухоро вилояти, Қоракўл депараси, Жигачи қишлоғи, ёзиб оловучи: М. Жўраев.
22. Шарафли бурч. Ҳ. Сулаймонов номидаги қўллэзмалар институтининг фольклор архиви, инв. № 4637.
23. Уч ёмоннинг таърифи. Ҳ. Сулаймонов номидаги қўллэзмалар институти фольклор архиви, инв. № 4637.
24. Дунёдаги энг яхши ҳидди келтиринг! М. Муродов. «Сарчашмадан томчилар», Тошкент, 1984, 5—6- бетлар.
25. «Олиб келинг!» М. Афзалов. «Навоий ҳақида афсоналар», «Қизил Ўзбекистон», 1948, № 92, 9 май.
26. Отлар оёғи билан сув ичаверсин!. ЎзССР ФА Тил ва адабиёт институти фольклор архиви, инв. № 884—1/22.
27. Бош ва тил. ЎзССР ФА Тил ва адабиёт институти фольклор архиви, инв. № 884—1/23.
28. Яхшидан боғ қолади. Айтувчи: Хайрулла бобо Файзуллаев, Бухоро вилояти, Қоракўл депараси, Жигачи қишлоғи, ёзиб оловучи: М. Жўраев.
29. Кўрпангизга қараб оёқ узатинг-да, шоҳим. (Манбада «Кўрпангга қараб оёқ узат»). ЎзССР ФА Тил ва адабиёт институти фольклор архиви, инв № 884—11.
30. От нимага кулди? ЎзССР ФА Тил ва адабиёт институти фольклор архиви, инв. № 607.
31. Боларилар. «Тошкент оқшоми», 1968, 11 март. Айтувчи: П. Қаюмов, ёзиб оловучи: М. Муродов.
32. Тўғри жавоб. «Тошкент оқшоми», 1968 йил, 11 март. Айтувчи: Деҳқонбой Ҳамроқулов, ёзиб оловучи: М. Муродов.
33. Зиёд ботир. «Доно Алишер», 51—72-бетлар.
34. Таандир қуролмаган уй қуролармиди? «Доно Алишер», 45—48- бетлар.
35. Худо сақласин! «Доно Алишер», 40—43- бетлар.
36. Юрт қоровули. «Доно Алишер», 35—40- бетлар.
37. Ҳозиржавоб шоир. «Алломалар ибрати», 48—49- бетлар.
38. Дијором билан китобий муомала. «Доно Алишер», 14—17- бетлар.

39. Доно Алишер. «Алломалар ибрати», 25—29- бетлар.
40. Она сути. «Алломалар ибрати», 60—63- бетлар.
41. Қизлар ҳазили. «Алломалар ибрати». 50—53- бетлар.
42. Ғазал тили билан. «Алломалар ибрати», 67—68- бетлар.
43. Алишер Навоий билан Биноий. «Алломалар ибрати», 66- бет.
44. Биноийдек бўлиб қолишади. УзССР ФА Тил ва адабиёт институти фольклор архиви, инв. № 1736/9.
45. Булбул навоси. УзССР ФА Тил ва адабиёт институти фольклор архиви, инв. № 1736/11.
46. Гап навосида. «Алломалар ибрати», 68- бет.
47. Ғазал тўқинш ҳам иш эканими? «Алломалар ибрати», 32—40-бетлар.
48. Адолат. Ҳ. Сулаймонов номидаги қўллўзмалар институти фольклор архиви, инв. № 4636.
49. Бирни кессанг, ўнни эк! Ҳ. Сулаймонов номидаги қўллўзмалар институти фольклор архиви, инв. № 4637.
50. Қайси пичоқ подионики? Айтувчи: Эшон бува Абдиев, Бухоро вилояти, Олот депараси, Қалинин номли колхоз. Ёзиб олувчи: М. Жўраев.
51. Қийинкинг туёғи қаёқда-ю, қулоги қаёқда? «Доно Алишер», 32—33- бетлар.
52. Нуқтанинг қудрати. «Алломалар ибрати», 66—67- бетлар.
53. Шоир жиловдори. «Алломалар ибрати», 69—71- бетлар.
54. Одами эрсанг... «Алломалар ибрати», 53—56- бетлар.

ҲОЗИРЖАВОБ МИРАЛИ

(Алишер Навоий — Мирали ҳақидаги туркман халқ ривоятлари
Маматқул Жўраев томонидан ўзбек тилига ўғирилган)

1. Миралининг отаси кўрган юлдуз. Б. Кербобоев. Эсерлар теплумы. 4- т. Ашгабад. 1959, 219—293- бетлар.
2. Мирали билан Султонсуюн — «Миралы ве Солтансейун», «Совет эдебияти», 1948, № 5, 45—50- бетлар.
3. Мирали билан савдогар. Б. Кербобоев. Кўрсатилган асар, 304—306- бетлар.
4. Пати юлинганди товуқ —«Сырлы хазина», Ашгабад. 1985, 179—186- бетлар.
5. Тошдан ҳам телпак тикиб бўладими? «Сырлы хазына», 174- бет.
6. Қим аввал кўрди? Б. Кербобоев. Кўрсатилган асар, 324—329- бетлар.
7. Гул билан Султонсуюн. Б. Кербобов. Кўрсатилган асар, 330—336- бетлар.

8. Ким ҳақ? Б. Кербобев. Кўрсатилган асар, 337—338-бетлар.
9. Ўз эгаларига қайтган пуллар. Б. Кербобоев. Кўрсатилган асар, 341—342-бетлар.
10. Султонсуюн билан доно чўпон. «Мыралы ве Солтоңсейун», 52—55-бетлар.

САОДАТЛИ АМИРНИНГ СИФАТЛАРИ

Тўпламнинг бу қисмидаги ҳикоятлар улуг тарихчи бобомиз Ҳондамир қаламига мансуб «Макоримул ахлоқ» («Яхши хулқлар») асарининг 1968 йилги нашридан саралаб олинди.

Для детей младшего школьного возраста

СБОРНИК

ПРИТЧИ ОБ АЛИШЕРЕ НАВОИ

*Народные притчи
На узбекском языке*

*Мусаввир Л. И б р а г и м о в
Расмлар муҳаррири А. М а ҳ к а м о в
Саҳифаловчи муҳаррир Е. Т о л о ч к о
Мусаҳҳиҳ Р. Файз*

ИБ № 0366

Босмахонага 10.10.90. берилди. Босишга 26.12.90.
рухсат этилди. $84 \times 108\frac{1}{3}$ форматда. Босмахона қо-
ғози. Адабий гарнитураси. Юқори босма усулида
босилди. Шартли босма л. 8,4+0,42 вкл. Шартли
ир—оттиски 9,03. Нашр л. 8,08+0,45 вкл. 50000 нус-
хада. № 19—90 шартнома. № 197-буортма. Баҳо-
си 1 с. 40 т.

«Чўлпон» нашриёти, 700083. Тошкент шаҳри, ГСП.,
«Правда» газетаси кўчаси, 41.

Ўзбекистон ССР Давлат матбуот комитети Янги-
йўл китоб фабрикаси, Янгийўл шаҳри, 702800,
Самарқанд кўчаси, 44.